



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТўПЛАМИ

УН ТўҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,  
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,  
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН САҚКЗИНЧИ ТОМ

ПУБЛИЦИСТИКА ВА АДАБИЁТШУНОСЛИККА  
ОИД АСАРЛАР  
ТУГАЛЛАНМАГАН АСАРЛАР  
МАТЕРИАЛЛАР

ТОШКЕНТ — 1981

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

*Зарифа САИДНОСИРОВА,  
Наим ҚАРИМОВ,  
Раъно ИБРОҲИМОВА*

Масъул муҳаррир:

*Наим ҚАРИМОВ*

○  $\frac{70403-1468}{М 355(04)-81}$  135—80 4702570200

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1981 й.

ПУБЛИЦИСТИКА  
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИККА  
ОИД АСАРЛАР



### ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ «ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН» ШЕЪРИЙ РОМАНИ ТАРЖИМАСИНИНГ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЙГИЛИШИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Ўртоқлар! Мен бу ерда узоқ сўз билан сизнинг қимматли вақтингизни олиб ўтирмайман. Сўзлайдиган бўлсак, сўз кўп, лекин вақт етишмайди. Бунинг устига, кўп ўртоқлар «Евгений Онегин»нинг таржимасини ўқиб келганлар; уларнинг ушбу таржима тўғрисида ўз фикрлари бор. Шунинг учун уларга вақт қолдириш керак.

Ҳаммага маълумки, А. С. Пушкиннинг энг қимматли ва ўлмас асарлари орасида «Евгений Онегин» шеърий романи алоҳида ўрин эгаллайди. Пушкинга қадар рус адабиёти Европа халқларининг адабий ижодиёти эришган даражада эмас эди. Пушкинга қадар бўлган рус адабиёти инглиз, француз ва немис адабиётлари сингари ўзининг йирик асарлари билан жаҳонга танилган эмас эди. Пушкин ўзининг доҳийлиги билан рус адабиётини дунё адабиёти йўлига олиб чиқди.

Пушкинга қадар ҳукм сурган адабиёт классицизм адабиёти эди. Пушкин бу адабиётнинг қотиб қолган томонларини бузиб, рус адабиётини янги ғоялар даражасига кўтарди. Шубҳасиз, Пушкин ўз ижодининг биринчи даврида классицизмдан четга чиқа олмади. Унинг дастлабки асарларида классицизмнинг таъсири аён кўринади.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Европа адабиётида кенг тарқалган адабий оқим эса романтизм эди. Европанинг энг катта ва буюк шоирлари— Байрон ва бошқалар романтик шоирлар эдилар. Шухрати бутун Европага ёйилган Байроннинг асарлари Пушкинга таъсир кўрсатмай қолмади. Пушкин Байрон таъсирида романтик асарлар, романтизм руҳи билан суғорилган поэмалар яратиб, рус адабиётини классицизм қучоғидан юқори босқичга олиб чиқди. У ўзининг

«Лўлилар» ва «Кавказ асири» каби поэмаларида романтик хусусиятларга молик бўлган қаҳрамонлар типини яратди. Лекин Пушкин кучли одамни, исёнчи бир гуруҳни тараннум этиш билангина чекланиб қолмай, жамиятдан қочишга интилган шахслар ҳаётини ҳам кўрсатди. Масалан, «Лўлилар» ва «Кавказ асири»да у жамият нормаларидан ўзини олиб қочган, умуман ҳукм сурган тартибни инкор этган қаҳрамонларнинг тушунчасига қарши лўлиларнинг ва Кавказ халқларининг сарбаст, озод, шунинг билан баробар жуда қаттиқ тирикчилигини ва унинг табиатга жуда яқин туришини тасвирлади.

Лекин Пушкин фақат романтик мотивлар билан чегараланиб қолиши мумкин эмас эди. Чунки у ўз давридаги асосий ижтимоий воқеалар, чунончи Европадаги буюқ тарихий жараёнларга бефарқ қараб тура олмас эди. У гарчанд дворянлар синфига мансуб бўлиб, юқори кибор муҳитида яшаган бўлса ҳам ўзини кишанда ҳис этган, самодержавиега қарши бир позицияда турган. Реал турмуш ҳодисаларини таҳлил этиш, ҳаётга яқин туриш, мамлакат экономикасида, сиёсатида бўлаётган ўзгаришларни билдириш, Россиядаги турли халқлар ҳаётини солиштириб кўриш Пушкин жанубга қайтгач, кучли бир шакл олган. Турмушдаги ўзгаришларни текшириш жараёнида Пушкин аста-секин романтизм мотивларини енгиб, умуман реалистик йўлга киради. «Кавказ асири» ва «Лўлилар»да Пушкин тамоман романтик бўлган, байронизм фикри ва туйғулари билан тўлган бўлса, у «Борис Годунов» ва «Евгений Онегин»да романтизмни енгиб чиқишга, ўз ижодининг иккинчи босқичига кўтарилишга муваффақ бўлган.

Демак, «Евгений Онегин» Пушкиннинг байронизм кайфиятларидан қутулишини кўрсатади. Пушкин «Борис Годунов» ва «Евгений Онегин»да ўксинган, жамият ҳаётидан қочган одамларни кўрсатишдан ташқари, шахснинг умуман жамият ҳаётида тутган ўрнини ва ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришдаги ролини очишга ҳам интилади. Демак, унинг ижодида реалистик тенденциялар кучаяди.

«Евгений Онегин», умуман бутун танқидчиларнинг ва рус адабиёти мутахассисларининг фикрича, рус поэзиясида энг юқори асардир. В. Г. Белинскийнинг айти-



шича, «Евгений Онегин» — эпохал асар, рус ҳаётининг энциклопедияси.

Бир жиҳатдан қараганда, «Евгений Онегин»нинг сюжети содда. Асарда дворян оиласида туғилган, юқори муҳитга мансуб бўлган ёш йигитнинг тарбияси ва ўсиши кўрсатилади. У ёшлик вақтида жуда енгил-елпи тарбия олади, ҳатто уни француз муаллими бирор жиддий фанга ўргатмайди, ҳар бир соҳадан чўқиб-чўқиб дарс беради. Бола зерикмасин, деб дарсга анча ҳазил нарсаларни қўшиб, тарбия қилади. Онегин ўспирин бўлганда, ўша даврдаги аристократик ҳаётнинг кайф-сафосига қараб кетади. Мана шу муҳит Онегиннинг характерини секин-секин шаклга солади. Бутун дунёдан Онегиннинг кўнгли совийди. Эски муҳит, умуман айш-ишратдан бошқа нарсани билмаган муҳит уни шу турмушни инкор қилишга олиб келади. Кейин у қишлоққа боради. У қишлоқда Германиядан ўқиб қайтган Ленский билан, камбағал бир помещик оиласидаги қизлар билан танишади. Ишқий воқеа натижасида Онегин билан Ленский орасида жанжал бошланиб, у Ленскийнинг ўлими билан тугайди. Бу воқеадан кейин Онегинни яхши кўрган Татьяна Москвага боради. Унинг синглиси Ольга эса бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетади. Энг кейинги бобда дуэль воқеасидан кейин Онегин саёҳатга чиқади. У саёҳатдан қайтиб келгач, Татьянани кўриб, уни севиб қолади. Татьяна дворян муҳитида ва сарой атрофидаги шахслар ўртасида катта обрў қозонган, кўркам аёл бўлиб кўринади. Онегин эски вақтда Татьянанинг муҳаббатини рад этган бўлса, энди унинг ўзи Татьянага муҳаббат изҳор этади. Татьяна ўзининг бошқа бир кишига содиқ эканлигини билдиради.

«Евгений Онегин»нинг буюк ва даврий бир асар бўлишининг, бутун бир халқ ҳаёти энциклопедияси бўлишининг сабаблари бор. Асарда киши диққатини энг кўп жалб қиладиган шахслар Онегин, Ленский, Татьяна ва Ольгадир.

Онегин ким? Онегин дворян ишратига, кайф-сафосига буткул шўнғиб кетиб, шу ҳаётни тамом инкор қилган бир тип ҳолда кўринади. Бу асарнинг чуқурлиги шундаки, Пушкин бутун бир синфнинг, юқори табақанинг ҳаётини жуда типик равишда, жуда кристаллашган образ орқали мужассамлаштиради, шахс билан ижтимоий

синфлар орасидаги муносабатларни поэтик воситалар билан кўрсатади.

Онегин характерининг шаклланиши ва унинг ўзгариши тўғридан-тўғри у яшаб турган даврга, у яшаб турган муҳитга боғлиқдир. Онегин, Пушкиннинг айтишича, «зийнат ҳам ўйин боласи»: у дунёда энг порлоқ, энг дабдабали ҳаёт суради. Ёшлик чоғларида француз мураббийлари қўлида тарбия топади. Катта бўлгандан кейин юқори табақа кишиларигагина мумкин бўлган, порлоқ, зийнатли ҳаётга ўтади. Энг яхши, энг кейинги мода билан кийинади. Париж ва Лондонда чиқадиган безак асбоблари билан уйини безайди. Кундуз кунлари пешинга қадар ухлаб, кечаси бутун вақтини бал ва зиёфатларда ўтказиши.

Мана шундай муҳитда яшаган ёш йигит кейин-кейин бориб, шу муҳитга тамоман қарши бўлиб қолади, шу муҳитни инкор этади. Мана шу муҳитда ҳам ҳаёт тўқинлари бора-бора уни зериктиради. Чунки юқори табақа ва кибор донра турмушида ҳеч қандай маъно ва мақсад йўқ эди. Ташқи порлоқлик ва дабдабадан иборат бу муҳитдаги маданият ҳам юзаки ва фақат ташқи белгилардан — кийиниш, юриш, сўзлашишдангина ташкил топган эди. Пушкиннинг айтишича, бу муҳитда кунбўйи сўзланган тақдирда ҳам фикрнинг бир учқун юракка бориб, жиз этиб тегмайди, ҳатто киборларнинг ҳазил-мутойибаси ҳам кишига на кулги ва на завқ беради. Юқори табақа ҳар қандай жонли фикрни уйғотиш эмас, балки уни маҳв этишга сабабчи бўлади. Бу муҳитда ҳеч қандай жонли ҳаракат, идеал йўқ.

«Евгений Онегин»ни ёзишдаги Пушкиннинг усталлиги шундаки, у инсон характерининг шаклланишини тўғридан-тўғри ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлайди ва ижтимоий муҳитнинг киши характерига таъсир ўтказишини рўй-рост кўрсатади. Уқувчи ҳам бунга ишонади. «Қандай қилиб порлоқ ҳаёт оғушида юрган киши бу ҳаётни инкор қилсин?» деган савол унда пайдо бўлмайди; у бу воқеанинг ҳаққоний эканига гумонсирамайди.

Бу ерда биз ўрганишимиз керак бўлган масалалар, бор. Биз кўпинча эски давр кишиларининг янги муҳит, янги шароит таъсирида қайта туғилишини тасвирлашга ҳаракат қиламиз, лекин, афсуски, ўқувчини бунга ишонттира олмаймиз. Уқувчи янги шароит таъсирида эски давр кишиси ҳам ўзгаради, деган муддаони англай ол-

майди. Пушкин эса бу масалани усталик билан ҳал этади.

Пушкин «Евгений Онегин»да рус жамиятидаги юқори табақа ҳаётини кристалланган порлоқлик билан жуда типик равишда акс эттиради. У қаҳрамон олган тарбияни тасвир этадими, кишилар либосини чизадими — буларнинг ҳаммаси типик ҳолда намоён бўлади. Асардаги бирор бўёқ, бирор чизиқ бекорга тортилмайди — улар ҳаммаси ўша ҳаёт манзараларининг ёрқин тасвирланишига имконият яратади.

Қисқача айтганда, асар қаҳрамони Евгений Онегин «ортиқча одамлар» номини олган образлар силсиласига киради. Гамлет, Дон Кихотлар ҳам ўз даврининг «ортиқча одамлари» бўлган. Пушкин гарчанд Евгений Онегинни бошқа тарихий давр шаронтида кўрсатган бўлса-да, у ҳам дунё адабиётидаги «ортиқча одамлар» деб аталган образлар тоифасига киради.

Хўш, нима учун у ортиқча одам? Чунки Онегин дворян ҳаётини инкор қилса ҳам у бошқа бир, иккинчи йўлни топа билмайди. У ўз фикрича интилишга кучсиз. Унинг учун ижтимоий фойдали меҳнат майдони йўқ, бор бўлганда ҳам у бирор функцияни бажара олмайди. Бундан шундай маъно чиқадики, дворянлар жамияти киши шахсини ўстира олмайди, аксинча уни бўғади ва ҳалок этади.

Онегин бошқаларга нисбатан ўқимишли ва кенг маълумотли бўлса-да, бирор фойдали ижтимоий функцияни бажара олмайди. Бунинг учун замин йўқ. Онегин ўзида мужассамлантирган сиёф тарихан ҳалокатга маҳкум этилган. Шунинг учун ҳам Пушкин Онегин образида «ортиқча одамлар» типига хос бўлган хусусиятларни қабартиб кўрсатган.

Иккинчидан, «Евгений Онегин»да Пушкин иккинчи типик характер — Ленский образини ҳам тасвир этган. Ленский — Онегиннинг акси. Германияда таълим-тарбия олган бу навқирон йигит Кантнинг идеалистик фалсафаси таъсирида шаклланган. У тамоман идеалист ва романтик. У турмушда ҳеч қандай қарама-қаршиликларни кўрмайди. Онегин эса, аксинча, турмушнинг ҳар бир томонини қарама-қаршилик орқали кўради, ялтироқ турмуш орқасида унинг маъносизлигини, беҳудалигини сезади. Ленский бўлса, бутун дунёни порлоқ ранглар орқали кўради, туманли фикрларга интилади, муҳаббат-

ни ҳам шоирона бир шаклда англайди. Демак, Ленский образида дунёни романтик идрок этувчи кишилар умумлаштирилади.

Татьяна образи — Пушкин томонидан жуда севилган ва мукамал ишланган қиз образи. Пушкин унинг образида табиий соддалик, мусаффолик ва олижанобликни кўрсатади, дворян жамияти ҳаётидаги ёлғон ва ғайри самимий муносабатларни фош этади.

Умуман, «Евгений Онегин»да Пушкиннинг маҳорати порлоқ бир шаклда мужассамланган. Онегин, Ленский ва Татьянанинг ички оламлари, бутун психологиялари ўлмас ранглар билан берилган. Бу шеърий роман боғлиб чиққан кезларда кўп танқидчилар унга етарли баҳо беролмаган бўлсалар-да, аён ҳақиқатни инкор эта олмаганлар ҳам. Улар асар ва унинг муаллифи нақадар талантли эканлигини англамаган бўлсалар ҳам Онегиннинг бутун бир синфнинг тимсоли эканлигини айтишга мажбур бўлганлар. Бир танқидчи эса Онегин ўзида бутун бошлиқ синфни гавдалантирган, унга ўхшаган одамларни Петербургда учратиш мумкин, деб эътироф этган.

Демак, Онегинга ўхшаган, ҳеч қандай ижтимоий фойдали функцияни бажармаган кишилар оз бўлмаган. Белинскийнинг айтишича, Онегин — ҳеч қандай иш қилмай чарчаган одам, ҳеч қандай эътиқоди бўлмаган ва дунёни инкор қилган шахс. Мана шу шахс типик равишда характерлангани учун у бутун бир даврни ифода қила олади. «Евгений Онегин»ни ўқиганда ўша даврнинг энг характерли томонлари диққат-эътиборимизни тортади. Пушкин «Евгений Онегин»да сюжетнинг асосий чизиқларидан бошқа кўпгина чекинишларда ҳам даврнинг турли муҳим томонларига «тегиб ўтади». Масалан, ўша замондаги машҳур артистлар, олимлар ёхуд юқори табақага мансуб бошқа кишилар типини, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, хулқ-атворини гавдалантиради; уларнинг қизиқиш доираси, санъат ва адабиётга муносабати, у ёки бу асарлардан қандай завқ олишини ўрни-ўрни билан қайд этиб ўтади. Унинг асаридаги ҳар бир нарса, ҳар бир ҳолат давр образини, давр моҳиятини очиб беришга қаратилади.

Пушкин мазкур асар устида жуда кўп ишлади. У ўзининг бутун билимини, маълумотини, шеърий истеъдодини бу асарга тўла-тўқис бағишлади.

Шеърлий роман ёзиш ўша давр рус адабиёти учун янги ҳодиса эди. Асар айрим-айрим воқеаларни тасвирловчи боблардан иборат. Бу боблар эса ўз навбатида ўн тўрт йўллик строфалар — бандлардан тузилган. Бу ўн тўрт йўллик бандлар системаси бутун роман давомида сақланади. Улардаги қофиялар тартиби ҳам ҳеч бир ерда бузилмайди. Бу жуда янги, оригинал бир шеърлий шакл эди. Фақат Байрон ўзининг баъзи поэмаларини шу шаклга ўхшашроқ бўлган йўлда ёзган. Бу йўл, яъни романнинг бошдан-оёқ ўн тўрт мисрали бандлардан иборат бўлиши Пушкинга айрим картиналарни асарнинг бадиий тўқилмасига табиий бир йўсинда олиб кириш, ўзининг турли масалаларга, воқеаларга, қаҳрамонларга бўлган муносабатини усталик билан ифода-лаш имконини берган. Пушкин ана шу банд системасини сақлаган ҳолда ҳеч қандай фабула чизигини бузмасдан, лирик чекинишлар орқали турли масалаларга «тегиб ўтади».

«Евгений Онегин»нинг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки (бу ҳол шоирнинг бошқа баъзи бир асарларида ҳам кўринади), унда автобиографик ҳолатлар кўзга ташланади. Пушкин роман қаҳрамонларини тасвирлар экан, улар ҳаётини ўз шахсий ҳаёти ҳодисалари билан жуда яхши боғлаб кетади. Баъзи жойларда Пушкиннинг лирик чекинишларини асарнинг асосий фабуласидан ажратиб олиш қийин. Онегин образини Пушкиннинг шахсий ҳаёти фактларидан, қарашларидан ажратиб кўриш ҳам осон эмас. Пушкин бу асарда ўзининг турли масалаларга қарашини, хотираларини романнинг бадиий тўқилмасига оригинал равишда киргизиб юборади.

Шуни айтиш керакки, биз гарчанд Пушкин асарларининг таржимонлари бўлсак-да, таржима борасида бизда катта тажриба йўқ эди. Ваҳолонки, Пушкинга қадар биз кўпгина шоир ва адибларнинг асарларини таржима этиб, маълум ижодий тажриба орттиргач, Пушкин асарларига ёндашишимиз керак эди. Биз, аксинча, Пушкин асарларини таржима қилиш орқасида тажриба орттирмақдамиз.

Бевосита таржима масалаларига келсак, эркин таржима қилиш керакми ёки айнан таржима йўлидан бориш маъқулми, деган савол туғилади. Шубҳасиз, бадиий асар таржимасида энг тўғри йўл — эркин таржима

йўлидир. Лекин эркин таржима методини ҳам ҳар қандай асар ва ҳар қандай шоирга нисбатан қўллаш мумкин эмас. Менимча, эркин таржима кичик лирик шеърларни бир тилдан иккинчи тилга ағдаришда айниқса қўл келади. Чунки, таржимон кичик лирик шеърни ўқиб, шоир ғоясини, у айтмоқчи бўлган фикрнинг ўзича ўзлаштириб олади, бу шеърнинг бадиий хусусиятларини яхши ўрганadi. Сўнгра шу шоирнинг ғоясини, образларини эркин равишда ўз таржимасида қайта тиклайди. Лекин «Евгений Онегин»дек ўзида бутун бир даврни ифодалаган, 5 минг йўллик романи эркин таржима қилиш қийин. У кичик шеър эмаски, таржимон унинг ички хусусиятларини англаб, уни янгидан, ўзича шеър тарзида бера билса.

Романда турли воқеалар тасвирланади, турли-туман қаҳрамонлар учрайди, шароит тасвирлари, манзаралар берилади. «Евгений Онегин»нинг ҳаммасини ўқиб чиқиб, янгидан шеърини романи яратиш тўғри бўлмайди. Чунки асардаги ҳар бир деталь маълум бир маънога эгадир. Ҳар бир деталь, ҳар бир чизиқ даврнинг кенг ва ҳар томонлама образини яратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам биронта чизиқни, биронта детални тушириб қолдириш ёки уларни бошқача бериш таржимада ўша давр образини ҳаққоний ифодалашга путур етказadi. Масалан, романдаги *фагот*, *флейта* сўзларини *карнай* деб таржима қилиш тўғри бўлмайди. Романининг бир эпизодида эса Ленский клавикорда ўйнайди. Бу сўзни ҳам таржимада бошқа бир тушунча билан алмаштириш маҳолдир. Роман қаҳрамонлари балларда мазурка, вальс каби рақсларга ўйин тушадилар. Бу рақс куйларини сегоҳ, чоргоҳ сингари ўзбек миллий куйлари билан алмаштириш тўғри бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу ўринда, менимча, эркин таржима йўлидан бормай, мумкин қадар оригинал руҳини тўла сақлашга интилиб, асарни адекват таржима қилиш керак бўлади. Бундай таржима методи Пушкин романининг руҳи ва маъносини бузмаслик имконини беради.

Албатта, романи эркин таржима этиш менга қулайлик яратган бўларди. Лекин ўша даврни кўрсатиш нуқтаи назаридан бу тамоман нотўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен романга жуда эркин муносабатда бўлмадим. Айниқса таржима редактори Отажон Ҳошим бунга йўл қўймади. Пушкин асарининг тилига хос сўз-

ларнинг тушиб қолиши натижасида маъно бузилиши мумкин эди. Масалан, русларда *ростбифф* деган сўз бор. Мен бу сўзни таржимада *лазиз овқат* деб ифодалаган эдим, аммо бундан воз кечиб, *ростбифф* сўзини айнан қолдиришга мажбур бўлдим.

Умуман, бир тилда яратилган бадий асарнинг барча хусусиятларини иккинчи бир тилда абсолют равишда сақлаб қолиш мумкин эмас. Маъно ҳам, вазн, қофия, поэтик интонациялар ҳам таржимада оқсаб қолиши мумкин. Ҳар бир таржимада маънони ҳам, асарнинг формал хусусиятларини ҳам абсолют равишда сақлаш мумкин бўлмаса-да, уларнинг оқсашини минимум ҳолларга келтириш иложи бўлади. Пушкиннинг бу асари ямб билан ёзилган. Ямбда ҳижолаар сонигина эмас, балки улардаги урғуларнинг алмашуви ҳам катта роль ўйнайди. Натижада Пушкин ўз шеърининг бениҳоя мусиқийлиги ва равлонлигига эришади. Романдаги ана шу хусусиятларни аруз билан ҳам, бармоқ билан ҳам бериш мумкин.

Аруз — ниҳоятда мусиқий вазн. Шунинг учун ҳам у Пушкин шеърига хос мусиқийликни ўзида сақлаши мумкин. Лекин аруз Пушкин шеърига хос равлонлик ва соддаликни, жонли тилга яқинлашиш тамойиллини ифодалай олмайди. Арузга хос бошқа бир фазилат — биринчи мисрада ифодаланган фикрнинг иккинчи мисрага ўтиб кетиши ҳам Пушкин шеърининг ўзига хос жиҳатларини беришга хизмат этмайди.

Пушкин асаридаги равлонлик жонли сўзлашув нутқиға яқинлик билан ўзаро уйғунлашади. Масалан:

Так точно думал мой Евгений.  
Он в первой юности своей  
Был жертвой бурных заблуждений  
И необузданных страстей...

Кўрасизми, бу мисралар нақадар равлон ва содда! Бу парчадаги олтинчи йўлдан ўн тўртинчи мисрага қадар бўлган сатрларнинг бари — бир жумла!

С героем моего романа  
Без предисловий, сей же час  
Позвольте познакомить вас:

Кўрасизми, ана шу равлонлик ва соддаликни арузда бериш қийин.

Иккинчи томондан, бу ерда сўз, лугат масаласи ҳам бор. Аруз келиб чиқишига кўра, араб ва форс поэзиясининг вазни бўлиб, бизга Эрон адабиёти орқали келиб кирган. Арузда йигирма, ўттиз ва ҳатто эллик йиллаб шеър битган шоирларнинг асарларида ҳам сакталик учрайди. Бундай ҳоллар ҳатто Навоийда ҳам йўқ эмас. Ўзбек поэзиясида арузни қўлламоқ учун бирмунча арабий ва форсий сўзларни ишлатишга тўғри келади. «Евгений Онегин»да эса лотинча, юнонча, французча, инглизча сўзлар жуда кўп учрайди. Юнон мифологиясидан ёхуд Фарбий Европа халқлари адабиётидан олинган образлар, турли киши исмларини арабий ва форсий сўзлар билан бирга аруз вазнига киритиш ўринсиз ва кулгили бўларди.

Муסיқийлик бир қадар суст бўлса ҳам бармоқ вазни асардаги ана шу хусусиятларни сақлаш имконини беради.

Мен таржима учун бармоқ вазнини танлагач, бу вазннинг икки шаҳобчасини кўриб чиқдим.

Биринчи галда тўққиз ҳижоли вазни олайлик. Бу вазн Усмон Носирда яхши чиққан. Лекин менга ўн birlik энгилроқ ва мусиқийроқ бўлиб туюлди. Энг муҳими шундаки, баъзи сўзлар, айниқса *Энеида*, *дриада*, *эклога*, *филлида*, *Дельфина*, *боливар*, *васидас* каби хорижий тиллардан олинган сўзларни тўққизликка сиқдириш қийин. Шунинг учун мен «Евгений Онегин»ни ўн бир ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилишга аҳд қилдим.

Мен Ёзувчилар боғига чиққанимда, Чўлпон ҳам «Евгений Онегин»нинг бир бандини шу вазн билан таржима қилган эди. Озарбайжонда ҳам бу асарни худди шу вазнида таржима қилишган. Хуллас, мен ҳам ўз мулоҳазаларимдан, ҳам ўртоқларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз таржимам учун ўн бир ҳижолик бармоқ вазнини танладим. Лекин шунга қарамай, Пушкиннинг илиги тўқ мисраларини таржима қилиш, уларда тилга олинган қатор-қатор исмлар, турли атамаларни ўзбек тилида бериш масаласи осонлашмади. Чунончи, Пушкин романда бир кўп ёзувчилар ёхуд адабий асар қаҳрамонларини санаб ўтади. Онегиннинг Татьянага бўлган муҳаббати рад этилгач, у дунёдан совиб, ўзини одамлардан четга тартади. У ана шундай кезларда кўп китоб ўқийди. Пушкин Онегиннинг бу ҳолатини тасвирлар



экан, унинг турли ёзувчилар ва олимларнинг асарларини қандайдир бефарқлик билан ўқиганини қайд этади ва ўнга яқин авторнинг номини санаيدн. У ёзади:

Стал вновь читать он без разбора.  
Прочел он Гиббона, Руссо,  
Мазони, Гердера, Шамфора,  
Madame de Staël, Биша, Тиссо,  
Прочел скептического Беля,  
Прочел творенья Фонгенеля...

Кўрасизми, Пушкин олти мисрада ўнта ёзувчи ва олимнинг номини тилга олади. Асардаги бундай ўринларни қофия ва вазини сақлаган ҳолда таржима қилиш анча мушкулдир.

Ҳар ҳолда мен ўзим танлаган вазини бузмасликка ҳаракат қилдим. Эҳтимол чет сўзлар ниҳоятда кўп бўлган нарчаларни таржима қилишда бир оз сохталик бўлган бўлиши мумкин. Лекин бу ўринларда ҳам вазн, умуман, бузилмайди.

«Евгений Онегин»да шундай жойлар ҳам борки, уларда французча сўзлар француз тилининг имло қондалари асосида ёзилган. Бундай сўзлар ёзилишига нисбатан бошқача ўқилади. Бундай сўзларни тўғри талаффуз этиш, умуман асарни тўғри тушуниш учун китобхон маълум даражада тайёрланган бўлиши керак. Китобхон асарда тасвирланган даврдан ташқари Европа маданияти билан ҳам танишган бўлиши лозим. Масалан, Ленскийнинг табиатини тушуниш учун Каитнинг кимлигини ёхуд Онегиннинг нима учун Адам Смитни ўқишини билиш керак бўлади. Пушкин асардаги бир-икки чизиқлар орқали уларнинг, шунингдек, бошқа ёзувчи ва олимлар ижодининг моҳиятини очиб беради.

«Евгений Онегин»нинг таржимасида айрим соф русча тушунча ва иборалар борки, уларни арабий ёки форсий сўзлар билангина эмас, ҳатто ўзбекча сўзлар орқали ҳам ифодалаб бўлмайди. Масалан, *кучер*, *каре́та* каби сўзларни *аравакаш*, *арава* деб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам таржимада бу сўзлар айнан сақлаб қолинди.

Мазкур асарда айрим табақа кишиларининг характерли хусусиятлари ҳам ифодаланган. Чунинчи, Онегин қишлоққа борганда, мағрур бўлгани важдан қўни-қўшниларга ортиқча яқинлашмайди. Улар Онегиннинг хонимлар қўлини ўпмаслиги, *нет ва да* сўзларини кибор-

ларга хос *нет-с* ва *да-с* деб талаффуз этмаслигидан рашжийдилар. Маълумки, *нет-с* ва *да-с* сўзлари юқори табақа кишиларининг нутқигагина тааллуқлидир.

Асардаги бундай жойларни ўзбекчалаштиришга, яъни ўзбекча нутққа хос сўз ва ибораларни топишга тўғри келди. Мен баъзан бундай ҳолларда «лаббай, буюринг» қабилидаги ўзбекона сўз бирикмаларидан фойдаланишга уриндим.

Пушкин ўз асарида ҳазил-мутойибалардан ҳам ўринли фойдаланган. Бундай жойларни таржима қилиш осон бўлмади. Чунончи, у бир ўринда «И вот уже трещат морозы» мисрасига ҳазил оҳангини бериб, дарҳол «Читатель ждет уж рифмы *розы*», деб қўшиб қўяди. Бу сатрлардаги «трещат морозы» иборасини «чарсиллайди совуқ изғирин», дея таржима қилишнинг ўзи етмайди. Мен бу ўринда: «Мана, чарсиллайди совуқ изғирин, далалар бағрига сочди кумуш гул... (Ўқувчи кутади бунга мувофиқ қофия: мана, тез ола қол: булбул!)» деган сатрлар билан Пушкинга хос сўз ўйинини бермоқчи бўлдим. Бундай ҳоллар эса асарда ниҳоятда кўпдир.

Мен учун катта қийинчилик туғдирган тасвир воситаларидан яна бири қофия эди. Асарнинг бошдан-оёқ бир хил банд ва қофия системасига асослангани, биринчи мисра билан учинчи, иккинчи мисра билан тўртинчи, тўққизинчи мисра билан ўн иккинчи сатрлар кесишган ҳолда, бошқа мисралар эса ўзаро жуфт-жуфт ҳолда қофиялангани менга ниҳоятда катта қийинчилик туғдирди. Шубҳасиз, асардаги қофия системасини сақламаслик таржимонга анча енгиллик яратган бўларди. Лекин қофия шеърга муסיқийлик бағишлайдиган восита. Шунинг учун ҳам шеърни қофиядан маҳрум этиш ундаги муסיқийликни барбод қилиш демакдир. Шу сабабли Пушкин қандай қофия системасига риоя қилган бўлса, мен ҳам шу системани сақлашга уриндим. Пушкинда кесишган қофия бўлса, мен ҳам шундай қофияни сақладим, жуфт қофия бўлса, мен ҳам жуфт мисраларни қофиялашга уриндим.

Тўғри, баъзи вақтларда дуруст қофиялар ўз-ўзидан келади, баъзан эса қофия топиш ниҳоятда қийин бўлади. Масалан, Пушкинда бир сатр *нет* сўзи билан тугалланади. Бу сўзни бошқа йўлга кўчириб бўлмайди. Бу сўз мисранинг сўнгида келиши, кейинги мисра эса *нет* сўзига қофиядош сўз билан тугалланиши керак. Ана

шундай ўринларда таржимон бирмунча қийналади. Қофияни жарангдор қиламан деб маънони бузади. Шунинг учун ҳам маънони бузмаслик учун чала қофиялардан фойдаланади. Мен ҳам Пушкиннинг энг машҳур асарларидан бирини таржима этар эканман, шундай йўл тутдим.

Онегин банди тўғрисида шуни айтиш керакки, мен бу банд системасига бутун асар давомида на бир мисра қўшдим ва на бир мисрани ундан олиб ташладим. Чунки ҳар икки ҳолда ҳам бу банднинг ички схемаси бузилган бўларди.

Тўғри, баъзан таржимада оригиналдаги бирор сўз — асарнинг умумий ғоявий йўналиши учун характерли бўлмаган сўз тушиб қолди ва, аксинча, шоир фикрини кучайтиришга, унинг тушунарли бўлишига хизмат этувчи бошқа сўз таржимага киритилди.

Романда, чунончи, бундай байт бор:

Природа трепетна, бледна,  
Как жертва, пышно убрана...

Гап шундаки, қадимги диний урф-одатларга кўра, бир пайтлар қизлар қурбон қилинган ва улар қурбонлик олдидан кўркам кийинтирилган. Пушкин бу ўринда ёзининг қайтиб, қишнинг унинг ўрнига келишини қурбонликка аталган қизларга ўхшатади. Мен бу мисраларга таржимада «қурбон бўлар қиздай» деб аниқлик киритдим. Бошқа ерда эса «Қишнинг ўзи ҳам келаётир» қабилдаги сўзлар бор. Мен бу иборага «Қиш ботир бўкириб, булутларни қоплаб келаётир» деган маънони беришга уриндим. Бу Пушкин айтмоқчи бўлган фикрни бузмайди. Ўзбеклар «Қиш қиличини кўтариб келади», дейдилар. Бу образнинг Пушкин асарига кириб келиши таржимани бойитиш, уни оригинал даражасига кўтариш учун хизмат этади.

Асар матнига киритилган сўзлар ана шундай характердаги сўзлардир. Умуман, таржимани бир ўтиришда тугатиш ва уни яхши деб билиш мумкин эмас. Мен «Евгений Онегин»нинг таржимасини Чимёнда тугатган эдим. Мен бу таржимани бир ҳафта давомида кўчириб чиқмоқчи бўлдим. Аммо бу иш бир ярим ойга қадар чўзилди. Дастлаб таржиманинг қўпол чиққан жойлари кўзга ташланди. Мен уларни тузатиб чиқишга улгурмаган ҳам эдимки, Отажон ака менга таржимадаги мавҳумроқ чиққан жойларни кўрсатди. Мен бу ноаниқ

Ўринларни ҳам тузатдим. Таржимани оригиналга солиштирган сари ундаги янги-янги нуқсонлар кўзга чалина берди.

Хуллас, таржима устида қайта-қайта ишлашга тўғри келди.

Ўйлайманки, таржимада таҳрир талаб ўринлар ҳали ҳам бор. «Евгений Онегин»дек улкан асарни шошилинич таржима қилганим сабабли унда камчиликлар ҳам кўп бўлиши табиий. Мен бугунги муҳокамадан сўнг, ўртоқларнинг фикр-мулоҳазалари асосида асар таржимасига сайқал бериш ишига яна қайтаман, деб ўйлайман.



Ойбек. 1945 йил.

## ТОШКЕНТ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ИЙГИЛИШИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Партия Марказий Комитетининг «Звезда» ҳам «Ленинград» журналлари ҳақидаги 1946 йил августда чиқарган тарихий қарори бутун совет адабиётининг тараққиётида янги олтин боб очувчи ажойиб бир ҳужжатдир. Партия ўз қарорида содда ва доно сўзлар билан ҳақиқатни кўрсатди. Совет халқининг ўз улуг адабиётидан кутган орзуларини, талабларини тушунтирди. Партия халқни ва Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон ёшларини тарбия этиш учун бадиий сўзнинг сифатини анча баркамол қилиш ва унинг таъсир кучини большевистик идеяларнинг ёрқин шуълалари, илҳоми билан яна кўпроқ суғориш кераклигини ёзувчиларга ўргатди.

Марказий Комитетнинг қарори ўзбек адабиётининг жуда кўп ва жуда муҳим камчиликларини очишга, ҳам кўп ўртоқларнинг ижодиётларидаги хатоларни лўнда қилиб, унинг тараққиётининг ягона, тўғри, генерал йўлини узоқ замонларга белгилаб берди. Гап шундаки, ўзбек совет адабиётида интим, тор — шахсий, қалбаки лирикага берилиш, Шарқ классик поэзиясининг совет одамларининг завқ ва тушунчаларига тамом ёт бўлган ҳамда кўп асрлар давомида юзларча шоирлар чайнаган энг кўҳна образларига, «гул-булбул» мотивларига берилиш кучли эди. Бир кўп шоирларнинг шеърларида жонли ҳислар ва фикрлар ифодаси фольклорга хос примитив бадиий воситалар, шакллар, руҳ ва тон билан алмашганди. Бундан ташқари, драматургияда ва шунинг каби ўзга жанрларда ҳам тарихий тематикага, фольклор сюжетларига қизиқиш гоят кучли эди. Ёзувчилар қаҳрамонларни узоқ мозийдан ва фақат тарих афсоналаридан қидирардилар.

Мен бу ерда умуман, ўзбек адабиёти тарихий тараққиётининг бир специфик хусусиятига ишорат қилишни ис-

тайман. Асосан поэзиядан иборат бўлган адабиёт Октябрьга қадар тор зукколар гуруҳининг моли эди. Саводсиз халқ массалари ёзма адабиётдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эди. Ёлғиз Октябрь революцияси бадий сўз хазинасини халққа очиб берди, адабиёт билан халқ ва жонли воқелик орасида жуда эски узилиш даврига хотима қўйди. Ўзбек совет адабиёти халқ учун халқнинг ҳақиқий тили билан ҳаётни тараннум этувчи адабиёт бўлиб тугилди ва мамлакатнинг умумий иқтисодий ва маданий ўсиши ҳам янги ҳаётнинг гуллаши билан бирга камол топа борди. Лекин шуни айтиш керакки, ҳаёт ва маданиятнинг тараққиёти ва халқнинг ижодий ҳамласидан адабиёт ҳийла орқада бораётгани бир фактдир.

Ўзбек халқи қарийб ялли саводли халқ — унинг маданий ва сиёсий даражаси ғоят ўсди. Халқ китобнинг қадрқимматини яхши тушуниб олди. Узоқ қишлоқларда, чўлларда ота-бобоси умрида китоб кўрмаган ёшлар ашаддий китобхонлар бўлиб қолди. Айниқса, Пушкин, Лермонтов, Толстой, Тургенев, Чехов, Горький каби буюк рус классикларининг бир кўп асарлари ҳам жаҳон адабиёти обидаларининг таржима этилиши ўқувчиларнинг бадий маданиятини юксалтирди. Ўқувчилар энди ҳаётни тўла, чуқур акс эттирувчи, жиддий, мазмундор асарлар — ҳаяжонлантирувчи, ўй ўйлатувчи, ҳаётни ўргатувчи романлар, повестлар, ҳикоялар ва йирик драматик асарлар талаб этадилар. Хусусан, совет одамларини, замонамиз қаҳрамонларини кўрсатувчи оригинал асарларни сабрсизлик билан кутадилар. Партия Марказий Комитети ўз қароридан совет халқининг бадий адабиёт олдига қўйган талаб ва орзуларини тўла ва чуқур акс эттиради. Бу тарихий қарордан кейин ўзбек адабиётида ҳамма жанрлар ва формалар бўйича қатъий бурилиш, совет воқелиги сари тўла бурилиш ясалди, тарих диёрларидан, қадим афсоналардан илҳом қидирувчи ёзувчилар ҳозирги замон проблемаларига ўтдилар, совет тематикасида партия ва ҳукумат талаб қилганидек чуқур, халқий ва совет ёшларини тарбияловчи асарлар яратиш ҳар бир совет ёзувчисининг муқаддас бурчи эканини англадилар.

Илгарги кўпинча кайфиятига қараб унда-мунда бирош шеър ёзиб қўядиган атоқли ўзбек шоири Фафур Фулом ўз ижодиёти устида жиддий ишлашга киришди. У «Ўзбекистон чироглари» номли бир серия шеърлар яратди. Фафур бу серияда Ўзбекистоннинг янги, бой, ижодга, қаҳрамон-

ликка тўла янги ҳаёти, гигант қурилишларининг пафоси, шонли пахтакорларнинг мўъжизакор меҳнат қаҳрамонлиги, озод меҳнатнинг нашъаси ва гўзаллиги, совет одамларининг ажойиб фазилатлари, уларнинг Совет Ватанига бўлган чуқур меҳри ва садоқатини тараннум этади. Уқувчини ҳаётга, ижодга, янги қаҳрамонликларга, Ватан қудратини оширишга ундовчи бу мардона шеърлар кинида олий ҳислар, большевистик сифатлар тарбиялайди.

Ҳозирги вақтда бутун ўзбек поэзиясида, бир томондан, эски ва Шарққа хос шартли формалар, услублар ва образлардан ҳам, иккинчи томондан, ораторлик, декларациячилик, шиорчилик приёмларидан ҳам фойдаланган ҳолда ҳаётни реалистик акс эттиришга тамойил кучаймакдирки, бу шубҳасиз, поэзиянинг янги босқичга кўтарилиши демасдир. Шоирлар ҳаётни умумий, шартли ва қонуллашган воситалар орқали тасвир этиш эмас, ҳаёт картинасини жонли ва конкрет кўрсатишга, совет одамнинг фикрлари, ҳислари, кечинмаларини ифода этишга интиляётлар. Ҳозирги этапда ўзбек поэзияси учун энг характерли хусусиятлардан бири катта формалар, йирик полотнолар яратиш учун курашдир. Кейинги ярим йил ичида бир неча поэма яратилди. Атоқли шоирлардан Шайхзода совет халқининг буюк тарихий галабаси арафасида қаҳрамонона ҳалок бўлган биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳақида катта поэмасини тугатаётди. Шоир ўзбек халқининг бу содиқ ва қўрқмас ўғли — Боқу кавалерия мактаби курсантининг генералга қадар ўсиш йўлини ҳаққоний кўрсатади. Собир Раҳимовнинг илк жанг-жадаллари, унинг жанговар дўстлари, Ватан уруши фронтларида оғир жанглар оловида билим ва тажриба билан бойиб, енгиланинч мураккаб санъатини эгаллаш процессини жонли картиналарда кўрсата олгандир.

Еш бўғин шоирлар жумласидан Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» поэмаси ўзбек поэзиясида ҳодиса сифатида қайд этилишга муносиб бир асардир. Бу поэзияда колхоз темасида яратилган йирик ва кучли асардир. Айтиш керакки, шонли пахтакорлар республикасининг адабиёти пахта далаларининг ажойиб қаҳрамонларини ёрқин кўрсатувчи тўла қимматли асарларга жуда камбағал эди (гарчи шу вақтга қадар пахтачилик темасини куйлаган жуда кўп миқдорда шеърлар, қўшиқлар, бутун-бутун тўпламлар яратилган бўлса ҳам). Мирмуҳсин ўз поэмасида илгарин-



гидек, «оқ олтин»га мадҳия ўқимайди, у содда колхозчининг — совет одамининг жонга яқин образини яратди. Поэманинг қаҳрамини уста Ғиёс — ғоят содда, ғоят камтар бир чол. Ватап уруши йилларида энг оғир қийинчиликлар шароитида бу чол колхоз даласини гуллатиш, пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашади. Шоир поэмада совет одамининг руҳий бойлигини, маънавий гўзаллигини катта авж билан очиб беради. Уста Ғиёснинг халқнинг қадим тажриба ва практикасидан истифода этиб, қийинчиликларни доноларча ҳал қилиб, оталарча кенгаш, танбеҳи билан коллективни уюштириши яхши кўрсатилган. Поэмани ўқиркан, кўз олдингизга Ватаннинг шони учун курашувчи, халқ манфаати ва бахтидан ўзгани ўйламаган, қийинчиликларни бартараф этишининг сирларини билган, озод ва яратувчи меҳнат соҳасида ҳамisha илгарига, янги муваффақиятларга интилган, камтарни, лекин совет одами бўлгани учун мағрур ва юксак руҳли киши фигураси намойн бўлади. Уста Ғиёс колхоз қишлоғи учун феал ва тишк образдир.

Улуғ Ватап уруши даврида Ўзбекистонда мўйсафидлар — фронтовикларнинг муҳтарам оталари ва боболари колхоз далаларида яратувчи меҳнат соҳасида мўъжизакор қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Пахтачиликни кўтариш учун умумхалқ юришида кўпгина колхозларда юз центнерчилар ҳаракатини чоллар бошлаган эдилар.

Мирмуҳсин поэмада жонли, ёрқин штрихлар билан колхоз қишлоғи ҳаётининг картиналарини, ўзбек ерининг пейзажларини чизиб беради. Шоир юқори услубдан, мураккаблашган формалар ва приёмлардан, гулдорликдан олган равишда воз кечади. Бу поэмада шоир шеър ритмида ҳам табиийликка, эркинликка, ҳаётни мазмунга мосликка интилади.

Иккинчи шоир — ижодиётда Мирмуҳсиннинг тенгқури Асқад Мухтор ўз поэмасини индустрия мавзунга бағишлайдики, бу ҳам ўзбек поэзиясида қарийб акс этмаган энг муҳим участкадир.

Асқад поэмада ўзбек мастери — пўлат қуювчи образини яратишга тиришади. Уралдан келган рус қизи — мастер ёш ўзбекка пўлат қуйиш санъатини ўргатади. Ингит ўзига шу вақтгача бегона бўлган техниканинг сирларини эгаллаган сари кўпроқ ҳавас, кўпроқ қунт билан берилиб ишлайди. Ниҳоят, Ингит пўлат қуйиш санъатида ўз мастери билан тенглашиб қолади. Дўстлар мусобақага

киришадилар. Улар орасидаги самимий дўстлик ва севги теваракдаги ҳаётни аллақандай маънавий, тоза куч манбаи каби пурлантиради. Шоир севишган ёшларнинг бой, асл ҳисларини чуқур ва нозик очишга тиришади.

Поэзияга шу шоирлар билан бир вақтда кириб келган Рамз Бобожоновнинг «Қадрдон дўстлар» номли кичик поэмаси ҳам мароқлидир.

Шаҳрихонлик ёш колхозчи фронтда шоир Твардовский поэмасининг қаҳрамони — машҳур Василий Теркин билан қалин дўст тутуниб, бир сафда жанг қилади. Ғалабадан сўнг, Рамзнинг қаҳрамони Аҳмадjon ўз колхозига қайтади. Фронтвик — қаҳрамон учун фаолият соҳаси кенг ва турлидир. Лекин Аҳмадjon социалистик қишлоқнинг хўжалиги ва маданиятини юксалтириш учун бутун ғайрати ва аскарӣ саботи билан киришади. Унинг звеноси янги методлар қўллаб, кўрилмаган даражада мўл пахта ҳосили олади. Поэма колхознинг катта, тантанали байрамига ва қаҳрамоннинг довгдор колхозчи қиз Ойинсага уйланиш тўйига Теркини даъват мактуби билан тамомланади. Бу ёлғиз ташқи адабий приём эмас. Гап шундаки, шоир Твардовский ўзбек ёш шоирларининг ижодиётига кучли таъсир кўрсатаётир. Бу таъсир ўз натижалари бўйича, хайрли таъсир экани равшандир.

Рамзнинг поэмасида колхоз ҳаётининг картиналари, озод меҳнат нашъаси, совет одамларининг ишлари, интилишлари — ёрқин ва жонли кўрсатилгандир.

Ёш талантили шоир — интим кичик лирик шеърлар, пейзажлар шоири Шукрулло Юнусов ишлаб чиқариш тематикаси, ҳаётни актуал мотивларни куйлашга ўтди. У ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳақида йирик поэтик полотно устида ишламоқда. Шунингдек, фронтвик, шоир М. Бобоев янги шеърлар тўплами тайёрлади. Бу китобга кирган шеърларнинг асосий мотиви — тарихий ғалабадан сўнг Ватанимизда бошланган ҳаёт қурилишининг гигант ҳамласи ва унинг пафоси.

Машҳур шоир Миртемирнинг ўзига хос катта ода — поэмасида минг йиллардан буён ҳаёт изи бўлмаган, даҳшатли тақир чўлга совет халқининг иродаси билан тошқин дарёларнинг ҳаётбахш тўлқинлари бурилиб, қумликлар гуллаган водийга айланиши ва бу ерда қурилган социалистик шаҳарнинг муаззам картиналари ва ундаги ажойиб бахтли ҳаёт кўрсатилади. Шоир бу асарида

Ўзбек халқи олдида турган ва яқин келажакда амалга ошириладиган улғу сугориш проблемасини — чексиз чўлларни эгаллаш программасини поэтик гавдалантиради.

Қарийб бир йил мобайнида яратилган юзларча бошқа шеърлар устида умумий тарзда бўлсин, тўхташга имкон йўқ. Марказий Комитетнинг тарихий қароридан сўнг ўзбек совет поэзиясида жиддий ўзгаришлар ва силжишлар рўй берди, поэзиянинг гоёвий-бадий даражаси ўсди, давр ҳаётининг ҳодисаларини умумийлаштирувчи, кунларимизнинг қаҳрамонларини кўрсатувчи, совет кишиларининг фикрлари ва ҳисларини ифодаловчи асарлар яратиш тенденцияси кучайди ва бу йўлда ўзининг илк медаларини ўқувчига тақдим эта бошлади. Бу ягона тўғри тараққиёт йўли поэзиямизни янги, яна ҳам юксак босқичга элтажагига шубҳа йўқдир.

Традиция натижаси бўлса керак, бизда бадий проза ҳамон орқада қолишда давом этмакдадир. Шарқда бадий маданият, асосан, поэзиядан иборат эди. Революциядан сўнг букунги маънодаги проза, секинлик билан бўлса-да, тараққий эта борди. Лекин бу энг муҳим жанрнинг ахллари гоёят оздир. Тўғри, кейинги йилларда, хусусан партия Марказий Комитетининг қароридан сўнг бу қолоқ участкада ҳам жонланиш бошланди. Прозачиларнинг сафига янги кучлар қўшила бошлади. Туроб Тўла, Ёнғин Мирзо, Шухрат каби шоирлар очерклар, ҳикоялар ёза бошладилар. Проза соҳасида бу йилнинг энг йирик асари — энг яхши прозачимиз А. Қаҳҳорнинг романи «Қўшчинор»дир. Бу Ўзбекистонда колхоз тузилиши, қишлоқнинг социалистик янги ҳаёти ҳақидаги ягона катта полотнодир. Романнинг сюжети хийла мураккаб ҳаётнинг картиналарини ўз ичига олади.

Қаҳрамоннинг йўли ҳам мураккабдир. Қулоқ оиласининг таъсири орқасида у ўз муҳитидан, батрақлар, чоракорлар оиласидан узилиб қолиб, бир кўп тўсиқларни, ички қарама-қаршиликларни бартараф этиб, меҳнаткаш одамнинг ҳақиқатига эришади. Лекин у, Сидиқжон, энг қолоқ колхозга дуч келади. Бу колхоз катта дарё қирғоғида бўлишига қарамай, қатра сувга зор, камбағал қишлоқда эди. Сидиқжон колхознинг илғор одамлари, коммунист раис билан қўлга-қўл бериб ишлайди, коллектив меҳнат илгарилар ҳаёл қилиш ҳам қийин бўлган ишларни бажаришга, қийинчиликларни ҳал этишга қодир:

қақроқ ерлар сувга сероб бўлади, далалар гуллайди, фаровон ҳаёт бошланади: ертўла уйлардан иборат хароб қишлоқ аста-секин бой, маданий, социалистик қишлоққа айланади. Автор романида совет одамларининг ажойиб бой образларини мастерларча яратади, характерларни чуқур очиб беради.

Партия Марказий Комитетининг 26 август 1946 йилги «Драматик театрларнинг репертуарлари ва уларни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ён ўзбек совет драматургияси соҳасидаги ижодий фаолиятни жонлантирди. Партия совет театрларининг, совет драматургларининг олдида турган асосий вазифани бутун кўлами билан конкрет кўрсатиб берди:

«Драматурги и театры должны отображать в пьесах и спектаклях жизнь советского общества в ее непрерывном движении вперед, всячески способствовать дальнейшему развитию лучших сторон характера советского человека, с особой силой выявившихся во время Великой Отечественной войны.

Необходимо, чтобы, все писатели, способные создавать произведения драматургии, активно, творчески включились в насущное дело создания репертуара театров, достойного по своему качеству современного зрителя».

Ўзбекистон ёзувчилари драматик асарлар яратишга катта ғайрат билан киришдилар. Букун аксар ёзувчилар ва шоирлар ҳозирги замон темасида совет томошабинига муносиб асарлар яратиш устида жиддий ишлаётирлар. Совет воқелигига доир энг яхши драматик асарлар яратиш учун эълон қилинган конкурсга 50 дан ортиқ асар тушди, яна келаётир. Жюри ҳали қараб чиқишга бошламаганидан, уларнинг бадиий савиялари ҳақида сўзлашга имкон йўқ. Бироқ драматургияга бўлган жуда катта мароқ айниқса, ён ёзувчиларда драматик жанрни эгаллашга бўлган ҳавас ва интилиш ўзбек драматургиясининг перспективасига катта умид билан қарашга имкон беради.

Ахир бундан бир йил бурун бизда драматургия соҳасида 3—4 кишигина ишларди. Кейинги ойларда Ҳамза номидаги Академик театр шоир ва драматург Уйғуннинг пьесасини — «Ҳаёт қўшиғи»ни муваффақият билан саҳнага қўйди. Бу асар шу чоққача ўзбек саҳналарида қўйилган совет тематикасига доир асарлардан ўзининг гоивий-бадиий даражаси билан, шубҳасиз, айрилиб тура-

ди. Пьеса — муаззам, оғир ва музаффар курашдан кейинги совет халқининг ижодкор ва бахтли ҳаёти ҳақидаги гимндир. Драманинг сюжети мураккаб эмас, лекин табиий, ҳаётӣй ва ҳаққонийдир. Икки элат — ёш колхозчилар фронтда жанговар ҳаёт мусибатларини бирга тотадилар, уруш шаронти уларни айиради. Ғалабадан сўнг юртга, туғилиб ўсган колхозга қайтадилар. Улар учун кураш ва яратишдан бошқа ҳақиқӣй ҳаёт йўқ. Улар ҳатто фронтда, землянкада, қисқа сукунат пайтларида, ғалабадан кейин ҳаётни яна кўпроқ безаш ва колхозни яна бойитиш тўғрисида жиддий ўйлар, планлар тузар эдилар, ахир. Халқ бахти ва Ватан шони учун ижодий меҳнатга отланадилар. Дўстлар орасида бўлган эски севги муаммоси уларни айирмай, балки янада жипсроқ боғлайди. Уйғун ўз драмасида ўткир тўқинишлар, ташқи эффектлардан онгли равишда қочади. У бутун диққатини қаҳрамонларнинг характериини очишга жалб этади. Буни автор психологик жиҳатдан чуқур ва шопрона ёрқин эпизодларда очиб беради.

Уйғун пьесасида совет одамларига хос юксак фазилатлар — дўстлик, садоқат ҳислари, ҳар қандай мушукулларни бартараф этмакка тайёрлик — фронт шаронтида ҳам, узоқ фронт орти шаронтида ҳам барча персонажларнинг сиймосида барқ уриб туради.

«Ҳаёт қўшиғи» ўзбек драматургиясида социалистик реализмни чуқурроқ эгаллаш тенденциясини кўрсатувчи мусбат бир фактдир.

Тарихий тсмаларда ёзилган бир кўп очерклар ва ҳикоялар автори М. Осимов яқинда индустрия темасида «Ужар йигит» номли драма ёзди. Пьесада М. Осимов ўзбек мастерлари, ишчиларининг образини кўрсатишга интилади. Урушдан кейин Уралдан қайтган ёш ўзбек мастери — литейшчик заводда янги ва мукамалроқ методларни тадбиқ этишни таклиф этади, цех бошлиғи — қари мастер консерваторлик кайфиятида, янги методлар аҳамиятини тушунмайди. Ужар йигит, гарчи қари устанинг қизини чуқур севса-да, ўз таклифларини ўтказиш учун сабот билан ҳаракат қилади, узоқ кураш ва синовлардан сўнг мақсадга эришади, қари уста энди ҳатто суюкли қизини ҳам беришга рози бўлиб қолади. Композицияси бир қадар занф бўлишига қарамай, бу асар бир қатор янги, мароқли, жонли образ ва характерларни гўзал очиб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда металлургия ги-

гантлари ишга тушган бир даврда, ўзбек индустриал кадрларни кўрсатишни мақсад қилиб қўйган бу тема гоят актуал, керакли темадир.

Еш шоирлардан Туроб Тўла, Асқад Мухтор область театрлари учун қишлоқ хўжалигини механизациялаш темаси устида дуруст пьеса ёздилар. ТЮЗлар учун мароқли, тарбиявий аҳамияти бўлган бир неча асарлар ёзилди. Кейинги бир неча ой ичида ўнларча драма асарлари муҳокама қилинди. Лекин бу асарлар ёш авторларнинг драматургияда илк асарлари бўлганидан, темаларнинг муҳимлигига қарамай, драматургия нуқтаи назаридан жуда заиф эдилар. Фақат шуниси яхшики, Ўзбекистонда драматургия аксар ёзувчиларни ўзига жалб этмоқда, драма ёзишга уриниш катта.

Ўзбекистон ёзувчилари илк дафъа ўз кучларини кино соҳасида ҳам синаб кўраётирлар. Шоир Туроб Тўла колхоз темасида «Раис» деган киносценарий яратди. Шайхзода «Қўшиқ йўли» номли киносценарий тамомлаётирки, бунда янги ўзбек совет санъатининг гуллаши кўрсатилади.

Кўриладики, ўзбек адабиётида қарийб барча жанрлар ва формалар бўйича жиддий ҳаракат ва ўсиш аломатлари мушоҳида қилинади. Бироқ шу ҳаракат ва ўсиш процесси билан қисман боғланган жиддий камчиликлар ҳам бир талай. Бу камчиликларни йўқотиш, ҳамма жанр ва формаларни янги, юқори босқичга кўтариш учун ёзувчиларнинг ўз устларида доимий ишлашларидан ташқари, жуда жиддий, жуда принципиал большевистик танқид ҳам керак. Бизда, сўзнинг том маъноси билан, бадиий танқид йўқ. Бизда адабиётшунослар бор, лекин адабий танқидчиларга эга эмасмиз. Адабиётшуносларимизнинг қарийб бари классик адабиёт бўйича мутахассислардир. Ҳозирги замон совет адабиётининг муҳим назарий масалаларини ўрганувчилар ҳам деярлик йўқ. Фақат кейинги бир-икки йил ичида академия ва давлат дорилфунунининг баъзи ёш олимлари ва аспирантлари ҳозирги замон адабиёти масалалари билан машғул бўла бошладилар. Лекин улар келажакнинг танқидчиларидирлар.

Ҳозирги этапда энг яхши танқидчилар бизда илғор ёзувчиларнинг ўзларидир. Шайхзода, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби ёзувчиларнинг ҳар бири маълум жанр ва форма бўйича танқидий фикр баён қила оладилар. Улар гарчи танқидчи сифатида матбуотда чи-

қишни севмасалар-да, янги асарлар муҳокамасида қатнашадилар ва ёш ёзувчиларнинг семинарларида ижодий масалалар бўйича мунтазам бўлмаса-да докладлар ўтказадилар, ўз ижодий тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Лекин танқид ёлғиз ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодиётларини тўғри истиқболга йўналтириш учунгина эмас, илғор ёзувчиларнинг ҳам ижодиётларидаги жиддий хато ва камчиликларни очиши керак. Чунки ёш ёзувчилар катталарнинг асарларидан ўрганадилар, бу ўрганиш жараёнида уларнинг заиф томонларини, камчиликларини қайтарадилар, чуқурлаштирадилар. Танқид адабий ҳаётдаги нотўғри тенденцияларни очиб ташлаши, ҳаракатни тутиб турувчи қолоқлик, нўноқлик, эскилик, манманлик каби барча касалликларга қарши доимий кураш олиб бориши керак. Танқид адабий фактларни, ҳодиса ва воқеаларни чуқур марксча-ленинча анализ қилиб, соғлом, янги тенденцияларни, адабий ҳаётда ёш ниҳолларни инкишоф эттириш учун диққат билан парвариш қилиши керак. Ниҳоят, марксча-ленинча танқид ўзбек совет адабиётининг муҳим назарий масалаларини социалистик реализм, миллий форма, классик адабий меросдан фойдаланиш, фольклорга муносабат ва ҳоказо проблемаларни қунт билан атрофлича текшириб, ҳал этиши бундан кейин олдинга томон дадил ҳаракати учун шун керак. Бизда ана шундай танқид йўқ. Адабиётимизнинг дай танқид жуда керак. Бундан кейин кичкина журналларимизнинг ҳар номерида лоақал бир неча саҳифани шундай танқидий-назарий масалаларга бағишлашимиз керак.

Ўзбекистонда уруш муносабати билан адабий журналлар тўхтатилган эди. Узоқ танаффусдан сўнг 1946 йил март ойидан «Шарқ юлдузи» номи билан русча ва ўзбекча адабий журналлар чиқа бошлади. Ўзбекистон адабий ҳаётининг фақат бир чеккасини акс эттира олсалар ҳам, ҳар ҳолда бу журналлар аста-секин ёзувчиларнинг ягона трибунасига айланаётир. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари ўзбек, маҳаллий рус ёзувчиларининг янги энг яхши асарларини босиб боришлари керак. Журналлар партия Марказий Комитетининг қароридан кейин идея ва мазмун жиҳатидан номердан номерга яхшилана бошлади. Аммо ҳали ҳам камчиликлари оз эмас.

Журналнинг асосий камчилиги унинг танқид бўлимининг камбағаллигидир. Журналнинг ҳар номерида бирикки библиографик рецензиядан ташқари, гоҳ-гоҳ айрим кичик танқидий мақолачалар босилади. Журнал ҳар сопида ўзбек совет адабиёти ва санъатининг актуал ва жанговар масалаларига бағишланган чуқур илмий-танқидий мақолалар бериши керак. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, ҳозирги замон адабиёти устида ишлаган ёш кучларни уюштириб, тарбиялаб, танқид бўлимини кучайтиришимиз керак.

Журналларнинг штати ҳам оз. Шунинг учун ҳам баъзи бўлимлар муҳаррирсиз, демак, бизнинг шароитда бу бўлимни ташкил этувчи, материални таҳрир этувчи киши йўқ демакдир. Бундан ташқари, журнал ўсаётган талабни ҳам жиҳатдан мутлақо таъмин этмайди. Ўзбекистондек катта республикада ягона адабий журнал ҳамми 5 босма лист, тиражи эса 3 минг. Журналга бўлган талабга нисбатан, бу рақамлар чексиз кичикдир. Журнал қишлоқ у ёқда турсин, район марказларига, ҳатто область шаҳарларига ҳам бориб етмайди. Тошкентнинг ўзидаёқ қўлдан-қўлга ўтиб юради. Журналнинг ҳаммини лоақал икки марта, тиражини 3—4 марта орттиришимиз керак.

Ўзбекистонда умуман нашриёт ишларининг, айниқса, бадий адабиёт нашрининг қай аҳволда эканини назарга олсак, журнални ҳар жиҳатдан бақувватлаш зарурлиги ўз-ўзидан билиниб қолади. Ўзбекистонда уруш муносабати билан нашриёт базаси ғоят заифлашган. Урушга қадар Ўзбекистонда бир неча катта мустақил нашриётлар ишлар эди. Ҳозир ёлғиз бир нашриёт — Ўзгизга эгамиз. Бу нашриёт бутун йил бўйича асосан дарсликлар нашр этиш билан банд. 1946 йилда бадий адабиёт бўлими фақат 4—5 кичик асар босиб чиқара олди. Ҳолбуки, Ўзгизнинг портфелида неча юз босма листни ташкил қилган оригинал ва таржима асарлар ётибди. Адабиётнинг инкишофи йўлида, маданиятнинг ривожини йўлида бу катта тўсиқдирки, буни тезда бартараф қилиш керак. Бунинг учун ҳозир, биринчи галда, айрим ГИХЛ барпо этиш, бир неча йил мобайнида тўпланиб қолган энг яхши оригинал ва таржима асарларни халққа тақдим этиш керак.

Биз юқорида партия Марказий Комитетининг қароридан кейин Ўзбекистон адабий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар ва ўзгаришларни қайд қилиб ўтдик. Қарор ўз-



бек адабиётида тубли бурилиш ясадики, бу бурилиш адабиётнинг янги босқичидан хабар беради. Ўзбек адабиёти бутун жанрлар бўйича буюк давримиз ҳақида, совет халқининг ажойиб, бой ва ижодий ҳаёти, совет одами — кунларимиз қаҳрамони ҳақида йирик, бадий юксак асарлар яратиш даврига кираётир. Халқларимизни коммунизмнинг нур ва бахт тўла боғларига элтувчи улуғ даврга, гўзал Ватанимизнинг шонига, улуғворлигига сазовор асарлар яратиш учун ўзбек ёзувчилари бутун ижодий энергияларини йўллайдилар.

**АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ «ҚУШЧИНОР» РОМАНИ ЮЗАСИДАН  
УТКАЗИЛГАН МУҲОКАМАДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

*Муҳокамага Ойбек раислик қилган.*

Раис. Уртоқлар! Кейинги бир-икки йил ичида ўзбек совет адабиётида бир қанча йирик асарлар пайдо бўлди. Поэзия соҳасида айниқса қувончли ҳодисалар юз берди: етти-саккизта поэма яратилди, уларнинг аксари босилиб чиқди ва ўқувчиларга манзур бўлди. Масалан, Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс», «Яшил қишлоқ», Рамз Бобожоннинг «Қадрдон дўстлар», Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмалари, драматургия соҳасида эса Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» пьесаси пайдо бўлди, кунни кеча эса Туйғун ҳам янги бир асарини тугатди. Проза соҳасида бўлса, Шейвердиннинг «Санжар ботир», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи яратилди. Ёзувчиларимиз совет тематикасига бағишланган бу асарларида ўз таланти, ўз маҳоратларидан келиб чиқиб, совет кишиларининг ҳаётини акс эттиришга, совет кишиларининг образини яратишга тиришганлар. Бу асарлар орасида энг кўзга кўринарлиси ва ўзининг ғоявий мундарижаси бўйича энг муҳими Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романидир. Бу роман колхоз ҳаётига, Ўзбекистонда амалга оширилган коллективлаштириш тарихига, эски, қолоқ, хурофот ва бидъат оғушида яшаган қишлоқнинг социалистик қишлоққа, бахтли ҳаёт ўчоғига айланишини кўрсатишга бағишланган.

Ҳозирги ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги асарлар—поэма, повесть, роман ва сахна асарлари тўғрисида ҳанузга қадар малакали танқидий мақолалар босилиб чиқмади. Эълон этилган битта-яримта газета тақризлари эса бир ёқлама фикрлардан иборат.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романига келсак, бу ҳақда умуман бирорта тақриз ва мақола эълон қилинмади. Лекин бу нарса бизда танқидчилик йўқлигини

англатмайди. Бизда янги асарлар ҳақида яхши мақола-лар ёзадиган ўртоқлар бор. Аммо улар танқидий муноса-батни талаб этадиган мақолалар ёзишга ботинмайдилар. Натижада турли-туман камчиликларга эга бўлган асар-лар ўз вақтида тақриз этилмай келади. Биз танқид ма-даниятига, танқидчиликни тақдирлаш ва ўстиришга ўр-ганишимиз керак.

Ёзувчилар союзида бўлиб ўтадиган ижодий йиғи-лишлар ва ижодий секцияларнинг мажлисларида бирор асар муҳокама этилар экан, ўртоқлар жуда тўғри ва муҳим фикрларни кўтариб чиқадилар. Бу фикрлар мат-буот саҳифаларида ҳам баён этилиши, ижодий жамоат-чиликнинг диққат-эътиборини тортishi мумкин. Лекин кўпинча улар матбуот юзини кўрмай, турли йиғилиш-ларнинг протоколлари ва стенограммаларида қолиб кетади.

Биз бугун Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор» рома-нининг биринчи қисми устида муҳокама ўтказишни истар эдик. Шунинг учун ҳам биз республика адабий жамоатчилигини бу ерга тўпладик. Бу муҳокамадан мақсад ўзбек совет прозасининг бу янги муҳим асари ҳақида ўртоқлар билан фикр олишувдир.

Бугун ўртоқлар романнинг мусбат томонлари ва кам-чиликлари ҳақида, ўз таассуротлари ва истаклари ҳа-қида истаган тилда — хоҳ рус, хоҳ ўзбек тилларида ўз фикрларини баён қилишлари керак. Танқид ўртоқларча, принципиал ва объектив бўлиши керак. Бинобарин, биз-га, бизнинг адабиётимизга ана шундай принципиал ва объектив танқид сувдек ва ҳаводек зарурдир. Адабиёти-мизнинг олга силжиши ва ривожланиши ана шундай большевикча танқидчиликка боғлиқдир.

Абдулла Қаҳҳор шу кунларда ўз романининг иккин-чи қисми устида иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги бўлажак муҳокама умуман адабиётимизнинг келгуси тараққиёти учунгина эмас, балки Абдулла Қаҳ-ҳорнинг кейинги ижоди учун ҳам фойдали бўлади. Бугун баён этилажак фикр ва мулоҳазалар рома-нининг иккинчи китобини ёзишда адибга муайян ёрдам беради.

Мен ўртоқларнинг эътиборига яна шу нарсани ҳа-вола этмоқчиманки, бундан кейин ҳам биз Совет Ўзбе-кистони адабиётида пайдо бўлган ва пайдо бўлаёт-ган йирик асарларни мунтазам суратда муҳокама

қилиб боришга ҳаракат қиламиз. Чунончи, 15 августга қадар Шевердиннинг «Санжар ботир» романини, сўнгра каминанинг «Қизлар» поэмасини муҳокама қиламиз.

Р а и с. Икки кун давом этган муҳокамада гарчанд сўзга чиққанлар оз бўлса-да, романда эришилган ютуқлар ва камчиликлар бир қадар равшан бўлди.

Муҳокамада иштирок этаётган ўртоқлар мумкин қадар кўпроқ ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари керак эди. Шунинг учун ҳам биз ўтган сафар бу муҳокамани давом эттиришга аҳд этган эдик.

Ҳозирги совет адабиётининг тараққиёти ҳаётдаги қаҳрамонликни кўрсатиш, замонамиз қаҳрамони образини яратишни тақозо этади. Биз бугун муҳокама этилаётган романдан ҳам, бошқа ҳикоя ва очерклардан ҳам ана шу қаҳрамонликни кўрсатишни талаб қиламиз. Агар биз ўз асарларимизда республикамизнинг мустамлака ўлкадан социалистик ўлкага айланиши йўлидаги машаққатлар ва қийинчиликларни рўй-рост кўрсатиб, кишиларимизнинг қаҳрамонликларини теран оча олганимизда, адабиётимиз анчагина камолатга эришган бўларди.

Абдулла Қаҳҳорнинг янги романи Ўзбекистондаги коллективлаштириш йилларини тасвир этади. Асарда бойлар ва руҳонийлар билан янги ҳаёт учун олиб борилган кураш лавҳалари кўрсатилади. Лекин, очиги, китобхон бу асардан кўп нарсани кутган эди. Наҳотки, Ўзбекистонда коллективлаштириш, социалистик ҳаёт чизигига кўтарилиш беозор, шовқин-суронсиз, тинчлик билан ўтган бўлса?! Ахир катта ёшдаги китобхонлар колхозлаштиришнинг қандай кураш ва қурбонлар эвазига қўлга киритилганини биладилар-ку!

Шубҳасиз, асарда коллективлаштириш даврига оид қийинчиликлар озми-кўпми ўз ифодасини топган. Лекин автор асарда 29—30-йилларда содир бўлган воқеаларнигина эмас, балки колхозларнинг барпо этилиши ва мустақкамлана бошлаши билан боғлиқ воқеаларни ҳам тасвирлашга ҳаракат этади. Модомики, шундай экан, у 30-йиллардаги синфий курашнинг кенгроқ манзарасини, ёт унсурларнинг колхозларни мустақкамлашга қарши олиб борган курашларини ҳам кўрсатиши зарур эди.

Ҳозирги даврда яратилаётган йирик асарларда ижобий қаҳрамон проблемаси айниқса катта ўрин эгаллайди. Автор ўз романида бир қатор мусбат образларни яратишга уринган. Сидиқжон, Урмонжон, Қурбон ота, райком секретари ва бошқа кишиларнинг образларини автор мусбат образлар сифатида тасвирлайди. У қишлоқнинг энг яхши одамлари — ана шулар, қишлоқнинг истиқболи ана шу кишилар қўлида, демоқчи бўлади. Ҳақиқатан, «Қўшчинор» романидаги мусбат образлар автор томонидан меҳр билан чизилган.

Лекин асарнинг бош қаҳрамони образига келсак, кеча «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган А. Алимуҳамедовнинг тақризида ҳам, мунозарада сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида ҳам у ҳақда у қадар мақтовли бўлмаган сўзлар айтилди. Иззат Султон бундан илгари бўлиб ўтган бир мажлисда айтган эдики, Ўзбекистондаги колхоз қурилиши улкан бир халқ ҳаракати бўлган бўлса, Сидиқжон бу ҳаракатнинг илғор вакили бўла олмайди. Чиндан ҳам у ҳаётнинг оқимидан орқада қолган, синфий онги ҳали шаклланмаган шахс. Сўзга чиққан ўртоқлар ҳам, докладчи ҳам шу фикрни тасдиқлашди.

Айрим ўртоқларнинг фикрича, бундай қолюқ киши эмас, балки Урмонжон сингари халқнинг илғор вакиллари бош қаҳрамон бўлиши керак. Зероки, асарнинг бош қаҳрамони китобхонни тарбиялаш қудратига эга бўлиши лозим.

Менимча, масалани бундай қўйиш нотўғри бўлур эди. Тўғри, Сидиқжон қолюқ онгли шахс, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати иккиланиш ва тебранишлар ҳисобига амалга ошадн, шу маънода у биз тушунган ижобий қаҳрамонлардан кескин фарқ қилади. Лекин ёзувчи ана шу қаҳрамоннинг мураккаб ҳаётгий йўлини, унинг, даставвал, ўзини-ўзи енгиши, руҳий ва маънавий жиҳатдан қайта туғилишини кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Сирасини айтганда, биз романнинг фақат биринчи китоби билангина танишдик. Иккинчи китобда Сидиқжоннинг том маънодаги қайта туғилиши тасвирланиши мумкин. Уйлайманки, бу китобнинг яратилиши билан бизнинг аксар эътирозларимиз ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистондаги колхоз қурилиши улкан халқ ҳаракати эди. Бу ҳаракат натижасида қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, кишиларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Сўзга чиққан ўртоқлар худди шу нарсанинг романда етарли тасвир этилмаганини қайд этмоқдалар. Ҳозир айтиб ўтганимдек, романининг иккинчи китобида бу масала ўзининг муносиб аксини топиши мумкин.

Романдаги жаноза эпизодига келсак, менимча, у мастерларча ишланган. Бу эпизод колхоз раисининг халққа яқинлигини кўрсатишда, халқнинг ҳурматини ва ишончини қозонишини кўрсатишда катта аҳамият касб этади. Тўғри, жаноза ҳозирги кун учун, ўртоқлар айтганидек, типик бўлмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи 1932—1933 йилларда рўй берган воқеаларни тасвирлаётганини унутмаслигимиз керак.

Кўп ўртоқлар асарни бадний жиҳатдан юксак, аммо ғоявий жиҳатдан заиф деб атадилар. Бундай фикрни ўртоқ Алимўхамедов ҳам айтиб ўтди. Менимча, шакл билан мундарижани бир-биридан ажратиб текшириш ярамайди. Улар бир бирликни ташкил этади. Асар ғоявий жиҳатдан заиф, аммо бадний жиҳатдан юксак бўлиши мумкин эмас. Ҳар иккала масала бир-бири билан узвий боғланади. Совет адабиёти чуқур мазмуни ва мукаммал бадний формали асарларни кутади. Ёзувчи ҳар иккала масалани бир савияда ҳал этгандагина ўз мақсадига эришади, кучли, ҳаётий, ҳаққоний асарни яратади.

Абдулла Қаҳҳор бой тажрибали, бадний сўз санъатини пухта эгаллаган ёзувчидир. Унинг барча асарларини китобхонлар катта эътибор билан севиб ўқийдилар. Унинг тили ва услуби катта мастерлар даражасида. Характерлари аниқ, бир-биридан кескин ажралиб туради. Бундай фазилатлар «Қўшчинор» романи учун ҳам бегона эмас. Хоҳ Сидиқжон бўлсин, хоҳ Урмонжон бўлсин, Абдулла Қаҳҳорнинг мастерлигини кўрсата олувчи характерлардир.

Биз ўқувчиларнинг катта бадний асарга ташналикларини кўзда тутиб, романининг иккинчи китобини кутмасданоқ унинг биринчи қисмини нашр этдик. Уни ҳатто муҳокама қилиб ҳам ўтирмадик. Эҳтимол бу бизнинг камчилигимиздир. Лекин биз ёзувчининг яхши ниятда асар ёзганини билардик.

Бу ерда айрим ўртоқлар романи зарарли, деб айтди-

лар. Мен бундай баҳога қўшилмайман. Романининг ғоявий мундарижаси ҳам, бош қаҳрамон образи ҳам коллективлаштириш даврининг ҳаётбахш кучини намойиш этади.

Абдулла Қаҳҳор ўз сўзида романининг биринчи қисмидаги камчиликларни тузатишга ва асарнинг иккинчи қисмида қаҳрамонларни янада жонлантиришга ҳаракат қилаётганини айтди. Биз ёзувчининг бу ниятини маъқуллаймиз ва унга муваффақият тилаймиз.

Биз бундан кейин ҳам ўзбек ёзувчиларининг йирик асарларини муҳокама этиб борамиз. Бундай муҳокама-лар самимий танқид шиори остида ўтишини хоҳлаймиз.

## «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 1948 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

*Муҳокамага Ойбек раислик қилган.*

Р а и с. Ўртоқлар, биз бугунги муҳокамада Ўзбекистондаги ягона адабий журнал — «Шарқ юлдузи» журналнинг аҳволини кўриб чиқишимиз керак. Бу журнал ўз саҳифаларида ўзбек совет адабиётининг энг яхши намуналарини ёритиб бориши керак. Бу журнал ёш ижодкорларни, ҳаваскор адабиётчиларни ўз атрофига тўплаши керак. Бу журнал марксча-ленинча танқидни юқори кўтариши керак. Бу журнал рус совет адабиётининг энг муҳим асарлари билан ўзбек ўқувчисини таништириб бориши керак. Бу журналнинг вазифалари ана шундай ранг-барангдир.

Сирасини айтганда, журналнинг ҳажми ҳам, тиражи ҳам катта эмас. Биз шу йилга келибгина журналнинг ҳажмини бир оз кўпайтирдик. Лекин журналнинг ҳозирги ҳажми ҳам, тиражи ҳам бизни асло қаноатлантирмайди.

Союз правлениеси журнални бир неча йилдан бери муҳокама этишни мўлжаллаб келар эди. Лекин шу йилга келибгина бундай имкониятга эга бўлдик.

Бугунга қадар журналнинг олти сони босмадан чиқди. Мен ўртоқларнинг ана шу сонлар бўйича, конкрет масалалар юзасидан ўз фикрларини билдиришларини истар эдим.

Журналда проза, поэзия ва танқид бўлимлари бор. Бу бўлимларнинг умумий савияси қандай? Журнал сиёсий-ижтимоий ва адабий талабларга қандай жавоб бermoқда? Журналнинг қандай техник нуқсонлари бор? Ўртоқлардан самимий илтимосим шуки, улар журналнинг бу йилги олти сони юзасидан конкрет таҳлиллар билан, конкрет факт ва мисолларни қайд этиш билан сўзга чиқсалар, журналнинг келажакда қандай бўлиши



кераклиги тўғрисидаги аниқ ва равшан фикрларини баён қилсалар.

Албатта, журналнинг олти сонда босилган материалларни бирма-бир таҳлил этиш шарт эмас. Докладчи ҳам ўз олдига бундай вазифани қўймаслиги керак. Биз ундан журнал ишидаги муҳим камчиликларни очиб ташлашни, журналдаги бўлимларнинг фаолиятини баҳолашни кутамиз. Қолган масалалар музокарада ҳал этилади.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1948 йилда чиққан сонлари ҳақида обзор доклад учун филология фанлари кандидати ўртоқ Зокировга сўз берилади.

Р а и с. Ўртоқлар, журналнинг бу йилги сонлари ҳақида муҳим фикрлар билдирилди. Бу фикрлар редколлегия аъзоларига ва редакция ходимларига тушунарли бўлиши керак. Биз редколлегия аъзоларидан айримларини журналдаги бўлимларга боғлаб қўйган эдик. Лекин бундан кутилган натижа чиқмади. Чунки бириктирилган ўртоқлар жон-диллари билан ишламадилар. Улар топширилган ишга бепарво қарадилар. Бундан кейин редколлегия аъзоларининг олдига масалани жиддий қўйишимиз керак бўлади. Улар, майли, кўп материалларни олмасинлар, лекин бу материалларни қунт билан ўқиб, сарасини саракка, пучини пучга чиқариб берсинлар.

Ўртоқлар журнал адабиётимизнинг кўзгуси бўлиши кераклигини айтдилар. Лекин журнал ана шундай кўзгу бўлиши учун ҳозирги кунда яратилаётган энг яхши асарларнигина босишимиз керак. Москва ва Ленинградда юзлаб ёзувчилар бор. Лекин Москва ва Ленинград журналлари юздан ортиқ ёзувчининг асарини босиб чиқармайди. Бизда-чи? Бизда ҳар бир ўртоқ газета учун ёзган фельетон ва очеркларини ҳам журналга кўтариб келади. Ҳолбуки, журналда босилажак ҳар бир очерк ёки ҳикоя адабиётимизнинг энг кўркем намунаси бўлиши керак.

Биз бундан кейин ҳар бир редколлегия аъзосини яхши ишлашга мажбур қиламиз. Аввалгидек қунтсиз қарашлар давом этса, уларнинг редколлегия составида қолиш-қолмасликларини ўйлаб кўрамиз. Бизда Абдуллаев, Ашрафий сингари бир қанча одамлар бор. Улар ҳатто журнални ўқимайдилар ҳам. Ҳолбуки, журнал

адабиёт масалаларидан ташқари ўзбек театри, музыкаси ва тасвирий санъати проблемаларини ҳам ёритиб бориши керак.

Журналнинг савияси билан боғлиқ энг муҳим масала фақат редколлегия аъзоларининггина ташвишлантирмаслиги керак. Журнал аввало адабий асарларни эълон қилади. Журналнинг обрўси шу асарларнинг савияси билан белгиланади. Аммо ёзувчиларимиз ўз асарларининг юксак ғоявий-бадний савияда бўлиши учун жон куйдирмаяптилар. Биз яхши асарлар яратилмаётганидан баъзан ўртамиёна асарларни босишга мажбур бўлмоқдамиз. Баъзан номерни топшириш графиги ўтиб ҳам кетади, лекин биронта танқидий очеркни тополмай қоламиз. Академиянинг биронта ходими йўқки, уларга мурожаат қилмаган бўлайлик. Лекин улар икки-уч ойда ҳам ўз ваъдаларининг устидан чиқмайдилар.

Проза ва драматургия соҳасидаги камчиликларимиз ҳам оз эмас.

Бизда айниқса шоирлар кўп. Шунга қарамасдан, поэзия соҳаси ҳам бизни қаноатлантира олмайди. Поэзия бўлимига келган бир талай шеърдан атиги ўнта-ийгирматасини аранг танлаб олиш мумкин, холос.

Холисона қараганда, журналнинг 1947 йил сонлари билан 1948 йил сонлари орасида катта фарқ бор. Бунинкор қилиш мумкин эмас. Журнал 1948 йилда ўзининг ғоявий-бадний даражасини бир қадар оширди. Ҳозир журнал ҳар бир сониде яхши ҳикоя, очерк ва поэмалар бермоқда. Ўртоқ Алимұхамедовнинг «Уста Ғиёс» поэмаси тўғрисидаги тақриси эса журналнинг танқид бўлимининг бир қадар кўтарди. Биз биринчи навбатда шеърини тўпلامлар ҳақида, адабиётимизнинг актуал масалалари ҳақида, назарий проблемалари ҳақида мақолалар беришимиз керак.

Журнал кейинги вақтда қардош халқлар адабиётидан таржималар бера бошлади. Масалан, К. Симоновнинг «Рус масаласи» номли яхши пьесасини ўзбек тилида эълон қилди. Бу яхши нарсас. Бу ишни давом эттиришимиз керак.

Журнал фаолиятига доир айтиш керак бўлган гаплардан яна бири эълон этилаётган материаллардаги орфографик хатоларнинг кўплиги, услубнинг ғализлиги, таҳрир талаблиги ҳақида ҳам бўлиши керак.

Мен журналда уч автор томонидан ёзилган бир танқидий мақолани ўқидим. Бу мақолани бемалол ярмига қисқартириш мумкин. Лекин энг муҳими, у пала-партиш ёзилган, тили ниҳоятда нўноқ. Афтидан, айрим материалларни редакция ходимлари авторларга қайтариб, уларни қайта ишлашга ўргатишлари керак. Бундан кейин улар пухта ёзилган асарларнигина қабул қилишлари лозим.

Ўйламангки, журнал портфелида кўп асарлар бор, уларни редколлегия аъзолари босиб ётибди, деб. Агар шундай шароитга эга бўлсак, бизда танлаб босиш имконияти мавжуд бўлган бўларди. Афсуски, ёзувчиларимиз журнал фаолиятида пассив иштирок этадилар. Журналда қатнашаётган ёзувчиларнинг аксарияти — ёшлар, катта адабий тажрибага эга бўлмаган кишилар. Албатта, улар журналда кўпроқ иштирок этиб, тажриба орттиришлари лозим. Лекин журнални ўзбек адабиётининг ҳақиқий кўзгусига айлантиришни истасак, барча таниқли шоир, ёзувчи, драматургларни журнал атрофига тўплашимиз керак бўлади.

Биз планли ишлашга ўргана олмаямиз. Мана, бугун ёзувчилардан аниқ ваъдалар олишимиз ва шу асосда келажак режаларини белгилаб олишимиз мумкин. Биз журналнинг республикадаги бошқа шаҳарларда яшовчи ижодкорлар билан алоқасини ҳам яхшилашимиз керак.

Бундан ташқари, бугунги муҳокамада кўрсатилган камчиликларни журнал редколлегияси ва редакцияси қандай бартараф этаётганини кузатиб боришимиз ва ўқтин-ўқтин журнал ишларини муҳокама этиб туришимиз лозим. Агар биз бу ерда баён қилинган ҳамма фикрларни ҳисобга олиб, журнал ишида жиддий ўзгартириш ясамасак, бугунги муҳокамамиз натижасиз ва фойдасиз бўлади.

## 1948 ЙИЛ ЎЗБЕК СОВЕТ ПОЭЗИЯСИНИНГ МУҲОҚАМАСИДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Ўзбек совет шоирларининг шеър ва қўшиқларидан ташкил топган китоблар олис фронтларга ҳам етиб бориб, ўзбек жангчиларини жангга, ғалабага руҳлантирди, уларнинг кучига-куч қўшди. Лекин урушдан кейинги поэзиямиз ҳақида гап борганда, у ҳам давр талабларига ана шундай фидокорлик билан хизмат қилмоқда, деб айтолмаймиз. Партия биздан поэзияни даврнинг бирламчи вазифаларидан четга бурмасликни талаб этмоқда.

1948 йил поэзиясида мени икки нарса хурсанд қилади. Бир томондан, қатор шеърларда даврнинг актуал масалалари кўтарилди, ўткир мазмунга эга бўлган шеърлар пайдо бўлди. Иккинчи томондан, совет кишиларининг меҳнат қаҳрамонликларини кўрсатишга бағишланган бир неча поэмалар яратилди. Биз ана шу тенденцияни кучайтиришимиз, поэзиямизнинг жанговар руҳини оширишимиз керак.

Шоирларимиз, хусусан ёшларимиз катта бир кўтаринки руҳ билан адабиётимизни ривожлантиришнинг янги-янги имкониятларини қидирмаяптилар. Мен бу масалада ўзимни ҳам оқлаёлмайман. Лекин, ҳар ҳолда, ҳаммамиз жонлироқ ишлашимиз керак.

Шайхзода фақат шоиргина эмас, балки катта адабиётшунос ҳам. Унинг танқидчилик соҳасидаги тажрибалари катта. У ўзининг ана шу сифатлари билан адабиётимизга катта фойда келтирмоқда. Агар Шайхзода ўзининг бой тажрибасини поэзияга, поэзия танқидчилигига янада кўпроқ сарфласа, адабиётимиз бундан фақат ютган бўларди.

Умуман, ёзувчиларимиз, айниқса Президиум аъзолари адабиётимизнинг кейинги ривожланиши учун қайғуришлари керак.

Мен 1945 йилда бўлиб ўтган пленумда қилган докла-  
димда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш тўғри-  
сида сўзлаган эдим. Шундан бери танқидни кучайти-  
ришга ҳаракат қиляпмиз. Лекин шунга қарамай, ҳали  
танқид қилишни ҳам, танқидни тинглашни ҳам ўрган-  
ганимиз йўқ.

Ҳозир адабиётимизда ёшларнинг овози тобора ба-  
ралла эшитилмоқда. Уларнинг ижодий изланишлари  
ҳам, сиёсий-ғоявий билимларни эгаллашлари ҳам бизни  
қувонтиради. Аммо улар бир жойда депсиниб қолмас-  
ликлари учун уларнинг ижодидаги нуқсонларни ўз вақ-  
тида кўрсатиб, уларни янги изланишларга йўналтири-  
шимиз керак. Бунинг учун ҳам танқид ва ўз-ўзини тан-  
қидни янада ривожлантириш зарур.

Тўғри, танқид ҳар хил бўлади. Танқид қиламан деб  
шахсиятга тегувчилар ҳам бизда йўқ эмас. Баъзи бир  
танқидчилар эса танқид этилувчи асарни дурустгина  
ўқиб ҳам чиқмайдилар. Бундай танқид фақат зарар  
келтиради. Танқид билимдон ва самимий кишининг хо-  
лисона фикрига асосланиши керак.

Кейинги пайтларда нима учундир маддоҳ сўзи маж-  
лисдан-мажлисга кўчиб юрибди. Агар биз ўз фикри-  
мизнинг ҳолисона эканига ишонч ҳосил қилсак, «Сенинг  
поэмангда мана бундай нуқсонлар бор», деб очиқдан-  
очиқ айтишимиз керак.

Мен Шайхзоданинг поэмасини икки марта ўқиб чиқ-  
дим, бу поэмани бузишга рухсат бермайман, дедим.  
Агар Шайхзода танқидни ёмон кўрса, мен билан баҳс  
қилган бўларди. Нима учун мен поэмани танқид қил-  
ганимда, у қўшилди? Чунки у ҳам шоир, ҳам мунаққид  
сифатида ўзининг ижодига ҳам танқидий назар ташлай  
олади. Мен бошқа шоир ва ёзувчиларимизда ҳам тан-  
қидга ана шундай муносабат бўлишини хоҳлар эдим.

Мирмуҳсин ўз сўзида: «Бизнинг вазифамиз ўз иш-  
ларимизнигина эмас, домлаларимизни ҳам танқид қи-  
лишдир», деди. Мен бунга қарши эмасман. Лекин таж-  
рибали ёзувчиларни танқид қилиш учун танқидчилик-  
нинг даражасини кўтаришимиз керак.

Биз, айниқса ёшлар ошкора танқид билан шуғуллан-  
май, орқаваротдан масхара қилиш, пичирлашиш йўлига  
ўтиб ҳам қоламиз. Бу ярамас одат. Бунинг ўрнига биз  
самимий ва ошкора танқид йўли билан ҳам адабиёти-  
мизни ривожлантириш ишига ҳисса қўшишимиз керак.

## 1957 ИИЛДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли ўртоқлар ва дўстларим!

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига кандидат этиб менинг номзодимни кўрсатганингиз учун бутун қалбимдан Сизга миннатдорчилик билдираман. Улуғ ишончингиз учун Сизга чексиз ташаккур. Бутун ғайратим ва ижодимни сизнинг ишончингизни оқлаш учун бағишлайман.

Мен ёзувчиман, бутун совет ёзувчилари каби халқ учун хизмат этиш, дунёда биринчи социалистик ҳукуматни қурган халқ ҳақида ёзиш ҳаётимнинг буюк орзу-си, муқаддас бурчимдир.

Партия биз совет ёзувчиларини ҳамиша халқ билан, партия билан бирга бўлишни, халққа ва партияга чин виждон ила хизмат этишни, бутун ғайрат, билим, ижодимизни коммунизм қуришга бағишлашни ўргатади. Партия учун, халқ учун хизмат этиш менга олий бурчдир.

Буюк Октябрь революциясидан илгари халқнинг оғир ҳаётини кўрганман. Октябрь революцияси бизнинг халқларимизни машаққатли ҳаётдан, қулликдан халос этди. Ёлғиз Октябрь революцияси ишчилар, деҳқонлар, косибларнинг болаларига бахтли ҳаёт қопқасини очди, илм булоғидан баҳраманд бўлишга имконият берди.

Ёзувчи бўлганимдан мамлакатимизнинг кўп жойларини кўришга, кўп юришга муяссар бўлдим. Халқимизнинг бахт тошган гўзал ҳаётини, мазмундор озод меҳнатини ҳар ерда кўрдим.

Ўзбеклар ва қорақалпоқлар Урта Осиёнинг бошқа халқлари каби чоризм ва маҳаллий бойларнинг эксплуатациясида беҳад жабр ва зулм кўрдилар.

Бизнинг юртларимиз қолоқ ва ҳуқуқсиз мустамлака эди. Ҳозир, 40 йил мобайнида мамлакатимизда улғу, мўъжизакор зафарларга эришдик.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон бутун совет республикаларининг озод, қардош, иноқ, катта оиласининг тенг ҳуқуқли, яшнаган республикаларидир.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон юқори саноатли, ялпи саводли, гуллаган санъати, адабиёти, илм-фани бор ва илғор қишлоқ хўжалигига эга республикалар. Бу ғалабалар Коммунистлар партияси раҳбарлиги ва ғамхўрлигида совет халқларининг қаҳрамонона ҳам мардона меҳнатларининг натижасидир.

Бизнинг эртаги кунимиз, бизнинг келажакимиз яна ёрқинроқ, яна бойроқ ва яна гўзалроқ бўлажакдир. Бунга бизнинг асло шубҳамиз йўқ, чунки партиямизнинг Марказий Комитети ўзининг мурожаатида бундай деди: «Совет халқларининг гуллаб яшнаши, фаровонлиги борган сари ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъмин этиш ғамхўрлиги ҳамиша Коммунистлар партиясининг ва Совет ҳукуматининг фаолияти йўлини белгилаб боради. Партиямиз буни ўзининг асосий вазифаси деб билади, буюк Лениннинг вазиятларини амалга оширишни ўзининг бутун фаолиятининг маъноси деб билади».

Мана шунинг учун бизнинг барчамизнинг кўнглимиз тўқ, шунинг учун эртаги кунимизга ишонамиз ва уни яна ёрқинроқ, яна тўлароқ, янада гўзалроқ бўлажagini яхши биламиз.

Қадрли ўртоқлар! Сизнинг ишончингиз учун яна бир карра бутун қалбимдан ташаккур дейман.

Севиқли Коммунистлар партияси раҳбарлигида олга!

## 1957 ИИЛДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ўртоқлар ва дўстларим!

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига кандидат қилиб менинг номзодимни кўрсатганингиз учун катта раҳмат. Мен ҳам Совет Ватани учун, халқ учун қўлимдан келганча толмай ишлаб, Сизнинг ишончингизни оқлашга тиришаман.

Мен 1905 йилда Тошкентда туғилдим. Отам Қозогистонда чорбозорчилик қилган ва кўп йиллар бўз тўқиш билан машғул бўлган.

Мен мактабда ўқишда эдим. Эски мактаб — жоннинг эгови. Мактабхонамиз мачитнинг ёнида, хароб кулбада эди. Етти ёшдан бошлаб ўн саккиз ёшга қадар бир уй ўқувчилар «қўчқор» ўйнаб, тутуруқсиз арабча «Ҳафтияк» ўқиб, беҳуда умр ўтказар эдилар. Саводли бўлган одамлар 2—3 процентга етар-етмас эди. Қишлоқларда эса деярлик ялпи саводсиз эдилар. Домла бўлса «аммага кулча», «таборакка қаймоқ», «қуръонга палов», деб болаларни шилар эди. Домла иштаҳаси катта, ҳар ҳафта пайшанба куни нон ёки пул, бўйра пули, кўмир пули, рамазон ва қурбон байрамларида ҳайитлик пул ва шунга ўхшаш чиқимлар тугалмас эди. Болалар 5—10 йил ўқиб, қийнала-қийнала, саводсиз ҳолда мактабдан кетар эдилар.

Феодал ва капитализм даврида кичкина бола эдим. Бойлар, капиталистлар ва йирик ердорлар ҳамма нарасага хўжайин эдилар. Ишчилар, меҳнаткаш деҳқонлар оғир эксплуатация зиндонида эзилар, тамом умри азобуқубатда, зулматда ўтар эдилар. Эксплуатация ҳаддан ошиб жонга теккан эди...

Фақат 1917 йил озодлик байроғи Россиядан қуёш сингари порлади. Октябрь Совет социалистик революцияси барпо бўлди ва буюк доҳий Ленин раҳбарлигида



улуғ Совет Ватани қурилиб, барча халқлар бамаслаҳат, аҳил ва гўзал бир оила бўлиб яшай бошладилар. Бу ажойиб оилада энг ҳурматли ва фахрли ўрин оғамиз рус халқниқидир. Бутун кишилиқ тарихида қуллик занжирини биринчи марта рус халқи узил-кесил парчалади, озодлик ва адолат байроғини юксак кўтарди, башариятга янги давр очди. Барча совет халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида ва севикли оғамиз рус халқининг ёрдами, ғамхўрлиги билан ҳаёт баҳорига, бахтга эришдилар. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари бутун совет халқлари билан бирга шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятга эга бўлдилар.

Мана, 40 йил ўтди. Абадиятга оққан ўлчовсиз замонларга қиёсан бу — қитдай муддат. Лекин кўзингизни юмиб, бир зум ўйлаб қарасангиз, бу муддат ичида ҳаётда рўй берган беҳисоб, катта, чуқур ўзгаришларга ҳайрон қоласиз. Синфий курашларнинг бўронларида туғилган Улуғ Октябрнинг ҳар куни, ҳар оғи, ҳар йили ҳаётга бир-биридан тўлғин мазмун ва бахт қўшди. Баҳор қуёши табиатни жонлатгани каби Октябрнинг қудратли нафаси меҳнаткаш халқлар турмушини ҳусндор, бой гуллатди. Октябрнинг ажойиб иши, аҳамияти ва маъноси айниқса бизнинг Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда кўзга мужассам кўринади.

Ким эдиқ, ким бўлдиқ! Инқилобдан бурун қолақларнинг қолағи, фикр ва озодлик нуридан маҳрум, нообод ва ношод ўлкаларимиз бор эди. У даврнинг бирон манзарасини эсласанг, сочларинг кирпитикан ниналаридек тиккаяди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларига Октябрь революцияси келтирган ғалабалар ва неъматлар саноқсиз. Ўз ўжар майлига берилиб ўйнаган Амударё каби жўшқин дарёларнинг ҳаётбахш тўлқинларини чўлларга бурдиқ. Қўлларимиздаги китоблар, муаззам заводларимизнинг наъраси, олтин ҳавомизга оққан ажойиб қўшиқлар — ҳаммаси Октябрнинг самараси. Мана, ҳозир минглаб мактабларимиз, институтларимиз, мутахассисларимиз бор.

Мен ёзувчиман. Совет ҳукумати, Коммунистлар партияси ёрдами, тарбияси орқасида ёзувчи бўлдим. 35 йилдан бери совет адабиётига хизмат этиб, қўлимдан келгани қадар ўз ҳиссамни қўшаётиман. Адабиётимизнинг бутун тараққиёти йўлида рус адабиётининг хайрли таъ-

сирини яққол кўрамиз. Рус адабиёти мен учун ҳам катта мактаб бўлди.

Совет халқи — тинч ҳаёт тарафдори. Халқларнинг тинч, бахтли турмуши ва бутун жаҳонда инсоният маданияти тараққиёти учун қўзғалган барча халқлар орасида совет халқи энг илғор ўрин олди. Ҳеч вақт инсоният тарихида халқлар бундай фидокорлик билан бир байроқ остида йиғилмаган эдилар. Бутун дунёда уруш оловини ёқмоқ учун уринаётган Америка—Англия империалистлари билсинки, уларнинг бадбахт ниятларини халқларнинг тинчлик учун курашлари яксон этажакдир. Ҳозир бутун мамлакатларда тинчлик учун кураш энг муқаддас иш,

Уртоқлар, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва коммунизм сари ғолибона бораётган халқларимиз учун ишлайман ва Сизларнинг ишончингизни оқлашга ваъда этаман.

## 1960 ЙИЛДА САИЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли ўртоқлар!

Тўрткўл колхозчилари — қаҳрамон опаларимиз ва қизларимиз, азамат йигитларимиз ҳалол меҳнат этиб, пахтадан мўл ҳосил етказганлари, планни зўр муваффақият билан адо этганлари учун самимий табрик этаман ва қизгин саломимни топшираман.

Қишлоқ хўжалигимизда техника ва механизация қўлланиши ортган сари пахтачилигимиз кенгайиб, юксалмоқда. Колхозчилар тобора бой, тўқ ва бадавлат бўлмоқда. Оғаларимиз ва иниларимиз, хотинларимиз ва қизларимиз астойдил берилиб меҳнат қилмоқдалар ва мўл ҳосил олмақдалар. Қорақалпоқ қишлоқ хўжалигининг шундай ривожланиши билан бирга, маданий ҳаёти ҳам борган сари гулламоқда. Мактаблар, техникумлар, институтлар, илмий-текшириш институтлари, санъат ва адабиёт борган сари ўсиб, юксала бормоқда. Жонажон Коммунистик партия халқни меҳр ва парвариш билан ҳар бир соҳада тараққиёт чўққисига бошлаб чиқмоқда.

Мен яқинда Москвада, Кремлда бўлиб ўтган СССР Олий Совети сессиясидан қайтдим. Тўрткўл узоқ йўл бўлганидан ва хасталигимдан сизга тезда етиб келолмадим. Аммо мен сизнинг баъзи буйруқларингизни бажариб келишга тиришдим.

Сессияда тубандаги масалалар кўрилди:

1. СССР халқ хўжалигининг 1960 йил ривожланиш плани.

2. СССРнинг 1960 йил давлат бюджети ва 1958 йил давлат бюджетининг бажарилиши.

3. СССР ва иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари бўйича қонунлар лойиҳаси.

4. СССР Олий Совети депутатини қайтариш қонун лойиҳаси.

5. Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати.

6. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқ этиш.

Сессия беш кун давом этди ва энг кейинги кун «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати» ҳақидаги катта, мукамал докладни эшитди.

Ўртоқ А. Н. Косигин СССР халқ хўжалигининг 1960 йил ривожланиш планига бағишланган докладда саноат, транспорт, қурилиш масаласи ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўхтаб, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада ошириш, ерни ишлашни яхшилаш, чорвачилик маҳсулотларини ошириш лозим», деди.

ҚПСС Марказий Комитетининг 1958 йил декабрь Пленуми тадбирлари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Ҳозир колхоз ва совхозларимиз олдида буюк, шарафли вазифалар туради. 1960 йилда 9,3 миллиард пуд дон олинди мўлжалланади. 1960 йилда қишлоқ хўжалигига 152 минг трактор, 135 минг трактор плуги, 108 минг трактор сеялкаси етказиб берилди. Машиналар сифати яхшиланади. Бу эса кўп оғир меҳнатларни механизациялашга имкон беради. Меҳнатни қисқартиради, энгиллаштиради, ҳосилни кўпайтиришга ёрдам беради.

Пахта терадиган янги машина — ХВС-1—2 шинг иши СХМ-48 дан хийла яхши. Наманган областидаги Чуси райони «Навий» колхозида 5 механизатор 5 машинада бир кунда 20—22 тонна пахта терса, ХВС 1—2 билан Тошкент область «Малик» совхозининг механиги Жавод Кўчнев бир кунда 12 тонналаб пахта терган.

Қорақалпоғистонда ҳам машина ва механизациядан тўла фойдаланиб, ҳосилни кўпайтириш, меҳнатни энгиллаштириш чораларини кўриш лозим. Қунт билан ўйлаб, чуқур ўйлаб қишлоқ хўжалиги ишларини тобора ривожлантириш керак.

Ўртоқлар! Шундай қилиб, йилдан-йилга саноатнинг ривожланиши ва ўсиши қишлоқ хўжалигимизни техника ашёлари билан бутунлай таъминлайди.

Саноатнинг бутун тармоқлари — машинасозлик, металлургия, айниқса чўян, темир, пўлат, энгил саноатда эса газламанинг турли хилларини, пойафзални кўплаб ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги учун гоят зарур бўлган ўғитчилик ва бошқа соҳалар буюк ҳамлалар ила олга босмоқда ва тобора кенгаймоқда. Бу эса бизнинг иқтисодимизнинг негизидир. Давлат бу мақсад учун бу

йил ўтган йилга нисбатан 25 миллиард сўм ортиқ сарф қилади. 1960 йилда халқ фаровонлигини яна юксалтириш бўйича кўп муҳим чоралар кўрилажак.

Ўртоқлар! Сессияда йил охиригача бутун соҳалардаги ишчи ва хизматчиларнинг иш куни 6—7 соатга қадар қисқартирилиши ҳақида сўз бўлди. Шунинг билан бирга, яъни иш соатлари қисқартирилиши билан бирга, оз маошли ишчи ва меҳнаткашларнинг маоши оширилади. Бу мақсад учун 1960 йил планида 14 миллиард сўм маблағ ажратилган. 1960 йилда транспорт ҳам кенгайтирилади. Шу жумладан Тахиатosh — Қўнғирот темир йўли ҳам ишга тушади. Бу ҳақда сессияда ўртоқ Қосигин ўз докладидида айтиб ўтди.

1960 йилда уй-жой қурилиши, мактаб, мактаб-интернат, болалар боғчалари, яслилар қурилиши кўпайтирилади. План оширилиб бажарилиши кутилади. Қанд, мой заводлари, ўғит заводлари, тўқимачилик фабрикалари, гўшт-сут комбинатлари қурилади. Қир ювадиган машиналар, холодильниклар, телевизорлар кўпайтирилади.

Ўзбекистонда пахтачилик ривожлантирилиши муносабати билан газ саноати кенгайтирилади. 1960 йилда Бухоро ва Тошкентга берилади ва республиканинг ёқилғи-ашё баланси қайта қурилади. Мис саноати, нефтни қайта ишлаш саноати кенгайтирилади, Фарғонада катта ўғит заводи қурилади. Қишлоқ хўжалиги машиналари 1,4 марта, пахта терувчи машиналар 3,5 марта, цемент ишлаб чиқариш 1,5 марта ошади. Ипак моллар, понафзал, консервалар кўпайтирилади.

Ўртоқ Сейтов сессияда катта нутқ сўзлади. Айниқса, унинг Амударё устига Нукус ёнида кўприк қуриш зарурлиги ҳақида қатъий гапириши яхши бўлди. Кўприк йўқлиги сабабли Қорақалпоғистон транспорти ишида қийинчилик зўрлигини айтиб, кўприк қуриш жуда зарурлигини қайд этади. «Бунинг учун 70 миллион сўм мўлжалланади ва бу харажат 7 йилда ўзини кўтаради», деди ўртоқ Сейтов.

Қорақалпоғистонда, Нукусда бу йил Ўзбекистон Фанлар академияси филиали очилади. Ўртоқлар, бу ҳодиса Қорақалпоғистонда илм-маданиятнинг юксалганини, олимларнинг кўпайганини яхши кўрсатади.

Иттифоқ республикалари бюджети 1960 йилга 387,3 миллиард сўм белгиланди. Бу ўтган йилга нисбатан 43,7 миллиард сўм ортиқдир. Шу жумладан Ўзбекистон

бюджети 1960 йилга 10,173 миллиард сўм бўлиб, 1959 йил бюджети — 8,665 миллиард сўмдан 1,508 миллиард сўм ортиқдир.

СССРнинг 1959 йилдаги даромади 724,2 миллиард сўм, харажати эса 706,7 миллиард сўм бўлиб, 1960 йилга 772,1 миллиард сўм даромад ва 744,8 миллиард сўм харажат мўлжалланди.

Ўртоқлар! Техника ва механизацияни ўстириш, уларни кенг қўллаш натижасида халқ хўжалигимизнинг бутун соҳаларида ишлаб чиқариш кенгайди, маҳсулот ошадди, хом ашё нқтисод этилади, сарф бўладиган пул яхши тежаланди. Бунинг натижасида мамлакатимиз бюджети ошиб боради.

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи ҳукумати Лениннинг тинчликсевар сиёсатини қўллаб, XX ва XXI партия съездлари қарорларини, СССР Олий Совети директиваларини изчиллик билан, қатъият билан қўллаб, халқаро сиёсатдаги қийинчиликларни ва «совуқ уруш»ни йўқотиш тadbирларини белгиламоқда ҳам давлатлар орасидаги муносабатларни яхшилаб, дунёда тинчлик ўрнатиш ва халқлар хавфсизлиги чораларини кўрмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар хатти-ҳаракатлари натижасида сўнгги вақтларда халқаро аҳвол ҳийла яхшиланди.

Ўртоқлар! Мен сизга сессиянинг иши ҳақида жуда қисқа гапирдим. Мамлакатимизнинг турли вазифалари, ишлари жуда кўп. Бугун Москвада очилган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ хўжалигининг энг муҳим, энг зўр масалаларини ҳал этмоқда. Пленумда Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ҳисоботлари эшитилиб, саноат ва қишлоқ хўжалигининг зарур масалалари, пахтачилик ҳақида муҳим тadbирлар, чоралар кўрилади.

Шундай қилиб, ўртоқлар, буюк мамлакатимиз ҳар бир соҳада буюк ютуқлар, зўр ҳамлалар билан кун сайин олға босмоқда.

Ўртоқлар, дўстларим! Ўқув ишлари, колхоз ишлари бўйича сизга қўлимдан келганча ёрдам этишга, хизмат этишга ҳамиша тайёрман. Менга хат ёзиб, телефон қилиб, донм алоқада бўлиб туришингизни ўтинаман.

Яшасин суюкли, жонажон Коммунистлар партияси!

Яшасин совет халқлари дўстлиги!

Коммунизм сари, олға!

## 1961 ИИЛДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Қадрли ўртоқлар!

Тўрткўл райони ишчилари, колхозчилари! Азамат пахтакорлар! Самимий қалбимдан алангали саломларимни қабул қилингиз!

Дўстларим, биз ажойиб даврда яшайпмиз, ҳаётимиз гўзал ва порлоқдир. Коммунистик партиянинг меҳрибонлиги, раҳбарлиги билан маданиятда, илмда, хўжалигимизнинг бутун соҳаларида катта ютуқларга етишдик. Илм-маърифат Ватанимизда борган сари ривожланганидан янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз. Уфқдан-уфққа етадиган кенг пахтазорларимиз бор. Бизнинг ракеталаримиз, ер йўлдошларимиз ойга, юлдузларга йўл очди.

Яқинда бўлиб ўтган XXII партия съезди коммунизмга кириш йўлини бизга очиб берди. Бу съездни тарихий съезд, деймиз, чунки бизнинг улуғ Коммунистик партиянинг бутун шарафли тарихида бу съезд энг кўп делегатлар қатнашган съезддир. Унда бутун дунёдаги қардош марксча-ленинча партия вакиллари қатнашди. Бу съезд фақат совет халқи ҳаётидагина эмас, балки бутун дунё учун, инсоният бахт-саодати учун ҳам аҳамиятлидир.

XXII партия съездида буюк партияимизнинг устави ва программаси қабул қилиниб, халқ хўжалигимиз, саноатимиз, маданиятимиз, маърифатимиз равнақи учун зарур бўлган бутун йўл-йўриқлар белгиланди. Программа халқимизнинг бахтли ҳаёти, авлодимизнинг бахту саодати учун асосдир.

Бутун дунё меҳнатсевар халқлари, прогрессив инсоният бизнинг программаимизни олқишлар билан, шодлик билан қарши олди. Қардош марксча-ленинча партиялар бизнинг программаимизни давримизнинг коммунистик

манифести, деб атадилар. Ҳақиқатан, бу программа коммунизм қурувчилари программасидир, дедилар.

Тўғри, азиз дўстларим, биз коммунизм қурувчилардирмиз. Биз энг бахтли, энг озод бир даврда яшайпмиз. Бизнинг байроғимизга «тинчлик, меҳнат, озодлик, қардошлик, бутун халқлар бахти» деган оташин сўзлар ёзилгандир. Програмада «одам одамга дўст ва ўртоқдир», дейилган.

Бизнинг мамлакатимиз ва бутун дунё социализм системаси ҳеч вақт ҳозиргидай қудратли бўлган эмас. XXII съезд совет халқининг қаҳрамон йўлбошчиси — ленинчи партия олдига ва бутун мамлакатимиз олдига кўп ажойиб вазифаларни, кўп улуг масалаларни қўйди. Бизнинг халқимиз қаҳрамонона меҳнат, ижодий ғайрат билан бу шонли вазифаларни муваффақиятли адоэтажак. Биз коммунизмни қурамиз. Бизнинг болаларимиз, бахтли авлод, албатта, коммунизмда яшайжак.

Ота-боболаримизнинг озод, бахтли ҳаёт ҳақидаги орзуларини совет халқи амалга оширди. Шунинг учун ҳам, дейманки, биз энг бахтли даврдамиз. Озод меҳнатга, бахтли ижодга мушарраф бўлдик. Бизнинг ҳар бир кунимиз Ватанимизга янги ва янги ютуқлар келтирмоқда. Йилдан-йилга янги завод-фабрикалар, янги қудратли электростанциялар, илм-фан ўчоқлари кўпаймоқда. Кечаги чўллар бугун бўстонга айланди, бугунги чўллар эртага боғ-бўстонга, яшил далаларга айланади. Бизнинг харитамизда бирон чўл, дашт қолмайди. Қорақум, Қизилқум, Мирзачўл, Қашқадарё даштлари, Қорақалпоғистон чўллари — ҳаммаси кенг пахтазорларга, боғларга айланади. Буюк совет халқи самимий дўстлик, мардона ғайрат билан коммунизмга етаяпти.

Илм-фаннинг тараққиётини ошириб, механизацияни кенгайтириб, халқимизнинг ҳаётини бахтли ва фаровон қилажакмиз. XXII партия съезди суғориладиган ерлардан яхши ва тўғри фойдаланиб, ҳосилни ошириш ҳақида, пахтани, яъни мамлакатимиз учун энг муҳим хом ашё бўлган пахтани етиштиришда механизациялаш ва экин майдонларини кенгайтириш лозим, деди ва бу ҳақда бутун чоралар, тадбирлар белгилади.

Бизнинг мамлакатимиз бутун социалистик мамлакатлар билан биргалашиб, дунёда тинчлик ўрнатиш учун курашмоқда. Бутун дунё халқлари дўстона йўллар билан ҳар қандай чигалликларни, ҳар қандай мушкул-



ликларни бартараф қилиши мумкин. Германиянинг икки давлати билан тинчлик шартномасини тузиш ғоят муҳим масаладир. Германия Демократик Республикаси, ишчи-деҳқонлар республикаси Берлинни озод шаҳар қиламиз, дейди. Албатта, улар ҳақли. Берлин уларнинг территориясига жойлашган. Америка, Франция, Англия Берлиннинг бир қисмини босиб ўтирибди. Уларнинг шпионлари, диверсантлари Берлинга тўлиб олган. СССР Берлиннинг озод шаҳар бўлишининг тарафдоридир.

Империалистлар аввал Берлинни, кейин Германия Демократик Республикасини, кейин бошқа социалистик мамлакатларни босиб олмоқчи. Аденауэр ва реваншистлар бош бўлиб турган Германия Федератив давлати яна милитаризмни тикламоқда. Биз бутун кучимиз билан Берлинни озод шаҳар қилишга тиришамиз ва озод шаҳарга айлантирамиз. Германия Демократик Республикаси билан, Германия Федератив Республикаси билан тинчлик шартномасини тузиш лозим. Агар Америка, Англия, Франция бу тинчлик шартномасини тузишдан бош тортсалар, барибир биз ўзимиз ва бутун социалистик мамлакатлар биргалашиб демократик республика билан тинчлик шартномасини тузамиз.

Бизнинг мамлакат зўр, қудратли, ажойиб мамлакатдир. Биз ҳеч кимсадан қўрқмаймиз. Бизнинг атом бомбаларимиз, ажойиб ракетагаримиз, душман ракеталарини осмонда уриб туширадиган қурооларимиз бор. Лекин бизнинг буюк мамлакатимиз халқ меҳрибони — Коммунистик партия раҳбарлигида, бир томондан, бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун чора ва тадбирларни кўрмоқда. Иккинчи томондан, мамлакатимиздаги бутун хўжалик соҳаларида буюк ҳамлалар билан, янги зафарлар, янги ютуқлар билан бизни коммунизмни қуриш йўлидан олиб бормоқда.

Мен тагин шуни айтиб ўтишни истар эдимки, сўнги йилларда Олий Совет сессияларида халқ ҳаётининг равнақи, фаровонлиги ва халқ хўжалигининг, маданиятининг, илмнинг ривожланиши масалаларига жуда катта аҳамият берилаётир. Буни ҳар йил СССР бюджетининг ўсиб бориши жуда равшан кўрсатади. Бу йил ҳам ўтган йилга қараганда бюджетимиз анча кўнайди. Мактаб-интернатларга, соғлиқни сақлаш ишларига, пенсия масалаларига жуда кўп аҳамият берилаётир.

Биз коммунизмни қурамиз. Бизнинг болаларимиз коммунизмда яшайди. Шунинг учун биз илм-фанга,

соғлиқни сақлаш масалаларига, халқ фаровонлигига катта аҳамият берамиз. Коммунизмни қурувчилар соғлом, илмли, ақлли, тадбирли, виждонли бўлишлари керак.

Яқинда Тошкентда бутун пахтачи республикаларнинг қурултойи бўлиб ўтди. Бу қурултойнинг айниқса, Ўзбекистон, шу жумладан Қорақалпоғистон учун аҳамияти жуда зўрдир.

Ўртоқлар! Биз улуг, ленинчи Коммунистлар партияси ва унинг толмас, чарчамас содиқ Марказкоми раҳбарлиги остида XXII партия съездининг зиммамизга қўйган вазифаларини шон-шараф билан, фахр билан бажарамиз. Биз совет халқининг бахт-саодати, болаларимизнинг келажаги учун меҳнат қиламиз, ижод қиламиз.

Азиз ўртоқлар! Ўтган йил Қорақалпоғистон катта, ажойиб, ютуққа эришди, пахта планини муваффақият билан бажарди ва Ленин ордени олиш шарафига муваффақ бўлди.

Ҳурматли дўстларим! Бу йилги меҳнатингиз, қаҳрамонона ғайратингиз натижасида яна зўр муваффақият билан плани тўлдиришингиз ва янги ютуқларга эришувингизни истаيمان.

## 1962 ЙИЛДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли ўртоқлар!

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига депутатликка менинг номзодимни кўрсатганингиз учун чуқур миннатдорчилик ва ташаккур айтишга ижозат этингизлар.

Азиз қардошимиз қорақалпоқ халқи учинчи марта Олий Совет депутатлигига номзодимни кўрсатапти. Бу менинг учун энг олий шарафдир. Қўлимдан келганича, кучим етганича Сизларнинг ишончингизни оқлашга тиришаман.

Мен ҳаётимни, ижодимни азиз халқимга, меҳрибон партиянинг йўлига бағишлаганман ва буни ўзимга катта бахт деб биламан.

Қадрли ўртоқлар!

СССР Олий Советига илгариги сайловдан буён тўрт йил ўтди. Бу озгина вақт ичида бизнинг мамлакатимиз коммунизм сари яна бир ҳамла ташлади. Бизга онадек меҳрибон Коммунистик партиямизнинг Марказий Комитети бутун совет халқига, барча сайловчиларга мурожаат қилиб, СССР Олий Советига ўтказилган илгариги сайловларда қўйилган улуғ вазифаларнинг бажарилганлигини билдирди.

Партиямиз буни ёрқин мисоллар билан кўрсатиб берди ва КПСС XXII съездида қабул қилинган янги программага мувофиқ келажак буюк планларини белгилади. Ҳар бир совет одамининг қалби севинч ва фахр билан тўлади, чунки бизнинг қадрдон ленинча партиямизнинг қаҳрамонона тарихига бир назар ташласак, ўз халқига хизматининг асло мисли йўқлигини кўрамиз. Унинг донолиги, ҳақиқатгўйлиги олдида ечилмаган ва бажарилмаган бирорта масала қолмайди.

Партиянинг бутун айтганлари, бутун иши фақат халқ бахти, халқ фаровонлиги учун эканлигини яхши биланмиз ва яхши ишонамиз. Ҳаммамизга жуда яхши равшанки, партия халқ ҳаётининг фаровонлиги учун ҳормай-толмай кўп меҳнат қилмоқда.

Халқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлган саноатнинг тараққиётида ўтган йиллар кўп катта ишлар бажарилди. Ўтган тўрт йил мобайнида 4000 йирик саноат корхоналари қурилди ва ишга туширилди.

Партия ўзига хос битмас-тугалмас энергия билан қишлоқ хўжалигини кескин равишда кўтариш учун ғайрат қилди ва ғайрат қилмоқда. Бутун дунё бизнинг фан ва техника, санъат ва маърифат бўйича қўлга киритган муваффақиятларимизга ҳайратда қолмоқда. Совет халқининг олға қараб бораётганлигига Қорақалпоғистон ҳам ёрқин мисол бўла олади. 1945 йилдан буён, мен ҚҚАССРга тез-тез келиб турибман. Ҳар бир келганимда, бу юртнинг ижтимоий ва маданий ишларида янги-янги муваффақиятлар ва янги-янги ғалабаларни кўраман.

Бугун бу қадим ерда янги саноат корхоналари қурилган, халқлар дўстлигининг ифодаси бўлган газ ўтказилмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сўнгги йилларда пахтачиликда кўп муваффақиятларга эришдилар. Бундай оғир меҳнатни қорақалпоқ халқи қаҳрамонона бажармоқдаки, ҳаммамиз бунга фахрланамиз. Қорақалпоғистон халқининг муваффақиятларига чин кўнгилдан қувонамиз. Бу ерда янги мактаблар, касалхоналар, илмий муассасалар барпо этилди. Ҳозирги илмий масалалар устида ишлаётган Қорақалпоғистон олимлари бор. Ижод этаётган шоирлар, ёзувчилар бор. Улар адабиётда ижодий моҳирликни касб этиб, ўз асарларида халқнинг бахтли, қувончли ҳаётини куйлаётирлар. Бу муваффақиятларни кўра туриб, бу халқнинг инқилобдан илгариги жабр-зулмга тўла ҳаёти билан ҳозирги турмушини таққослаб кўрсак, унинг ҳақиқатан буюк бир ҳамла билан янги бахт тўла ҳаётга кирганини кўраемиз.

Инқилобга қадар чор Россиясининг қолақ мустамлакаси бўлган Қорақалпоғистоннинг бир тутам нурдан маҳрум зимистон турмуши, қашшоқлиги ўтмишда абдий қолди, тамом йўқолди. Қорақалпоғистон халқи буюк Ватанимизнинг бутун халқлари билан биргаликда ўз

юртини янгидан қурмоқда. Бу қадим юрт янгидан гуллади, яшарди, йигитдай даври бошланди. Бу ёшлик жўшқин Амударёнинг битмас-туғалмас қудрати каби ғайратга тўла ёшлиқдир.

Азиз дўстларим!

Мен ёзувчиман. Кучим ва қобилиятим етганича халқ учун ижод қилаяпман. Шеърлар, достонлар, романлар ёзаман. Келгуси ижод планларим кўп. Орзуларим кўп. Меҳрибон партиямиз томонидан, Ватанимиз томонидан қўйилган улуғ планлар, совет халқининг азамат меҳнати ҳар бир совет одамининг юрагини қувончга, ғайратга тўлдиради.

Ҳар кун янги ғалабалар билан, ишонч билан коммунизм сари жасурона бораётган ва дунёда биринчи марта социализмни қурган қаҳрамон халқимни, улуғ Ватанимни ўз ижодимда куйлай олсам, менинг асарларим халқим учун озгина манзур бўла олса, бу мен учун катта бахт ва қалбимнинг энг зўр орзусидир.

Қимматли сайловчиларим!

Янги асарларим билан Сизнинг шарафли ишончингизни оқлашга тиришаман. Бу учун бутун кучимни, ҳаётимни, юрагимни бағишлайман.

Қимматли ўртоқларим!

Сиз билан бирга бир даврда яшаб бирга ижод этаётганим учун ўзимни ниҳоятда бахтли санайман. Шу улуғ Ватанимизнинг равнақи учун, гуллаши учун барчангиз биргалашиб меҳнат қилаяпсизлар. Ижозат этингиз, бу шарафли ишда ҳаммангизга муваффақиятлар нистайман.

Озод, порлоқ ҳаёт, гўзал бахтли замонда яшаётирмиз. Совет халқи зўр ғалабалар билан коммунизмга кириб бормоқда. Бизнинг авлодимизнинг осмонида ҳамisha қуёш порлайди. Бизнинг улуғ Ватанимиз бутун жаҳонда тинчлик машъали, бутун дунё халқларининг умид — бахт машъалидир. Биз келажакка ишонч билан қараймиз. Биз жасур қадамлар билан олға кетаяпмиз. Чунки бизнинг йўлимиз улуғ Лениннинг кўрсатган йўлидир. Бизни бу йўлдан меҳрибон Коммунистик партия олиб бормоқда.

Яшасин Коммунистлар партияси!

Яшасин совет халқи!

Яшасин Қорақалпоғистон халқи!

Олға, дўстларим!

## КИТОБХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Азиз дўстларим!

Аввало ижозат этгайсиз, бу йиғин учун сизга чексиз ташаккур айтаман. Миннатдорчилигимни, ҳурматимни қабул қилгайсиз. Сиз билан учрашув мени гоят қувонтиради.

Чиқиб келаётган коммунизм қуёши ила порлоқ шу кунларимизда янги одамларни, янги қаҳрамонларни кўра олиш имконига эга совет ёзувчилари жуда бахтлидир. Қаҳрамонларнинг меҳнати, халқ бахти учун курашувини кўриш ёзувчига завқ, мароқ, илҳом бағишлайди. Тарих ёзувчига буюк вазифалар юклайди. Коммунизм жамиятини қураётган одамлар қаҳрамонликларининг куйчиси бўлиш, халқ бахтини куйлаш, халқ учун ижод этиш, халққа хизмат қилишдан буюкроқ бахт йўқ — ёзувчи учун. Бу муқаддас, эзгу бир бурчдир.

Меҳнаткаш халқ, курашчи халқ ҳаётини куйлаш кўпдан, ёшлигимдан юрагимнинг энг буюк орзуси бўлиб келди. Болалигимда кўрганим Октябрь инқилоби воқеалари, хотиралари кўп йиллар мени ҳаяжонда, тўлқинда олиб юрди. Мана, 50 йил чамаси ўтиб қолди, Буюк инқилоб ҳақида кўп китоблар ёзилди. Лекин у йиллар битмас-тугалмас ижод манбаидир, зўр бир хазинадирки, адиб ва шоирлар ўз ижодлари учун мавзулар, образлар, характерларни шу манбадан олаверадилар.

Мен инқилобий йиллар ҳақида кўп ёздим. Ҳануз ёзадиганларим, мўлжаллаганларим бор. У йиллар ҳақида ёзиш менга катта завқ, бахт бағишлайди. Коммунизм нурларидан порлаган шу кунларимиз ортидаги инқилобий йилларни, машаққатга, жабр-жафоларга тўла йилларни, бўронли-қуюнли кураш йилларинини ҳануз эсимизда сақлаймиз. Ота-оналаримизнинг курашларини,

фидокорликларини унутмаймиз. Улар мангу қалбимиздадир.

«Улуғ йўл» романимни тугатаяпман. Бу романда ҳозирги бахтли, нурдор ҳаётимиз учун бўлган кураш йилларини кўрсатишга тиришдим.

Ёш авлодларимиз ота-оналарининг қаҳрамонликларини билсин, қадрласин, дейман. Кўп қурбонлар бериб азиз қонларини тўкиб, қўлга киритган озодликнинг, Октябрь инқилобининг қадр-қимматини билсинлар, дейман. Шу ният билан бу романи ёздим.

Азиз дўстларим, Сиз билан учрашиш мени суюнтиради. Бахтли, истеъдодли, гўзал хулқли ёш авлод бизнинг буюк орзумиз, зўр бахтимиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ  
ИЛМИЙ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Азиз дўстларим!

Менинг чексиз миннатдорлигимни, ташаккуримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Йигирма йил мобайнида сиз билан ижод меҳнатини бирга чекиб, ижод шодлигимни бирга тотиб келганимга беҳад мамнунман, ғоят хурсандман. Сизнинг менга кўрсатган ҳурматингиз, самимиятингиз шу тобда юрагимга дарё-дарё нур ағдарди, ҳисларим, туйғуларим қирғоғи йўқ. Менга бағишлаган бу бахт, бу қувонч, бу эъзозингизга ҳар қанча ташаккур айтсам камдир.

Мунаввар академиямиз кўп илм соҳибларининг қанча азиз вақтлари ва меҳнатлари самараси бўлган нутқлари мени ғоят ҳаяжонга солди. Тил-адабиётчилар, шарқшунослар, тарихчилар, файласуфлар ва академия аъзолари, президент ҳам вице-президентларнинг барчасига юрагимнинг бутун муҳаббатини бағишлайман.

Халқимизнинг маданияти, маърифати, илм-фани йўлида кўрсатган ижодингиз, фаолиятингиз, саботингиз чексиз мадҳга сазовордир. Буюк йўлимизда биз билан бирга бораётган, юрагимизнинг кучи ва қуввати, умид ва орзуларимизни қалбимиздан, қўлимиздан олиб борувчи ёшлар бизнинг бахтимиздир.

Илм хазинасининг калити ҳамиша ёшларники. Замон ўтиши, асрлар кетиши билан олимлар илм хазинасини қўлдан-қўлга топширурлар ва ҳар бир олим ўз ҳиссасини, ўз юрак қатрасини илм-фан денгизига қўшилгани туфайли бахт касб этади.

Илм-фан, санъат-адабиёт халқ бошига қуёш кўтарур. Ҳаётни мунаввар этур. Булар оғир, сермеҳнат талаб этувчи соҳалардир, лекин фидокорона меҳнат мўъжизалар яратишини биз яхши биламиз. Бу қуёшдай равшандир. Бунинг учун ёш бўғинлар, ёш дўстларимга айтадиган ёлғиз сўзим — буюк ирода, соф виждон, чиндамли меҳнат билан илм-чўққисига, илм булоғининг қаърига йўл очасиз! Меҳнат ила ижод ҳамиша биргадир. Улуғ Ленин даҳосининг бошлаган йўлидан коммунизмга етажакмиз.



### ҲУСАИН ШАМСНИНГ «ҲУҚУҚ» РОМАНИ ҲАҚИДА

Ёзувчи ушбу асарда мустамлака даврида ўзбек меҳнаткашларининг ўз озодлиги учун курашини, бойларга ва чор ҳукуматига қарши қаттиқ нафратини ҳам «Қўқон мухторияти» ва унинг тор-мор этилиши каби анча воқеаларни кўрсатишга тиришади. Ёзувчи бу романда мусбат образ қилиб, меҳнаткашлар манфаати учун курашувчи революционер образини гавдалантиришга интилади. Содиқ — шундай образ. Яна бир муҳим момент шундаки, ёзувчи ўз асарида меҳнаткашларнинг ҳаракатини большевиклар раҳбарлиги остида олиб борилган рус пролетариатининг революцион кураши билан боғлашга тиришади. Асар қаҳрамони Содиқ заводда ишлаб, бундаги большевиклар билан яқин алоқага киришади, большевистик ғояларни ўзлаштира бошлайди. Содиқ рус ишчилари билан бир сафда Октябрь революциясини мудофаа қилади.

Асарнинг бадий салмоғи ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни айтишга тўғри келади:

1. Одам образлари умуман тип, характер сифатида унча ёрқин, жонли гавдаланмайди. Ҳатто ромanning қаҳрамони Содиқ ҳам хирагина чизилган.

2. Бадий восита кўрсатилиш ўрнига воқеалар кўпинча тавсифланиб, ҳикоя қилиниб берилади.

3. Маълум бир воқеа ёки ҳолат ҳеч лозим бўлмаса ҳам такрорланади.

4. Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган баъзи воқеалар (масалан, Нодиранинг бошидан ўтган бир кўп можаролар) асарда каттақон ўрин олади, натижада ҳаракат сусаяди.

5. Қўқон мухториятининг келиб чиқиши ва унинг меҳнаткашлар томонидан тор-мор этилиши асарда тўғри

акс этмаган. Асарнинг бу қисмида бир томонда — халқ, бошқа бир томонда — бир тўда большевиклар ва ишчилар. Автор халқ бойлар ва руҳонийлар томонидан алданган эди, деб уқтириб ўтса ҳам ўқувчида янглиш тасаввур қолдириши мумкин. Асарда большевиклар халққа қарши курашган бўлиб кўринадилар. Ҳолбуки, ўзбек меҳнаткашларининг жуда оз қисми руҳонийларнинг, уламоларнинг тазйиқига тушган бўлса ҳам асосий масса мухторият кетидан кетмаган. Мухторият халқ ичида асло замин тополмаган. Қўқон мухториятининг «асл шоввозлари» — бойлар, катта ер эгалари ва уларнинг идеологлари бўлган жадидлар асарда (агар Саримсоқхўжа мингбоши ва Мирзақосим истисно қилинса) яққол кўринмайди.

«Ҳуқуқ»ни ана шу камчиликлардан тозалаб нашр этиш керак.

### Яна шу асар ҳақида

«Ҳуқуқ» романининг тузатилган вариантини ўқиб чиқдим. Ёзувчи ромanning биринчи фаслларида қалам тегизмаган, дейиш мумкин. Лекин асарнинг охириги катта бир бўлимини (Қўқон мухториятига доир бўлимини) менинг ўтган йилги тақризимда кўрсатилган сиёсий қўпол хатолардан тозалашга тиришган. Кўпроқ қунт қилиб, жиддийроқ, чуқурроқ ишлашга авторнинг вақти бўлмаган чиқар.

«Ҳуқуқ»ни сиёсий ва адабий жиҳатдан жуда асосли таҳрирдан ўтказиб босиш мумкин.

## УТКИР РАШИДОВНИНГ «УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ЎЗБЕК СОВЕТ БОЛАЛАР АДАБИЁТИ» МАВЗУИДАГИ КАНДИДАТЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Уткир Рашидовнинг «Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўзбек совет болалар адабиёти» темасида ёзган диссертациясига раҳбарлик қилганман.

Темада автор ўзбек болалар адабиётининг Улуғ Ватан урушидан кейинги аҳволи тўғрисида мукамал тарихий маълумот беришга уринган. Ў. Рашидов ўзи ҳам шоир, маълумотли ва кўпдан буён юқори ўқув юртларида дарс беради. Шунинг учун ҳам болалар адабиётини чуқур ва яхши таҳлил эта олади.

Мен ҳасталигимдан етарли даражада раҳбарлик қила олмадим. Ў. Рашидов асосан мустақил ишлади. У пишиқ педагог ва болалар шоири бўлгани учун бу ишни муваффақиятли бажара олди.

Шеър, дostonлар, ҳикоя ва повестлар Ўзбекистонда асосан уруш даврида ва урушдан кейинги тишчилик даврида яратилди, дейиш мумкин. Автор ўз ишида Қ. Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Қудрат Ҳикмат, Шукур Саъдулла, Одил Ёқубов ва бир қанча ёзувчилар ижодини мукамал таҳлил қилди. Ў. Рашидов болалар адабиётимиздаги кўп камчиликларни очди. Бу эса болалар адабиётимизнинг ривожланишига, болалар ёзувчилари ижодининг ўсишига ёрдам беради ва хизмат этади, албатта.

Сўнги йилларда болалар ёш ёзувчилари, яъни шоир ва прозаиклари бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Болалар адабиёти учун хизмат этадиган шоир ва прозаиклар кўпинча хом асарларни ўртага ташлайдилар. Улар диққат билан, қўнт билан ўзлари устида ва асарлари устида ишламоқлари лозим.

Ў. Рашидов ушбу тема устида узоқ ва мукамал ишлади, бироқ шунга қарамай, диссертация айрим кичик нуқсонлардан ҳам холи эмас. Масалан, баъзи жойларда такрорлар бор, цитаталар кўпроқ олинган. Хуллас, ишни бир оз ихчамроқ ҳолга келтириш лозим.

Ў. Рашидов — шоир, драматург ва педагог. Назаримда, у педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олишга лойиқдир.

## Ж. ШАРИПОВНИНГ «БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ БАЪЗИ ПРОБЛЕМАЛАРИ» НОМЛИ ДИССЕРТАЦИЯСИГА ТАҚРИЗ

Мен Жуманиёз Шариповнинг «Бадий таржиманинг баъзи проблемалари» мавзудаги диссертациясини диққат билан ўқиб чиқдим. У диссертациянинг уч бобида бадий таржиманинг тарихи ва назарияси ҳақида мукаммал гапирган ва бадий таржиманинг айрим муҳим масалаларини тўла ҳал этишга жиддий тиришган ҳамда ундаги баъзи нуқсонларни тўғри очиб ташлай олган.

Ж. Шарипов ўз ишида «Евгений Онегин»нинг ўзбек тилига таржимасини ниҳоятда мукаммал текширган.

Пушкин — гениал шоир. Мен «Евгений Онегин»нинг таржимаси устида бир неча дафъа қайта-қайта ишладим. Мен ўзбек халқини буюк рус адабиёти хазиналаридан баҳраманд этишга тиришдим. Бу гоят мушкул иш, яна кўп ишлашга тўғри келади.

Таржиманинг нуқсонлари кўп, лекин Шарипов, чамамда, ортиқроқ мақтагандай кўринади.

Ж. Шарипов диссертация устида қунт билан ишлади, кўпгина адабий манбаларни текширди, ўрганди. Унинг бу зўр меҳнат ҳосили бадий таржима проблемасини тадқиқ қилиш ишига қўшган қимматли ҳиссасидир.

Мен бу иш учун Ж. Шариповга филология фанлари кандидати илмий даражаси берилишини лозим деб топаман.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ИЖОДИ ҲАҚИДА

Иззат Султон Абдулла Қодирий асарларини муфассал ўрганиб, ўз фикрини тўла гапирган.

Мен диққат билан ўқиб чиқдим, унинг фикрларини қувватлайман. Лекин мунаққид, чамамда, Абдулла Қодирий ижодининг баъзи бир салбий томонларини етарли даражада чуқур танқид этмаган.

Абдулла Қодирий воқеликни социалистик реализм методи асосида тасвир этишга етиб келмаган, аммо у ўз асарларида кечмиш ҳаётнинг реал манзараларини бера олган. У ўзбек совет адабиётида проза соҳасида тўнғич асарларни яратган. Шунинг учун Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида, шубҳасиз, салмоқли ўрин эгаллайди.

Мен Иззат Султоннинг фикрларига қўшиламаман.

## АДҲАМ РАҲМАТНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН АСЛ ФАРЗАНДЛАРИ» АСАРИ ҲАҚИДА

Мен Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асари билан танишдим. Адҳам Раҳмат беш йил фронтда бўлган, кўп қаҳрамон йигитларнинг фашист босқинчиларга қарши улуғ жангдаги ажойиб жасурликларини кўрган ва улар билан бирга юрган.

Йиртқич фашистларга қарши улуғ курашда Ватаннинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир снқим тупроғи учун барча аскарларимиз фидокорона жанг қилдилар, мардона урушиб, қон тўкиб ҳалок бўлганлар ҳам кўп.

Партия ва ҳукумат ўзбекистонлик кўпгина қаҳрамон йигитларнинг жасорати ва Ватанга садоқатини тақдирлаб, уларни «Олтин юлдуз» медали ва Ленин ордени билан мукофотлади.

Адҳам Раҳмат халқнинг ана шундай азиз, мангу барҳаёт ўғлонларининг қаҳрамонликларини фронтда ўз кўзи билан кўрди ва эшитди, улар ҳақида қунт билан материаллар йиғди.

Шуни айтиш керакки, қаҳрамон жангчиларимизга бағишланган ҳар бир асар улар учун кичик бир ҳайкалдир.

Фронт ҳақида ёзилган бу қимматли асар тўхтатилмай, нашр этилиши зарур. Аммо асарда ортиқча қайтариқлар ва такрорлар борки, уларни қисқартиш лозимдир.

Умуман айтганда, автор асарда Улуғ Ватан урушининг даҳшатли, қонли манзараларини жонли кўрсата олган.

## С. МИРВАЛИЕВНИНГ «ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЕТИДА ХОРИЖИЙ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ҲАЕТИ ВА КУРАШИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ» МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА

Мен С. Мирвалиевнинг диссертациясини ўқиб чиқдим. У менга маъқул бўлди. Бизнинг адабиётимизда Шарқ темаси катта ва салмоқли ўрин тутishi муҳим ва зарурдир. Адабиётимизда бу ҳақда шеърлар, ҳикоялар, повестлар ва романлар чиқмоқда. Мен биламан, 20-йилларда ҳам шоирлар Шарқ халқлари ҳақида хийлагина ёздилар. Лекин у йилларда Шарқ ҳақидаги шеърларимиз хом эди, балогатга етмаган эди. Шоирлар жиддий ва қунт билан ўқиб, ўрганиб, 30-йилларда секин-секин камолотга етдилар. Улар Шарқ мавзуларига бағишланган асарларида озодлик ҳақидаги орзуларини кўтаринки руҳ ва жўшқин юрак билан тараннум эта бошладилар.

Ҳозир Осиё ва Африка халқлари асрлар уйқусидан уйғониб, озодлик учун, ўз тақдири, ёрқин истиқболи учун империалистларга, мустамлакачиларга қарши омонсиз кураш олиб бормоқдалар. Ўзбек шоирлари ўз асарларида улар олиб бораётган курашни меҳр-муҳаббат билан, мароқ ва иштиёқ билан ифода этмоқдалар.

С. Мирвалиев ўзбек шоирларининг Шарқ ҳақидаги шеърлари, ҳикоялари, повестларини қунт билан ўрганиб, таҳлил қилган, Ҳамза, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом асарларини, ўзбек, ҳинд, араб китобхонларининг муҳаббатига сазовор бўлган Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи»ни, каминанинг Покистон циклидаги шеърлари, «Зафар ва Заҳро» достони, «Нур қидириб» қиссасини мукаммал текширган. С. Мирвалиевнинг ўзбек совет адабиётида хорижий Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг ифодаланиши ҳақида жуда чуқур фикрлари ва қимматли мулоҳазалари бор. Хасталигим сабабидан, С. Мирвалиевнинг диссертацияси устида ўз фикрларимни батафсил ёзмасдан, қисқача айтаманки, бу қимматли иши учун унга филология фанлари кандидати деган илмий даражани бериш мақсадга мувофиқдир.

## А. АЛИЕВНИНГ КАНДИДАТЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ҳақидаги А. Алиевнинг диссертациясини кўриб чиқдим. А. Алиевнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» ҳақидаги мулоҳазалари менга жуда маъқул тушди. У А. Қодирий ижодини ниҳоят объектив текширган, ёзувчининг муваффақиятлари билан биргача унинг камчилиги ва нуқсонларини очиқ кўра олган.

А. Қодирий ўзи ҳам нашриётга ёзган хатида ўзбек адабиётида биринчи роман ёзишга уринганини, халқнинг бунга эҳтиёжи ва ташналиги борлигини, бу ишда албатта камчиликлар бўлишини ёзган эди. А. Қодирий ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, оз вақт ичида учта роман билан адабиётимизга кирди, бу ҳақиқатда ғоят катта хизмат. Бунга ҳаммамиз иқроримиз.

«Ўтган кунлар» романининг заиф томонлари ҳам бор. А. Алиев буларни жуда тўғри, ҳақли равишда очиб бера олган. Отабек ва Юсуфбек ҳожилар ва уларнинг ҳамфикрлари, умуман айтганда, ўз синфларининг, яъни буржуазиянинг вакиллари ва ҳомийларидир. Уларда феодализм тузумига қарши табиий, бир қадар прогрессив интилишлар бор. А. Қодирий ижодидаги асосий қарама-қаршиликлари Отабек ва Юсуфбек ҳожи образида намоён бўлишини А. Алиев жуда тўғри айтади. А. Қодирий романда халқни, қосиб меҳнаткашларни кўрсатган, аммо уларни тўла-тўқис кўрсата олмаган, яъни эксплуататорлар билан меҳнаткашлар ўртасидаги синфий курашни яққол кўрсатмаган. Буни А. Алиев жуда тўғри қайд этади. А. Қодирий иккинчи романи — «Меҳробдан чаён»да бундай камчиликларни қисман тuzата олган. Унинг Анвар, Раъно, Сафар бўзчи образларини А. Алиев жуда мукамал текширган ҳам иккинчи томон-



даги Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла, Шаҳодат муфти каби реакцион, очкўз, сотқин бўлган манфий образларни ҳам гоят синчиклаб, чуқур таҳлил қилган. Бу ҳақдаги фикрлари ҳам менга жуда маъқул бўлди.

А. Қодирийнинг тили, услуби халққа яқин, ўша даврдаги халқ тилининг айнан ўзи. Аммо шунинг билан бирга, эски араб ва форс адабиётига тақлидчилик, архаизм кўп учрайди. А. Алиев буни ўз назаридан четда қолдирмаган.

Диссертация жуда тўла, мукамал, фикрлар аниқ, равшан, услуби яхши. А. Алиев бу иши учун филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга жуда лойиқдир.

## НАВРЎЗ ЖАПАҚОВНИНГ КАНДИДАТЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ТАҚРИЗ

Шоир Аялберган Мусаев халқнинг орзуларини, тилакларини, умидларини куйлаган куйчи эди. Халқ ичидан чиққан бу шоирни севиб ўрганганман. Наврўз Жапақов шоир Аялберган Мусаевнинг ижодини текширишни ўз зиммасига олар экан, ҳақиқатан кўп яхши иш қилган. Ўрганилиши зарур бўлган бу муҳим масала қорақалпоқ меросининг жуда юксак бир чўққисидир.

Шоир Аялберган Мусаев — чин халқ шоири, халқнинг оғир ҳаётидаги жабру зулмин, халқ ғам-ғуссаларини, халқнинг дилидаги бутун пок, эзгу орзуларини куйлаган. Хонлар, бойлар, беклар, уламоларнинг бутун кирдикорларини шоир ўзининг ажойиб шижоати, ўткир сўзи билан очиб ташлаган.

Жапақов шоир ҳаётини, ижодининг шаклланишини, мазмунини, услубини мукамал текширган. Шоирнинг умри, ижоди икки даврнинг тўқнашган жойига тўғри келади. Жапақов шоир яшаган даврнинг бутун сиёсий, ижтимоий ҳолатини яхши ўрганган, яхши тушунадди.

Октябрь революцияси қуёшдай порлаб кетди. Хонлар, беклар истибодди емирилди. Ана шунда Аялберган Мусаевнинг ижоди энг юксак поғонасига кўтарилди. У энди ўз халқи каби бахтли; унинг ижод булогидан бахт куйлари янграй бошлади.

Шоирнинг Коммунистик партияга, Ленин йўлига содиқлигини унинг партия, Ленин ҳақидаги ажойиб шеърлари жуда яхши ифода этади. Ҳақиқатан, унинг бу шеърлари, лирик парчалари мазмуни ва шакли юксакдир. Наврўз Жапақов буларни чуқур, мукамал ўрганган, диссертацияда яхши кўрсатган, шоирнинг ўткир тилини, мағизли, маъноли шеърларини, форма ва приёмларини, қофиялар ўлчовларини тўла анализ қилган. Диссертация бой, чуқур ва мукамалдир.

Наврўз Жапақовнинг иши филология фанлари кандидати илмий даражани олишга ҳақиқатан муносиб иш деб ўйлайман.

## У. ТҮЙЧИЕВНИНГ «ЎЗБЕК СОВЕТ ПОЭЗИЯСИДА БАРМОҚ СИСТЕМАСИ» МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА

Тўйчиевнинг диссертациясини диққат билан ўқиб чиқдим, унинг иши менга жуда ёқди. Тўйчиев бармоқ системаси устида кенг, чуқур тадқиқот олиб борган.

Бармоқ системаси қадимдан бошлаб ўзбек оғзаки поэзиясининг асосий йўли бўлган. Халқ ўз қўшиқларида, лапарларида, дostonларида бармоқ системасини ишлатган.

Аруз араб ва форс адабиётининг қадимги системасидир. Бу ўлчов ўзбек адабиётига секин-секин кирган ва кўп қийинчиликлар туғдирган, албатта. Ўзбек тилига форс-араб сўзларини қориштириб туриб арузни ишлатиш жуда оғир. Ўзбек адабиётида соф. ўзбек тили билан аруз йўлини ишлатиш керак.

Лекин бармоқ усули ўзбек адабиётига кўпроқ мос келади. Бу системани Тўйчиев мукамал, жиддий ва чуқур ўрганган.

...Тўйчиев ёш шоирларимиз учун энг керакли иш қилган. У кўп мукамал бармоқ вазнининг турли йўллариини топган. Ўзбек адабиёти бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларига катта ҳисса киритган Тўйчиевнинг бу иши филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга сазовор, деб ҳисоблайман.

### УСТОЗ САНЪАТКОР

Мамлакатимиздаги барча қардош халқлар адабиёти сингари ўзбек совет адабиёти ҳам улуғ рус классик адабиётининг бой традициялари таъсиридан, унинг йирик санъаткорларидан самимий ўрганиш асосида ўсиб юксалмоқда. Рус классик адабиётининг ана шундай устоз санъаткорларидан бири Лев Николаевич Толстойдир. Унинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Қаренина», «Тирилиш» каби гениал асарлари ўзбек прозани учун олий маҳорат мактаби бўлди. Толстой ижодиёти айрим талантли ёзувчиларимизнинг ижодий ўсишидагина эмас, балки бутун адабиётимизнинг тараққиётида, адабиётимизда илгари кўрилмаган жанрлар — роман, повесть каби йирик эпик асарларнинг пайдо бўлиши ва камолотга эришувида алоҳида ўрин тутди.

Толстой — буюк ҳақиқат куйчиси. Унинг бадий қудрати ана шунда. Ўзбек совет ёзувчилари ҳаётбахш социалистик реализм методини тобора мукамал эгаллаш учун курашар эканлар, гениал рус санъаткорининг: «ҳақиқатни чин қалбимдан севаман, ҳақиқатнинг бутун гўзаллигини тасвирлашга ҳаракат қилдим», деган сўзларини ҳамisha ёдда тутадилар.

Адабиётимизнинг ҳаққонийлиги қаҳрамон халқ яратётган мазмундор, бахтиёр ҳаётни куйлашлигидадир. Совет кишиларининг янгилик яратаётган, табиатни ўзгартираётган, кўпмиллатли қардошлик оиламизнинг бахт-саодати учун баракали меҳнат қилаётган, жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мардона курашаётган совет кишиларининг образларини, уларнинг юксак маънавий қиёфасини, ички кечирмаларини ҳаққоний акс эттириш биз совет ёзувчиларининг энг шарафли бурчимиздир. Бу олижаноб мақсадни амалга оширишда



Ойбек ўз ҳовлисида. 1957 йил.

рус классик адабиётининг улуғ намояндаси, буюк сўз устаси Лев Николаевич Толстойнинг адабий меросидан, бадий маҳоратидан тинмай сабоқ оламиз. Ўзбек прозанилари Толстой асарларини қунт билан ўқиб, ундан ҳаёт воқеаларини кенг миқёсда қамраб олишни, образ ва характерларни чуқур, ҳаққоний тасвирлашни, ҳаёт ҳодисаларининг асл моҳиятини очиб беришни, эскилик қолдиқларини бадий куч билан аёвсиз фош қилишни, асар устида ва айниқса унинг бадий воситалари, тили устида чидам билан ишлашни ўрганмоқдалар. Толстой ижодий меҳнатнинг азим қаҳрамонидир. У ўзининг «Тирилиш» романини йигирма марта қайтадан ишлаб чиқди. У «Хўжайин ва хизматкор» ҳикоясини босмага топширгандан кейин ҳам ҳатто телеграф орқали унга юзлаб тузатишлар, қўшимчалар киритди.

«Ҳаёт йўли» асарининг юздан ортиқ варианты маълумдир. Санъаткорнинг ўз асарига бўлган бундай талабчанлиги, китобхонга бўлган улуғ ҳурмати ва муҳаббат ҳисси, меҳнатсеварлик ва чидам — буларнинг ҳаммаси ёзувчиларимиз учун мислсиз ибратдир.

Лев Николаевич Толстой асарларини кўплаб ва юксак савияда таржима қилиб, уни бутун гениаллиги билан ўзбек китобхонига етказиш, унинг ижодини кенг миқёсда ва илмий асосда янада чуқур ўрганиш ўзбек ёзувчиларининг шарафли бурчидир. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор. Биз В. И. Лениннинг Толстой ижоди ҳақидаги геннал мақолаларига эгамиз. В. И. Ленин мақолалари марксистик адабиётшунослик учун мустаҳкам асос яратиб берди, бу мақолалар адабий процесснинг конкрет масалаларини таҳлил қилишда марксизмни ижодий татбиқ қилишнинг ажойиб намунаси бўлиб хизмат қилади.

Толстойнинг ижодий фаолияти бизни ўз асарларимизда даврнинг энг актуал, энг муҳим масалаларини кўтариб чиқишга халқнинг энг азиз истак, туйғу ва орзуларини ифодалай билишга ўргатади. Жаҳон прогрессив маданиятининг гиганти Лев Толстой ўзининг бутун борлиги билан чирик реакцион буржуа дунёсини, унинг инқирозга юз тутган тушқун маданиятини ҳозир ҳам фош қилмоқда. Унинг буржуа маданияти ҳақидаги гаплари ҳозир ҳам актуалдир. У «маданият ҳозир бутунича қотиллик ва қирғиннинг мукамал қуролларини

ўйлаб чиқаришга қаратилган» деган эди Толстой. Унинг публицистикаси ёзувчиларимизни жаҳон аҳамиятига эга бўлган актуал масалаларни кўтаришга, қора реакцияга қарши оловли сатира қуролини ишга солишга ўргатади.

Ёзувчиларимизнинг ўз бадий маҳоратини оширишда Толстойнинг ижодий мероси битмас-туғалмас хазинадир. Энг талантли ёзувчиларимиз шундан баҳраманд бўлиб улғайдилар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва бошқаларнинг романларидаги кишилар руҳининг чуқур психологик таҳлилларида Толстой маҳоратидан ўрганишнинг яққол намуналарини кўраемиз. Ёш прозаикларимиз Толстойдек буюк устозга эга бўлганликлари билан бахтлидирлар. Геннаал санъаткорнинг маҳорат мактаби ёзувчиларимизнинг янги-янги талантли авлодларини етиштиришда катта ўрин тутаяди. «Унинг китоблари гений томонидан қилинган саботли меҳнатнинг ёдгорлиги сифатида асрлар давомида яшайжакдир». (М. Горький).

## ҚАЛАМҚАШЛАР УРТАСИДА АМАЛИЙ ДЎСТЛИҚ БЎЛСИН

Партия XX съезди совет адабиётининг ҳаётимиздан орқада қолаётганлигини, коммунизм қурувчилари бўлган совет кишиларининг маънавий эҳтиёжларини қондирмаётганлигини таъкидлади. Ана шу юз берган камчиликни тугатмоқ учун нима қилиш лозим, китобхонлар: «Мана бу китоб ҳалол ишлаш ва яшашга кўмаклашадиган китоб бўлибди», дейдиган янги яхши асарларнинг юзага чиқиши учун қандай воситалар ва тадбирлар керак — ҳозир ҳар бир ёзувчини ўйлантираётган нарса шу. Биз аминмизки, ана шу масъулиятли ишда ташкилий тадбирлар яхшигина роль ўйнайди. Кўп нарса Ёзувчилар союзларининг ишига, уларнинг ташаббусларига боғлиқ. Бизда, бир группа ўзбек шоирларида шундай фикр туғилди.

Бизнингча, кўп миллатли адабиётимизнинг умумий юксалиши учун қардош республикаларнинг ёзувчилари ижодий тажрибалар билан бундан ҳам конкретроқ, бундан ҳам яхшироқ алмашиб туришлари, янада маҳкам ва доимий ҳамкорлик қилишлари лозим. Биз ўзимизнинг ижодий алоқаларимизни ва танишувларимизни аксари вақт Москвада бўладиган пленумлар, кенгашлар ёки декадаларда учрашув билангина чегаралаб қўймоқдамиз, бундай ҳолларда биз баъзи тантанали расмийликдан воз кечолмаймиз. Бунинг устига, бундай учрашувларда одатда кўп киши эмас, балки энг атоқли адабиётчиларгина қатнашади. Ваҳолонки, бундан ҳам мустаҳкамроқ ижодий дўстликда яшасак, мунозара қилсак, фикр ва планларимиз билан танишсак, бир-биримизни таъқид қилсак, биргалашиб адабий ўринбосарлар етиштирсак фойдали бўлув эди



Биз қўшни республикаларда, — чунончи Урта Осиё, Кавказ, Болтиқ бўйи республикаларида адабиётчиларнинг регионал кенгашларини ўтказишни қаламкаш дўстларимизга таклиф қиламиз. Бундай кенгашларда «жанрлар» принципини асос қилиб олса бўлади. Биз, Москвадаги декадалар вақтида бўлган амалий муҳокамалар тажрибаси, олимларнинг, тарихчилар, тилчилар ва адабиётшуносларнинг регионал кенгашлари тажрибаси каби ижобий тажрибага эгамиз.

Бизни, ўзбек шоирларини поэтик меросни қандай қилиб эгаллаш керак, шарқ поэзияси деб аталадиган поэзияда ҳанузгача яшаб келаётган нарса нима, миллий поэтик форма нима дегани, бундай форма, жумладан, шеърятда қандай намоён бўлади деган масалалар ва бошқа масалалар ҳаяжонлантиради. Биз нима учун бу борада дастлабки қадам қўйиб, Тошкентда тўплана олмаймиз ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон, қорақалпоғистонлик дўстлар билан ана шу масалаларни ҳамда совет поэзияси тараққиётининг умумий проблемаларини муҳокама қилолмаймиз? Бу шу жиҳатдан қулайки, турк тилида сўзлайдиган халқларнинг шоирлари бир-бирларини таржимонсиз англаб, бир-бирларининг китобларини асл нусхасида ўқий оладилар.

Бинобарин, ана шундай кенгашда бир группа бошқа республикалардаги ёзувчи ва шоирларнинг регионал кенгашларида бўлганидек, Москва, Ленинград, Киев, олис Ёқутистон, Болтиқ бўйи республикаларининг адабиётчилари қатнашса, фойдали ва яхши бўлур эди.

Бизнинг яна бир таклифимиз бор.

Бизнингча, бирон қардош республикада у ёки бу миллий адабиёт ҳафталигини ва декадасини, турли республикалардаги адабиётчиларнинг амалий учрашувларини кенгроқ миқёсда, уюшқоқлик билан ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Ўтган йили эстон жамоатчилигини ўз асарлари билан таништирган Литва ёзувчилари, яқиндагина молдаван китобхонлари билан учрашган белорус ёзувчилари, ўз дўстлари билан биргаликда Тбилисида бўладиган декадага тарадуд кўраётган Абхазия ва Жанубий Осетия ёзувчилари бизга қимматли маслаҳатлар бера оладилар. Қорақалпоқ адабиётининг Тошкентда бўладиган декадаси ҳам бизда анча тажриба орттиради.

Миллий адабиётлар ҳафталиги ва декадасини «территориал» жиҳатдан кенгроқ миқёсда бир-биридан узоқ турган республикалар ўртасида ҳам ўтказиб турса бўлади.

Ана шу масалаларни яхшилаб ўйлаб кўришимиз лозим.

Ишончимиз комилки, қардош республикалар адабиётларининг регионал кенгашлари ва ҳафталиклари кўп миллатли совет адабиётининг ривож топишига ёрдам беради, ёш талантларни аниқлаб олиш ишини енгиллаштиради. Республикаларда танқидчилар ишини активлаштиришни таъминлайди.

Биз ана шу катта аҳамиятга эга бўлган ва етарлича «синаб» кўрилмаган тадбирларни амалга оширишда ташкилий ҳам моддий жиҳатдан муқаррар дуч келадиган жиддий қийинчиликлардан тап тортмаймиз.

Биз «Литературная газета»да ушбу мактубимизни босиб чиқаришни сўраймиз ва қаламкашларимиз бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонамиз. СССР Ёзувчилари союзи секретариати бу ташаббусни пайқар, деган умиддамиз.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК АЗИЗ ДУСТЛАРГА СУЗИМИЗ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун социалистик Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда Совет Қорақалпоғистонни адабиёти ва санъати декадаси очилади.

Биз, ўз ижодий кучларингизни намойиш қилмоқ учун келган Сиз азиз дўстларимизни — қорақалпоқ ёзувчиларини, театр, музыка, хореография, тасвирий санъат ва қўл ҳунари санъати арбобларини, бадий ҳаваскорлик вакилларини чин қалбдан самимий табриклаймиз. Қорақалпоқ халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида улуг рус халқининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ёрдами билан Совет ҳокимияти йилларида экономикани, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривож топтиришда катта муваффақиятларга эришди. Қорақалпоқ халқининг тарихий муваффақиятлари партиямиз доно миллий сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилганлиги самарасидир.

Қардош қорақалпоқ халқи маданиятининг муваффақиятлари Совет Ўзбекистонидagi барча меҳнаткашларни ҳақли суратда гоят фахрлантиради ва қувонтиради.

Мамлакатимиз Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилиши туфайли қорақалпоқ халқининг ғамгин, нашъасиз ҳаёти абадий йўқ бўлди. Совет Иттифоқи халқларининг ягона, аҳил оиласида қорақалпоқ халқи ҳам ўз бахтини топди.

Улоқтириб ташланмиш зулм кишани.  
Оғир кундан кўпдан ному нишон йўқ.  
Халқим зафар байроғини тик тутиб,  
Олга борар; янги ҳаёт ёп-ёруғ.  
Олдиндаги илон изи сўқмоқмас,—  
Нур тирқираб, кун ўйнаган катта йўл.

Қорақалпоқ ниним, бундай бахтга ҳеч  
Елчимаган эдинг чўзган билан қўл.

Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ўз асарларида ана шу қувончли бахтли ҳаётни акс эттираётганлиги бизни хурсанд қилади. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артистлари Жапоқ бахши Шомуротов, Оймихон Шомуротова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Гулхан Шерозиёва, Тарбия Жўлимбетова, халқ шоири Қурбонбой Тожибоевнинг ажойиб санъатида, Қорақалпоғистон санъатининг бошқа кўпгина вакиллари санъатида, ҳаётбахш халқ бадий ҳаваскорлиги санъатида янги, қувончли ҳаёт садосини эшитамиз. Қорақалпоқ совет адабиётининг асарлари, айниқса унинг Жўлмирза Оймирзаев, Аббос Добилов, Наврўз Жапақов, Асон Бегимов, Хўжабек Сеитов ва бошқа кўпгина атоқли вакилларининг асарлари халқлар дўстлиги руҳи, илҳомбахш яратувчилик меҳнати шавқи билан суғорилгандир.

Қорақалпоқ совет адабиёти ва санъатининг муваффақиятлари қорақалпоқ халқининг революцияга қадар бўлган илғор маданиятини чуқур ўрганишга асослангандир. Қорақалпоқ халқининг улуғ фарзандлари Жиен Жиров, Қунхўжа, Ажинияз ва Бердақ асарлари совет давридагина кенг халқ оммасининг мулки бўлиб қолди. Қорақалпоқ совет адабиёти ва санъати миллий классик адабиёт ҳамда оғзаки халқ ижодиётининг энг яхши традицияларини янада ривожлантирмоқда ва қорақалпоқ халқининг маданияти тараққиётида янги босқичларга кўтарилмоқда. Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ривожига ана шу янги босқичнинг характерли томонлари унинг коммунизм учун халқ олиб бораётган кураш билан чамбарчас боғланганлигида, коммунизмнинг улуғ идеялари санъат воситалари билан изчил пропаганда қилинаётганлигида, мундарижа ва формасининг халқчиллигида, социалистик реализм принципларига содиқлигида — партиявийлиги, ҳаққонийлиги ва юксак бадийлигидадир.

Қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг ана шу ажойиб фазилатлари қорақалпоқ маданияти арбобларининг жаҳон социалистик санъати ҳамда адабиёти илғор тажрибаларини, биринчи галда улуғ рус халқи адабиёти ва санъати тажрибаларини изчиллик билан ўзлаштиришлари процессида юзага келди.

Қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг Тошкентда ўтказиладиган биринчи декадаси қорақалпоқ халқининг миллий маданияти эришган жуда катта муваффақиятларга кўрик бўлибгина қолмай, шу билан бирга республика меҳнаткашларини коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга илҳомлантиради.

Кўп миллатли совет адабиёти ва санъатининг янада гуллаб-яшнаши учун энг муҳим шарт бўлган Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар маданияти арбобларининг ижодий ҳамкорлиги янада мустаҳкамлансин!

Хуш келибсиз Тошкентга, азиз дўстлар! Сизларга декада кунларида чин қалбдан катта муваффақиятлар тилаймиз ва бундан кейинги ижодий ишларингизда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни истаймиз.

## УРНИМИЗ — ЖАНГОВАР САФДА!

Азиз дўстлар!

Биз, серқуёш Ўзбекистоннинг адабиёт арбоблари, пахтачилик усталарининг республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата ёзган мурожаатномасини зўр ҳаяжон ва фахр билан ўқиб чиқдик.

Ҳозир уфқдан-уфққа туташ кенг майдонларда улкан пахта ҳосили учун шиддатли жанг кетаяпти. Ҳар вақт-дагидай, олдинги саф пешқадамларники. Улар, бу йил мамлакатга 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» топширамиз деб жонажон Ватан ва партияга берган сўзлари устидан чиқиш муддаосида вақтлари-ю кучларини аямай, кунларни тунларга улаб мўл ҳосилга замин яратмоқдалар.

Лафзи ҳалол ва мард пахтакорларимиз тупроқдан олтин ундириш йўлида озмунча меҳнат қилишмади. Аммо ҳали қилинадиган ишлар оламжаҳон. Бу йил табиат инжиқлиги ҳар йилгидан ўтиб тушди. Кўклам оғир келиб, сув тапқислиги ортиб, аҳвол қийинлашиб кетди. Ҳозир каттадан-кичик ҳамма бу йилги ҳосил ташвишида. Биз — адабиёт-санъат ходимлари ҳам шу ташвишга шерикмиз. Бошқача бўлиши мумкинми? Ахир бизлар ҳам КПСС Марказий Комитети март Пленуми ва Ўзкомпартия Марказий Комитети XVII пленуми чизиб берган қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг буюк режаларини амалга оширишда фаол иштирокчилармиз-ку! Бизнинг ҳам фикру зикримиз, ташвиш-ўйларимиз ҳосил учун жон куйдираётган шопли халқимизники билан бир-ку!

Ҳозирги долзарб кунларда биз пахтакорларга алоҳида эътибор кўрсатмоғимиз даркор.

Биз, ёзувчилар, олдимизда турган вазифанинг нечоғ-

ли муҳим эканлигини яхши англаймиз. Меҳнаткаш халқимизнинг мардона курашларига, юрак амрига амалий ишлар билан жавоб беришга ўзимизни чоғлаймиз. Бу кунларда ҳар бир шоир, адиб ва драматург **Ўзини** пахтакорлар сафида деб билади. «Оқ олтин» учун умум-халқ курашига баҳоли қудрат ўз улуштини қўшади.

Биз барча маданият арбобларининг шарафли бурчи ҳозирги зарбдор ва машаққатли кунларда табиатдан марҳамат кутмай янги шонли ғалабага замин ҳозирлаётган кишилар қаторида бўлишдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Кейинги вақтда кетма-кет ёзувчилар бригадалари пахтакорлар ҳузурига отланмоқдалар. Уларни ҳозир Бухоро, Қашқадарё областларидаги колхозларнинг дала шийпонларида, Фарғона водийсида, Зарафшон бўйларида, қадимий Хоразм пахтазорларида учратиш мумкин. Пахтакорларнинг зафарли меҳнати куйлаш, уларни янги ютуқларга илҳомлантириш, қийин кунларда кучларига — куч қўшиш ёзувчи, шоирларнинг жонажон ишидир. Ёзувчиларимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган, КПСС Марказий Комитети март Пленуми руҳи билан суғорилган йирик асарлар устидаги айрим парчалари билан китобхонлар танишдилар. Шу билан бирга республикамиздаги газета ва журналларда, радио ва телевидение орқали меҳнат фронтида юз бераётган кундалик воқеаларни акс эттирувчи адабий лавҳалар, очерклар, ҳикоя ва шеърларни кўпроқ бериб бориш зарур ишимиздир. Шунингдек, ёзувчилар коллективимиз яқин вақт ичида пахтакорлар ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ажойиб ишларига бағишлаб икки тилда асарлар тўплами чиқариш ҳаракатида. Кўпгина етакчи ёзувчиларимиз ҳамда ёш талантларимиз ўзларининг янги шеър, ҳикоя, қисса ва романларини дала меҳнаткашлари ҳаётига, уларнинг меҳнатдаги изланишлари ва жасоратларига бағишлайдилар.

Ёзувчиларнинг илҳомбахш бадий сўзлари колхоз радиолари орқали, қишлоқ ва посёлкалардаги клуб саҳналари, дала шийпонларида ҳам янграб туриши лозим.

Ёрқин ва ҳаққоний бадий сўз — қудратли кучдир. У, миллионлаб кишиларни илҳомлантириш ва зафарлар сари рағбатлантиришга қодир. Шунинг учун биз, ўзбек маданиятининг барча арбоблари — артистлар, композиторлар, рассомлар ва кино усталарини бу кунларда ўз

халқи орасида, қаҳрамонона ишлар амалга оширилаётган жойларда бўлишга чақирамиз. Завқли қўшиқлар, ҳозиржавоблик билан айтилган аския ва ҳазиллар, дилрабо куйлар, таъсирли кино ҳикоялар — санъат бисотимиздаги бор жавоҳирлар ҳозирда меҳнат фронтининг олдинги марраларида бўлсин, деймиз!

Шундай қилиб, бизнинг ижодимиз ҳозир республикамизда қайнаб тўлқин уриб турган меҳнат оқимига кучли ирмоқлар бўлиб қўшилиб кетсин. Ўз халқининг жигарпоралари ҳисобланган санъат ва адабиёт аҳли шу қаҳрамон халқига, улуғ даврига ҳар вақт муносиб иш тутсин,

«Мард майдонда синалур» деган ҳикматли гап бор. Фахр ва ғуруримиз бўлган «оқ олтин» бойлигини оширувчи дала баҳодирлари олдида юзимизни ёруғ қилиб, бу йилги хирмонга барака киритишда муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Баҳодир халқимиз, улуғ Ватанимизга хизмат қилишдан кўра шарафлироқ ишимиз йўқ.

Ёзувчилар, артистлар, рассомлар, кино ходимлари! Жонажон партиямизнинг, илғор пахтакорларимизнинг — Ҳамма пахта учун курашга! — деган жанговар чақириғига барча меҳнаткашлар билан бир ёқадан бош чиқариб: «Лаббай!» деб жавоб берайлик!



## АДАБИЁТИМИЗНИНГ ДУСТИ

Ўзбек совет адабиёти хусусида сўз кетганда уни кўп-миллатли умумсовет адабиёти билан бир бутун ва ажралмас ҳолда тасаввур қиламиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Умумсовет адабиётимизни бамисоли улкан чинор деб фараз қилгудек бўлсак, ўзбек адабиётимиз унинг бақувват шохларидан биридирки, у ёшдаги бошқа катта-кичик шох-бутоқлар билан азм чинорнинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Биз адабиётимизнинг равнақи ва юксалишида қардош халқлар адабиётларининг таъсири ва ўзаро ижодий алоқаларининг ижобий самарасини яққол сезиб турибмиз. Бепоен мамлакатимизда адабиётимизнинг юксалишини зийраклик билан кузатиб бораётган ва адабиётимиз вакилларига қўлларидан келган ёрдамларини аямай, умумманфаат йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган меҳрибон устозларимиз ва дўстларимиз истаганча топилади. Бизнинг мана шундай жонкуяр дўст ва устозларимиздан бири отахон адиб Константин Александрович Фединдир.

К. Фединнинг номи адабиёт мухлисларига Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалаба қилмасдан илгари ҳам маълум эди. Бироқ адиб таланти булогининг кўзи Октябрдан сўнг очилди. Агар адибнинг ярим асрдан ортиқроқ ижодий йўли назардан ўтказиладиган бўлса, унинг социалистик реализм методи асосида иш кўраётган совет адабиётимизнинг жаҳон миқёсида обрў қозониши йўлида сидқидилдан ҳалол тер тўкиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда бу улкан сўз санъаткорининг ажойиб эпик полотнолари социалистик реализм адабиётининг бабаҳо дурдоналари ҳисобланади. Уларнинг мамлакати-

миз халқларининг тилларидан ташқари хорихдаги миллион-миллионлаб китобхонларнинг тилларига ҳам таржима қилинганлиги Фединнинг ёзувчилик шухрати нақадар кенг тарқалганлигини кўрсатади. Жаҳон маданияти тарихида чуқур ва фахрли из қолдирган Максим Горький ва Ромен Роллан сингари устозлардан қаламкашлик илмини ўрганган Федин ижодининг дастлабки йилларидан бошлабоқ, тинчлик ва осойишталик, бахт йўлидаги меҳнат, самимийлик, одамийлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини илгари сурди, халқларнинг бошига босқинчилик урушлари қанчалик фалокатлар келтирганининг жонли шоҳиди бўлганидан уни қаттиқ қоралади, реакцион моҳиятини фош қилди. Бу эса қора ниятли урушқоқларни талвасага солди. Германияда ҳокимият тепасига гитлерчи фашистлар келгандан кейин жаҳон адабиётидаги урушга қарши мавзуда ёзилган асарлар қаторида Константин Фединнинг «Шаҳарлар ва йиллар» романининг гулханда куйдирилганлиги ҳам бундан далолат беради.

Совет адабиётимизнинг оқсоқол адибларидан бири бўлган К. Фединнинг ижодий йўли барча қаламкашлар учун чинакам мактаб ва намунадир. Бугунги кунда миллион-миллион адабиёт мухлислари қалб тўридан жой олган «Шаҳарлар ва йиллар», «Оға-инилар», «Европанинг ўғирланиши», «Арктур» санаторийси», «Илк севинчлар», «Мислсиз ёз», «Гулхан» сингари йирик эпик полотнолар адибнинг ўзи қаламга олган ҳаёт қатламларини жуда яхши ва чуқур билганлигидан, ёрқин ва жонли образлар, картиналар яратишдаги улкан маҳоратидан, умуман айтганда халқ қалбига, унинг психологиясига чуқур кира билганидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам адиб асарларидаги қаҳрамонлар китобхон қалбига бағоят яқиндир, ҳаётда уларнинг ҳамроҳи ва маслаҳатгўйидир.

К. Федин ижодида унинг «Илк севинчлар», «Мислсиз ёз» ва «Гулхан» деб номланган китобларидан иборат бўлган трилогияси алоҳида ўрин тутади. Бу асарларнинг тасвир кўлами ғоятда кенгдир. Адиб трилогияда революциядан олдинги ва ундан кейинги йилларни қаламга олар экан, ўзларининг бутун туриш-турмушлари билан янги жаҳон кишилари эканликларини кўрсатиб турган оташ қалбли коммунистларнинг умрбод эсда қолувчи образларини яратди, янги ҳаёт йўлида меҳнат қилаётган, уни тобора гўзаллаштираётган кишиларимизни та-

раннум қилади, бу ҳаётни кўз қорачиғидай асрашга, уни душманлардан ҳимоя қилишга даъват этилади. Улкан адибнинг кичик жанрларда, хусусан ҳикоя ва очерклар ёзиш борасидаги ижодий изланишлари ҳам муваффақиятлидир. Унинг ҳикоя ва очеркларида улуг доҳиймиз В. И. Ленин ҳамда коммунистик келажакни тобора яқинлаштираётган бошқа гўзал қалб эгаларининг кишига завқ ва ҳузур бахш этувчи образлари яратилган.

Биз К. Федин қаламига мансуб бўлган ҳужумкор публицистик намуналарнинг ҳам мухлисимиз. Унинг публицистик асарлари марказида ҳам жўшқин ҳаётимиз, кўпмиллатли адабиётимиз, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, тинчликни мустаҳкамлаш, фашизм ва милитаризмни, эркесвар халқларимизнинг оёқларига кишан солишга уринаётган мустамлакачиларни фош этиш ғояси туради. К. Федин етмиш беш баҳорни кўрган бўлишига қарамай, ўз қалами билан халқларнинг эзгу орзуси бўлган коммунистик жамият қуриш ишига муносиб хизмат қилиб келётган етук санъаткордир. У талабчан устоз ва мураббий сифатида қанчадан-қанча талант куртакларини меҳр билан парвариш қилди. Улар бугунги кунда устозлар қаторида халқимиз ҳаёти ва тараннумига бағишланган асарлар яратиб, бадиий хазинамизни бойитмоқдалар. Бу йирик санъаткор таниқли жамоат арбоби ва моҳир ташкилотчи сифатида ҳам актив фаолият кўрсатмоқда. У анча йиллардан бери ўз атрофига минглаб қаламкашларни уюштирган СССР Ёзувчилар союзига бошчилик қилиб келмоқда.

Адабиётимизнинг улкан дўсти, яқин маслакдошимиз ва қардошимиз К. Фединни етмиш беш йиллик шодиёнаси билан чин юракдан муборакбод этарканмиз, унга серқуёш республикамиздаги беҳисоб мухлислари номидан ҳам узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва янгидан-янги ижодий зафарлар тилаймиз.

## АССАЛОМ, АЗИЗЛАР!

Ўлкамизда бугун байрам, яна шодлик. Дўстлик декадаси деб номланган анъанавий байрамларимизнинг давоми, навбатдагиси бу! Ўзбекистонликлар адабиёт ва санъат байрамларининг чинакам ихлосмандларига айланиб, меҳмонларни қучоқ очиб кутишга ўрганиб қолганлар, улар меҳрига мудом ташналик сезиб турадилар.

Турли миллатга мансуб дўстларимиз адабиёт ва санъатининг республикамиз меҳнаткашлари ўртасида тез қанот ёйишига, илдиз отишига, олқишланишига ҳам сабаб шунда бўлса керак.

Дўстликнинг нақадар қудратга молик эканлигини жуда кўп синовлардан ўтказдик. Тошкент зилзиласи дўстлик кучи ҳар қандай «бал»лардан ҳам устун ва чидамлилигини яна бир марта намойиш қилди. Дўстларнинг олтин қўллари билан бунёдга келган янги Тошкент халқлар дўстлигининг рамзи сифатида қад кўтарди. Бунда тожик қардошларимизнинг ёрдамини ҳам миннатдорчилик ва фахр билан тилга оламиз. Бугун сиз, тожик қардошларимиз — декада қатнашчилари диёримизга қадам қўяр экансиз, сизларга таъзим билан:

— Хуш келдингиз, хуш кўрдик, буюк Жомий авлодлари!— деймиз. Сизнинг ўлкамизга ташриф буюришингизни сабрсизлик билан кутдик, табиатимиз эса, ясантусаниб, қирмизи лолалари, хушбўй атир гуллари, барқут хиёбонлари, тошқин шалолаларини армуғон этди.

Мана дийдор кўришиш онлари етди. Биз яна меҳрмуҳаббат ва соғинч туйғулари билан учрашдик. Бундан бир неча йил илгари Ўзбекистонда ўтган тожик адабиёти ва санъати декадаси кунларида ҳам худди шундай ҳаяжонли дамларни бошдан кечиргандик.

Ғоявий ва бадий юксак асарларингиз тожик санъаткорларининг ажойиб маҳорати ўзбекистонликлар қалбида ҳурмат ва муҳаббат қозонган эди. Таниқли тожик шоири Боқи Раҳимзоданинг ўша кунлар ҳаяжони, тугёни билан ёзилган, ўзбек ва тожик дўстлигини мадҳ этувчи рубойиси ўзбеклар қалбидан ҳам чуқур жой олган:

Ўзбек ва тожикнинг бирдир авлоди

Йигити паҳлавон, қизлари нозик.

Қим кўрса тўсатдан сўраб қолади:

— Биродар, сен кимсан — ўзбекми, тожик?

Бугун яна дийдор кўришдик. Пахтакор ва боғбонларимиз, чорвадор ва чўлқуварларимиз, ишчи ва хизматчиларимиз, олим ва студентларимиз, ҳатто мактаб ўқувчиларигача декадага пухта ҳозирлик кўрдилар. Улар тожик биродарларининг бугунги ҳаёти, эришган ютуқлари, орзу-ўйлари ифодаланган янги бадий асарларингиз ва бошқа бадий армуғонларингиз билан яқиндан танишиш иштиёқида ёнмоқдалар.

Бу декада тожик ва ўзбек адабиётларининг бундан буёнги тараққиёти учун ҳам муҳим омил бўлажак. Бизнинг адабиётларимиз ўртасидаги буюк устозларимиз Жомий ва Навоий янада юқори поғонага кўтарган ва эъозлаган дўстлигимиз азалий ва қадимийдир. Бу дўстлик асрлар давомида давом этиши туфайли адабиётларимиз бир-бирини ҳар жиҳатдан бойитди. Адабий алоқаларимиз ҳозирги кунларда эса янгидан-янги шакллар касб этмоқда, ҳар икки адабиётда ҳам коммунистик келажакни тобора яқинлаштираётган ажойиб замондошларимизнинг буюк ҳамжиҳатлиги, шонли Коммунистик партиямиз раҳбарлигида ҳар жабҳада ажойиб ютуқларни қўлга киритаётганликлари, кишиларимиз ўртасидаги янгича муносабатлар, уларнинг олижаноб ҳис-туйғулари, орзу ва интилишлари хусусида турли-туман асарлар бунёдга келмоқда. Биз декада кунлари адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи, уларнинг келгусидаги тараққиёт йўллари, бадий маҳорат, адабий ҳамкорлик ва бошқа ижодий мавзуларда қатор мусоҳабалар қиламиз, учрашувлар ўтказамиз, фикр олишамиз.

Ушбу адабиёт ва санъат декадаси ҳам халқларимиз ва маданиятларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг яна бир улкан намоиши ва байрами бўлажак. Қадамларингизга ҳасанот, серқуёш диёримизга ташриф буюрганларингиздан мамнунмиз, азизлар!



# ТУГАЛЛАНМАГАН АСАРЛАР





### ЛАШКАРБОШИ

Яшар эди мамлакат тер, меҳнат тўлқинида,  
Қуёшнинг қулочлари ожиз қучишга белин.  
Бир ёқда олтин баҳор, бир ёқ қор қуюнида,  
Бир енди почта-пўстин, бир енди крепдешин.

Тоғларига кўк томи бўй ўлчашдан уялур,  
Далалари кўксида бутоқлар ортиқ каби.  
Қизғин қумлар — океан, бўронларда чайқалур,  
Дарёлари қудратли ўрмонлари сингари.

Бир Ватанки, қалбида Октябрь қудрати бор,  
Байроқларидек мағрур одамлари бахт учун,  
Шон учун болға каби ишда чидамли, зарбкор,  
Ҳавода қўшиқ мавжи ва гигантларда тутун...

...Кўнглимиз тўқ бўлса-да бутун чегаралардан,  
Очиқ фазода бўрон нафасини туярдик.  
Ҳалол луқмани кемтиб, қизлар воз кечиб зардан,  
Майдонларнинг чўяндан белларини қуярдик.

Бир ёз куни Москва асфальтда чайқаларди,  
Ҳар кўчасида жўшқин бир дарёнинг шовқини.  
Кремль юлдузлари кўкни олтинлатарди,  
Улуғ шаҳар қалбида янграрди жаҳон куни.

...Самарқандда олимлар ёвуз, қаҳрли Темур  
Қабридан кўтарарди қадим тошларни секин.  
Олмаотада оқинлар мажлисида ҳар сўз — дур,  
Киевда ҳаёт, ижод Днепрдай кенг, эркин.

Кеч кирди. Юлдузларнинг сўнгги ширин кайфини  
Уруш бузди, ногаҳон томганди майга заҳар.  
Тонг отди, қонли, ваҳм... Қуёш ушлар қалбини,  
Зилзила, дуд исиди уйғонди қанча шаҳар...

## БОБИР

Кенг хона. Жихоз: кумуш ва олтин,  
Юмшоқ гиламлар мавжида ёлқин.

Нафис нақшлар мисли чўғдай шан,  
Шафақ шундами — шарафа гулшан.

Хона самодай чўмилган нурга,  
Сандиқлар тўла олтинга, дурга.

Бобир ўлтирур, қўлда зар қалам,  
Қоғозга тўккан шеърда кўп гам.

Шоир қалбидан тошади тўлқин,  
Қадаҳда гулоб, жилваси учқун.

Кўркамдир калта, қоп-қаро соқол,  
Дилида гамга кўмилган иқбол.

Кўзда жўш урур ақлдан денгиз,  
Равшан фикрига ҳис ҳоким дейсиз.

Фикри тошларни ёралар чуқур,  
Пешона очиқ, нақ қуёшдан нур.

Ҳисларда тўлқин, қалбида камон,  
Бошда — мамлакат, аҳволи замон.

Ҳиндистон шоҳи тартиблар қонун,  
Излар адолат, ҳинд халқи мамнун.

Узоқ манзилда кашф этди қудрат  
Қасб этди зўр куч, маҳорат, шуҳрат.

Жаҳонни кезди дарбадар Бобир,  
Шеър булоғи оқди мисли нур.

Нозик завқ ила салла чулганган,  
Гавҳарида нақ қуёш чўмилган.

Эгнида кўйлак — майин оқ шойи,  
Устидан жома — осмондай мовий.

Қўлида узук — гавҳар мислсиз,  
Ҳар қиррасига кирган бир юлдуз.

Ер куррасида бўлса қитъа беш,  
Ҳинд ўлкасига тополмайсиз эш.

Зар, ёқут, гавҳар — унинг йўлдоши,  
Беҳишт яратмиш сахий қуёши.

Хонтахта — олтин, китоблари — бахт,  
Нури шалола шамдон нақ дарахт.

Ёзар шеър Бобир — газал устози,  
Ишқни, ватанни куйлайди сози.

Ишқ саҳросида қалби бир машъал,  
Қуюлур шеъри нафис ва гўзал.

Кўзларда хаёл, қошларда булут,  
Олтин савағич билмайди сукут.

Қогози рангли, хати хўп хушхат,  
Юракдан оқур нуқул ғам-ҳасрат.

Бобирнинг кўнгли — бир ишқ булоғи,  
Ёзади шеър — бу қалб сўроғи.

Ишқи қуёшдай, ҳислари қуюн,  
Осмондай қалба ҳасрати тугун.

Йўқлар ватанни, соғинчи беҳад,  
Мусофирликда букилурми қад?!

Шоирга санъат — бир баҳри уммон,  
Ватан севгиси — қалбида имон.

Ёзади шоир, тинмайди қалам,  
Хаёллар — дарё, бошда — бир олам.

Шеърни ёзмоқ — кўнгилнинг эши,  
Шоирда машъал — ватан, ёр ишқи.  
Савағич симрар хун сиёҳ зарҳал,  
Зилол чашмадай қуюлур ғазал.

Ёзади шоир, у соҳибқирон,  
Олмос тигидай кўксига ҳижрон.

Тасвири гўзал, шуъладор нола,  
Гавҳардай ёниқ ҳар сўз — бир жола.

Сиёҳга тўкар ҳисларин шоир,  
Ҳасрати чўкар сўзларга оғир.

Самода ўқ-ёй рангидай тил бой,  
Қофия камол, ярқирар манглай.

Сўзда саронлик, ишда маҳорат,  
Ичда кулади, Бобир дер: «меҳнат!»

Қўлда варағи, ўқийди ғазал,  
Шоир ўртанур, қошиқмас ҳар гал.

Қофия гўё сатрда офтоб,  
Лзоби унга ширин нақ гулоб.

Юзи мунаввар, ўткир ақл, дил,  
Бобир ҳисга бой, азимдир кўнгил.

«Самарқанд шаҳрин мажбур ташладим,  
Андижонни ҳам ола билмадим.

Умримда бундан ортиқ ғам-азоб —  
Чекмадим, орзу — узоқ бир сароб...» —

Орқа изига кетади хаёл,  
Ҳали ҳоким у, ҳали қувғин ҳол.

Кўрсатурди у кимга кўп меҳр.  
Кимга ёғдирур жаҳаннам қаҳр.

Кимни олурди қаноти ости,  
Кимларнинг қалбин оёғи босди.

Арғумоқда гоҳ солурди қилич,  
Жангларда Бобир шафқат билмас ҳеч.

Гоҳо қўлнда тебранур қалам,  
Қалбдан қуюлур ғусса ва алам.

Ҳиндистон узра Бобир подишоҳ,  
Бу ёт ўлкада топди бош паноҳ.

Ёйиб ташлади боғ-бўстонларни,  
Ҳинд ери бўйлаб хиёбонларни.

Йўлларда очди «Боғи сафо»ни,  
Тоғлар бағрида «Боғи вафо»ни.

Қамол гўзаллик севади Бобир,  
Нозик туйғулар қайнаган шоир.

Тераклар баргин кўрса олтинда,  
Мавж урур ширин ҳислар тўлқинда.

Кўп соғинади ватанни Бобир.  
Ери ва кўки кўнглини тортур.

Тупроғи ҳам ёт, осмони ҳам ёт  
Ҳинд ўлкасида кечурми ҳаёт?!

Ҳашаматли, зўр кемалар тузди,  
Ҳинд дарёлари бўйлаб кўп сузди.

Қуйлар ва йиғлар рубоб ила най,  
Қўшиқ мавжида кўпиради май.

Аммо татимас тож-тахт ва даврон,  
У соғинади, ўртайди ҳижрон.

Тунлари ёлғиз, шоир ёзади,  
Шеърят билан у овунади.

Хотираларда кечур ҳамиша  
Самарқанддаги «Боғи дилкушо».

Деворида ҳинд муҳорабаси...  
«Нақши жаҳон»нинг, оҳ харобаси...

Эслар ва ёзар тупроғин, тошини,  
Сўндирур эди юрак оташини.

Шоир севади туркий шевани,  
Ватанидаги гулни, мевани.

Самарқанднинг, эҳ, қизил олмаси,  
Кўзга суртурди бўлса донаси.

Марғилондаги анори калон...  
Лаззати, тотии... Суқланур жаҳон.

У латофатни нечук унутгай?!  
Умри узилур — ҳасрат битмагай?!

Сайхун бўйининг қамишзорлари...  
Ҳаргиз бир тўда дўсти ёрлари...

Кўп эҳтиросли овдан бари маст,  
Қабобни ясаб, сурурдилар гашт.

Тўрт кишига мўл семиз қирғовул,  
Хотиралардан кўнгилда довул...

Қандил тўкарди қатра-қатра шам,  
Тиниқ сатрлар кўз ёшидан нам.

Қирқ ёш олдида авж олди базм  
Мушоаралар, аския, назм.

Қадаҳлар чақнаб, кўпирди шароб,  
Аммо шоҳ кўнгли армонда хароб.

Камалак каби фикрлар нодир —  
Туғилди бир кун, онт ичди Бобир,  
«Қирқ ёшга етиб, солурмен тамга,  
Кимки эргашир — чиқингиз олға.

Ичкилик, мастлик дафъ бўлсин бутун,  
Кўнгилдан, кўздан йўқолсин тутун!»

Беклар, вазирлар эргашди шу он  
Онг ичди тутиб барчаси қуръон.

: : : : : : : : : : : :  
: : : : : : : : : : : :

«Исмонл шайхи» қовун лаззати,  
Ҳай-ҳай унутмас хушбўй шарбатин!

Хоқон номидан берилди буйруқ,  
Узоқ ватандан муҳайё уруғ.

Хилма-хил тансиқ тоқлар кўчати,  
Юбормиш шоҳга атаб элати.

Сувнинг ва нурнинг кўп бўлса сеҳри,  
Ортиқроқ эди боғбоннинг меҳри.

Келтирилганда тобоқлар тўла,  
Инглади, кулди Бобир бир йўла.

Гоҳ шоҳ қўлида тебранур қалам,  
Гоҳ сукутда у туяди алам.

Хотира оқар тиниқ чашмадай,  
Мана, чодирлар — ари инидай.

Темур авлоди бир-бирига ёв,  
Биридир майхўр, бирида дард-ов.

«Оҳ, Самарқанд, оҳ! Бобир беш яшар —  
Экан бир вақтлар, қилмишди сафар.

«Чашмалар, боғлар, гулларки хушбўй,  
Унда кўпирур шоҳона бир тўй.

Келин бегимнинг гул юз пардасин  
Мен очган эдим, эгди гавдасин.

Кўрдим: кўз олур кўзлари юлдуз,  
Замонлар оқди — хотирда ҳануз.

Султон бегимлар биракай сулув  
Олтин-кумушлар сочдилар, кулгу...

...Оқсоқ Темурдан улуғ обида —  
Мадраса, қаср — бари хароба.

Улуғбек эди фанда бир қуёш,  
Қилич дамидан учди азиз бош.

Йиллар йиғлайман, йиғлай асрлар:  
Фалакда қолди пинҳон кўп сирлар.

...Эсимдан чиқмас Бадиуззамон  
Ҳузурида мен бўлмишдим меҳмон.

Деди вазирим — қоидапараст:  
— Эшикда тўхтанг, унда мавқе паст.

Қарши юрсин у, бўлмагайсиз хор,  
Сиз улуғ хоқон, унутманг зинҳор.

Ҳашамат чодир остонасида —  
Тўхтай олмадим, тўрда, қаршимдан —

Гўё қарчиғай турган шаҳзода  
Шошиб келурди истиқболимга.

Отилдим олға, қарши югурдим,  
Қучоқлашдик биз, тошди юрагим.

Нозик табиат, завқи беназир,  
Битилмиш унга долғали тақдир.

...Фарғона! Йўқдир сендан-да гўзал,  
Томчи-томчи нур — меванг-да асал.

Тақдир — тош, олмос; чеким — Ҳиндистон,  
Хаёлим излар сени, Андижон.

Ёт юртнинг шоҳи бўлгунча, Бобир,  
Ватанингда бўл қаландар шоир!..»—

Сўзлайди Бобир такрор ва такрор  
Жўш урур армон, битмас оҳу зор:

«Ватанга, элтинг, дўстлар жасадим,  
Афсус етмайди энди қадамим..»



## ҒАЛВИРЧИ

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### Биринчи кўриниш

Каттағина, лекин хароб уй — ишхона. Қаршида — тўрдаги бир дарича билан кўчага қарайди. Уйнинг ўнг томонида — кўча эшик. Сўл томонда — кичкина эшик (ҳовлига йўл бўлса керак). Маҳмуд Торобий ёлғиз ўзи ғалвир тўқиш билан овора. Атрофида ўз ҳунарига керакли бир неча асбоб. Кечга яқин.

Маҳмуд. *(ишдан тўхтаб, бир муддат хомуш ўтиради. Сўнг сўзлай бошлайди)*. Ажаб замон! Уйласанг — тарс ёрилиб кетасан. Уйламасликка илож йўқ: фикр кела беради, қайнай беради. Ҳар бир ўтган кун юракнинг бир парчасини оғулаб кетади. Одам йиғлаб туғилгандан бошлаб то ўлимига қадар йиғлайди, ташида йиғламаса, ичида йиғлайди. Бу яна ёмонроқ: кўз ёши юзни куйдирмайди, балки кўнгилга қуюлади, кўнгилни ёқади. Тангри таоломи дунёни шундай яратган? *(Бир оз сукутдан сўнг.)* Йўқ! Модомики, ҳамма одамлар айти тупроқдан яратилган, дунёдан уларнинг насибаси бир тусда бўлиши керак. Лавҳил қаламда азал котиблари бирининг бахтини сиёҳдай қора, бириникини офтобдай ёрқин қилиб ёзиши — бўлмагур гап. Бу гап дин-шариат билгичлари — сават саллалар томонидан уйдирилган. Улар, албатта, кучлиларга ён босади. Ҳозир кучлилар ким? Хон, тўра, нўён, бек, савдогар, судхўр, аёён, қози калон, шайхулислом... Эй замон! *(Ёнида турган тайёр бир ғалвирни кескинлик билан думалатиб юборади)* Замонни ҳам мана шундай дўнгалатиб юборсанг! Лекин замон оғир: у Чингизхоннинг қонли, азамат тахти остида...

Йигит *(кўча томонда пайдо бўлиб, дарича олдида тўхтайди)*. Ғалвирчи табиб сизми?

Маҳмуд *(синовчи қарашдан сўнг)*. Мен. Доридармонми? Қаеринг оғрийди? *(ўрнидан туради.)*

Йигит. Касалга илинсайдим, табибга югурмасдан, суюна-суюна мозоримга югурардим!

Маҳмуд. Хўш (унга томон юриб), навқирон йигит?!

Йигит (қўлини умидсизлик билан силкиб). Йигитликнинг оловни сўниб, совуқ кулигина қолган. Яшашнинг таъмини тотганлар ундан қўл узгилари келмайди. Қалдироқ акса урсалар, дори-дармон учун тўрт томонга чопар юборадилар...

Маҳмуд. Истагинг кўзгудай очиқ бўлди менга. Хўжангнинг нозига дори қидирасан?

Йигит. Бекамнинг.

Маҳмуд. Ичкари кир, гурунглашамиз. (Йигит ичкари киргунча ўз-ўзига дейди Маҳмуд.) Боши ақлга, юраги дардга тўлган бир ўғлон! (Йигит киргандан сўнг, унга жой кўрсатиб,) Кўзимга янги кўринасан, қаердансан? Отинг нима?

Йигит. Отим Урмон. Юқори қишлоқдан.

Маҳмуд. Бекангнинг касалидан бурун ўз эртагингни айт. Зероки, чин суҳбат — юракка қувват...

Урмон («керакми?» дегандай бир қадар иккиланиб). Сўзласам, ғамларим мўғулнинг қонли қилчидай ҳалқумимга тиқилади.

Маҳмуд. Бу жиҳатдан сен ёлғиз эмассан!

Урмон. Самарқандни мўғуллар босганда, ўн яшар бола эдим. Оилада тўққиз жон эдик. Кенжатой мен эдим... Мўғулнинг бўронига Самарқанднинг қалъаси, туман-туман лашкари чидаш бермади. Ёв шаҳарга киргандан кейинги ишларни босқинчилик, талон-торож деб бўлмайди: қиёмат қойим бўлди. Акаларимдан иккиси дарвозада ёв билан қилчлашиб ўлди, иккиси — энг моҳир тўқувчи эди — бошқа ҳунармандлар билан бирга қул қилиниб, мўгул юртига—борса-келмасга жўнатилди. Дам, энам мўғул отларининг тўёқлари остида мажақланди. Улуғ оғамнинг хотинини кўкрак боласи билан бирга кесдилар. Бир ҳафтадан кейин қул бозорида юзлаб чиройли қизлар ичида ўн икки ёшли опамнинг бир мўгул томонидан сотилганини бадбахт кўзим кўрди. Мен дам ўликлар ичига, дам чуқурларга беркиниб, тирик қолдим. Бу кўзлар нималарни кўрмади? Тоғ-тоғ ўлик! Бир кечада ўттиз минг кишини сўйиш! Хонадонларнинг синиқ товоқларигача қолдирмай талаш, олтин, қимматли тошлар

қидириб, ўликларнинг қоринни ёриш!... Ҳаммасини шу бадбахт кўзларим кўрди!

**Маҳмуд.** Мен Бухорода бундан ҳам даҳшатли воқеаларни кўрганман! Бир вабоки, на одамни, на ҳайвонни, на дарахтни, на мол-мулкни қўйди! Барини қақшатди, томиригача... *(бир оз яқинлашиб.)* Қоролмисан?

**Урмон.** Беш йилдан буён. Хўжамизнинг ери бениҳоят. Хўжизига ҳам, одамига ҳам сон-сапоқ йўқ! *(эшик очилиб, бир увада — Маржон киради. Урмон унга бошдан-оёқ разм солиб, сўнг давом этади.)* Яшашимиз қандай? Ит яшаш... Хўжамиз биздан кўра ҳайвонларига яхшироқ парвариш қилади. Нимага дейсизми? Ҳайвон ўзи сандирақлаб хўжа эшигига келмайди. У бозордан мулла жиригга сотиб олинади. Одам-чи? Энг беқадр бир нарсал..

**Маржон.** Қул эмассанми? *(Урмон бош чайқайдан сўнг.)* Шукур қил! Сенда қитдай ҳақ бор-ку... Сен хўжайшининг носқовоғи ё болтаси эмассан. Дунёнинг тўрт тарафига кетишга йўл очиб. Мана бизга ўхшаш қулларнинг ҳолига вой! Хўжамнинг бобоси савдогар экан, Балҳда бир бекининг бевасидан бобомни бир шода сохта маржонга сотиб олиб келтирган экан. Отимиз ҳам шундан. Мана, қул бобом ўринбосар қилиб, дадамни қолдириб кетди, дадам мени қолдириб, нариги дунёга тезроқ жўнаб қолди... Қуллик суякдан суякка ўта беради.

**Урмон** *(қўлини кескин силкиб).* Мен осмондан тушмадим. Шу юртнинг боласман, ёшлигимдан буён қуллар ичидаман. ...Ҳозир қул билан бошқалар ўртасида фарқ ҳам қолмади!.. *(Маҳмудга қараб.)* Қани, дору беринг, ота! Хўжамизнинг тўққизинчи, энг сулув, энг ёш хотини — хонзода ойининг бошлари оғрирмиш... *(ўрнидан туради. Шу вақтгача жим, чуқур фикрга ботиб ўтирган Маҳмуд ўрнидан аста қўзғалиб, ичкари уйга кириб кетади. Саҳнада бир нафас сукут. Сўнг, кўча эшик тарақлаб очилади, мўнкиллаган чол ҳаяжон билан қоқила-қуқила кириб келади.)*

**Маржон.** Оташ ота, нима? Қишлоққа босқинчилар келдими? Ё бошқа...

**Оташ.** Маҳмуд қани? Қани у? Уҳ..

**Урмон.** Шу ерда у киши.. Сўйланг, садағанг бўлай, ота!

**Оташ** *(ийситга синовчи қараши билан бир зум бо-*

қиб.) Қаҳр, зулм, зўрлик... Уғлим Сайфиддинни боғлаб олиб кетишди. Сувдан чиқариб, шартта-шартта яланғоч баданига уриб, ҳайдашди.

У р м о н . Кўппаклар! Бу қандай чиркин қонун! «Оқар сувда чўмилма!» Дининг, йўл-йўриғинг билан ер қаърига кир, аҳ мўғул!

М а р ж о н . Мўғулларми, ўзимизникиларми?

О т а ш . Ўзимизникилар... Эй... ҳаммаси бир гўр эмасми? Оҳ, аззойи баданимга заҳар югургандай, оғриқ... Орқасидан югурдим, мени жеркиб ташлашди, ниҳоят, қамчи билан саваб қайтаришди.

У р м о н . Уларнинг қўлига бир нима қистириш керак эди ота. Ҳамма амалдорлар — каттадан кичигига довур порага ўч. Танга деса, жонини, имонини сотади улар...

О т а ш . Биламан, ўғлим, уларга пора бера-бера бу соқол оқарган. (*Кўркам, оқ соқолини тутамлайди.*) Бозорга тайёрлаган учта бўзни тутдим (*пахталиқ чопоннинг ичидан — қўйнидан бўзларни олиб ташлайди.*) Ер ўпиб, дуо қилдим, «қулинг бўлай, тўрлар», деб ялиндим. Тошга айтган билан баробар! Уларга жарақ-жарақ тилла керак, нуқра керак... Биламан. Бўзни назар-писанд қилмайдилар...

М а р ж о н . Тавба, ҳеч кимда тинчлик йўқ. Ҳар кун янги бир ғалва. Халқ қирилиб битмагунча, унга тиним бермайдилар, шекилли.

М а ҳ м у д (*эшикни очиб, остонада бирпас сўзга қулоқ солгандан сўнг юради. Урмоннинг қўлига доруни қистириб, чолга мурожат қилади.*) Ҳаммаси равшан, сўйламасангиз ҳам бўлади.

О т а ш . Кимга арз-дод қилай? Мана бунинг хўжасига (*Маржонга ишорат қилади*) ялиндим. «Сен давлатманд одамсан, ҳокимлар олдида мартабанг баланд, мен учун илтимос қил», дедим. У нима деди? «Уғлинг Чингизхон ёсосини бузди, ёсонинг амрини шариатдан ҳам юқори, эзгу тутиш керак, фалон-пистон...»

М а р ж о н . Хўжам ҳокимлар билан ҳамтовоқ. У зулм ўтини ўчириш эмас, унга мой қуяди, ҳаммаси менга белгилик, ота.

М а ҳ м у д . Маржон чин айтади. Ўзимизнинг бўрилар саҳродан келган бўрилар билан оғиз-бурун ўпишади. Ўзимизникилар — бекларимиз, ҳокимларимиз, сайдларимиз, қозиларимиз, шайхулисломларимиз, баковул-

ясовулларимиз, савдогарларимиз — ҳаммаси қонхўрликда, талончиликда мўғулдан сира қолишмайдилар. Улар Чиғатойхондан тортиб, мўғулнинг чиркин навқаригача сажда қиладилар.

**У р м о н.** Мўғуллар отларининг тезаклари ҳам уларга хушбўй кўрчнади... Биринчи синоқдан ўтказганман!

**М а ҳ м у д** (*тасдиқлаган каби бошини қимирлатиб.*)  
Юрт бошлиқлари фуқаронинг, элнинг қонидан семиради, улус уйининг алангасида исинади. Бу шон-шавкат, бу дабдаба, бу зийнат — ҳаммаси лак-лак улуснинг суяклари устига қурилган! Лекин сиртмоқ ҳадсиз таранглашди, ортиқ чидаш, тўзим одамгарчиликка жиёнат бўлади!

**О т а ш** (*кўкка боқиб, бутун самимияти билан*). Ё ўғаним, ё тангрим! Бу қоронғи кунларни қачон бошимиздан кўтарасан? Сенга нима ёзиқ қилдик? Кечир, тангрим! Қутқар биз тутқунларни! Тангрим!..

**М а р ж о н.** Кўкнинг қулоғига қўрғошин қуйилгандек кар, қулларнинг оҳ-зори унга етмайди!

Бир нафас ҳамма сукут қилади. **У р м о н** ҳаммага бир-бир тикилиб, кетишни истамай, эшик олдида тараддулланиб туради. **М а р ж о н** қашиниб-қашиниб, у ёққа-бу ёққа юради. Узоқдан от дукури эшитилади. Ҳаммаси сесканиб, қулоқ солади. **У р м о н** тезда эшикка отилиб, яна бир зумда киради.

**У р м о н.** Икки отлиқ ола-тасир бу ёққа чопиб келаётир.

**О т а ш** (*шошиб*). Оқ от?

**У р м о н.** Балли.

**О т а ш** (*ҳаяжонланиб*). Ҳа, баччагар бўзга келаяпти. Қарайдики, орқасидан олтин-кумуш ё қимматли шоҳи юбормадим. Қатта ўлжа илинж бўлиб, кичкинасида қуруқ қолмайлик, деган-да. Қора ёлоқ, бачча талоқлар.

**М а ҳ м у д.** Балки бошқалардир?

От дукури кучайиб, жим бўлади, кўчага қараган даричада чанг бурқийди. Сўнг эшик қаттиқ очилиб, бир мўғул аскари билан бирга ерли мансабдор киради. Оташ, **У р м о н**, **М а р ж о н** қондага мувофиқ таъзим қиладилар. **М а ҳ м у д** енгилгина эгилади.

**М а н с а б д о р** (*ҳамма ёққа назар солгандан сўнг*). Хўш, қария? Биздан ўкинма, биз хоқон ибн хоқон Чиғатойхон ҳазратларининг малайимиз. Биз улуғ Чингиз қурган азамат давлатда адолат, осойишталик, фаровонлик ўрнатиб, салтанатнинг равиақига жонбозлик қила-

миз. Қария мен сенга қут хабар келтирдим, ўглингни эртага қолмай ўз қўлинига топширамиз. (Чол букчайиб таъзим қилади, сўнг мансабдорнинг қўлини ўпади, дуо қилади.) Лекин... қани бу ёққа кел-чи (Оташни бир чеккага олиб бориб, қулоғига шивирлайди. Чол яхши эшитмайди шекилли, яна шивирлайди).

Оташ (ҳаяжон билан орқага тисланиб, қалтираб, изтироб билан). Ё тангрим, жонимни ол! Бу шармандаликни кўрмай! (Йиғлайди.)

Мансабдор (қих-қих кулиб). Ўз оёғи билан келган бахтни тепкилаган кўрнамак! Алжиб қолибсан, қария! (Атрофдан йиғила бошлаган қишлоқ ҳар нав аҳолисига қараб, чолни масхара қилади).

Оташ. Қани инсоф, қани адолат? Узоқ йиллари икки ўғлим қўйдек бўғизланди. Бир заргар иним тириклайини Уқтой хоннинг юртига қул қилиниб ҳайдалди, у ҳам ўлгандан баттарроқ бўлди. У вақтлар бошқа вақт эди. Биз ёв эдик, талон-босқинчилик замони эди, ит эгасини танимас, ҳар ким бошига келган номаъкулчиликни қилар эди. Шаҳарлар қўйди, қишлоқлар яксон бўлди, далада экинлар тупроққа қоришди. Энди-чи? Биз Чинғатойхоннинг раиятимиз, хонимизга ҳафта ўтмай, ҳар хил солиқларни тўлаб турибмиз. Энди бу қолибдими? Отасининг йўқ гуноҳи бадалига унинг қизини — набирамни қўлингизга тутқизайми?

Халқ орасида бир онда шивир-шивир бошланади, бир тўп кишилар асабий ҳаракатлар кўрсатади. Орқадан бир аёл овози жарағлайди: «Вой шўрнинг қургур, синглим Бодомшо!» Бир эркак овози: «Қиз сулув бўлса, ота-онага тинчлик йўқ, қандай кунга қолдиқ, ахир!?»

Мансабдор (совуқлик билан). Гарчи сулув бўлса ҳам қизингнинг кераги йўқ менга. Мен нима қиламан уни? Уйимдаги бешта соҳибжамол ҳам етади. Тушуниб ол, қария, менга эмас, ҳокимга! Қизингни у жаноб бир карра хотир саҳифаларидан кечирдиларми, бас! У кишининг иродасига тўсиқ бўлиш аҳмоқлик! Қизингнинг бахт қуши чордевордан саройга бориб қўнади. Чағир ичади, даф, танбур, уд чалади. Бу дунёдаёқ жаннатни кўради. У ерда қанча сулув хотинлар бор! Сенлар тушунасанларми? Ҳар бири ҳуснда офтоб-оламтобни хира қилади.

Оташ (истеҳзо билан). Мен ёш боламан-да, ҳеч нимани фаҳм қилмайман-да! Бу сўзларга сизлар учасиз,

мен бутун умр ковакда яшаган бўлсам ҳам, ақлим ҳар нарсага югуради. Ҳокимларнинг пазарида қизларча хор нарса йўқ! Улар учун букун гўзал — эртагаёқ пуф-сас-сиқ! Қизим чағир ичншни билмайди. Дутор-сеторни қўлга олган эмас. Бир қаричлигидан чарх йигириб, меҳнат-машаққат билан кўкарган. Ҳалол меҳнат билан ютган бир қошиқ ёвғон оши — роҳат, бўз кўйлаги — бахт, чор-девори — сарой...

Халқдан баъзилари турли ҳаракатлар билан чолнинг сўзини маъкуллайдилар.

**М а н с а б д о р .** Қария, мен соқолингнинг оқни андак ҳурмат қилган эдим, лекин бекор қилибман. Тотли сўзга унамадинг, кучга унайсан: сўз — ипак, куч — темир. Чингизхон куч билан етти иқлимни ўз панжасига олди! (*Мўғул аскарига ишора қилади.*) Юр!

**М а ҳ м у д** (*мансабдорга томон икки қадам ташлаб*). Бек! Андак сабр қилинг. Арзим бор... (*Мансабдор ижирғаниб, кибрли вазият олади. Маҳмуд давом қилади сўзида*). Биласизми, сиз шу қишлоқликсиз, ҳаммамиз бир элат — бир уруғданмиз. Бу алғов-далгов замонда сиз кўтарилиб қолдингиз. Төле ёр бўлсин! Лекин улус билан, раият билан яхши муомалада бўлишингиз керак.

**М а н с а б д о р .** Мана ҳали айтдим-ку, мен ҳар вақт ёсо ва шарнат йўлида юраман...

**М а ҳ м у д .** Йўқ! Чин сўзлик бизнинг улуғларимиз ичида анқонинг тухумидай... Ошиқманг, ёсо, ҳукумат буйруқлари ҳамма учунми?

**М а н с а б д о р .** Ҳамма учун. Қим бузса, жазолаймиз.

**М а ҳ м у д .** Ёлғон! Савдогарлар, мулкдорлар, турли улуғ зотлар бундан хориж. Савдогар сизга олтин-қумуш қистиради, чорвадорлар сизга арғимоқ миндиради, ердорлар уйингизга қоп-қоп дон юборади. Шунинг учун сиз уларнинг энг катта айбларига кўз юмиб ўтасиз. Қамчинингиз ёлғиз бизнинг устимизда ўйнайди.

Халқ ҳаяжонга келиб: «Чин сўзини айтасиз, уста Маҳмуд!» — деб қичқиради. **М а н с а б д о р** аччиғланади. Халққа ёмон кўз билан қарайди.

**М а н с а б д о р .** Шов-шув қўзғама, галвирингни тўқи! Нега бунча одамни йиғдинг? Сенинг устингда...

**М а ҳ м у д .** Мен йиғмадим, сиз ўзингиз...

**М а н с а б д о р .** Сенинг устингда, биласанми, Бухорода қанча гап-сўз юрибди. Ҳар вақт бу ерга одам тўп-лармишсан. Ўзингни пайғамбар деб танитармишсан.

(Қамчинни қўлда ўйнатиб.) Ҳукумат билан ўйнашма,  
нақ каллангдан айриласан!

Маҳмуд. Сизга ўхшаш каллапазлар юрт сўраса,  
ҳеч кимда калла қолмайди.

Мансабдор. Қиз учун эртага келамиз, қария!

Маҳмуд. Кўрамиз!

Мансабдор. Сенинг ишинг эмас!

Маҳмуд. Юрт иши — ҳаммамизнинг ишимиз.  
Оташ отанинг бошига тушган қора кун эртага менинг ё  
бошқа камбағалнинг бошига тушуви аниқ. (Халққа му-  
рожаат қилароқ, қўл кўтариб.) Яктан бўлларинг, ҳақ —  
бизники!

Халқда ҳаяжон, ғазаб кучаяди. Мансабдор ўз навқари  
билан халқни туртиб, силтаб эшикка чиқади. Орқасидан халқ ҳам  
қий-чув билан ҳаракатга келади.

Урмон. (Маҳмуднинг олдига келиб қичқиради).  
Йўл бошланг, золимлар билан қиличлашайлик!

Маҳмуд (Урмонни қучоқлаб). Сўз бир! (Кўчага  
отилади.)

Парда тушади.

Иккинчи кўриниш

Оташ бобонинг ҳовлиси. Саҳнанинг тўри — паҳса девор, кўча  
эшик кўриниб туради. Сўл ёқда пастаккина уй — бўзчининг дўкон-  
хонаси. Унғ ёқда, дўконхонага қарши — эски, баланд паҳса уй. Бу-  
нинг эшик ва бир дарчаси кўринади, холос. Бу уйнинг дарчаси ол-  
дида, пўстакда 15 ёшли бир қиз — Бодом чарх йиғириб ўтиради.

Бодом чархдан кўзини узмай, берилиб ишлайди ва  
қўшиқ айтади (Бир қўшиқ топиш ёки тўқиш керак)\*.

Бодом (ҳамма ишдан тўхтаб, атрофга аланглайди,  
хўрсиниб сўзлай бошлайди). Вақт алла-палла бўлиб  
қолибди. Бояқиш бобомдан дарак йўқ. Дадам қайғуси-  
дан, менинг қайғумдан қаерларда тентираб юрибди  
шўрлик! Уч кундан буён бир зум бўлсин тинчимайди.  
Кечалари мижжа қоқмай, дам йиғлаб, дам уҳ тортиб  
чиқади. Ётиб қолмаса яхши эди! Тангрим, ўзинг сақла!  
Золимларни ўзинг яксон қил, жилла бўлмаса уларга ин-  
соф бер! Отамни сенинг паноҳингга топшириб қўйибман.  
Мени, бу ожиз қулингни ёвузларнинг оёқларига ташла-  
ма! Тангрим, ҳар нарса қўлингдан келади, ҳар бир нар-  
са сенга осон, ёзиғим бўлса, кечир, ўлим юборсанг, рози-  
ман, лекин золимларнинг ўсал истакларидан сақла, улус  
олдида шарманда қилма, ўгоним! (Жимгина йиғлаб,

\* Автор эскартмаси.— Паирига тайёрловчилар.



*Ўрнидан туради, саҳнда кезиниб, сўзида давом этади.)*  
Тузу сувдан бошқа уйда ҳеч нима йўқ. Нон бўлсайди, қумғон қайнатиб, чол келганда зўрлаб бўлса ҳам ичирар эдим. Ҳа, кўжа ошидан қотганмикин? Бир хўплам бўлсаям, ҳарна дармон-да. *(Дарча орқали уйга кириб, бир кичкина оқ сувлоқни кўтариб чиқади ва диққат билан қарайди. Ҳисиниб бошини чайқайди-да, ерга қўяди. Шу топда эшик тақиллайди, қиз чўчиб кетади.)* Бобоммикан? Ё, тағин... *(Қўрқа-писа эшикка яқинлашаркан, бобосининг овозини эшитади шекилли, бирдан дадилланади ва эшикни очади.)*

О т а ш *(ҳовлига киргач)*. Оппоқ қизим, кечикдим, қўрқмадингми? Йўқ, энди сира қўрқма! Беклар ҳам энди ўйлашиб киради Торобга.

Б о д о м . Дадам? Дарағи йўқми?

О т а ш . Тингла, қароғим, зўрликка қарши зўрлик кўрсатамиз. Бошқа йўл йўқ, оппоғим *(Секингина хўрсиниб ўтиради)*.

Б о д о м *(ҳайрат билан)*. Нималарни сўйлайсиз? Бизларда куч қаёқда?

О т а ш . Эл-чи? Элдан кучли нима бор жаҳонда? Хон ҳам, ҳоким ҳам, бек ҳам эл олдида чумчуқдай бўлиб қолади, агар эл расо ёвқурлик қилса... Бу бошим нималарни кўрмаган, қизим? Эл шу чоқда зулмдан қовжираб турибди, салга лов этиб ёнади-кетади. Ана у оловнинг кучини томоша қил, ҳаммаёқни қоплайди! Юз Чингиз сичқоннинг инини қидириб қолади. Ҳозирги улуғлар-ку қуёнсимон нарса... чоғир ичиб ўзини ботирликка солади.

Б о д о м . Ундай бўлса, улус нега бунча хўрликка чидаб ётади? Улуғлар эл оғзидан ошини юлиб олади, киссасидан тангасини қоқади, уради, ўлдиради, осади... Яна ҳамма ўз бошига, ўз ўтида ўзи қоврилиб юраверади...

О т а ш . Минг қўшчига бир бошчи. Бир мард йўл бошласа, оламонни унда кўрасан! Момақалдироқдай еркўкни титратади. Ана, бошчимиз ҳам келиб қолди! *(Эшикда кўринган Маҳмудни кўрсатади.)*

Б о д о м чархини йиғиштириб, уйга киради.

М а ҳ м у д . Иш ўнгидан, ота. Ҳар қаердан яхши хабарлар эшитаман. Товушимиз жуда олисларда янгра-

моқда. Кўкнинг ўзи ҳам бизга марҳамат қўлини узатаётир.

О т а ш . Зулм ҳалқумларга тиқилган эди-да! Сўнгра, таңрининг инояти, бир ғалвирчининг донғи бунчалик тез тарқаларми эди?! Энди жадаллаш керак. Темирни қизиғида ур, деганлар.

М а ҳ м у д . Элнинг тўлқини яна авж олсин! Сўнг сафарни бехатар қилиш учун тайёрлик керак.

О т а ш . Қалқон билан талқоннинг ғамини ейиш!

М а ҳ м у д . Балли. *(Чолнинг елкасига қўлини қўйиб.)* Сизга баъзи юмишларни буюрсам...

О т а ш . Эркимни сенга топширганман.

Эшикдан М у ҳ а м м а д , А л и , М а р ж о н ва Х о н б о т и р киради.

М а ҳ м у д . Келинлар, баҳодирларим! *(Хонботирга синовчи кўзлар билан тикилади.)*

М у ҳ а м м а д . Оға, буйруқларингизни бажардик!

А л и . Ҳар ерда улуснинг кўзи сизда!

М а ҳ м у д . Сиз икки иним — менинг икки қўлимсизлар! Хўш, бу йўлдошингиз?

М а ҳ м у д . Бухородан Шамсиддин Маҳбубий сизга юбордилар.

А л и . Эски шаҳзодалардан экан.

М а ҳ м у д . Кўрамиз. *(Ерга қараб, йўлаб қолади.)*

М у ҳ а м м а д ва А л и тез чиқиб кетишади.

Х о н б о т и р *(ҳаяжон билан)*. Шаҳзодалигим тўғрисида сўз борди. Мени тингланг. Отам Туркистоннинг улуғ ҳукмдорларидан бўлган. Туғилган кунимдаёқ бир вилоятнинг ҳасимлиги менга бағишланган экан. Тўққиз ёшдан ўз бошимга юрт сўрадим. У чоғларим бир нафас бўлсин қайғу кўлкасини билмади. Ҳар кун янги бир ўйин, янги бир қувонч, янги эрмак қидирдим, албатта, топдим. Кўнглимга келган ҳар бир орзунини, ҳар бир истакни тезроқ кўришга интилдим. Йигитларим ила мудом чоғир ичдим, қалин чирик билан ойларча овда кездим. Ҳайқирғимиздан ҳайвонлар эмас, тоғлар титради. Кўклам келганда, саҳронинг лола гиламлари устига ипак чодирларимни қуриб, базм қилдим. Теварагимда жонли чамандай тўп-тўп қизлар... Лекин ўн саккиз ёшда эканимда, манглайим қораси ўзини кўрсатди. У ҳаётим ёлғиз туш каби кўринади энди!..

О т а ш . Мўғул бўронига йўлиқдим, десанг-чи!

Х о н б о т и р . Тўғри. Саҳродан мўғул бало-қазодай

етиб келиб, шаҳарни ўраб олди. 50 минг қўшиним билан қўрғонда мудофаага киришдим. Даста-даста ботирларим билан қанча марта қўрғондан чиқиб, ёв устига отилдим. Қизгин жанглар ясадим. Толе ёр бўлмади. Муғул қиличи устун чиқди. Таслим бўлган юртимда на ёш қолди, на қари! Молларимиз ёвга ўлжа бўлди. Уйларимиз кул бўлиб тўкилди. Бутун бир салтанатдан мен ёлғиз ўз соямни олиб қоча олдим. Мана, ўн йилдан ортиқ юртма-юрт тентирайман. Тушундингизми, мен қашшоқ шаҳзодаман. Яшамас эдим ортиқ, лекин юрагимда ўч бор...

**Маҳмуд.** Кимга қарши у ўч?

**Хонботир.** Белгилик, мўғулларга қарши! Чингиз ўлди, лекин унинг болалари билан қиличлашаман!

**Маҳмуд.** Биз зулмга, жабрга, қулликка қарши кеклимиз.

**Хонботир.** Чингизнинг, болаларининг тахти қонда, кўз ёшларида сузади. Зулм ҳар ерда соядай мўғул билан баробар кезади.

**Маҳмуд.** Ўз элимизда, ўз уруғимизда ҳам қассоблар йўқ эмас. Улар яширин, ошкор ҳар вақт теримизни шилиб турадилар.

**Маржон** (*Хонботирга яқинлашиб*). Шаҳзода, мана мен энг тубан қулман. Мен билан қўлга қўл бериб юрасизми?

**Хонботир** (*ғурур билан*). Зулмининг оғусини сендан кўра мўлроқ татиганман!

**Оташ.** Шоҳбаччанинг юрагини майдонда кўрамиз!

**Маҳмуд** кншоя билан кулади, **Маржон** соддадиллона кулиб, **Хонботир**нинг олкасига аста қоқади. Шу вақтда эшикдан **Тўсинбой** отилиб киради. Бошқалар совуққонлик билан қарши оладилар.

**Тўсинбой** (*нафрат ва ғазаб билан Маҳмудга ўдағайлайди*). Ҳай, бетавфиқ, бу қандоқ қора юзлик! Бу масхарабозликка чек қўясанми, йўқ? Ортиқ қитдай тўзимим қолмади.

**Маҳмуд** (*мулойим, лекин қатъий*). Биз сенинг ўчоғингга қўл теккизганимиз йўқ-ку ҳали.

**Тўсинбой.** Инғиштир масхарани. Улусдан уялмансанг, тангридан уял!

**Маҳмуд.** Улусга ёвузлик ишламадим, тангрига ҳам... Бу сўзларни сен ўз-ўзингга айт!

**Тўсинбой** (*сабрсизланиб, ижирғаниб*). Мен нима ўсаллик қилдим? Ўзимни обдон биладман, лекин ўзга би-

лан ишим йўқ сира. Мана, сен билимсизлигингдан бутун теваракни алғов-далгов қилдинг. Зархарид қулларим ишга тихирлик қилади, юриш-туриши бежо. Қаролларимнинг қулоғи тикка. Эшакларга имом бўлғинг борми? Улусга тинчлик керак, сен ғалвирингни тўқи, мен ўз тирикчилигимни қилай! Олам — чаман!

**Маҳмуд.** Етар! Ичингда шайтон ўтирибди-ку, сен ўзингни малак ҳисоблайсанми? Ўзинг тинч, бошқаларни ҳам тинч, деб биласан. Сенларнинг тинч, роҳат яшовларинг ўзгаларнинг тирикчилигини заҳарлайди, мана бу гуноҳнинг сўроғини биз ерда сўрамоқчимиз, кўкнинг сўроғи эса елкангизда кетади. (*Маржонни имлаб, эшикка жўнайди.*)

**Тўсинбой** (*Маҳмуднинг орқасидан ғазаб билан тикилиб қоларкан*). Ола қарға шунқор бўлмоқчи шекилли! Йўқ, муччангга қараб одим от! Чатаноғнинг йирилиб кетади, ғалвирчи!

**Оташ** (*киноя билан*). Тўсинбой, сизлар шунқорсизлар, лочинсизлар, бургутсизлар, бунга сўз йўқ... Аммо шуни пишиқ биламанки, ҳар чоғ ўлимтик қидирасизлар, бошқаларнинг оғзидан илиб қочасизлар, бу қилиқларинг ёмон. Мен дейманки, лочин бўлма, чумчуқ бўл, лекин ўз донингни ўзинг тер! Қани, юринг, қулларингизнинг қошига боринг. Қамчинни зинҳор унутманг, негаки, сизлар қамчинсиз тинчлик ўрнатолмайсизлар. Юринг! (*Тўсинбой чолни ғоят ёмон қараш билан кузатиб, сўнг илдам чиқади. Хонботирга мурожаат қилади чол.*) Шаҳзодам, жуда ҳорғин кўринасан, ўтир бунда. Мен чиқиб бир кафт ун топиб келай, атала қилиб ичамиз. Қамбагалнинг овқатига ўрганганмисан, ё ҳали ҳам?..

**Хонботир.** Мен дедимки, эски ҳаётим — бир туш. Тушда кўрганлар билан тирикчилик қилиб бўладими?

**Оташ.** Ҳа, оталарнинг бир гапи бор, ўғлим: «Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди»... Хўб, ишондик сўзингга. Ўтир, аммо кўзларингни ҳар ёққа жавдиратма! Уқдингми? Зинҳор жавдиратма!

**Хонботир** (*айёрча кулиб*). Ота, ҳорғинман, гарчи кўзларимни жавдиратишни орзу қилсам ҳам қўлимдан келмайди: кўзларимни тинч мудроқ босмоқда...

Чол аста чиқиб кетади.

**Хонботир** (*бир зум сукутдан сўнг у ёқ-бу ёққа юриб, сўзлай бошлайди*). Чолнинг онги тийран... Жуда

туйғун чол. Уқтиришидан белгиликки, у дарича томонга яширин қарашларимни пайқаган... Қопқадан киришим биланоқ кўзим сулув қизнинг кўзларига тушди, бир зумда юрагим эсрикка тўлди... Ажабо, чолнинг кими у? Лекин кими бўлмасин, қизими, набирасими, у гўзал... Чол ерли, йўқсул эмас: бу қиз энг бой хазина эмасми?! Бундай хазина шоҳларнинг саройларида ҳам сийрак-сийрак учраб қолади... Бир чоғлар саройимда қанча қизлар бор эди! Ҳаммаси сулув! Ҳеч бири ўзгасига ўхшамас эди. Ҳар бирининг юзида бошқа ёғду, бошқа бичим, бошқа қилиқ... Араб гўзали, эрон гўзали, турк гўзали!.. Етти иқлимнинг чечаклари! Лекин, тўғриси сўйласам, сулувликда улар бу қиз билан тенглаша олмас эди. Саройларни безайдиган бу қиз нима учун шу чоққача бу чордеворда яшайди, тонг қоламан... (Хонботир юра туриб, ўксук боқишлар билан даричага қарайди-да, чуқур умидсизлик билан хитоб қилади.) Эй, қора ёзмишим! Қай ҳолга тушдим мен? Сасимдан тоғлар қақшар эди! Энди бир бўзчининг қизи қошига бостириб кира олмайман?

Ховлиқиб чол кириб келади.

О т а ш . Юр, ўғлим, ишимиз қалтисроқ кўринади. Хонботир (бирдан ҳаяжонланиб). Яна нима?

О т а ш . Амалдорлар Маҳмудни Бухорога олиб кетмоқчилар.

Хонботир. Қандай? Зўрлабми?

О т а ш . Йўқ, жуда силлиқлик билан... Мен ўйлайманки, Маҳмудга чуқур қазиб, устини хаспўш қилмаганмикинлар, деб... Аммо бизнинг Маҳмуд ҳам ўта қув одам, ҳа, улар шоҳида ўйнаса, бу баргида ўйнайди, лекин эҳтиёт бўлиш керак-да.

Хонботир. Мўғуллар келган бўлса, мени қарши қўйинг!

Хонботир ташқари отилади, орқасидан чол югуради.

О т а ш . Қайнаб тошма, оловни сўндирасан! Шошма!

Парда тушади.

#### ИККИНЧИ ПАРДА

Қишлоқ кўчаси. Қаршида, узоқда — кенг-яшил экинзор; бу — дарахтлар орасидан кўринади. Саҳнанинг ўнг, сўл томонларида бир-бирига қарши икки хароб уй, сиртқи деворларида тўқилма — занбил эшикларининг кўринади.

Парда кўтарилганда, турли вазиятда турган ўн чоғли деҳқон ва қосиблар кўринади. Булар қаршиларида солиқчи мўғул (маъмур) ва унинг ёнидаги битикчи ва икки-уч аскар.

**Солиқчи (битикчига қараб).** Борлиғи шуми? Қара битикка.

**Битикчи.** Булар ярмидан ҳам оз. Кўпларини қўрадан ҳам, даладан ҳам топиб бўлмади. Буларни ҳам жуда қийинлик билан келтирдик. Чин сўзни айтсам, Маҳмуднинг донғи қутуртирган ҳаммасини: кеча ёлчига от бермаганлар. Сиз далада ов билан, қуш билан кўнгил очиб кечга қайтдингиз, воқеадан хабарсизсиз.

**Солиқчи (аламонга қараб).** Маҳмуд — тентак одам. У қўлимиздан қочди. Лекин унга қутулиш йўқ, ахир парчалаймиз уни.

**Идеҳқон.** Оллонинг ўзи сақлайди уни.

**Солиқчи (бирдан ғазабланиб).** Жим!.. Ерликни биласанлар-а? Улуғ ҳоқон Чигатойхонга беш динордан ёсоқ пули!

Халқда бирдан ҳаяжон қўзғалади. Одамлар бир-бирлари билан ивир-шивир ҳасратлаша бошлайдилар.

**Идеҳқон.** Солиқчи бек, арзимизни тингланг: белгиликки, бу қишлоқ Тўсинбойники. Биз ерни ундан олиб, экин қиламиз. Унинг ярмидан ортиғини унга тўлаймиз. Яна ҳар хил ўлпонларнинг сон-саноғи йўқ, ўлар бўлсак ўлиб бўлдик энди. Ўзимизни сотиб берамизми беш динорни?

**III идеҳқон.** Беш динорга олувчи валлават харидор бўлса агар!

**IV шаҳс (олдинга чиқиб, қўлини кўрсатиб).** Мана, мен бўёқчиман, менда беш динор нима қилсин? Ҳай, ундан кўра бошимни хумимга тиқинг-да, устидан тупроқ тортинг, мен розиман, валлоҳи аълам. Анави қуллардан бир нима талаб қилса бўладими? (*У оғир юк остида мукчайган ҳолда ўтаётган қулларни кўрсатади.*) Албатта, йўқ! Биз-чи? Бизларнинг улардан ортиқлигимиз йўқ, солиқчи бек!

**Битикчи.** Пул бўлмаса, дон берасанлар; дон бўлмаса, жон берасанлар. (*Сўнг солиқчига қараб.*) Буларнинг бири — мўлтон. Юринг, навкарлар билан уйларига босқин ясаймиз...

Ҳансираб, чопиб Тўсинбой кирди-да,  
солиқчини кўриб, бирдан тўхтади.

Тўсинбой. Аҳа, худодан айланай, сиз шунда экансиз. Маҳмуд шайтон қўзғалди. Бухорога элтиб нима қилдиларинг уни? Нима у тўнғизнинг орқасига қозик қоқмадиларинг?

Солиқчи (*совуққонлик билан*). Тўсинбой, мен сен чўл бўриси деб англардим, қуён экансан.

Тўсинбой. Аҳ, бек, билмайсиз, ялангоч халқ ўтдан ҳам, сувдан ҳам ёмон бўлади. Маҳмуд...\*\* қора суюкнинг бошида туради. Ҳангома вақти эмас, юринг бу ёққа, кенгашамиз. (*Солиқчининг қўлтиғига кириб итаради..*)

Солиқчи (*навкарлардан иккисини бирга олиб жўнаркан, битикчига дейди*). Мановларга ҳазир бўл!

Халқда умумий жонланиш сезилади.

Битикчи. Ҳа, яна нима бўлди?! Уғриларга ўхшаб ивир-шивир қилишиб қолдиларинг... Нақ кўрсатиб қўяман!

Идеҳқон. Тўсинбойларинг ин тополмай қолибдику, сенга ҳам сўзми!

Икки киши икки томондаги уйга югуриб киради.

Битикчи. Ҳайронман, қора халқ берадиган нарсани ҳар вақт тихирлик билан беради. Сўкасан, калтаклайсан, тепасан, баъзиларини қилч билан қаламдай кесасан, баъзисининг гавдасини дорда алифдай чўзасан... Танга тўла — тинчлик ол! Йўқ, булар кечирган азобларга, қийноқларга пул тўлайди. Энди, ҳой, тош пешоналар яна елкаларинг қичишяптими? Бекни кутиб турмайман, уйларингга босқин ясайман, тез бўлларинг!

Икки киши икки эшикдан чиқади: қўлларида шашвар.

Бўёқчи. Мана, бизлардан жиндай сабоқ оладиган бўлдинг, мирзам! Эгри ёғочга — эгри тўқмоқ!

Битикчи. А? (*Орқасига қараб, кўтарилган шашварларга кўзи тушади. Чўчиб кетади. Аскар ёнига суқулади. Аскар қиличини суғуради.*) Ўз тўраларига қарши қурол кўтариш — энг катта гуноҳ. Тангри бўйсунини буюрган. Ташланг уни, тиз чўкнинг дарҳол!

Аламон бирдан заҳарханда қилади.

Қуролчиллар: «Сўз чоғи эмас, ур-иқ чоғи!»

Халқ бирдан: «Ур, олош!» деб ҳужум қилади. Аскар йиқин-

---

\*\* Уқиб бўлмади.

лади. Унинг яроқларини оладилар. Биткичи қочмоқчи бўлади, лекин беҳуда. Қичқириб, ёлворади, ниҳоят, у ҳам йиқилади.

**Бўёқчи.** Қора калтак бўлиб Маҳмудга қўшила-  
миз!

Халқ ичидан товушлар: «Бутун қишлоқ билан!», «Довруқ сол!»

Шу пайтда узоқдан гулгула эшитилади. Ҳамма бир нафас жим бўлади, товуш келган томонга тикилади. Урмон билан Хонботир ҳарсиллаб, ҳаяжонли суратда етиб келади.

**Урмон.** Оғалар, шайлан! Маҳмуд бош кўтарди!

Аламон руҳланиб кетади.

**Бўёқчи (ўликларни кўрсатиб).** Маҳмуднинг қа-  
дамига икки қурбонимиз бор!

**Хонботир (аламондан бирининг қўлидан қилич-  
қалқонни тортиб).** Бер, бер! Мўғулга қарши — мўғул  
қиличи! *(Олади.)* Мана, энди расо йигит бўлдим!

**Урмон (сабризлик билан).** Қуролга ёпишларинг,  
оғалар! Қўлни нима бақувват қилса, шуни ола-  
веринглар!

**Бўёқчи.** Аламон бош кўтарса, йўқни йўндиради.  
Иним, қуруқ қўл билан кўрғонларни ағдаради! Қаерга  
борамиз, нима қиламиз? Буни айт бизга!

**Урмон.** Буни Торобнинг қаҳрамонидан сўрайсан.  
Унинг изидан бораверамиз!

**Хонботир.** Шу қиличнинг кўрсатиши билан юра-  
берасизлар. Тўғри йўлни қилич чизиб беради. Қилич  
ўлимга элтса — қаҳрамон бўласан, қилич бахтга ёр бўл-  
са, жаҳон тиз чўқади!

Бошда Маҳмуд бўлган ҳолда кучли шовқин ва руҳ, кўтарин-  
килик билан кўзголончи аламон — деҳқонлар, ҳунарман-  
лар қуллар киради. Деярлик ҳаммасида ҳар нав қурол ва  
асбоб.

**Бўёқчи (Маҳмудга қараб, зўр ҳаяжон билан).**  
Юзингизни кўрмаёқ ҳам, донгингизни эшитиб, сизга  
интизор эдик. Энг кейинги томчи қонимизгача хизма-  
тингизга тайёрмиз!

**Деҳқон.** Қишлоғимиз изингиздан боради, тақсир!

Бир кўп овозлар бирдан: «Ҳаммамиз тайёрмиз!»

Маҳмуд сўзламоқчи бўларкан, ҳамма аламон бирдан жим  
қотади, ҳамма кўзларда, юзларда унга нисбатан буюк диққат ва  
ҳурмат.



Маҳмуд. Кўкнинг инояти билан ҳар одимда кучимиз ўсмоқда. Ҳақиқат нури билан кўнгиллари тозаланган одамлар бизнинг йўлга кирмоқдалар. Элнинг бениҳоя қайғусини отиб ташлаш чоғи келди.

Оташ. Аҳа, тоғдан оғир, тошдан қаттиқ қайғу!..

Маҳмуд (*боши билан Оташнинг сўзини тасдиқлаб*). Эл бир ёқадан бош чиқарса, қўлига қурол тутса, ҳеч бир куч унга тўсиқ бўлолмас!

(*Халқ орасидан бири бир мақол қистиради шу чоқда.*)\*

Маҳмуд. Эл! Бундай кўча чангитиб юришдан, шов-шувдан фойда йўқ. Иш қилиш керак! Тархонлардан, нўёнлардан, йўғон амалдорлардан, аъён-акобирлардан, бойлардан, мулкдорлардан оладиганимизни олайлик. Негаким, элнинг энг ёвуз душманлари — улар. Улардан қутулмагунча, элнинг на қорни ошга тўяди, на бошидан калтак арийди, на тинч ухлайди... Кўкка сиғиниб, ҳозир Бухорога юрамиз, эл ишини унда тузамиз!

Аламонда кучли руҳлиниш: қувончли шовқин кўтарилади.

Хонботир. Тақсир, зулм илдизини қуритиш керак. Тақсир, зулмнинг Олатоғи меним бошимга ағдарилди. Ҳаммадан бурун мен эзилдим. Дардимни айтиб битириб бўлмайдим. Билмадимки, бу кўкрак қандай сиғдиради. (*Кўкрагига уради Хонботир.*) Мени бу аламон қўшинга бошлиқ қилинг, негаким, булар қора халқ, урушнинг расм-русумидан, албатта, хабарсиз. Буларни буронғор, журанғорга, чаповил-шақовулга ажратай. Босқинни, чопқинни ўргатай.

Маҳмуд. Тўхта! Эзилиш тўғрисида бу халқ гапирсин! Сенга нима бўлди? Сендан кўра кучлилар келиб, сени тахтдан йиқитибдилар... Сен кўкда эдинг, мана шу еримизга туширибдилар. Бошқалар билан тенглашибсан. Сизга ўхшашларнинг шон-шарафга, тахтга, улуғликка, донгга интилишлари, такаббурликлари, ботирликлари — ҳаммаси эл учун фалокат туғдиради Хонботир, бошингга тушган қора кунлар кўзингни очган бўлса, сен ўзингни қўй, эл қайғусига ўртоқлаш, унинг минг йиллардан бери тортган азобини тушун!

Оташ (*бир мақол айтади, бунга яраша*).\*

Хонботир. Тақсир, мастлигим йўқолди, кўзим очилди, халқ билан бирга яшаб, бирга кечиниб, унинг

\* *Езувчи эскартмаси.*

тирикчилиги қандай қаттиқ эканини англадим. Шунинг учун бошимни халқ йўлига тикдим. Мана, ҳаммамиз зулмга қарши бош кўтардик. Лекин бу таёқлар билан қайси қўрғонни ағдарамиз? Яна уруш ҳунарини билиш керак бўлади. Буларнинг бир кўпи ер суришни билади, бошқалари тўқимачиликка, яна ҳар хил ингичга ишларга уста. Лекин...

Халқ ҳаракатида унинг сўздан норозилик сезилади.

У р м о н . Шошма, бизни аёл деб ўйлайсанми? Тўғри, бошимизда дубулға, қўлимизда қилич, остимизда аргумоқ йўқ, лекин юрагимизда, қонимизда олов бор!

Халқдан хитоблар: «Ўлма, йигит!», «Бопладинг!»

Ма ҳ м у д (*бошини Хонботирнинг юзига яқинлаштириб, кескинлик билан*). Яроқ-аслаҳани ёвимиздан оламиз! Чинакам ботирлик бундай бўлади!

Б ў ё қ ч и . Қўлингдаги қилич кимники? Биринчи ўлжамиз эмасми?

Ма ҳ м у д (*ҳаммага қараб*). Нима қилиш керак?— Буни халқ ўзи билади. Бош кўтарган халқ бўрондан, тўфондан, лак-лак қўшиндан ғоюроқ бўлади. Селга кучли эл туша олади, лекин элнинг кучини сел тўса олмайди — эл ҳар нарсани уддалайди. Негаки, у меҳнатда, машаққатда обдон чиниққан. Юртни зулмдан тозалашга юринглар, биродарлар!

О т а ш . Ё ҳақ, ё ўлим!

Халқда кучли ҳаяжон, қувончли шовқин. Ма ҳ м у д йўл бошлайди. Қий-чув билан халқ эргашади. Хонботир бир нафас сукутга ботиб, ҳаракатсиз қолади. Сўнг, бирдан қичқиради.

Х о н б о т и р . Бодом, Бодом! (*«Ўспирин»ни маҳкам ушлайди.*)

Б о д о м . Шаҳзода, қўйинг мени. Биз олдинда юришимиз керак эди, юринг! Ҳа, бундан сўнг, менинг отимни айтиб чақирманг, биров билиб қолса...

Х о н б о т и р . Янглишибман. Бундан кейин «иним» деб чақираман... Чол хабарсизми?

Б о д о м . Қайдан билсин! (*Кулади.*)

Х о н б о т и р . Жуда соз иш қилдингиз-да! Бу кўрнишда сизни ҳеч ким қиз демайди.

Б о д о м . Юринг, элдан ортда қолмайлик. Зиндондаги отамни тезроқ кўрсам, дейман...

Х о н б о т и р . Бир нафас бардош қилинг. Бодом. Отангизни мен ўзим қутқараман. Бу ҳеч гап эмас. Мен

сиз учун улуғ бахт яратмоқчиман. Меним кўнглим сизнинг меҳрингиз билан лим тўлган. Сиздан ҳам илтифот истайман. Бу ғариб, ўксук кўнглимни оғритмасангиз, дейман, холос.

Бодом. Мен сизни баҳодирдек кўрмоқ истардим. Эртаклардан белгиликким, баҳодирлар улуғ жанг кунларида ҳаммадан аввал майдонда қаҳрамонлик кўрсатишни ўйлайдилар! Улар учун ишқ — кўнглининг эрмаги...

Хонботир. Бодом, тўғри айтасиз, мен талашув-тортишув учун туғилганман. Лекин суюкли сулув қизнинг олқиши кўнглига буюк ишонч, буюк куч бағишлайди. Биласизми, бу қўзғолонга сизнинг қатнашувингиз, менга қанча ғайрат беради? Бодом, мен сизга улуғ бахт яратмоқчиман, яратаман, тангри ёр бўлса!

Бодом. Элга бахт қуёши туғса, менга ҳам қувонч беради. (*Қўзғолончилар орқасидан бирин-сирин чопаетганларга*). Тангри ҳаққи, юринг!

Хонботир. Бодом, очиқроқ айтай, сиз малика бўласиз!

Бодом. Яна бу нима? Фақир-ҳақир бўзчининг набираси — малика, хонзода бўлсин?! (*Югуради*).

Хонботир. Ҳозир, тушунмайсиз мени. Сўнг тушунасиз, майли.

Бодом (*орқасидан кетаётган Хонботирга қайрилиб*). Малика-саликани қўйинг, кўнглингизни тушунаман, шу етмайдими?!

Хонботир (*қизнинг қўлини сиқиб*). Бу сўзингиз кўнглим кечасини қуёшдай ёритди. Яловбардорликка! (*Қиличини суғуради*).

Бодом. Ҳаққа, қутулишга!..

Иккиси илдам югуршади.

Парда тушади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Бухорода гўзал ясалган бир уй. Шаҳар ҳокимининг уйи. Ипак гиламлар тўшалган, тоқчаларда ҳар хил асбоблар қалашиб ётади. Сўл ёқда — деворда қилич-қалқон осилиб туради. Уйнинг тўрида икки дарича боғчага очилган. Ялавоч бошлиқ мамлакатнинг бир тўда аъёнлари ва савдогарлар мажлис қилишмоқда.

Тўсинбой. Қараб ўтирадиган замон эмас! Қора халқнинг нияти бузуқ. Яна Маҳмуд девонани пайгамбардан афзал кўради. Маҳмуд унга: «Ўзингни ўтга ур», деса, дангал уради, «Ўзингни дарёга ташла», деса, ташлаб фарқ бўлишдан қайтмайди!

Ялавоч. Айб ўзларингизда. Ярани кесиб ташламагансизлар. Маҳмуд қўлингизга тушдими, усталик билан уни жаҳаннамга юбориш керак эди. Бошлиқсиз қолган халқ бир подага ўхшаб, ўз-ўзидан таралиб кетар эди. Сиз сиёсатнинг бу чуқур дастурини қўллай билмагансиз. Ҳали ҳам кеч эмас, Маҳмудни йўқ қилиш керак!

Нўён. Халқ кўзида у эзгу одам бўлиб қолган. Уни қўлга туширишга халқ йўл қўймас.

Ялавоч. Ғалвирчи сиёсатни ўбдан яхши билади!

Боқсоқ. Чин сўз шу. Биз Маҳмуд девона дедик, у ҳаммамиздан билгичроқ бўлиб чиқди. Мана, бошимизда чақмоғини чақиб, юрагимизни така-пука қилиб қўйди. Энди вақтни ўтказмасдан қилични ишга солиш керак. Навкарларни қалин тўплаб, бош-бошдоқ халқни аямасдан қириш керак, қириш!

Шайхулислом (*Ялавочга ва мўғил бекарига қараб*). Ғалвирчининг ишлари шариати мустафога ва улуг Чингизнинг ёсосига хилоф. Раиятни давлатга қарши оёқлантириш — айни куфр. Бетавфиқларга жазо бериш энди ҳокимларимизнинг зиммасига бир фарз бўлиб тушади. Дин, шариат сизнинг томонда.

Тўсинбой. Чиғатойхон ҳазратларининг қошларида юзимиз ёруғ бўлади.

Исавдогар. Албатта, албатта. Хоқонимиз ёлғиз тинчликни, улуснинг ободончилигини ўйлайдилар.

Ялавоч (*Нўёнга мурожаат қилади*). Навкарлар?

Нўён. Ҳозир қалин навкаримиз йўқ. Лекин тайёр кучларимиз ғалвирчининг бош-бошдоқларини тўзондай учириб юборишга етарли. Қўшиннинг бир бўлагини душман устига юборганман.

Босқоқ (*Ғурур билан*). Мўғул қўшини! Тангрим уни олов билан темирдан яратган!

Шайхулислом. Минг қарғага бир кесак!

Тўсинбой. Чирикни қалин тўплаш керак, ҳокимларим. Мен Торобийнинг фикрларидан қўрқаман. У фикрлар қиличнинг даммини кесади, қалқонни парчалайди, гурздан чўнг фикрлар.

Исавдогар. Лекин Торобийнинг сўзлари аламон-

га мойдек ёқади. Негаки, у очга — ош, яланғочга — кийим ваъда қилади. «Бос, ол!», дейди.

Я л а в о ч. Бу фикрлар етти яшардан етмиш яшарни эргаштиради. Чўлоққа оёқ, соқовга тил беради. Бу сўзларни кар ҳам уқиб олади. Тақсир (*Шайхулисломга мурожаат қилади*), сиз ҳозир жўнанг, элга ваъз-насиҳат қилинг: «Торобий — дажжол, иблис лаин», денг. Унга мурид бўлганларни кофирликка чиқаринг. Асли чин сўз ҳам шу.

Ш а й х у л и с л о м. Ё олло, ўзинг тавфиқ бер, бу кўр бандаларингга. (*Урнидан туриб, ҳассасини олиб, эшикка чиқаркан, қайтиб, дейди*). Ҳазрати ҳоким! Каминанинг хотир қусурида бир фикр рўй берди. (*Ҳаммининг диққати ортади.*)

Я л а в о ч. Тинглайлик.

Ш а й х у л и с л о м. Маълумки, ғалвирчи Маҳмуд макр-ҳийла билан эл бошига минди. Биз ҳам бу тадбирдан истифода этсак... Наинки Искандар Зулқарнайндан тортиб, Жаҳонгир Чингизхонимизгача барча арбоби сиёсат, Лотин, Араб, Ажам ва Тўран бу маънининг тадбиқотида зинҳор лоқайд бўлмаганлар.

Я л а в о ч (*Нўёнга ва Тўсинбойга маъноли жилмайиб*). Тақсир, бу хусусда хотиржам бўлсинлар, бизнинг кўзларимиз у ерда овини қидириб юради.

Ш а й х у л и с л о м. Ғалвирчининг сингlisi...

Н ў ё н. Қарға қарғанинг кўзини чўқмайди!

Т ў с и н б о й. Муборак оёғингиздан ўпай, тақсир, сиз сайидсиз, қонингиз пайғамбаримиз Муҳаммаднинг қонидан. (*Нўёндан бошқа эдамлар енгилгина бош эгадилар.*) Кўзларингизда нури Муҳаммад барқ уради. Сизнинг сўзларингиз ҳар бир тош кўнгилини ҳам мумдек эритади, эритиши керак. Тез бориб, гумроҳ, кўр, жоҳил халққа насиҳат қилинг, тақсир.

И с а в д о г а р. Дуо қилинг, ҳазрат!

И с а в д о г а р. Дуонгиз шояд балоларни даф қилса!

Н ў ё н (*чидамсизлик билан*). Қўрқувга ўрин йўқ! Дунёни бўйсундирган мўғул қиличига ишонаман! (*Қилични суғурмоқчи бўлади, лекин суғурмайди.*)

Ш а й х у л и с л о м. Аввало — сўз, сўнг — қилич, тўра. (*Савдогарларга ва Тўсинбойга тама билан қараб.*) Андак оқча даркор, хотамтойлар. Уламонинг сўзи — нуқра ҳам зардир. Лекин иккиси ҳамоҳанг ҳаракат қилса, унинг қудратига ҳеч қандай куч бас кела олмайди.

Я л а в о ч «биламиз!» дегандай кинояли кулади. Т ў син б о й ва савдогарлар ижирганиб, истар-истамас ёнларини ковлайдилар. Пулни очкўзлик билан илиб, ш а й х кетади.

Н ў ё н (*бирдан хохолойди*). Бу қандай зиқна одам. Шунча дала, шунча экин. Яна тиланчилик қилади!

І с а в д о г а р. Буюк бек, улусга бериш учун олдилар.

Я л а в о ч. Улуснинг қўлидан қоқиб олади!

Т ў син б о й. Хасис, жуда паст хасис. Аммо насб-насаблари кўп улуг.

Эшик қаттиқ очилади. У н б о ш и мўғул ва навкар киради. Иккови ҳам тўла қуролланган.

У н б о ш и. Маҳмуд шаҳарга босқин ясади. Навкарларимизни қўзғалган халқ босиб-янчиб кетди. На сўзга кулоқ солади, на қилич ва ўқдан қўрқади.

Я л а в о ч (*ранги ўчиб*). Галвирчининг нияти маълум бўлди: У юрт сўрамоқчи? Кўзларини ўймасам...

Н ў ё н. Қаерга бораётир?

У н б о ш и. Маҳмуд бир бўлак одамлари билан Санжар саройига кетди.

Т ў син б о й (*сўзни кесиб, қичқиради*). Илон илонининг инини қидиради!

У н б о ш и. Қолган эл талон билан овора.

С а в д о г а р л а р (*бирдан*). Талон?

Н а в к а р (*савдогарлардан бирига*). Уйингда деворга қоқилган қозиқ ҳам қолмади.

І с а в д о г а р. Ҳароб бўлдим!

У н б о ш и. Тўсинбойнинг отларида қуллари чопиб юради.

Н ў ё н (*Ялавочнинг қўлидан тутиб*). Чирик тўплаймиз. Илдам!

Иккиси чиқиб кетади. Орқасидан ўнбоши ва навкар ҳам чиқади. Бир нафас сукут.

І с а в д о г а р (*бўшашиб*). Ё тангри! Нима гуноҳ қилган эдим!

ІІ с а в д о г а р. Давлат дарахтингнинг мевасини узибдилар. Бошингни узсалар, нима қиласан? Тездан қоч! Қочаман!

ІІ с а в д о г а р. Мен энди гадоман. Бошимнинг нима қадри қиммати бор!

ІІІ с а в д о г а р. Гадо учун бош — оғир юк.

Т ў син б о й (*ҳаяжонли, лекин сокин сўзлашга тиришади*). Қўрқманглар, ҳар бир иш яна ўз аслига ке-

лади. Биз яна устун чиқамиз. Унутмангларки, етти иқлимни жиловлаган мўғул давлатида яшаймиз.

Узоқдан шовқин эшитилади. Ҳамма бир-бирига қараб, жим қолади.

I савдогар. Ҳаммамизни қуртдек эзадилар, қоча кўр. *(Эшикка ўзини уради).*

Тўсинбой. Мен уни одам десам, қуён экан-ку!

II савдогар *(аланглаб, очик даричадан қулоқ солиб, сўнг бирдан девордаги қилич-қалқонга отилади).* Йўқ, чидамайман. Чингизхоннинг лак-лак лашкари ер юзини чигирткадек қамраб сичқоннинг инига довуруқлини тикқан вақтда менинг отам чўпини ҳам олдирган эмас эди. Энди бир галвирчи бош кўтариб, мулкимни таласин! Чидамайман. *(Ҳовлига отилади).*

Учинчи савдогар ҳовлидан шошиб киради.

III савдогар. Тўсинбой, энди кўчага чиқиш — аҳмоқлик. Бу уйда қолиш — тузоққа тушиш билан баробар. Мана бу ҳовлида бир ўра бор экан, андак ифлос, аммо душман балосидан сақлашига аминман.

Тўсинбой. Мен таваккал ту ал оллоҳ дейман, тирклайин гўрга тушмайман.

III савдогар. Умр офтобни сақлаш учун қоронғи чуқурга кираман. Бир нафасдан сўнг ўзингиз пушаймон қиларсиз. *(Югуради.)*

Аламон шовқини яқинлашади. Тўсинбой кучли тарадудда. Эшикларни ёпмоқчи бўлади. Яна қўл силтайди. Қўнжидан ҳанжарини сугуради.

Тўсинбой. Қайси бетавфиқнинг кўксига кирасан, Бағдод пўлати! Чўлларда карвонларимни қароқчилардан ҳимоя қилар эдинг! У қароқчилар осмоннинг бургути, ерининг арслонлари эди. Булар-чи? Дунёда энг разил махлуқлар эмасми? Бўш келмайсан буларга! Аҳ, номард қора суяк! Баъзи ҳокимларимиз, нўёнларимиз чоғирга берилиб, мана бундай ясоғлик уйларга тикилиши билан нўхтани бўш сездингми, қора суяк! Мўғул қиличи қинга кирган эмас ҳали! Чингиз ерини қуёшдан бошқа нима кечиб ўта олади! Юзларча халқни чамбарчас боғлаган куч тентак галвирчидан тап тортадимми?

Аламон ҳовлида. Тўсинбой бирдан дарчага югуради. Ҳовлида, эшик олдида тигиз аламон қичқиради: «Қасос! қасос!»

Урмон *(қиличини кўтариб)*. Ташла темиртакни!

Тўсинбой (чекиниб). Қачондан довюрак бўлиб қолдинг?

Муҳаммад. Ҳокимлар қани?

Али. Калланг ҳақи, айт! (Қилич ўқталади, Муҳаммад ман қилади.)

Тўсинбой. Таловчиларга насия эмас, нақд керак. (Уй жиҳозларига қарайди.)

Муҳаммад. Бу нарсалар ўзимизники. Халқдан олинган, халққа боради. Биз нўёнлардан қасос оламиз.

Оташ (аламон орасидан ўтиб). Ия! Кўзимга илиққина кўринаётир, Тўсинми? (Тўсиннинг қаршисига келиб.) Ҳмм... такаббурликдан булутга етган бошлар устида чақмоқ чақилади. Халқнинг бошида жавлон қилган[...]лар унинг оёқларига тушади. Ҳақиқатнинг офтобини қинғирликнинг бўрони қоплаёлмайди. Кеча, Тўсинбой, жаҳоннинг саркардаси эдинг, букун қулларингнинг қулсан. Улуснинг қонли кўз ёшини ичиб, «чағир ичдим», деб маст бўлдинг, кеманг чодирини дарёда очган бахт ели эмас, халқнинг оҳи эди. Энди кўзингни оч!

Тўсинбой. Оппоқ соқол билан қўлингга шашвар тутиб, юрт талашга чиқиш, худодан юз ўгириш — уят эмасми? Тоат-ибодатга бериладиган бир паллангда даж-жолга мурид бўлдинг, бети қора!

Оташ. Вой, бетавфиқ! Золим Чингиз билан, унинг катта-кичик кўппаклари билан бир тобоқда ош ичиб, энди тумшугингни тортиб, бизга пичинг қиласан? Мўғуллар билан эл таладинг, йиқдинг... Ёсони қуръондан афзал билдинг, золимларнинг малайи! Мен, алҳамдиллло, ҳақ йўлданман. Нетайким, бутун эл билан биргаман. Ҳақгўй, ҳақпараст Маҳмуднинг муридман. Маҳмуд — оллонинг энг азиз бандаси. Оллонинг ихтиёри билан зулмга, золимларга қарши отланди. Бу жангда ўзимни нақ йигитдек туяман, йигитдай ёвқур бўламан, тангри лозим топса, йигитдай шаҳид бўламан.

Тўсинбой. Маҳмуднинг қошига элтинглар мени. У билан сўзлашаман. Агар у сиз яжуж-маъжужларга бошлиқ бўлса, ҳар қўйни ўз оёғи билан осуви керак.

Аламондан кимдир биров қичқиради: «Ўзингни арслон ҳисоблардинг, тўсиндан қўй терига буркандинг-а!». Кулишади. Урмон унинг ханжарини тортиб олади.



Муҳаммад (аламонга). Юринглар, шоввозлар!  
Оташ. Ҳа, бу ўлжалар? Биз Одам отамики, жаннатдан қуруқ чиқамиз? (Жиҳозга ишора қилади. Аламон отилиб, уйга киради. Ҳар ким бир нимани тортқилайди).

Хонботир (қириши билан бақиради). Ё ўгон, бу қандай расволик! Ҳамма ерда талон! Қани Муҳаммад, қани Али? Ҳай бўёқчи, ташла, ташла!

Бўёқчи. Дўст бўлиб туриб, душманнинг гапини айтасан-а! Ҳокимларимиз бизни талайвера-талайвера ийғимизни чиқарди-ку!

Бодом (Шошиб чиқиб кетаётган оммадан айрилиб, ҳаяжон билан). Хонботир, нима қилди қўлингизга? Айтинг!

Хонботир. Оҳ, Бодом, ўксик юрагимнинг ягона гули, сиз шундамингиз? Мен жуда хавфландим, қаерда аламон кўрсам, сизни ахтараман... Қўлимми? Аҳ, Бодом, мўғул қиличининг захри ҳам тотли туюлди манга. Негаки, мен она юртимни кулга айлантирган ёвуз душманларим билан қиличлашдим. Мен ҳар вақт жанг суронига, қон дарёсига интиламан. Лекин, Бодом, Маҳмуднинг одамлари-чи? Ўлжа билан овора...

Бодом. Нега таламасинлар? Торобийнинг ўзи буюрди: «Золимларни уринглар, молларини таланглар!»—деди. Мен ўз қулоғим билан эшитдим. Мўғуллар нима қилган эди, нима қилаётир? Қўсқи пўстинга ўралиб келган мўғуллар қўша-қўша отга, юзлаб қорамолга эга бўлди. Ҳар бирининг ерида юзлаб қул ишлайди. Ҳаммасининг қўлида жарақ-жарақ олтин динор...

Хонботир. Яхши. Савдогарларимиз, боёнларимиз нима гуноҳ қилди? Динимизнинг тираги бўлган саидлар-чи? Камбағаллар мулкдорларни талаяпти. Буни оқлашга тиришасизми? Маҳмуднинг фикрларини сира бошимга сиғдиrolмайман!

Бодом. Менга қолса, жуда очиқ нарса: очлар тўқлардан тортиб олаяпти. Чунки, тўқлар ўз ихтиёри билан халққа ҳеч нима бермади, балки халқдан юлиб ола келди...

Хонботир. Кечирасиз, Бодом, бу фикрни менинг бошимга ҳеч ким ўрнаштиrolмайди. Бодом, сизни кўнглимга энг яқин деб биламан. Севгим каби чин бўлган сўзни сиздан яширмайман: Маҳмуд Торобий бир ғалвирчи-да! Улус ишини бошқаришни тангри ёлғиз под-

шоҳларга, шаҳзодаларга бағишлаган. Унинг ўрнида бўлсам, нима қилар эдим? 50 минг отлиқ баҳодирни тўплаб, Чигатой хонга бостириб борар эдим.. Ғалаба билан юртга қайтиб, Искандар ҳам бино қилмаган саройлар қуриб, подшоҳлик қилар эдим.

Бодом. Ким билади, балки у ҳам шундай ўйлар.

Хонботир. Йўқ, ўйламайди. Буни ота-бобоси тахтда ўтирган, улусларни бошқариш учун яратилганлар ўйлай олади.

Бодом (*истеҳзоли кулиб*). Сизлар отдан тушсала-ринг ҳам эгардан тушмайсизлар.

Хонботир (*хафаланиб*). Йўқ, гўзал қиз, мени тангри яна отга миндиради. Биласизми, қандай от? Чингизнинг оти.....\* боғланадиган оқ.....\* отига. У, мўғулларнинг ишонувига қараганда, зафар худосининг оти. У отни уруш худосининг ўзи миниб, ғалабага бошлар эмиш.

Бодом. Яхши ният — ярим мол. Келаётган ким у?

Хонботир (*ташқарига қараб*). Аҳа, юртнинг доруғаси.. (*Мардона вазият олади*).

Доруға (*кескинлик билан тўхтаб*). Боши бузуқлардан иккитаси қўлимда. Унг, ўнг..

Хонботир. Мен ёвингман, чек қиличингни, ўйнашиб кўрайлик!

Доруға (*заҳарханда билан*). Ўлимга шундай чапқовмисан? Сен таловчиларнинг қонлари билан қиличимни булғамайман. Буни мен Чингизхоннинг ўз қўлидан совға олганман. Мен ким, биласанларми?

Бодом. Доруға эдингиз, энди анчайин бир...

Хонботир. Кўппаксан!

Доруға (*бирдан ғазабланиб бақиради*). Тиз чўк икковинг! Ёт ерга! (*Хонботир қиличини суғуради. Бодом шашварни кўтаради.*) Юртларингнинг баҳодирлари бизнинг кўлкамиздан тумтарақай қочган. Бошларингни ерга қўй, этигим билан янчаман!

Хонботир. Яқинда саҳрода тезак териб юрган бу ёввойи этиги билан бошимизни янчмоқчи!

Бодом. Жуда кўп бошларни янчганлар. Энди бўш келмаймиз. Хонботир! «У бошдан-оёқ темир билан қопланган. Майли, ўлайлик, аммо номус билан ўлайлик».

---

\* Жой ташланган.

Хонботир. Бодом, сиз аралашманг (*Доруғага қараб*). Биз сенга таслим бўлмаймиз. Қуролларингни бизга топшир, олдимизга туш, биз сени малика Санжар саройига элтиб, Торобийга совға қиламиз.

Доруға (*бошидан дубулғани чиқариб*). Ил буни бошингга. Менга баҳодирликни Жаба нўён, Субутай баҳодир ўргатган (*Совутини ечмакка бошлайди*).

Хонботир. Менга Жалолиддин баҳодир. Темур малик ўргатган!

Доруға. Жонинг тотлими? Ил мана бу кафанингни.

Бодом. Нега мунча мақтанасан? Ҳали ҳам кучда тенг эмассизлар. Бунинг қўли ярали... қўл эмас, бир бармоқ ҳам кифоя!

Хонботир (*секин хўрсиниб*). Бодом, сиз кетинг, мабодо йиқилсам, бу одамхўр сизга чанг солади. Кетинг, халқ ичига боринг, бунинг бўйнига арқон ташлаб, судрашсинлар.

Бодом. Сизни ёвимга ташлаб кетмайман. Ёт ерларга подадек ҳайдалиб кетган отамнинг ва бутун юрт йиғитларининг ҳақинга қонимни тўкаман!

Доруға (*олтин, кумушдан ишланган қинидан қилчини чиқариб*). Майли, икковинг...

Хонботир. Йўқ! Қалланг менда!

Қиличбозлик. Узоқ олишадилар. Бодом ҳаяжонда, лекин ўзини йўқотмайди. Ниҳоят, Хонботир Доруғани йиқитади.

Бодом. Оҳ, паҳлавон йиғит (*Хонботирга ташланади*)!

Парда тушади

### Иккинчи кўриниш

Саҳнанинг тўри — саройнинг тоқи. Уртада — ўймакори эшик. Сўл ёқда — кичик, енгил айвон. Унг ёқда — узоқдаги боғча дарахтлари кўриниб туради. Қундуз. Саҳнада қўзғолончи халқ. Қўпларининг қўлида ҳар нав ўлжалар. Халқ ҳаяжонли, шод, ҳаракатчан.

Оташ (*қўлида янги шоҳи тўн*). Ажойиб куп бўлдида! Кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда! Лекин ҳаммадан шунга суюнаманки, юртнинг казо-казолари, умаро-сумаросига сичқоннинг ини минг танга. Битлиқи мўғуллар-чи! Уларнинг дод-фарёдига тўнғиз қўпғур Чингизхоннинг суяги ҳам қабрида куйиб кетгандир. Эзилган кўкракларимиз бир қарич кўтарилди. Торобий

нима буюрса, у бизга — фарз айш. «Тала», деди — таладик.

Бўёқчи (*елкасига бир жуфт ярқироқ қумғонни ил билан осиб олган*). Қариганингизда орқангизга офтоб тегди, бобой, тўнни Шодмонбекникидан илдингизми?

Бир деҳқон йигит (*қўлида этик*). Бунни кийсангиз, ҳеч ким сизни танимайди, воллоҳи, худди қозикалон бўласиз.

Оташ. Шодмонбекнинг кўрасига кирсам, ҳаммаёқ калнинг бошидай тап-тақир. Ҳовлида иккита олачиפור товуқ билан битта қизил хўрозни болалар қийқиртириб қувлашиб юрибди. «Санларники қапотли ўлжа экан», деб чиқдим, кетдим...

Маржон билан бир қулни етаклаб келишадн.

Маржон. Бу ожиз бандини бўғовдан ким қутқаради? Темирчи!

Аламон қулга қарайди. Ҳаммада ачиниш.

Бўёқчи. Қаердан?

Бодом. Жаҳоншоҳ қутидорникидан... Бир ойдан бери қоронғи туйнакка қамаб қўйган экан. Ҳар кун бир парча арпа нон, бир товоқ сув, ўнта таёқ насибаси экан. Синдириглар тезроқ!

Аламондан биров. Нима гуноҳ қилган экан?

Оташ. Аҳ, нима гуноҳ? Суриштиришни яхши кўрадилар. Бунинг нима сирин бор? Ё ишга кеч чиққан, ё хўжаси уч иш буюрган бўлса, бирини унутган, ё бекаси бир нимани минғирлаган бўлса, фаҳмламай қолган ёки уйдаги чўри қизлар билан кўз уриштирган.

Қулфчи. Қани, оёқни мана бундай қўй. Ҳозир тўрт оёқлаб учадиган қилиб қўяман. (*Бир оз уриниб, занжирдан бўшатади. Занжирни қўлга тутиб.*) Қутидорни топ-да, оёқ-қўлини чамбарчас боғла! Умрбод озодсан!

Қул (*занжирни бир чеккага отиб, ҳаяжонланиб дейди*). Чинми? Чинми бу сўзлар? Ё оллоҳ, бу қандай улуғ бахт? Бутун умр озод бўлиш! Мен бир зумгина ўзимни озод сезишни, бир зумгина ўзимни одам сезишни мумкин, деб ўйлармидим! Ун беш ёшимдан бошлаб кундузим кеча бўлди, еган-ичганим заҳар бўлди. Кўчаларда гентиб юргап итни ўзимдан бахтлироқ билдим. Нима қадр-қийматим бор эди? Дуруст, мени бозорга элтсалар, баҳом бир неча динорга етарди. Лекин бу менинг одам-

лик қадрим эмас, одамликдан чиққаннинг баҳоси эди. Одам боласи бўла туриб, ўзини одамлар қаторида кўра олмаслик қадар зўр фалокат борми? Тангрим, ўзингга сигинаман, фиғонларимни, ёлворишларимни эшитгансан. Маҳмуд Торобий — сенинг бизга юборган офтобинг. Унга хизмат қилиш сенга хизмат қилишдир. Торобийдан жонимни ҳам аямайман...

Сарой эшиги очилади. Шамсиддин Маҳбубий чиқади.

Маҳбубий. Халқ! Ўзбошимчалик — ёсоқ! Талон-торож — ёсоқ! Бундан кейин боёнларнинг мулки маълум тартиб ва усул билан мусодара қилинади. Қўлингизга тушган ғаниматларнинг барчасини омборга тўпланг, ҳеч кимда ҳеч нима қолмасин!

Аламондан бири. Тақсир, биз ғаниматларни омборга топшириш учун олганимиз йўқ эди-ку. Қўйинг, тақсир, ўла-қутула қўлга киритган нарсаларимизни сичқонларга ем қилмайлик. Қамбағалнинг елкасига жиндай офтоб теккан экан, буни кўп кўрилмасин.

Аламондан иккинчи шахс. Тақсир, ўлжаларни тўплаб, яна эгаларига қайтармоқчисизларми? Тунтиринг!

Маҳбубий. Асло! Мулкдорларга ҳеч нима берилмайди. Улардан яна олинади, лекин мусодара йўли билан... Таланган молларни бир ерга жам қилиб, барча оч-яланғоч фуқарога баб-баробар тақсим этиб берамиз. Тангри таолонинг биз бандаларига юборган улуғ зоти — Маҳмуд ҳазратлари шундай фармон қилдилар. Ул жанобнинг муборак сўзларига ҳаммамиз итоат қилишимиз керак. Ҳеч ким ҳеч нимани яшириб қолмасин. Ўлжаларни уйларига олиб кетганларга ҳам бу фармони хабар тездан эшиттирилсин.

Оташ. Маҳмуд саркор буюрибдиларми — бас. Юр, халқ! Пайғамбаримиз биргина майизни қирқ киши билан бўлиб еган эканлар.

Аламон саҳнадан чиқади.

Маҳбубий. Тупроқдан олтин ясаш мумкинлигини китобларда арбоби илм-фунун айтиб ўтган эди. Замон бир ғалвирчидан қаҳрамон яратди. Тарихнинг ажойиб, хориқулудда ҳодисаси! Кечагина ҳаёт ва ҳашаматнинг олий поясида кибр эсиртирган жаноблар букун қочғали жой топмайди. Жонларини қутқариш учун ғалвирчининг соясига бош эгишга тайёрлар. Эй, кўр золимлар! Зулм-

ни авжга миндирдингиз. Билмадингизки, бўрон булутни қувиб, офтобни очгани сингари ҳақ ва адолат зулмни поймол қилади. Марҳум отам айтар эди: «Баҳор — офтобдан, юрт ободонлиги — адолатдан... Ҳокимлар зулм билан ўз бахтларига қўр олмайди, гўр олади», деб... Мана, ҳақиқат бир ғалвирчининг кўксидан бонг урди, халқ бу садони тинглади ва зулм қалъасини ағдарди. Энди бу ҳақ ва адолат тартибининг мустаҳкамлаш керак, токи бечора халқ у улуғ исённинг меваларига ноил бўлсин.

Маҳмуднинг синглиси киради, у бошдан оёқ қора кийинган.

**З у л а й ҳ о.** Оғамни чақирмайсизми? Мен у жаноб билан икки оғиз сўзлашсам...

**М а ҳ б у б и й.** Оғангиз ичкаридалар. Киришингиз мумкин.

**З у л а й ҳ о.** У мени қаршилаши керак.

**М а ҳ б у б и й.** Хўп, мен кириб илтимосингизни билдираман. (*Кириб кетади, шу онда Хонботир кириб келади.*)

**З у л а й ҳ о.** Келинг, сардор!

**Х о н б о т и р.** Эй улуғ сардорнинг ҳамшираси! Мен бир навкарман.

**З у л а й ҳ о.** Менинг фақир бир оғамга сиздай шаҳзодалар навкар бўлиб қолдим, ажабо?

**Х о н б о т и р.** Нетамен, ёзмишим шундай бўлса? Сиз донгдор фолбинсиз, сиз учун сир йўқ. Биз учун қоронғи келажакни сиз ички кўзингиз билан оп-очик кўрасиз. Тақдирларнинг узоқ-яқин барча манзаралари сизга равшан. Айтинг, иқболимда қилча ёрқинлик борми?

**З у л а й ҳ о.** Оғам юзасидан жинларим аразлади. Кўзимдан пардани кўтармайдилар. Ҳаммаёқ қоронғи, ҳар ёқдан менга лаққа чўғ отадилар. Ҳали киссамга қўл солсам, бармоғимни олов узиб олди. Ухласам, сочим билан қўлларимни чамбарчас боғлаб кетадилар. Қулдек хизмат қиладиган жинларим энди ашаддий душманга айланди...

**М а ҳ м у д** Торобий чиқиб келади. Синглисининг ҳаракатига кулимсираб тўхтайтиди.

**М а ҳ м у д.** Мени йўқлаганимдинг?

**З у л а й ҳ о** (*киноя билан*). Сарой қутлуғ бўлсин, оғам!

**М а ҳ м у д.** Халқни қутлагил, меники эмас.

Зулайҳо. Бошингизда тожи давлат кўрсам...

Маҳмуд. Зулайҳо, қўй бу алжирашларни. Элимга фойдали кенгашларинг бўлса, айт. Мен ҳар вақт сени тинглаган эдим, яна тинглайман.

Зулайҳо. Дини исломни ва шарияти мустафони оёқ остига олган оғани танимайман.

Маҳмуд. Бу гапларни сенга ким ўргатди?

Зулайҳо. Сен халқни қоронғуликка судрайсан, одамлар орасига ёмонлик уруғини сепасан!

Маҳмуд. Мен ердан ёмонлик илдизларини суғуриб, ҳақиқат гулларини экаман.

Зулайҳо. Елғон! Сиз дастлабки йўлдан бурилдингиз. Жарга, ўпқинга, зулмат йўлига бурилдингиз. Мен дердимки, оғам улусга улуғ имом бўлади, гумроҳ бадаларни худога олиб боради, деб...

Маҳмуд. Янглишгансан..

Зулайҳо. Сиз одамларга жимгина тоат-ибодат ўрнига талон торожни буюрдингиз, қўлингизни қонга ботырдингиз.

Маҳмуд. Асли истагим шу эди, золимларни янчиш, эл бошидаги ғам тоғларини ағдариш эди. Мен буни бажараман, юртни чиркин махлуқлардан тозалайман.

Зулайҳо. Сен қувганлар орасида энг азиз, энг муборак зотлар бор.

Маҳмуд. Улар ким?

Зулайҳо. Уламолар, саидлар-чи?

Маҳмуд (*кинояли кулиб*). Уларнинг разолатидан шайтон алайҳул лаин ҳам ҳуркади! Биласанми, Хўжа Аҳмад Яссавий қандай тўғри айтадилар? (*Яссавийдан бир парча ўқийди*)\*.

Зулайҳо. Сиз гумроҳ, сиз гумроҳ! Аҳ! (*Сакраб тушади.*) Жинларим товонимдан тишлади! (*Югуриб чиқиб кетади.*)

Маҳмуд. Нима қиласан? Ўз синглинг... Жинларининг аврашидан қутулган вақтда мағизли гаплар, сўзлар, яхши кенгашлар берар эди. Менга у жуда содиқ эди. Уни қўлга олганга ўхшайдилар. Фарқ бўлаётган одам чўп-хасга қўл чўзади. Лекин эҳтиёт бўлиш лозим. Мен синглимга халқ кўрсатган ишончдан ҳам фойдаландим. Нега душман фойдалана олмасин? У халойиққа: «Оғам аҳдини бузди, сизни жаҳашнамга сургайди.

\* *Езувчи эскартмаси.*

Жинларим катта фалокатдан хабар беришди. Оғамдан юз ўғиринглар!» деса, бунга чиндан ишонадиган одамлар топилмайдими? Халқ хурофотга ботган. Мени пайгамбар деб этагимни кўзларига сурувчилар ҳар ҳолда учрайди-ку! (*Сарой ичига кириб кетади.*)

Б о д о м киради, супачага ўтиради.

Б о д о м. Яхшиям қишлоқда қолмаган эканман. Бу ерларда қанча нарса кўрдим! Эртақ қилиб айтсам, бир йилга чўзилади. Тушимга кирмаган воқеаларни кўрдим... Мен бир аскарман. Жанг қилдим. Йигитлар билан бирга мўғулларни суриб қувдим. От чопдим, аммо отнинг ёлини маҳкам ушлаб олганим учун одамлар кулиб, юзимни қизартиришди. Энди сира ушламаганим бўлсин. (*Пауза.*) Ҳаммадан, камбағалнинг боши кўтарилганлигига суюнаман. Амирлар, беклар, элнинг таёғидан тумарақай қочганига суюнаман. Энди уларнинг қўраларида ит ҳам акилламайди. Қим кўринганни бошида қилич ўйнатган мўғул тўралари, ҳа деганда «Солиқ тўла», деб одамларни яланғочлаб, юнг савагандай савайдиган тамгачилар энди жазосини тортди. Ишқилиб, эл ишининг охири бахайр бўлсин, тангрим! (*Ўрнидан туради, узоққа қарайди, сўнг хафаланиб.*) Билмадим, нима учун Хонботир унда хафа бўлиб ўтирибди... Қўллари билан кўзларини юмган, ўтган-кетганга ҳам қарамайди. Юрагини тирнаган бир дарди бор-а! Ёлғиз менми, ёлғиз севгисими? Ишониш қийин. Менга айтиб берган аввалги ҳол-аҳволидан биламанки, унинг юраги севгига унча берилмас. Лекин тож-тахт орзуси-чи, юрагида лов-лов ёниб туради бояқишнинг! Енгилтакроқ бўлса ҳам ботир, довиюрак одам... Кўнглим унга интилади, аммо ўрмондан узилгиси келмайди...

О т а ш киради.

О т а ш. Маҳмуд ҳазрат қаерда? (*Бодом қўли билан ишора қилади.*) Аҳа, бояқиш кўп уринди, пича ором олсин. Хўш, йигитча, сен қаерликсан? Қадди-қоматинг самбит гулидан нозик бўлса ҳам, аммо ҳийла баҳодир кўринасан. Ур-сур бўлганда, йигитларга разм соламан. Сенга ўхшашлар биздай чолларга далда беради.

Б о д о м (*кулишда давом этиб, товушини ўзгартиб, дейди*). Бизни мақтаманг, жангга бошлаган сиздай ошпоқ соқолли оталарни биз ҳар қанча мақтасак ҳам арзийди...



Оташ. Эй болам, мендай чолни мақташдан фойда йўқ. Бир оёғим ўлимнинг оғзида... Азбаройи эл иши учун ҳа-ҳу қилиб юрибман. Элнинг бағрига шамол тегсин, деб юрибман. Эл ишига ёш-қари — ҳамма яктан қатнашмаса, ҳеч нима чиқмайди. Мана бу гапни уқиб ол: жамики халойиқ бирдан пуфласа, бўрони азим кўтарилади. Агар жамики халойиқ бирдан ерни дупурлатиб тепса-чи, ер деганинг безгакдай шақ-шақ титрайди.

Бодом. Тўғри айтасиз, менинг бобом ҳам худди шу сўзларни айтар эди.

Оташ. Бобонг борми? Жуда яхши... Кўз қорангда бўлса, чақирсанг, гаплашардик, балки шу ердаёқ қуда бўлардик.

Бодом. Нима?

Оташ. Сўзим қулоғингга иссиқ кирди-а! Зиёни йўқ, йнғитга ёр керак. Сени куёв қилсам, янглишмасман, дейман, тушундингми?.. Худо берган бир набира қизим бор. Сулувнинг сулуви, де. Бўй десанг — қамишдай адил, юз десанг — кўкламдаги булутдай тоза, соч десанг — белига тушиб, қора ипакдай товланиб туради...

Бодом (*қаҳ-қаҳ уриб*). Худди мен қидирган қиз экан-да!

Оташ. Мақташимда қилча лоф йўқ, болам.

Урмон шошиб келади, сарой эшигига киради. Бодом бу ердан тезроқ кетмоқ истади.

Бодом. Эртаклардаги сингари кўрмасдан-петмасдан қизингизга ошиқ бўлдим. Сўзингиздан қайтмасиз-а. Хўш энди. (*Илдам чиқиб кетади.*)

## ВАТАН ҚИЗИ

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### Биринчи кўриниш

Саҳна. Тўрда — чўпон чодир. Чодир олдида ўчоққа ўт қалаб, пуфлаб, бир кампир ўтиради. Узоқда — тоғлар ғуруб алангасида.

Уч ўроқчи аста етиб келади.

I ўроқчи

Ҳорманг, эна! Ҳа, айтинг, таом тайёрми?

II ўроқчи

Сизни эсанкиратирамиз келиб ҳар оқшом.

Кампир

Йигитлар, пича сабр. Пишади ҳозир.  
Биламен ўроқчининг қорни бесабр.

I ўроқчи

Меҳнат қилганинг сари ўсар иштаҳанг.

Кампир


Ишдан кейинги овқат азиз ҳамиша.

III ўроқчи

(қозонга кўз ташлаб)

О, нуқул мой! Барра гўшт!

Кампир



Ойбек. 1958 йил.

Сенга бирон кун  
Тотсиз овқат бердимми? Ҷўлаб де бурун.

I ўроқчи  
Йўқ, йўқ, мўл-жўл... ҳам ширини.

II ўроқчи

Сиз пазандасиз...

К а м п и р

Мен пазанда эмасман — бу ишда ожиз.  
Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг  
Гўшти дерлар.

У р о қ ч и л а р

(ҳаммаси)

Тўғри гап.

К а м п и р

Йўқдир ғамларнинг.

Шукур, бой колхозимиз. Инлдан-инлга тўқ.  
Сизга нима сўрасам, беришар, сўз йўқ.  
Нималарни кўрмаган мана бу оқ соч!  
Барча халойиқ эди оч ва яланғоч.  
Декчаси қайнар эди кўз ёши билан...  
Умри янчилар эди ғам тоши билан.  
Кўрганман кетмончи-ю ўроқчиларни,  
Кўрганман гала-гала машшоқчиларни.  
Ким жулдур. Ранг сариқ. Қўш сурар, экар,  
Хирмон кўтарар. Минг кулфат чекар...  
Аmmo у охирида топмас парча нон...  
Ердорлар омборида тўлиб ётар дон.  
Ёз кунлари овқати ачиган гўжа.  
Қиш... совуқ ялаб кезар кўчама-кўча.

## I ўроқчи

Бир чеккаси менга ҳам маълум... У замон  
Биздақаларнинг бари оч-хонавайрон.

## III ўроқчи

Қимники эди бу ерлар?

## К а м п и р

Қоровой ҳожи,  
Саид судхўрлар — бир товламачи у...  
Ҳа, яна Қосим эшон... Бу жуда бадфеъл.  
Эсимда бор, эргинам раҳматли бир йил  
Қасал бўлди. Улгудай қийналдим, ночор  
Ўзимни ўтга-чўққа урдим... Бекор  
Бир кун бошоқ тергали чиқдим далага.  
Узоқ букчайиб юрдим буғдойпояда.  
Бир қучоқ йиға олдим, қолмади мадор,  
Қўрқа-писа жўнадим, кўзим беқарор.  
Бирдан чиқди қаршимдан бало-қазодай  
Эшон — жийрон йўрғада — йўл тўсиб, талай —  
Сўкди, қамчини билан мени савади.  
Додимга халқ йиғилиб, айбим тилади.  
Меҳнатим бекор кетди, хўрландим яна.

## I ўроқчи

Ундай ифлосни дунё кўрмаган асти.  
Неча ерда хирмони, мол бисёр, лекин  
Каптар отиб қайнатар эди қозонни.

## III ўроқчи

О, талхамак!

## К а м п и р

Бетавфиқ!

## II ўроқчи

Менимча, ундан ҳам  
Ёмон эди пахтачи бой — Мирза Ҳамдам.

## К а м п и р

Ҳа, шайтоннинг ўртоғи...Эрим бечора  
Ундан кўп жафолар кўрган... ёдимда.

## I ўроқчи

Ери кўпди. Пахтамиз ярми, чамаси,  
Ундан унар...

## II ўроқчи

Шодининг, ҳов, участкаси..

## III ўроқчи

Ўзи ҳам миқти майдон. Пахтани ҳар йил  
Бригадир Шодига тўкар бемисл.

## К а м п и р

Сизлар бахтли экансиз. Яхши замонда  
Яшайсизлар. Қайғу йўқ, пул кўп ҳамёнда.  
Бўз айғирдай кишнайсиз далаларда шод.

## III ўроқчи

Сулув қизлар билан биз чиқардик савод.

*(Кулишади.)*

## I ўроқчи

Ўзар қайтмади, эна?

## К а м п и р

У шундай чўпон.  
Очми-тўқми — билмайди, қўй-така обдон  
Тўймагунча ҳайдамас.

## II ўроқчи

Зерикмас асло,  
Ҳафталаб, балки ойлаб яшаса танҳо.  
Ўзар...ғалати йигит.

## I ўроқчи

Мард ва довиюрак.

## II ўроқчи

Гаврон тутгандан бери атроф-теварак  
Бўрилардан қутилди... Шундайми, кампир?

## К а м п и р

У мушук, бўри-сичқон... Бамисоли шу.  
Айниқса қиш кунлари у билмас уйқу.  
Қор тизза бўйи. Бўрон. Бирдан узоқдан  
Ўв тортади бўрилар. Шунда оёқдан  
Куч кетар, ваҳм босар. Дил ўйнар дук-дук...

## I ўроқчи

Бўри қиш тунларида увлайди хунук...

## II ўроқчи

Суяклар ҳам зирқирар, у шундай товуш.

## К а м п и р

Қулоқ солинг, туф десанг, яхлайдиган қиш.  
Борган сари товуши яқин ва яқин.  
Ўзар-чи?

### III ўроқчи

У бепарво!

### II ўроқчи

У хурсанд тагин!

Ҳа-ҳа, хурсанд. Чидамас, чиқар лип этиб.  
Қўктой билан пойлайди. Мен ҳушум кетиб.  
Утирамен танҳо, жим. Кўзим далада.  
Қани у кела қолса. Ииртқични роса  
Қувмагунча дарак йўқ. Баъзи вақт судраб  
Келтиради ҳайвонни.

### I ўроқчи

Қувониб, ўйнаб.

### II ўроқчи

Пўстин тайёр кампирга.

### К а м п и р

Мен киймасам ҳам  
Кийгандек суюнамен. Дарров мўйнани  
Ҳукуматга элтамиз — ўлжасин мақтаб.  
Ёлгиз болам — кўзимнинг нури у ёлгиз.  
Омон бўлсин... Сузайми тайёрдир таом?

### II ўроқчи

Суза беринг.

### III ўроқчи

Келсин у!

### К а м п и р

Келар, мана шом.



### III ўроқчи

Шундай бўлиши керак колхоз чўпони.  
Чўпонлик илмининг у бўлди устаси.  
Лекин менга ёққани мерганлигидир.

### I ўроқчи

Осмондан қушларни терганлигидир.

### III ўроқчи

Овчиларнинг пири у.

### II ўроқчи

Қойил ҳамма ҳам.

### К а м п и р

Уни мақтайверманг, ҳали ёш, бўтам.  
(Товоқларга шўрва сузиб, бир-бир узатади.)  
Азаматлар, ичинглар, кўп тўғранг нондан,  
Яна қуямен, учмас қут бу қозондан.

### (Ичишадилар)

### I ўроқчи

Энажон, пазандасиз!

### II ўроқчи

Нонга боқ — лола.

### К а м п и р

Гап менда эмас, колхознинг буғдойи тоза,

### III ўроқчи

Жаннат қушларидай юришлари ҳил-ҳил!

Узоқдан ашула эшитилади  
Бир байт\*. Сўнг «Ҳайт-ҳуйт!» садолари.

\* *Езувчи эскартмаси.*

К а м п и р

Келиб қолди.

III ўроқчи

Вақтида!

II ўроқчи

Қулоқ сол, қўшиқ!

III ўроқчи

Узимизнинг ҳиргойи...

II ўроқчи

Ошдан қолма, суқ!

*Иккинчи байт\**

К а м п и р

*(ўрнидан туради, нарироққа бориб қичқиради).*

Ўзар, тез кел, қарайман ўзим қўявер.

*(Қайтиб.)*

Келиши билан ҳали Қўктой ғамин ер.

*(Суяк-саёқларни йиғиштириб, четга элтиб ташлайди)*

Ў з а р.

*(Вазмин юриб келиб)*

Ҳай, ҳорманглар жўралар, ҳа, улфати чор...

III ўроқчи

---

\* *Езувчи эскартмаси.*

Ўтир, полвои!

II ўроқчи

Даминг ол!

I ўроқчи

Хўш, қалай пода?

Ўз ар

Чаккимас, барака бор. Бугун қояда  
Бир эчки болалади — учта... Жонивор —  
Бари тетик. Шундай шўх...

II ўроқчи

Қўлингда гап бор...

III ўроқчи

*(Кулимсираб)*

Доя бўлдинг?

Ўз ар

Бўлмаса-чи? Завқли иш. Гўдакни она  
Қандай парвариш қилса мен шундай доим.  
Қўлларим қўзилар учун момиқдай юмшоқ...  
Қолхозга олтиндан афзал ҳар туёқ  
Ойи, Кўктойга пича!... Сен пахта учун  
Қанча жон куйдирасен, биламен ҳар кун  
Баргини ҳам санайсен... Ишга бор кўнгул  
Билан кирсанг ва ёнсанг, ишинг ўнг нуқул.

III ўроқчи

Тан берамиз сўзингга, ҳазилни ҳам бил.

Ўз ар

Сен бошқа ёқдан майли, гапир, ҳазил қил.

*(Ўзи овқатни тез-тез ичади.)*

I ва II ўроқчи қўзғалишади.

Иўл бўлсин!

I ўроқчи

Шамолланиб қайтсак қишлоқда.

У з а р

Кечагидек бир доклад бўлса, у чоқда  
Мен ҳам елдай учардим. Шундайми, Сафар?

III ўроқчи

Гапни дўндирди, қийди муаллим Ҳайдар...

II ўроқчи ғойиб бўлади.

Ғазалга чаптаст экан кекса Навоий.  
Қандай нуқра сўзлар бор...

У з а р

Қандай маъноли!  
Чиндан у ғазаллардан бўлаёздим маст!  
Қайтиб ўйладим яна, ухлолмай бирпас.  
Навоийнинг сўзлари ёқа қолади,  
Қўнгилни ширин қиздай ола қолади.  
Олдирмоқчиман унинг ғазал китобин!  
Ошнама, қулоқ бер, чақиб кўр кел маъносин..

*(Навоийнинг ғазалидан бир  
неча мисра ўқийди\*.)*

Ҳикматли сўзи ёддан чиқмас бир умр!

III ўроқчи

Сўз эмас, бамисоли шода-шода дур.

---

\* *Езувчи эскартмаси.*

(Бир афоризмни ўқийди\*.)

Бир нафас сукут.

О ф т о б

(дадил келиб, кулиб)

Салом, салом! Шоирлар мажлиси бу?  
Ўқий беринг, оғалар, эшитмак — орзу.

Ў з а р

Келинг, опа, не хизмат?

О ф т о б

Шундай, йўлакай...

К а м п и р

(қиз билан кўришиб, бошдан-оёқ тикилиб)

Қизим, бемаҳал вақтда юрибсан бахай?  
Қайдан келасан ёлғиз?

О ф т о б

(Кулиб)

Тоғ этагидан.

(Ҳаммага қараб.)

Чиққан эдим у ерга мен эрта билан  
Расм ишлаб, кўп кездим. Тоғларда қуёш  
Ботишини кутдим-да, кеч қолдим холос.  
Қишлоққа тез етай деб шошдим, югурдим.  
Қарасам, бегона йўл. Қай томон юрдим?  
Хўш, Гулистон қишлоғи яқинми?

II ўроқчи

---

\* *Езувчи эскартмаси.*

Яқин.

Тўппа-тўғри борасиз, олисроқ лекин.

Тоғ орқасидан ой чиқиб келади. Қиз ойга телмуради.

У з а р

Кундуз мен ўтган эдим нақ ёнингиздан...

О ф т о б

Пайқамабман.

У з а р

Кўзингиз ишга миҳ экан.

О ф т о б

(кулади)

Ишимиз шундай.

К а м п и р

Кимнинг қизисан, ой қиз?  
Қўзларимга кўп илиқ кўриндинг, юлдуз!

О ф т о б

Мен шаҳардан. Қишлоқда уруғларим бор.  
Ёзни бунда ўтказмак учун мен қарор —  
Қилдим-да, келдим, она. Чизамен сурат,  
Сиздек оналар билан қиламен суҳбат.

У з а р

Ёқдимн, қалай, сизга бизнинг дала, тоғ?

О ф т о б

Бу ерлар жуда гўзал, ҳар томон майса.  
Тошдан ҳам гул ундирар. Самоси кулган.

Олтин ҳавоси атир билан ювилган.  
Севинч билан қайнар ва куйлар ҳар булоқ,  
Кўнгил қанотни йиғмас бу ердан бир чоғ.  
Йилқилар кишнашади, маърар такалар,  
Экинзорлардан учар эркин хандалар.  
Бу қишлоқ бир замонлар — хотирамда бор —  
Хароб, юпун, инграрди — парча нонга зор.  
Энди боқсанг, ҳаётга қоласен ҳайрон.  
Қўрқинч тушдек чалинар кўзга у замон.  
Хайр, жўнай...

К а м п и р

Ёп-ёлғиз?

О ф т о б

Ҳаммаёқ ойдин,

Ҳам йўл тинчдир...

К а м п и р

Йўл тинч-ку. Адашма тағин.

Хай, Узар, тур, синглингни узат... Бу чўпон  
Ўғлимдир — ёввош йиғит...

О ф т о б

Онажон, раҳмат.

У з а р

*(Ўрнидан туради.)*

Хоҳласалар, биз тайёр.

К а м п и р

Кел, қизим, яна  
Мен ўзимга яраша одамшаванда.  
Сут, қатиқ кўп... Чанқасанг — бераман айрон.

## О ф т о б

Қеламан, сўзлашамиз унда бсармон.

Кетишади.

## К а м п и р

Ўзи хандон, сўзлари шундай сермағиз,  
Келармикан яна... ой қиз, доно қиз!  
Аҳ, эсим қурсин мани... Сен келиб бир кун  
Суратим ол, демадим пашпортим учун.

## Иккинчи кўриниш

Кундуз. Тоғ этагида чиройли бир маскан. Тошлиқларда арчалар, кўркам тоғ гуллари ўсган. О ф т о б ёлғиз — расм ишлаш билан машғул.

## О ф т о б

Бу ёзги иш ва турмуш чакки бўлмагай.  
Гўзал асарлар чизиш мумкин бир талай.  
Фақат бунинг учун қунт, ғайрат айла.  
Халқ дер: жон чекмагунча жонона қайда!  
Мавзу кўп. Чидам керак. Ҳар чин санъаткор  
Юракнинг қони билан асар яратар.  
Бу ёз кўп ўртоқларим янги ва нодир  
Асарлар келтиришар, шубҳасиз. Ахир  
Севгисиз ранг-бўёқлар жонланмас сира.

*(Бир зум узоқларга тикилади.)*

## О ф т о б

Тузуқкина асарлар яратсам мен ҳам.  
Яратишнинг завқини бир зум мен топсам!  
Оҳ, узоқликлар гўзал! Ана автобус  
Тевага тирмашади. Сувлар олтин тус!  
Ана тоғдан пилдирар бир юкли эшак,  
Кумушланади тошдан энган шаршарак.

Узоқдан най садолари. О ф т о б орқа томонга қараб, сўнг берилиб тинглайди.

Ўзар чалмоқда найни. Ажойиб чўпон.  
Содда ва қобил йигит. Сўзлашган ҳамон  
Мен англадимки, унга ишониш мумкин.  
Кўзларидан мард руҳи барқ урар бутун.  
Йигитликнинг энг асл ҳусни мана шу.



*(Ишламакка бошлайди.)*

Эй... Ёрқин тоғнинг боши булутланди-ку!

Полотнони бир оз нари суриб, ишлайди.

У з а р

*(секингина пайдо бўлади.)*

Ишлар қалай опажон?

О ф т о б

Яхши дейишга

Тилим бормади — ёмон деб камситишга  
Урин йўқдир.

У з а р

Англайман, оқибати соз!

О ф т о б

Яхши бўларди, лекин бу қилар кўп ноз...  
*(Мўйқаламини кўрсатади.)*

У з а р

*(Расмга яқинлашиб, диққат билан қарайди.)*

Қаламингиз жодугар экан жуда ҳам.  
Ҳар бир нарса бу ерда аслидек кўркем...

О ф т о б

Шундай ишлайдиларки, тиллар бўлур лол.  
Меники ўргамчикдир... Бунда кўп қусур.

У з а р

Тоғ ажойиб ростакам. Поданинг ўзи...  
«Ҳайт!» деб ҳайдади ҳар ким — соғ бўлса кўзи.

Узиб олар бу гулни сақланг кишидан.  
Кўз қамашади сувнинг жимирлашидан.

О ф т о б

Ҳали чала. Яна кўп ишламак лозим.

У з а р

Нақ тайёрдек...

О ф т о б

Ҳа, айтинг, найни чалди ким?  
Уни мақтамак мумкин.

У з а р

Ўткинчи, чоғи...

О ф т о б

Йўқ, мен яхши биладан: мана исботи.  
Най мўралаб турибди қўлтиғингиздан!

*(Ишорат қилади.)*

У з а р

Яшириб бўлмади-да, бу сирни сиздан.  
Таълим олганимиз йўқ бировдан ҳали.  
Баъзан чалиб қўямиз — кўнгил эрмағи.

О ф т о б

Чалғучи қила билса дилни маст агар,  
Санъатида моҳирдир, деймиз муқаррар.

Иккиси қаршима-қарши икки тошга ўтиришади.

У з а р . Чўпоннинг қўлида гаврон, белида най бў-  
лади.

О ф т о б . Кеча шеър тўғрисида гаплашгандик. Қай-  
си мактабни битиргансиз?

Узар. Ўқишми? Афсуски, жуда оз... Бешинчи синфни битирганман.

Офтоб. Яна давом эттиришингиз мумкин. Мен чўпонлар орасидан чиққан профессорларни кўрганман. Бизнинг мамлакатда ҳар бир яхши орзуга эришиш учун шароит бор. Ёлғиз истак ва ғайрат керак, шундай эмасми?

Узар. Тўғри. Бизнинг колхоз болаларидан кўплари олий мактабларда ўқийдилар. Аммо мен бир қарич болаликдан чўпонликни яхши кўрар эдим. Отам — ўлган. Энам ҳар кимнинг эшигида оқсоч. Биз учун битта туёқ — анқонинг тухуми. Қишлоқда тўқ деҳқонларнинг болалари бўйнига қўнғироқ таққан кўзичоқларини дингирлатиб, ўйнатиб юрсалар, менинг кўзларим ёниб кетар, ўксинар эдим. Мана, колхоз тузилди. Биздақаларнинг елкасига офтоб тегди. Пахтада ишладим. Кейин туёққа бўлган ҳаваскорлигим йўқолмаган экан, чўпон бўлдим.

Офтоб. Бунда ҳам илм бор.

Узар. Бўлмаса-чи! Қаерда тажриба бор — унда илм. Чўпонликда кўпайтириш илми... Ҳам қизиқ, ҳам жуда керак илм.

Офтоб. Ким келаётир?

Узар. Шу атрофнинг агрономи.

Обидов (*танишлардек Офтобга қўл узатади ва расмга қарайди.*) Ўшатибсиз, яхши. (*Ўзарга.*) Хўш, йигит? Чўпонликдан рассомликка ўтмоқчимисан? Бу оғир. Буни санъат дейдилар. Алоҳида истеъдод керак.

Узар. Ўз қуюшқонимизни ўзимиз биламиз.

Офтоб (*Обидовга қараб*). Ўзар ака, менимча, жуда истеъдодли йигит.

Обидов. Биламан, биламан, бу каллада гап кўп. Қани, дудугингни бир чалиб юбор.

Офтоб. Дудуги нимаси? Ўзар аканинг найи чи-накам сеҳрли най. Унинг садосидан тошлар ҳам тилга киргандек жўр бўлиб куйлаб кетади.

Обидов. Нима бўлмасин, подачининг найи-да.

Узар. Олти ой ўқиб, қўлингиздан агрономликни олиб қўяман-да! Жаҳлимни чиқарманг.

Офтоб. Ҳай, шундай, қилинг.

Обидов. Худди кўрганымдексиз.

Офтоб. Қандай қилиб?

Обидов. Сизни яхши танийман. Шаҳарда, сту-

дент эканимда, сизни ҳар куни кўрар эдим — бизнинг ётоқхонамиз ёнидан қатнар эдингиз. Мактабингизни ҳам биламан. Уч йил ўтди — ҳали ўшандайсиз.

О ф т о б. Балки, тўғри. Аммо мен сизни хотирлай олмадим. Катта шаҳар.

О б и д о в. Хўп, ишонамиз — унутгансиз.

У з а р кетади.

Ш о д и қ у л (*орқасига қопчиқ кўтариб, пусиб киради*). Ҳа, агроном ака, саломатмисиз? Битта қутида аъло папиросдан бор, олсангиз-чи! Чақаси керак эди.

О б и д о в. Кучала еган жойингизда тиришинг.

Ш о д и қ у л. Ташлаб қўйган молим йўқ — молни пулга, пулни молга уриштиришни ўзим хўп биламан. (*Расмга тикилади.*) Ҳийла устакор экансиз, опа. Бу молнинг бозори чаққон бўлади. Кўрганман. Ёлғиз хуштори топилса, бас. Масалан, беданабоз бир беданага бир отнинг пулини бера беради. Наинки, ишқибоз-да. Шунга ўхшаш, агар суратга ишқибоз одам бўлса, буни анча пулга сотасиз, опа!

О ф т о б. Биз сотиб ўрганганимиз йўқ.

Ш о д и қ у л. Йўлини билмаймиз-да. Бу жуда фуруш нарса. Ўз кўзим билан кўрганман. Худди агроном акамлардек бир йигит ўтган йил шаҳар бозорида бир суратга бир юз йигирма беш сўмни нақд санаб берди. Нақ кўзимдан ўт чақнаб кетди. Яна қандай денг? Қичкина. Бунинг тўртдан бирича. Эсимда турибди — ниҳоят уч-тўрт туп ўрис дарахт, икки тепалик орасида кўлмак сув. Хўш, яна бир қайиқ. Ҳа, қайиқ ҳам бўш. Мана холос. Бир юз йигирма беш сўлкавой! Ғазнадан янги чиққан шалдирама қоғозлар денг.

О ф т о б. Пулдан бошқа бирор нарсани танийсизми?

Ш о д и қ у л. Бўлмаса-чи! Мени шунчалик кўр деб ўйлабсизми?

О ф т о б. Масалан, нимани?

Ш о д и қ у л. Масалан, нимайки, пулга айланса — уни...

О б и д о в. Жўнаб қолмайсизми?!

Ш о д и қ у л. Папиросни олмайсизми? Гугурт? Бир жуфт шам бор — шуни олинг. Ўзингни сот — рўшнолик ол, деган гап бор-ку.

О б и д о в. Электр станцияни нима учун қуриб қўйибмиз? Шамни ачангизнинг мозорига ёқиб қўйинг!

Шодикул. Мол бўлса, бас. Мол — ухлаб ётган пул. Ҳар вақт уйғотишингиз мумкин. Ҳеч қиси йўқ.

Обидов (*Офтобга қараб*). Бизнинг бу қишлоқларда зерикмадингизми?

Офтоб. Асло.

Обидов. Бўёқларингиз етарлими? Топиш қўлимдан келади-я.

Офтоб. Раҳмат. Ҳозирча етарли... (*Узоқлашади.*)

Обидов. Умримда жуда кўп ва хилма-хил тасодифларга ва кутилмаган ҳодисаларга дуч келган эдим. Аммо бу ҳаммасидан ошиб тушди. Бундан бир оз аввал қуйидан — пахтазордан чиқар эканман, бир ов менга: «Юравер, рассом қизга, бир вақтлар мактабидан қайтишини пойлаганинг Офтобга йўлиқасан», деса нима дер эдим! Мени танимагани қизиқ. Жилла бўлмаса, «ҳа, кўзим тушган эди шекилли» ёки «кўзимга таниш кўринасиз» ҳам демади. Ҳатто мен бир кун у ўтар экан, ётоқхона деразасидан унинг оёғи остига хат ҳам ташлаган эдим. Тўғри, олмаган эди — менга ялт этиб қараб, бу болалик ўйини, дегандек, жилмайиб ўтиб кетган эди. Ҳали ҳам ўша кунлардагидек. Жиддий ва мағрур! Шодикул кетмаганмиди-а?

Шодикул (*ўз-ўзига*). Кошки шу гаплардан бирор мири чиқса. Олди-соттидан гапир!

Узар билан Сафар киради.

Узар, (*Шодикулга*). Қопчиқни ўғирлаганингиз йўқми?

Шодикул. Улгудек совуқсўз йигитсан-да.

Сафар. Бунинг ёлғиз ўнг қўли ўғри...

Узар. Бўл, ҳандалакни сўй! Йўқ, шошма, расмчи опам қайда қолди?

Сафар (*жилмайиб*). Юракдан ҳеч нима қолмади — ёнди, кул бўлиб, кўкка учди, десанг-чи!

Узар. Қўлимда қалам эмас, гавроним бор, оғайни. Мен унақа хомхаёл эмасман.

Сафар. Гавронни менга берасан-да, қўлингга қалам, бўёқ оласан. Хўш, бунга имкон йўқми? Ҳар ҳунарнинг бир ҳикмати бўлади — ҳамма гап ўшани эгаллашда...

Узар. Тушунмайсан, жоним, бу этикдўзлик эмас ахир.

Сафар. Хўп, бўлмаса, бу қиз чўпонликни биладими?

Узар. Осонгина ўрганиши мумкин.

Сафар. Эчки бир сузса, бўри қувгандек қочади, албатта.

Узар. Бу — сен ўйлаган қизларга ўхшамайди сира.

Обидов. Буни жуда уста ясаган. Менинг кўзимга у оқаяпти, тошлардан сакраяпти.

Сафар (*яқинлашиб*). Тўғри.

Шодиқул (*ўз-ўзига*). Тавба, тавба, нега булар унинг баҳоси тўғрисида ёнинг дейишмайди! Буларнинг бари пулдан юз ўгирганми! Нонкўрлар!

Офтоб (*қайтиб*). Қани, ўртоқлар, мен ишлайин, энди...

Сафар. Бир нафас сабр. (*Хандалакни кесиб, олдин бир тилимни Офтобга беради.*)

Шодиқул. Чакак қимирлайдиган қилиб кес менга.

Обидов. Сизга пўчоғи.

Узар. Кепак олиб келинг пича.

Шодиқул. Бари бир суқим киради. Уч кун кинна солдирсаларинг ҳам чиқмайди, ичакларингни бошларингга салла қиламан.

Сафар. Ўлгудек хирасиз-да. (*Бир тилик кесиб беради.*)

Шодиқул. Хира деб маҳлуқотлар орасида пашшани айтадилар, ука. Мен хира бўлиб нима қилаётибман. Дастурхонингга қўнаётирманми! Чироқларим, бир илтимос, чала-чала енглар.

Офтоб (*кулиб*). Нега?

Шодиқул. Уйда бир ожизам бор, уни ҳам оғзи тегсин, деган эдим. Билмайсизлар, ота меҳри ҳаммадан зўр бўлади. Айтадилар-ку: «Ота кўнгли болада, бола кўнгли далада», деб.

Офтоб. Сизни ким деса бўлади?

Шодиқул. Бир танга беринг-да, эшак десангиз ҳам майли. Сўз оғиздан чиқди, ҳавога учди-кетди...

Офтоб. Эшак — жуда фойдали ҳайвон...

Шодиқул. А, опажон, бу сўзингиз учун энди икки танга беришингиз керак. (*У пўчоқларни териб жўнайди.*)

Обидов. Эссизгина Назми шундай отанинг қўлида.

Узар. У бечора тез кунда қутулиб қолар... Чопиқлар тугагандан кейин Мадамин тўйни бошлаб юборар.

О б и д о в. Шундай қилгани яхши. (Соатиға қараб.)  
Офтобхон, мен кетдим, ҳозирча ҳайр. (Кетади.)

С а ф а р. Ҳзар, бу кеча, албатта, балиқ овига чиқамиз, дурустми? (Кетади.)

Ҳ з а р. Гап битта... (Офтобга.) Ишингизга анча ҳақиқат бердик, биламен. Бу ишга ёлғизлик керак. (Кетмоқчи бўлади.)

О ф т о б. Бу кун дуруст ишладим. Кеч ҳам бўлиб қолди. Юмушингиз борми?

Ҳ з а р. Зарур юмуш йўқ. Кампирнинг олдига борай.

О ф т о б. Мумкин бўлса агар, бир оз кутсангиз, бувимнинг олдига мен ҳам бормоқчиман. Айтинг, бувим эртак биладиларми?

Ҳ з а р. Эртак?

О ф т о б. Ҳа, эртак. Ёшлигингизда эшитмаганмисиз?

Ҳ з а р. Қўп эшитганман...

О ф т о б. Қимдан?

Ҳ з а р. Энамдан.

О ф т о б. Демак, у киши эртакка уста.

Ҳ з а р. Билмадим, устами-йўқми, ҳайтовур, бир бошласа, асло охирига етмайди — улаб кетаверади шеклли. Утган йил Тошкентдан келган йигитлар унинг оғзидан бир қанча эртак ёзиб олишган эди. Уларга мен ҳам бир-икки нарса айтиб бердим. Китоб қилиб бостириб, бизга бир нусха юборишга ваъда қилган эдилар.

О ф т о б. Жуда соз. Мен эртакни севаман. Энди бир кун энангиздан, бир кун сиздан эртак эшитаман. Малоллик келмайдими?

Ҳ з а р. Ҳеч бир.

О ф т о б. Ёзиб олсам, ҳақ тўлашим мумкин.

Ҳ з а р. Сизга ҳеч бир сўз — «бир бор экан, бир йўқ экан»ни ҳам айтмаймиз! Офтобхон, биз ҳеч нарсага муҳтож эмасмиз. Биз колхозбойваччамиз. Шодиқул деб ўйладингизми?

О ф т о б. Асло! Унга ит ҳам ўхшамасин! Аммо хафа бўлманг, Ҳзар ака, мен меҳнатингизни ўйлаган эдим.

Ҳ з а р. Сизга сўзласак, юртга сўзлаган бўламиз, ҳам ўзимиз қувонамиз. Кампир учун — эрмак.

О ф т о б. Ҳа, ҳалиги чайқовчининг қизи тўғрисида гапирдиларинг — қизига муомаласи қалай?

Ҳ з а р. Хотини ўлиб кетган, ёлғизгина бир қизи. Шодиқулнинг рўзғор тутиши тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқ.

О ф т о б. Қизга қийин экан-да.

У з а р. Аммо қизи — ҳар жиҳатдан яхши қиз. Бу йил еттинчи синфни битирди. Ҳусни ҳам бор, ақли ҳам. Отасининг қилмишларидан уялади. Бахти ҳам чакки эмас экан: колхознинг жуда бўлимли йигитларидан Мадамин деган уйланмоқчи.

О ф т о б. Улар ўз хоҳишлари билан?

У з а р. Ҳа, бир-бирларига кўнгил қўйганлар.

О ф т о б. Замон биз аёлларга ғоят катта ҳуқуқ, эрк берди. Эски ҳаётнинг қоронғи, қўрқинч зиндони остидан ёруғликка олиб чиқди. Қўл-оёқларимизни бойлаган ки-шанларни синдирди, тилимиздан абадий соқовлик там-ғасини олиб ташлади. Кўрасизми, ҳатто Шодиқул ҳам ўз қизининг орзусига моне бўлолмаган. Бўлмаса, у пул бандаси қизини кимларга сотмас эди! Узар ака, менинг отам бойнинг хизматкори экан. Мен у кунларни кўрган эмасман. Чунки отам инқилобдан кейин заводга ишчи бўлиб кирган. Аммо инқилобдан бурунги турмушини айтиб бераверса, кўзларим беихтиёр ёшланади... (Пау-за.) Мана, мен рассом бўлмоқчиман. Ёлғиз бошимга дала-тоғларни кезиб юрибман. Мана сиз билан — умр-да кўришмаганимиз ҳолда эски қадрдонлардек сўзла-шаман. Бу мумкинмиди? Аёлларнинг ҳатто товушлари эркак қулоғига эшитилса, гуноҳ ҳисобланар эди. Зерик-канингиз йўқми? Зериккан бўлсангиз, мана бу китобни ўқиб ўтиринг. (Бир китобча олиб беради.)

У з а р (китобга тикилиб ўқийди). «А. С. Пушкин. Шеърлар». Сўзингизга бир қўшимча... Илгари подачи китоб ўқирмиди!

О ф т о б. Қишлоққа алифбе кирган эмасди.

У з а р бир тошга чўққайиб, китобни варақлаб, аста-аста ўқийди.

*Пушкиннинг бир лирик шеъри\**

..... : : : : :

О ф т о б. Яхши шеър? Ёқдимиди?

У з а р. Жуда соз байт экан. Маъноси ҳам аллақан-дай. Яширинсимон-а!

О ф т о б. Бу ажойиб шоир. Охирроғида ғалати эр-таклари ҳам бор. Ҳаммасини ўқишни хоҳласангиз, олинг, ўқиб чиқинг.

У з а р. Ҳўп. Бир-икки кунга бизга беринг. (Узар

\* *Езувчи эскартмаси.*



ўрнидан туриб, сўл ёққа қарайди. Урмонов киради.) Салом раис ака, йўл бўлсин?

Урмонов (қиз билан бош қимирлатиб кўришади ва Узарга.) Герман фашистлари тунда тўсатдан бизнинг чегаралардан босиб кирибди. Уруш!

Узар. Фашистлар? Уруш! Ҳа, ит эмганлар!

Офтоб (раиснинг ёнига югуриб келади). Тинч Ватанчимизнинг гулистонига фашист чўчқалар киради?!

Узар. Раис, мени ёзинг! Биринчи галда мен кетаман.

Офтоб. Ҳаммамиз кетамиз! Бахтимизнинг ёрқин юлдузини чиркин булутларга қоплаттирмаймиз!

Урмонов. Совуққонлик керак, ёшлар. Совет халқи бор, партия бор, Қизил Армия бор. Биз енгамиз. Қароқчи Гитлери ўхшатиб таъзирини берамиз. Мен аминман.

Узар. Чучварани хом сапабди Гитлер. Биз уни ўз қонига ботириб бўғамиз. Мени юборинг, раис.

Урмонов. Қўлингга қоғоз тегдими — сени бир зум ушлаб турмаймиз.

Узар. Қоғозни кутаманми? Кўнгилли бўлиб жўнайман.

Офтоб. Тўғри. Тўплар гулдираганда, чегараларимизда қонли жанглар авж олган пайтда бу ерда эчки боқиб, расм ишлаб ўтириш ярашадими?

Урмонов. Андак сабр қилинг, синглим. Бу тўғрида сўзлашамиз. Узар, сен ҳозир югур, халққа осойишталик билан хабар бер, ҳаммани бошлаб қишлоққа олиб туш, клубда мажлис ўтказамиз.

Узар. Дарров бажараман, раис. (Кетади.)

Урмонов. Ҳай, қулоқ сол, ҳовлиқмасдан, осойишталик билан...

Узар. Албатта, албатта.

Урмонов. Хўш, синглим, қани, нима ишляяпсиз? Сиз Мирза Умарнинг қайнисинглиси бўласиз-а? Эшитгандим. (Расмга тикилади.) Балосиз, синглим. Буни гўзал санъат, дейдилар. Тўғрими? Неча йил таълим олдингиз.

Офтоб. Беш йил.

Урмонов. Менинг кенжатай ўғлим бор, сураткашликка жуда ўч. Уйда ўтириб, ҳар нимани чизаверади. Ўхшатиб чизади. Мактабини битиргандан кейин, майли, сизнинг йўлингиздан кетсин, бу керакли иш. Утган йил

Масковга борганимда музей хоналарини ҳам айланиб чиқдик. Ажойиб ишларни томоша қилдик. Узим ҳам қизиқиб қолдим. Ушандан буён мен колхозимиз учун бир қанча сурат ишлатишга жазм қилган эдим. Айниқса клубимиз учун шундай нарсалар керак. Наинки колхозчи акам ҳар сафар клубга кирганда чиройли ишларчи кўриб, кўнгли кўтарилиши, завқланиши лозим. Мана бу ишингиз, нафсиламирда, кўзни қувонтирадиган нарса.

О ф т о б (четга). Тавба, бу одамнинг табиатига ҳайронман. Ҳозирги минутнинг масъулиятини гўё сезмайдиганга ўхшайди! Шундай сокин...

У р м о н о в. Мен сизнинг вақтингизни олдим-а?

О ф т о б. Энди қаламни милтиққа алмаштиришга тўғри келади, раис ака...

У р м о н о в. Тўғри мулоҳаза. Биз сўнгги томчи қонгача урушамиз. Аммо ҳали сиз дедишгизки, тўплар гумбурлаганда, эчки боқиб ўтириш ярашадими, деб. Мен ҳозир худди ўша эчкилар тўғрисида бошимни қотираяпман.

О ф т о б. Нега бунча?

У р м о н о в. Душман бизни қаттиқ урушга тортди. Сиз ўқигансиз, ҳаммасини тушунасиз. Душманни енгмак учун жанг майдонини жамики керак яроқ билан таъмин қилиб туриш лозим. Яна асло кетини узмасдан... Эскилардан қолган гап борки, сафарга чиқсанг — талқонингичи ғамла. Қарвон чўлга кирмасдан илгари сув тадорикини қилиши керак. Хуллас, биз энди кўпроқ пахта, кўпроқ дон, кўпроқ эт-мой беришни ўйлаймиз, бунинг учун ердан кўпроқ ундиришни кўзлаймиз.

О ф т о б. Албатта, шундай бўлиши керак.

У р м о н о в. Бунинг учун ҳамма вақтдагидан кўра яхшироқ, ғайратлироқ, чаққонроқ ишлашга тўғри келади.

О ф т о б. Меҳнатда қаҳрамонлик, фидокорлик!

У р м о н о в. Балли... Энди меҳнат майдони ҳам жанг майдонига ўхшаб боради.

О ф т о б. Ҳақиқатдан, ғоят масъулиятли иш.

У р м о н о в. Дўппини ерга қўйиб, бошни қотирадиган анча масала бор, синглим. Бугун-эрта йигитларим жангга кетса, уларнинг ўрнини қандай тўлдираман? Мана, Узарвой жўнаса, подамизни ким боқади? Кетмончиларни, тракторчиларни, яна ҳисобчи-дафтарчиларни қайдан оламан?

О ф т о б. Уртоқ раис, аёллар-чи? Вазиятни тушунтирилса, қўлидан иш келадиган ҳар бир аёл ўз ўглининг, эрининг, акасининг, укасининг ўрнини олади.

У р м о н о в. Баракалла. Тиришқоқ аёлларимиз кўп. Мен меҳнатда ҳамма аёлларимизнинг қаҳрамон бўлишини орзу қиламан. Аммо ҳалво деган билан оғиз чучимайди. Ҳамма гап буни печоғлик усталик билан уюштиришда...

О ф т о б (*жиддий йўлайди*). Узар ака жангга кетса, подани мен боқаман, мумкинми? Сиздан илтимосим шу, рухсат этинг, ўртоқ ранс!

У р м о н о в (*иккиланиб*). Бу-чи? Қоладими? Расмга ишора қилади! Оқ гулдай тоза, чиройли кўнгил ёқар иш-а!

О ф т о б. Мен санъатни севаман, лекин мен совет қизман. Ватаним ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас...

У р м о н о в. Бошқа иш берсам...

О ф т о б. Ҳар қандай юмуш бўлса, мен аскардай бўйин товламасдан бажараман.

У р м о н о в. Хўп, жон деб қабул қиламиз. (*Қўл беришади.*)

У з а р киради.

У з а р. Айтганингиздек хабарладим. Ҳозироқ клуб тўлди, деяверинг. Уртоқ Урмонов, қачон чақирадилар, кўнгилли бўлиб кета қолай, хўпми?

У р м о н о в. Ихтиёр сенда. Сен аввал меннинг кўнгилли чўпоним билан танишиб қўй.

У з а р. Ким?

У р м о н о в. Синглим билан...

О ф т о б. Мен билан.

У з а р. Сиз билан? Юртимнинг шундай қизлари учун қонимни тўқаман. (*Қўлтигидан найини чиқариб, Офтобга беради.*) Олинг буни, Офтоб, илк аввал шуни топираман.

О ф т о б. Ёлғиз, чалишни билмайман-да.

У з а р. Агар эгасини гоҳо ёдласангиз, ўзи чалнаверади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Колхоз клуби биноси олдидаги саҳн. Гулзор. Бу ердан икки томонга йўл кетади.

Обидов билан Офтоб клуб ичидан сўзлашиб чиқадилар.

О ф т о б. Энди мени билим ва тажрибаларингиздан баҳраманд қиласиз. Таниш бўлмаган соҳада биров нима чиқариш қийин. Ҳам кулги бўласиз, ҳам ишга зиён.

О б и д о в. Менимча, у қадар хавфланмасангиз ҳам бўлади. Кеча Ўзар чўпонлик илмини миридан-сиригача айтиб берди. Яна қандай усталик билан!

О ф т о б. Унинг сўзларини уққандай бўлдим. Яна Ойша бувим ҳам ёрдам беради. А, пахта чопиги? Уғитлаш? Зарарли ҳашаротларни билиш ва уларга қарши курашиш? Бир сўз билан айтганда, зироат алифбосини билишим керак-да! Ҳозирги пайт биздан дуч келган ишни бажара билишни талаб қилади.

О б и д о в. Сиздан ҳеч нимани аямайман, аммо колхозчиларнинг ишига, сўзига яхши диққат қилинг, асрларнинг ҳикматини териб оласиз. Халқ фикри ва тажрибаси менинг билимларимни анча бойитди.

О ф т о б. Бу, шубҳасиз.

Ў зар билан она си келади.

Ў зар. Тўпланишмади?

О ф т о б. Ҳозир йигилишиб қолади. Ранс машина ҳаракатида. Шошаяписизми?

О й ш а б и б и. Тунда уйқусида «от!», «ура!» деб чиқди. Болам, мўмингина, бировнинг ёқасидан ушламаган, маъқултой эдинг-ку!?

О б и д о в. Она, ўглингиз бўриларга қандай ўч эди, ҳозир бўридан бадтар йиртқичларга қарши урушга кетаяпти. Шунинг учун даргазаб.

О ф т о б. Йигитларимиз бахтимизга, қуёшимизга, боболаримиз ётган ва теримиз — кучимиз билан гуллаган ерларимизга ифлос панжа солмоқчи бўлган энг ашаддий, энг разил душманларни яқсон қилмоқ учун жўнамоқдалар. Шундай муқаддас урушга ўз ўғилларини узатган оналар — бахтли оналардир.

О й ш а б и б и. Тўшумама, оппоқ қизим. (*Ўзарга.*) Кўзимнинг оқу қорасансан — юрагимнинг бир парчасансан... Унутма менч, тез-тез хат ёзиб тур. Хатнингги мана бу ой кизим ўкиб эшиттирса, худди овозингги эшитган-лек бўламан. Хат узекни яқин қилади, юракка тасалли беради. Сўзларимни яхшилаб ўкиб, тинглаб ол, арслоним. (*Ўзарнинг пешонасини силайди.*)

Узар. Она, мени хурсандчилик билан узат. Шу вақтни ўзининг олтинчи беш йиллик умрининг бахтли соати деб бил. Эски турмушнинг, умрининг ёш, қувнайдиган чоғлари қандай азоб-уқубатларда ўтгани сенга аён. Сен у хўрланган, бахтсиз, аламзада кунларингни айтиб берганинда, эсингдами, мен кўз ёшларимни тийиб ололмас эдим. Дер эдингки, болам, бу шўрлик бошимга тушган жабр-фалокатларнинг бир учгисаси, деб. Бечора отам бойларнинг тепкисини еб, ҳақоратини эшитиб, бу дунёнинг роҳатини бир зум бўлсин тотмасдан, хор-зор ўлиб кетганлиги сенга маълум. Сен билан мен гадо эдик. Нима бўлдик? Сен ҳозир қишлоқнинг обрўли кампирисан. Мен колхознинг бойвачча йигитиман! Мана бу култепа, қашшоқ хафагазак қишлоқ — кўз олдимда, нима десам экан, — сенинг чўпчагингдаги олтин юртга айланди. Ғамли, эзик сийналар шодлик билан тўлди. Қитоб нима, мактаб нима эканини билдик, эски турмушнинг ғоридан чиқиб, ёруғ дунё нима эканини билдик. Мен, она, ана шу ёруғ, бахтли дунёмиз учун урушга бораман. Бизнинг ҳалол меҳнатимиз, теримизнинг дурлари билан кўкарган ерларимизга душманинг изини бостирмаймиз. Сен, она, ўзингни бахтли ҳисобла. Уғлинг муқаддас жангга кетаяпти. Она, сенда ёлғиз бир тилак бўлсин: мен жангда фашистларни кўпроқ ўлдирай.

Ойша биби (*ҳаяжонланиб, титраб ўрнидан турди*). Уғлим, арслонтойим, мен эски замон қурғурнинг қизғин тандирида хўп куйганман. Йўқчиликнинг, ҳорлик-зорликнинг азоби бўғзимга пичоқдек қадалган. Бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг кўз ёшлари дарё-дарё бўлиб оққан. Энди ёруғликка — рўшноликка чиқиб, энди елкамизга офтоб тегиб, энди юракларимиз аламдан қутулган эди. Тиғи-парронга учрагур, тўнғиз кўпгур Гитлер бошимизга кулфат солмоқни кўзлаган бўлса, кет, ўғлим, ёлғизим, ўт кеч, сув кеч — йигитсан, ярашади. Шерюрак бўл, Гитлернинг навкарларининг бошига қиличингни сол, бисмилло, деб сол. Бу ерда сени ҳарвақт дуо қиламан, бекор ўтирмайман, подаларингни кўз қорачиғимдек асрайман, кўпайтираман. Мендан кўнглинг тинч бўлсин, болам.

Обидов. Раҳмат, она. Уғлингиз учун яхши тилак тилайверинг. Ўзарбой, албатта, қаҳрамон бўлиб қайтади.

Ойша бибн. Илоҳим, айтганинг келсин. (Бир чеккага кетади.)

Узар (Офтобга). Қампирим бояқиш дуруст аёл-да. Ҳеч вақт райимни қайтармайди. Жуда яхши кўраман.

Офтоб. Мен биринчи кўришдаёқ худди ўз онамдек севиб қолгандим. Кўзлари жонга яқин, илиқ... Кейин кампирнинг ёлғиз ўғли ҳам ёмон йигит эмас.

Узар (тикилиб). Менга қолса, оналарининг энг сараси сизнинг онажонингиз бўлса керак.

Офтоб. Нега энди? Қампирнинг ҳар сўзи олтиндан қиммат.

Узар. Сиздек қизни етиштирган она!..

Офтоб. Оналаримиз яхши. Лекин ҳақиқатда ҳаммамизнинг асл, азиз онамиз — гўзал, озод Ватанамиздир. У бизни етиштирди, мана унинг бахти учун бел боғладингиз! Ундан бошқа ҳеч нарса кўзингизга кўришмайди, фикримиз, юрагимиз у билан банд.

Узар. Офтобхон, сўзланг. Чиройли, ҳикматли фикрлар айтасиз. Тўғри, асл онамиз — Ватан.

Обидов. Чиройли, чуқур фикрларнинг оналари — шоирлар билан рассомлар бўлади.

Офтоб. Гўзал фикрларни шоир ва рассом юрагига фақат Ватан муҳаббати, унинг улуғ илҳоми туғдиради.

Обидов. Тўғри, Ватан муҳаббати гўзал фикрлар учун бамисоли бир ўғит ролини ўйнайди.

Узар. Агроном ҳар масалада ўз касбидан бир нима қўшиб қўяди.

Обидов. Сен ҳар мажлисда эчкиларинг тўғрисида дoston тўқиганингдек... (Кулишади.)

Узар. Энди менинг ўрнимга Офтобхон сўзлайди. Бунга хурсандман.

Бир тўда халқ. Эркаклар, аёллар.

I йигит. Узар бунда экану, биз қидириб юрибмиз.

II йигит. Узар командирумиз — олдинда бўлиши керак.

Узар. Мадамин, кўришдингми? Ўзи келмадими?

Мадамин. Хайрлашдим. Ҳаммамизни кузатмоқчи эди — ола кўппак остонада ётган экан...

Узар. Йўлни бўшатиб қўй, деб бир тепмадингми?

Мадамин. Расо чапақай жаҳлим чиқди-ку...

Сафар. Ким бўлмасин, ҳар ҳолда Назмининг отаси-да. Бу томонни ҳам ўйлашга тўғри келади.

О ф т о б. Нима гап? Чайқовчи ит феълини кўрса тибдими?

М а д а м и н. У аблаҳ баъзи вақтда сүфидек тақводор бўлиб қолади. Бунга кулишни ҳам билмайсан, йиғлашни ҳам.

У з а р. Пулни ҳидлатсанг, каъбани ёқиб, имомни осишга тайёр!

М а д а м и н. Опажон, кўнгил-да. Лекин менинг юлдузимнинг ёнида бир парча қора булут тиз чўкиб олди. Шу сал хунукроқ-да.

О ф т о б. Зарари йўқ. Қора булутни шамол тўзғитмайди, дейсизми?

М а д а м и н. Яна қоплаб олмасин!

О ф т о б. Хотиржам бўлинг!

У з а р (*Ойшага*). Ая, амаким келмади?

О й ш а б и б и. Кекса-да. Битта-битта келаётган бўлса.

У р м о н о в (*пешона терини артиб*). Йигитларим, машина тайёр.

Одамлар бир-бири билан кўришадилар. Ҳар хил нидолар: «Бошларинг тошдан бўлсин!», «Оқ йўл тилаймиз!», «Йигитликни кўрсатасанлар-да!», «Орқаларингдан биз ҳам борамиз!» Бир киши хотинининг қўлидан чақалоқни олиб, ўпа-ўпа қайтиб беради: «Арслонга тикка сапчийдиган ўғил бола қилиб етиштир, хотин!» Хотин: «Албатта, албатта, отажон!» О й ш а У з а р билан видолашади.

У р м о н о в. Йигитлар, икки оғиз сўз. Элда бир гап бор. «Ота боласи бўлма, юрт боласи бўл!» Шу гапни кўнгилларингга маҳкам тугиб олларинг. Эски замонларда мард оталаримиз жангдан қочганларни ўтқазиб, олдига чарх қўйиб, ип йигиртирар эканлар. Мен ишонаманки, бизнинг мамлакатда ундоқ қуён юраклар йўқ ва бўлмайди! Қолхозимизнинг йигитлари, улуғ Лениннинг номи билан қирғинга, ўт-оловга кираверинг!

Йигитлар қичқирадилар:

«Улимдан қайтмаймиз!» «Бир бош учун душманингни ўн бошини узамиз!»

У з а р. Ватап йўлида қонимизни, жонимизни аямаймиз. Қолхознинг ободонлигини сизларга топширдик. Ғайратга ғайрат қўшасизлар!

О ф т о б (*Узарга гулдаста тақдим қилиб*). Узар ака, хайр! (*Қўл сиқишади.*)

У з а р. Хайр. Қим билади, балки сўнги кўришиш... Балки мен қайтарман-да, сиз бу ерда йўқ.

О ф т о б. Гаврон билан найни қўлингизга топшириб, пода тўғрисида бирма-бир ҳисоб бериб кетишим керак эмасми?

У з а р. Яшаиғ, Офтобхон.

О й ш а б и б и. Амакинг билан хайрлаш, Узар.

Ч о л келиб, Узарни қучоқлайди. Бир ханжар тутқазди.

Қ у р б о н о т а. Ол буни, чироғим. Катта бобонгдан қолган — табаррук... тишимда сақлар эдим. Сенга на-сиб қилган экан.

У з а р. Милтиқ отамиз, гранат деган бомбаларни ташлаймиз. Танклар, самолётлар бор. Бунинг ҳожати бормикан?

Қ у р б о н о т а. Биладан, эшитганман, ажойиб асла-ҳалар бор эмиш. Лекин баччағар душманнинг учов-ча-воғини ағдармасанг, ётқизиб, бўғизламасанг, қапдай қи-либ ўзингни йигит атайсан. Завқли жанг қил, болам.

У з а р. Хўп, амак. Бу ҳам ишга яраб қолар. (*Белига қистиради.*)

Қ у р б о н о т а. Иш беради, сопи олтин бўлмаса ҳам, пўлати олтиндан қиммат.

Йигитлар узоқлашади, орқадан халқ узатади. Машина гувил-лайди.

У р м о н о в (*Обидовга*). Бригадаларни айланиб чи-қайлик. (*Кетадилар.*)

О ф т о б (*Ойша бибига*). Онажон, кетдик энди далага.

О й ш а б и б и. Юр, қизим, Узарнинг ишини қи-лайлик. (*Кетишади.*)

О й ш а орқасига қараб-қараб қўяди. Кетмон кўтарган бир тўда қиз ва аёллар қўшиқ айтиб ўтишади. Булардан кейин бир печа чол.

Қ у р б о н о т а. Эсларингдами, бир вақтлар бел бог-лаб, анов жар ёқасида кураш тушар эдик-а. Бу кун да-лада куч синашамиз.

Б и р ч о л. Қари келса — ошга, йигит келса — ишга, деган гапни бу кундан бошлаб йиғиштириб қўйиш керак.

Б о ш қ а ч о л. Ёшлар урушга, қарилар ишга, дейиш керак.

Қ у р б о н о т а. Улма, Самад ғуррак, бормисан?



## Иккинчи кўриниш

Шодикўлнинг ҳовлиси. Тўрда ёнма-ён бир уй ва бир айвон. Шодикўл суянини бир чеккасида ўтиради.

Шодикўл. Ҳароми Ўзардан ҳам қутулдим. Пир урган йигит эди. Ҳар ким унга оқ йўл тиласа, мен қора йўл тиламан. Илоҳим, суяги ўша ёқларда чирисин! Ахир бутун умр кўнгилдан кетмас ёмонликларни қилган эди. Унинг кирдикори билан акам қулоқ қилинди. Мени ўғирликда айблаб, халқ олдида қизартирди. Икки боғ бедага-я! Уятсиз йигит! Қолхознинг омборини тешдимми, пўлат сандигини буздимми ёки бўлмаса, колхоз бияларидан бирини гум қилиб, қазихўрлик этдимми? Йўқ. Бундай ишлар менда асло содир бўлган эмас. Тангри гувоҳ... Ниҳоят икки боғ беда. Нима бўпти — беданоя илгари акамнинг ери эди-да. *(Пауза.)* Бугун бозорга бормай қўя қолай, вақт ҳам ўтиб қолди. Бекор ўтиришдан фойда йўқ. Бирон юмуш қилиб, бозорнинг чақасини шу ердан чиқармасак бўлмайди. Олдин қизим билан икки оғиз гаплашиб олай-чи — ундан пул ҳиди келаяпти. Назми!

Назми *(деразадан қарайди)*. Ҳа, нима?

Шодикўл. Бу ёққа кел, қизим.

Назми. Сўзлайверинг, эшитаман.

Шодикўл. Бугун машмашаларинг билан бозорга боролмадим, бунинг устига сен яна кишини ҳит қилсан. Ҳар вақт сенга айтаман-ку, мен — отангман, фарзанд учун отанинг қадри қиммати баланд бўлиши керак. Фарзанд ўз отасини ҳатто пулдан ҳам азиз кўриши лозим. Тушунасанми — пулдан!

Назми. Ҳаммасини тушунаман. Шу вақтгача чизган чизингиздан чиққаним йўқ. Сиз бозорга боролмаганингиз учун дилгир бўлсангиз, менинг ҳам ўзимга ярашур қайғум бор, ота.

Шодикўл. Сўз қайтарма, болам. Бунинг хосияти бўлмайди. Буёққа чиқ. Икки оғиз ҳасратлашиб, дилимнинг чигилини ёзай.

Назми уйдан чиқиб, отанинг рўбарўсида тўхтади.

Назми. Сўзланг, дада.

Шодикўл. Нега кўзларнинг қизарди, йиғладингми? Мадамнинг урушга кетгани учунми?

Н а з м и. Йўқ, дада. Бу иш ёлғиз менинг бошимда эмас-ку. У юртнинг йигитлари билан бир қаторда жўнади. Агарда у баъзи мулоҳазалар юзасидан урушга боришдан бўйин товласа эди — у вақт мен ундан астойдил ҳафа бўлар эдим.

Ш о д и қ у л. Нега урушга бунчалик муҳаббат? Ғовур-гувурдан четда, тинчгина яшаган яхши эмасми? Ақлнинг бўлса эди, сен унинг қулогига шу фикрни қуйган бўлар эдинг.

Н а з м и. Тинч яшаш, албатта, яхши. Лекин юртга душман бостириб кирган паллада ўз тинчлигини кўзлаган одам — одам эмас. Тинчлик, роҳат, бахт — юрт билан. Юртнинг бағрига душман қонли панжасини солган пайтда ҳамма бирдан — хоҳ ёш, хоҳ қари — яктан, якдил бўлиб, қўзғолиши керак. Тупрогимиз душмандан тозалангандан кейин ўйна, кул, тўй-томоша қил — ярашади.

Ш о д и қ у л. Азбаройи худо, шу замоннинг қизларига ҳам, йигитларига ҳам тушунолмайман. Бир ой сўзлаш, бир йил сўзлаш — уларнинг сўзидан тариқдек маъно тополмайсан. Китобларнинг, мактабларнинг ақлнинг кони экан-да!

Н а з м и. Сизнингча, ақлнинг кони қаер — бозор эмасми?

Ш о д и қ у л. Бўлмаса-чи! Эшак бозорида бир даллол бор, товонидан бошигача ақл. Яна унақа-мунақа ақл эмас, пул ясайдиган ақл.

Н а з м и. Дада, кишини хуноб қилманг. Нима демоқчи эдингиз? Қандай юмуш буюрмоқчи эдингиз? Айта қолинг тезроқ.

Ш о д и қ у л. Шошма, қизим. Хўш, бўлмаса, нимага йиғладиңг?

Н а з м и. Бугун қишлоғимизда бирор уйда биронта эркак ё хотин-қизни тополмайсиз. Ҳамма ёш-қари далада. Мен уйда қамалиб ўтирибман. Агар мен ҳам қўлимга кетмон олиб, ишга чиқсам, фалончининг ўрнини босаман, десам, қандай яхши бўлар эди. Ҳам Мадамнинг шаънига, ҳам ўз шаънимга ярашадиган ва юртга фойдали бир иш бўлмасмиди? Сиз ҳаттоки хайрлашишда ҳам қовоқ солиб, хурнайиб олдингиз. Борган сарни феълингиз айнапти.

Ш о д и қ у л. Қиз монанд адаб ва ҳаёни қўлдан бер-

маслиги керак. Мен сени боқдим, ўстирдим. Сен бўлсанг, отадан бесўроқ...

Н а з м и. Нега бесўроқ дейсиз?

Ш о д и қ у л. Ҳисоби бесўроқ-да, қизим. Замоннинг қонунни шундайки, агар қиз билан йигит бир-бирига кўнгил қўйган бўлса, ота-она ўртага тушолмайди. Бу нима? Шунинг бесўроқ деб айтамыз. Хўп, ўтган ишга саловат. Аммо, қизим, ёлғизим, энди сендан бир нарса сўрайман, худони алдасанг алдагинки, лекин бу хусусда мени алдама, тўғри жавоб бер.

Н а з м и. Нима сўрайсиз?

Ш о д и қ у л. Рост гапир, Мадамин сенга пул бериб кетдимми?

Н а з м и (четга). Дадам бояқишнинг куйиб-пишганича бор экан! (Шодиқулга, иккиланиб.) Бердими-йўқми, сизга нима алоқаси бор?

Ш о д и қ у л. Яширма, унинг ҳиди думоғимга чучиккан зиғирмойдек гул-гул уриб турибди.

Н а з м и. Пулнинг ҳиди бўладими?

Ш о д и қ у л. Бўлади. Билиш учун бурун керак. Ҳали чўнтагинг дўппайиб турган эди.

Н а з м и. Дада, яширмайман, берди. Олмайман, деб неча марта қайтардим, зўрлаб тутқизди қўлимга.

Ш о д и қ у л. Ана ақл, ана фаросат! Яна ўқинишли қиз. Оғзидаги ошини эплаёлмайди! Қанча берди?

Н а з м и. «Қийм оларсан», деб бирмунча пул берди.

Ш о д и қ у л. Масалан, бир дона ёзлик ва бир дона қишлик пальто учун, бир ботинка ва калиш учун, бир дона ғижим рўмол ва бир дона юнг рўмол учун, икки атлас, бир духоба ва беш-олтита чит кўйлак учун. Шундайми? Айтавер, билиб турибман.

Н а з м и. Тавба! Нима деяпсиз ўзингиз? Каттакон бир магазинни сотиб ол, деб қўя қолинг! Ўзингиз у йилдан-бу йилга битта чит кўйлакни базўр олиб берасиз. Яхшиям, ойим бечорадан қолган унча-мунча эски-туски кийимлар бор экан...

Ш о д и қ у л. Қанча берди — кишини қийнамасанг-чи?

Н а з м и. Уҳ, бунча пул бандасисиз, дада! Бир минг икки юз сўм берди. Қутулдимми?

Ш о д и қ у л. Жуда оз. Майли, олиб чиқ, ўз қўлим билан санаб кўрай.

Н а з м и. Дада, мен шундай фикрдаман: ҳеч нима сотиб олмайман, ўзи қайтганда, биргалашиб харажат

қилармиз. Ё бўлмаса, ўзи бошқа керак-яроғига яратар.

**Ш о д и қ у л.** Қандай жин шамол сенинг ақлу ҳушингни совриб юборган? Ҳар гапнинг қитдай маъноси, мағизин бўлса, киши доғ қолмайди. Сўзларнинг қулоғимда пуч ёнғоқдай шарақлайди, холос.

**Н а з м и.** Дада, мен ундай пулпараст эмасман. Дунёда бошқа қувончлар тўлиб ётибди. Ўзим соғ бўлсам, ишласам — пул топилаверади.

**Ш о д и қ у л.** Бекор айтибсан.

**Н а з м и.** Дада, кийим-кечак олмайман, то ўзи келмагунча.

**Ш о д и қ у л.** Ўзини қўявер, аммо кийим-кечак олмаганинг маъқул. Чунки бўлинган пул ушалган нондек... Кейин дунёда тўзмайдиган кийим-кечак йўқ. Лекин шуни унутмаки, доволларимиз қўрғондек баланд, метидан мустаҳкам эмас-а?! Пулни сақламоқ — жуда ҳам нозик иш. Сен ёшсан. Сандиққа, қутига, қулфга ишонасан. Айни ҳамоқат... Чунки ўғрининг кўзини қулф имлайди. Бас, нима қилиш керак? Менга бер, уни мен етиш икки балодан сақлашни биламан.

**Н а з м и.** Дада, қўйинг, бошим оғриб кетди. Сиз билан тенглашиб бўладими? (*Кетмоқчи бўлади.*)

**Ш о д и қ у л (четга).** Иш жойида. Яна бир-икки марта бошини оғритсам, ҳамма ақча қўлимда-да!.. Қизим, гапга қулоқ сол. Мен энди бу тўғрида оғиз очмайман. Мунда кел. Сен ҳали ишлашга иштаҳанг катталигини билдирган эдинг. Мен сенга жуда фойдали ҳам енгил иш топиб бераман.

**Н а з м и.** Мен ҳозир колхоз даласига чиқиб, ўртоқларим билан ўтоқ қиламан.

**Ш о д и қ у л.** Қўйсанг-чи, бегона ишни.

**Н а з м и.** Нега бегона иш бўлсин! Қолхоз ишини ўз ишимдан афзал кўраман. Айниқса, ҳозирги пайтда ҳар бир совет кишини эрта-кеч жамоат иши билан банд бўлиши керак, бугун юраги билан меҳнат қилиши керак.

**Ш о д и қ у л.** Барибир сен улар орасида бегонасан-да.

**Н а з м и.** Беҳуда гап. Қолхоз мени ўз аъзосидек кўради. Ўтган йил пахта терими вақтида мактабдан бўшагандан кейин ҳар кун икки-уч соатда ишлаганим учун идора менга қандай мукофотлар берди? Катта мажлисда Ўрмонов мени қандай мақтади? Сизни ҳеч ким четга қоқиб қўймас эди — агар сиз чайқовчилик-

дек разил ишга барҳам бериб, ҳалол меҳнатга бўйин қўйсангиз эди.

Ш о д и қ у л. Ҳунарларнинг подшоси — менинг хунарим. Отам раҳматли шундай дер эди. Пул молни имлайди, мол пулни имлайди.

Н а з м и. Бизнинг замонамизда бойлик — ҳалол меҳнатда, пешона терида туғилади. Кўраяпсизми, қишлоғимизда кетмончиларнинг данғиллама оврупоча уйи бор, электр чироғи бор, қўшалаб сигир-бузоғи бор, қизлари шоҳи атлас кияди, велосипедда юради.

Ш о д и қ у л. Ваъз-насиҳатингни кўп эшитганман. Тошга айтишг!

Н а з м и. Биламан, сизга кор қилмайди.

Ш о д и қ у л. Гапни чалкаштириб юбординг, бас энди. Иш кўрсатайми? Анави жун қопни ол, кўчага чиқиб, бир айлан. Ҳар қадамда лўмбоздай-лўмбоздай тезак. Қолхоз отлариники. Ичи тўла арпа. Қоп тўлгандан кейин олиб келиб, давол тагига ёйиб қўй. Арпасини товуқлар титиб-титиб, битта қолдирмасдан ейди. Ана ундай кейин тухумларини томоша қиласан. Ҳар биттаси гуваладай-гуваладай бўлади. Қошингни чимирма. Тезакнинг уч хосияти бор. Товуқларни текинга боқамиз, тухумлар — гувала, ҳам охирида таппи ясайсан, — ўтин.

Н а з м и. Дада, бу хосияти кўп ишни менга буюрманг. Тўғри, мен дангаса эмасман. Юмушдан қочмайман. Мен бошқа иш қиламан.

Ш о д и қ у л. Мен ўзим бажарардим-ку, лекин кўчада ҳамманинг кўзига араванинг миҳидай қадаламаман. Сен-чи, ҳали айтдинг-ку, ўзлариникисан.

Н а з м и. Йўқ, колхозга гўнг керак.

Ш о д и қ у л. Чапақай жаҳлимни чиқарма. Ҳай, менга қара.

Эшикда О ф т о б кўринади.

О ф т о б. Мумкинми?

Н а з м и (*уни пайқаб*). Қираверинг.

Ш о д и қ у л. Ким?

Н а з м и. Мен ҳам танимай турибман.

О ф т о б. Мана энди танишамиз-да, ўртоғим. (*Кўришадилар.*)

Ш о д и қ у л (*уларга яқинлашиб*). Ҳилпиллама куйлак кийиб, сурат чизиб юрган эдингиз-ку, нима бўлди тагин?

Назми. Ҳа, Ҳакима кенпойимнинг лингиллари бўласизми, рассом? Қишлоққа келганингизни эшитган эдим. Бугун ҳашарга чиқдингизми?

Офтоб. Йўқ, Назминой, ҳашар эмас, мен донмо ишламоқчиман, пода боқмоқчиман.

Назми. Пода? Жуда яхши. Уруш кунлари ҳаммамизнинг вазифамиз — бу. Фронгда йигитларимиз қандай қаҳрамонлик кўрсатсалар, бизлар ўз ишимизда кўрсатишимиз керак.

Офтоб. Фурсат келганда, Ватан учун ҳаётимизни ҳам аямаймиз.

Назми. Аямаймиз. Офтобхон опа, айвонга чиқинг. Чарчагандирсиз, сиз одатланмагансиз.

Шодиқул (*четга*). Танги қизим, дастурхон ёзиб, нон ушатмаса эди! (*Офтобга*.) Пича ўтиринг, синглим.

Офтоб. Овора бўлманг, Назми. Мен чарчаганим йўқ. Қизлар, болалик аёллар шундай ишлашдики, ҳайрон бўлиб қолдим. Ойша бувим подани суғоргандан кейин велосипедда баъзи участкаларни айландим. Чоллар, кампирлар-чи? Ёшлардай завқ-шавқ билан ишлашади.

Назми. Гитлер чўчқага яхши жавоб бу! Мен бугун чиколмадим, эртага, албатта...

Офтоб. Ҳозир юмушингиз йўқми?

Назми. Йўқ.

Шодиқул. Ҳалиги юмуш-чи? Ахир тупроққа қоришиб кетади.

Офтоб (*Назмига*). Нима қоришади?

Назми (*кулиб*). Қўяверинг, Офтобхон опа. Иккири-чикири гаплар. Нима демоқчи эдингиз?

Офтоб. Вақтингиз бўлса, бирга бориб, газета ўқиймиз, янги хабарлар эштамиз. Ишдан бўшаган қизлар толзорда кутиб ўтиришибди.

Назми. Хўп, жоним билан, ҳозир... (*Уйга кириб кетади.*)

Шодиқул. Синглим, газетни сизлар обдон ўқиб, мағзини чаққанларингдан кейин Назмига олиб келиб берсам, қандай бўлади? Менга ўхшаш оми одамлар икки эллик қоғозни ўқитмак учун бошқаларнинг кўзига муҳтож бўлади, лекин худога шукур, қизим ўқимишлилардан. Бир кўзи газетнинг бир бетига югурса, иккинчи кўзи билан нариги бетини титиб ташлайди. Ана, токчага қаранг, китобларни қандай қалаб ташлаган!

О ф т о б. Зўрламайман, ихтиёр Назмида, аммо нечундир сизга ёқмай турибди. У ўз ўртоқларининг қошига боради. Қизларни тўрт девор орасига тикиб қўйиш замони ўтиб кетган-ку!

Ш о д и қ у л. Албатта. Аммо гапининг, лекини бор-да.

О ф т о б. «Лекини» нима?

Ш о д и қ у л. Қизим бировнинг ҳасми?

О ф т о б (*кулиб*). Ҳечқиси йўқ. Бугун куёвлар ва келинлар гўшангадан чиқиб, фронтга ва ишга кетаяптилар...

Н а з м и (*уйдан кийиниб чиқиб*). Кетдик. Дада, мен қайтиб келиб, дарров овқатга уннайман. Қорнингиз оч эмасми?

Ш о д и қ у л (*четга*). Бугун қозон осилмагани маъқул-а! (*Назмига*.) Биласан-ку, қорним жуда қаноатли... Аммо кечикма. (*Қизлар чиқиб кетишади*.) Бу сураткаш қиз — бало! Меники ундан қолишмайди. Қарқиноқдан булбул чиққан, деб шуни айтадилар. Ҳай, боши омон бўлсин. Бир минг икки юз сўлкавойни яширмади. Икки юзини кўрсатиб, мингини ерга кўмса, нима қила олар эдим? Дуруст, қани, жун қопни кўтар энди!

Ташқаридан овоз: «Ш о д и қ у л!»

Ш о д и қ у л. Лаббай, ким у? (*Эшикка боради*.) Э-эй, сизмисиз, тақсир? Қираверинг.

Эшикдан С а и д х ў ж а киради.

С а и д х ў ж а. Баҳай, тани-жонинг соғми, ожизанг қалай?

Ш о д и қ у л. Худога шукур, саломатлик. Ўзингиздан сўрасак?

С а и д х ў ж а. Эски тос, эски ҳаммом.

Ш о д и қ у л. Ўтиринг. (*Меҳмонни айвонга олиб чиқади*.)

С а и д х ў ж а (*чордана қуриб*). Боболарингизнинг арвоҳи қўлласин.

Ш о д и қ у л. Омин. Айтганингиз келсин. Қалай, бақватмисиз, тунов кунлар бозорга тушмай қолдингиз — суриштирдим, бир қадар бетоб, дедилар.

С а и д х ў ж а. Ука, нимасини суриштирасан. Тожикда бир сўз бор: «Ҳамма жойим суст-муст. Нон гузарад дуб-дуруст».

Ш о д и қ у л. Аҳ, Саидхўжа ака, оламда касалнинг пир ургани шу!

С а и д х ў ж а. Таггри-таоло шайгон алайхул лаънага ҳам ундай касални лойиқ кўрмасин. Бу қандай гап? Белим оғрийди. Оёқларим зирқирайди, кўзим тиниб, бошим хумдай оғир. Лекин мана бу ер ўлгур (*у томоғини кўрсатади*) соппа-соғ: нон ҳам ўтаверади, ош ҳам ўтаверади. Бел оғриги йўқолиб, оёққа мадор киргунча сабр-қаноатни билмайди бу қургур.

Ш о д и қ у л. Иштаҳангиз аввалдан ҳам хийла бечўнақайроқ эди, билншимча.

С а и д х ў ж а. Тўғри, ука, тўғри. Ёшлигимда онам раҳматли бир ошпазга мени шогирд берган эди. Устамнинг кўзи ожизроқ эди — ўчоққа юз допа сомса ёпсак, то ишгунча бир чеккадан узиб олиб, ярмини қоринимга жойлар эдим. Ўша вақтдан буён иштаҳам аждарга айланди.

Ш о д и қ у л. Бозорнинг маза-матраси борми?

С а и д х ў ж а. Ўзинг билган иш, ука. Бир эшакни қўлдан-қўлга ўтказиш учун ҳар икки томоннинг елкасини қоқа бериб, яғир қиламан, гапира бериб, томоғим сурма ичгандай хип бўғилади. (*Пауза.*) Шодикул, тўғрисиини айтсам, мен сенинг қошингга ҳангома сўққани келганим йўқ, дийдорингни томоша қилишга ҳам орзуманд эмас эдим. Бир катта иш чиқиб қолди-ку, оёғим олти, сенга югурдим.

Ш о д и қ у л. Каттами-кичикми фойдали бўлсин, Така бўлсин, сути бўлсин, дейишади-ку.

С а и д х ў ж а. Фойдали бўлганда қандай?!

Ш о д и қ у л (*энгашиб*). Айта қолсангизчи ахир! Тутоқиб кетаман ҳозир.

С а и д х ў ж а. Ожизангга совчи бўлиб келдим. Сабр қил, лабингни буриштира! Вой, ношукур банда, билиб қўй, лавҳил маҳфузда фаришталар қизингнинг пешонасига бахтни олтин билан ёзган экан.

Ш о д и қ у л. А? Олтин билан дейсизми?

С а и д х ў ж а. Ҳа! Тўрт қиз узатганман. Қиз монанднинг бахти нималигини жуда яхши биладан.

Ш о д и қ у л (*бошини лиқиллатиб*). Қизимнинг боши боғлиқ-да, ака.

С а и д х ў ж а. Ий-я, куёв муборак бўлсин! Мендак жонкуяр, эски қадрдоннинг билан бир оғиз маслаҳатлашмасдан! Баракалла санга!

Ш о д и қ у л. Қизик гапларни гапирасиз, Саидхўжа



ака, маслаҳатдан мен ўзим четда қолдим-ку! Ишлар янгича бўлиб кетган, тушуниб олаберинг.

С а и д х ў ж а. Ота бўлмай, хазон бўл, бетавфиқ. Ким деган у?

Ш о д и қ у л. Мадамин деган биттаси... Қолхоздан...

С а и д х ў ж а. Бу қишлоқнинг ёш-ялангини танимайман. Ота-бувасини айт.

Ш о д и қ у л. Салимсоқ баёвнинг ўғли.

С а и д х ў ж а. Ҳа, анов, биламан бир вақтлар Тўғон ариқнинг бошига экин қилганимда, бир пуд жўхори бериб, бир ҳафта роса ишлатган эдим. Ношуд, содда камбағал эди. Ўғли шундай уддабурро чиққанми?

Ш о д и қ у л. Қаёққа қарасангиз, кечаги калхатларнинг бургутга, чумчуқларнинг лочинга айланганини кўрасиз. Мана бугун элдан бурун урушга ҳам жўнаб қолди.

С а и д х ў ж а. А! Урушга жўнади? Бўпти, валламатишимиз ўнг. Югурганники эмас, буюрганники, дейдилар. Тақдирга чора йўқ. Урушга кетган йигит учун қиз сақлаб ўтириш айни ҳамоқат. Қизингнинг юлдузини мен топган йигитнинг юлдузига тангри таоло ана шундай (*икки қўлини бир-бирига ростлаб кўрсатади*) бақамти қилиб қўйган экан. Оқ гул, қизил гул чирмашади. Ўртадаги қора тиканни тақдирнинг панжаси юлибди-ташлабди. Менга Ҳизр бувам назар солганларми, ҳайтовур, мен бошлаган иш ҳар маҳал тиниқ чиқади. Мадамин деганинг Бўтавойга салом десин!

Ш о д и қ у л (*ўйлаб*). Роса бошим қотди-да, андак кўнгил чопмай турибди, ака.

С а и д х ў ж а. Бош қотирадиган нарса йўқ ўртада. Хўп, деявер. Азбаройи ўзимни сенга яқин тутганимдан, бечора етим ожизангга бахт тилаганимдан, сенга югура қолдим. Бўлмаса, атрофда нима кўп — қиз кўп. Куёв бўлмиш йигит — ниҳоят мўмин, маъқул, беозор, хушхулқ, хушмуомала йигит. Ҳам ўз ақраболаримдан. Қўлида гулдай ҳунари бор.

Ш о д и қ у л (*сергаклади*). Сиз ва бизнинг ҳунари-миздан?

С а и д х ў ж а (*юзини буриштириб*). Бэ! Савдогарчилик бир вақтлар ҳунарининг гули ҳисобланар эди, ҳозир энг ийғи чиққан иш-ку! Куёвнинг ҳунари шундайки, то Одам ато — Момо ҳаво замонларидан то шу дамгача ҳеч вақт касодга учрамаган бир ҳунар. Ерда одамзод

яшаб турар экан, у ҳунар эгасининг беш панжаси мойда бўлади. Куёв йнгит — гўрков.

Шодикул. А! Баданим жимирлашиб кетди-ку!

Саидхўжа. Мен сени ақли тўла дердим, йўқ, миянг пўла экан. Кўз очиб юмгунча азроил қанча одамнинг жонини олади — ҳаммасини гўрков ерга қўяди. Уликнинг оёғи — пул. Яна ҳар кун қанча ош-пон, холвайтар, бўғирсоқ, қатлама, анво мева-чева ёгилиб туради.

Шодикул. Бу жиҳатдан тўғри-я.

Саидхўжа. Яна нима керак?

Шодикул. Ўз ақраболарингиздан?

Саидхўжа. Балли. Мен сенга кийим-кечакдан, ундан, гуручдан сабзи-пиёздан ташқари — бир қўй ва бир минг беш юз сўлкавой пул олиб бераман. Пул ҳамёнингда қолади.

Шодикул. Бир минг беш юз сўм? Еб кетарга?

Саидхўжа. Ҳа.

Шодикул (*ўзича*). Хўп, бир минг икки юз сўлкавой боз, бир минг беш юз, хўш...

Саидхўжа (*тоқатсизланиб*). Нима деб довдирайсан? Икки марталаб пул олиш ўтиб кетган. Яна бир минг икки юз сўлкавой олар эмишлар. Иштаҳангга балли, балли-я!

Шодикул (*ўзича*). Хўш, бир минг икки юз нақд ўзимники десам бўлади, сув текин пул. Яна бунинг устига оғам бир ярим минг ваъда қилаяпти. Омад деган хумсанинг ўзи — шу-да.

Саидхўжа. Тавба, мен дедим-ку, бир ярим қорадан бошқа пул берилмайди.

Шодикул. Ҳа, қулоғим бор, бир яримтани олиб бермоқчисиз, еб кетарга.

Саидхўжа. И-я, индамасам, яна бир минг икки юзни бўйнимга қўймоқчи бўласан, биламан феълингни.

Шодикул. У бошқа пул, бошқа куёвдан олинган.

Саидхўжа. Ҳа, шундай дегин, капалагим учиб кетди.

Шодикул. Қўйни қўшалоқ қиласиз, оғам. Ёлғиз қўйни ҳайдаб келиш ҳам қийин. Боқини ҳам қийин.

Саидхўжа. Бекор айтибсан. Ҳозирги кунда бошига палак ёлиниб келадиган қизларга ҳам биттадан ориқ бермайдилар. Битта миқтигина қўй олиб бераман. Уни тўйга, албатта, сўясан.

Шодидқул. Ундай чучмал гапларни қўйинг, ога.

Саидхўжа. Ёлғиз фарзандингнинг тўйида худога шукур этиб, бир қўй сўймайсанми? Орзу-ҳавас, бир чек-каси кўевнинг обрўси...

Шодидқул. Биламан, бошқаларнинг қўйини бўғизлашга пичоғингиз ҳамиша ўткир.

Саидхўжа. Жилла бўлмаса, ёлғиз фарзандингнинг тўйида феълингни кенг тут, савоб иш-а!

Шодидқул. Зап одам экансиз-да. Қўй сўйгандан кўра, пичоқни менинг бўғзимга қаданг, розиман. Товонингиздан бошингизгача нуқул ақл эди — ёш боладан бадтар бўлиб қолибсиз.

Саидхўжа. Утир, калҳамак. Қани, омин, де. (*Фотиҳа ўқийдилар.*) Тўйнинг жаъмики икир-чикирини бафуржа сўзлашамиз.

Шодидқул. Қўй иккита. (*Саидхўжа қўлини силтайди.*) Бўлмаса, пул икки мишг сўм бўлсин!

Саидхўжа (*ўрнидан туриб*). Куёвинг — яхши йигит. Ҳар вақт сени қўлтиқлайди. (*Ҳовлига тушадилар.*) Иним, мен астойдил хизмат қиламан, лекин хизматимни ерда қолдирмайсан, албатта. Тўйида, худо хоҳласа, устимга бир тўн ёпасен. Кўрдингми, кийим-бош жиҳатдан роса муттаҳам бўлганман, фаҳмладингми?

Шодидқул. Саидхўжа ака, ёшингиз қанчада?

Саидхўжа (*таажжубланиб*). Худо берса, бу йил эллик олтига кираман.

Шодидқул. Бориб қолибсиз. Савоб ишларни кўпроқ қилсангиз, олло-таоллонинг даргоҳи кенг, жаннатда кимхоб тўнларга беланиб, айш-ишрат қила берасиз.

Саидхўжа. Бу томонини менга ўргатма. Янги жон ҳам тирикликнинг зийнати... Эшигингдан елкам ялтираб чиқса, сенга обрў, отанг раҳматлини арвоҳи хурсанд бўлади. У одам мард ва саҳий эди.

Шодидқул. Мен беш панжасини оғзига соладиганлардан эмас. Тўн ёпамиз. Лекин куёвимизга айтинг, менга иккита тўн қилсин. У вақтда бири ўзингизники, бунга қиттай шубҳаланманг.

Саидхўжа (*жаҳл аралаш*). Ундақа феълимни айнатма — катта қизимни эрдан чиқариб олиб, бутун тўйини ўзимга ағдариб олсам, нима қиласан?

Эшикдан қувониб, Назми киради. Шодидқул ва Саидхўжа сукут қиладилар. Назми. Саидхўжага секкингина салом бериб, четланиб айвонга томон юради.

С а и д х ў ж а. Қиз монанд тез етилади-да. Яқинда қўғирчоқдай кичкина қизча эди-а. (*Лабини ялаб, соқолини қашиб.*) Попукдай қиз, попукдай.

Ш о д и қ у л. Қизим, буёққа кел, амакинг сенга икки оғиз сўз айтмоқчи.

С а и д х ў ж а (*шошиб қолади ва Шодиқулга ўқраяди*). Эсинг борми! Мен нима дейман! Томдан тараша тушгандай... Уқимишли қизларни қитиқ патини аста-аста, ҳийла-найранг билан ўлдириб бўлади! Шошма, кейин мен ўз кампиримни юбораман.

Ш о д и қ у л. Йўқ, тўй тўғрисида зинҳор бир нарса деманг.

С а и д х ў ж а. Хўш?

Ш о д и қ у л. Масалан, отага ҳурмат, одоб ва таълим бобида...

С а и д х ў ж а. Тушундим, тушундим. Қалланг бор. Ерга уруғ сочиш учун аввало ерни тобга келтириш керак. Балли!

Н а з м и хохланқирамай, аста юриб келиб, уч-тўрт қадам нарида тўхтайдн. Шодиқул бошини қуйи солган. С а и д х ў ж а соқолини чимитиб ўтиради.

Н а з м и (*Шодиқулга*). Қандай сўзлари бор экан?

С а и д х ў ж а (*бирдан қўлини катта очиб*). Илоҳо, узоқ ой, узоқ йил ўйнаб, кулиб, яйраб яшнагин, тўп қўйиб, палак ёзгил, олдинг тўла авара, кетинг тўла не-вара, дард кўрмай, дармон сўрмай, ҳамиша хамрўз, қуюқ бахтли, олтин тахтли бўлгин!

С а и д х ў ж а эшонлардай бир турда фотиҳа ўқийди. Шодиқул қўл очиб, «Омни» дейди. Н а з м и гарчи уларни масхара-лашни истамаса ҳам лекин беихтиёр кулгидан ўзини тўхтата олмайди.

Ш о д и қ у л (*жиддий*). Шаккок бўлма!

С а и д х ў ж а. Қизимни ранжитма! Биздекларнинг сўзига кирса, не бўлибди! Ёшларнинг одати шундай бўлади. Яна бу қизим ўқимишлилардан. Биз, эскиларнинг гапи, албатта, ғалати кўринади-да! (*Қизга.*) Аммо қизим, дуо билан эр кўкарар, ёмғир билан ер кўкарар, деган гапни кейинроқ тушунасан, майли, ҳозирча кулавер.

Н а з м и. Кулгим қистади — кулдим. Кечирасизлар.

С а и д х ў ж а. Баракалла, қизим, баракалла. Қўзларингдан ақлу фаросат тошиб турибди. Қулоқ сол бу эзма чолга.

Назми (*киши билмас лабини буриштириб*). Қулогим сизда, амаки.

Саидхўжа. Сизларни янги китобларингизда «Отангни ҳурмат қил», деган гап борми?

Назми. Ҳа, бор. Ҳар фарзанд ота-онасини севиши, ҳурмат қилиши керак.

Саидхўжа. Қизинг бағоят донишманд қиз, Шодиқул! (*Қизига.*) Модомики, шундай экан, сен ҳам дадангни ҳурмат қил, унинг ҳеч бир орзусига қарши борма. Сен бу бечоранинг (*Шодиқулни кўрсатади*) кўз қорачиғисан.

Шодиқул (*ғурурланиб*). То падар рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг! Бу сўзларнинг ҳикматини чақиб, чақичдай чайнаб юр.

Назми (*тўлқинланиб, кейин Саидхўжага*). Дадамни хафа қилибманми? Мендан қандай ножўя иш ўтибди? Мен дадамнинг чизигидан чиққанам йўқ, шекилли. Тўғри, баъзи вақтда феъл-хуйлари ғалатилашиб кетади, бир хил қилиқлари бўладики, ҳар қандай кишини ҳам хуноб қилиб юборади.

Шодиқул. Мен ҳаминша ўнкай фойдали гапларни гапираман...

Саидхўжа. Бу — яхши, қизим. Фойда — офтобдек илиқ, зиён — илондек совуқ нарса. Киши ўз фарзандига зиённи асло раво кўрмайди.

Шу вақтда ташқаридан кишиларнинг товуши эшитилади. Саидхўжа дарров жим бўлади. Шодиқул сергакланади.

Шодиқул (*қизига*). Газетларда нима хабарлар бор?

Саидхўжа. Газет — ойнаи жаҳоннамо, бамисоли.

Назми. Дарров газетга қизиқиб қолдинглар? Уруш. Қаттиқ жанглар кетаяпти. Бизнинг қаҳрамон аскарларимиз ҳар қарич еримиз учун душманларнинг ўликларидан тепаликлар ясамоқдалар. Аэроплонларимиз душманинг «Констанса» деган шаҳрини ер билан яқсон қилибди.

Саидхўжа. Илоҳи, ҳукуратимизни қўли баланд бўлсин!

Шодиқул. Айтганингиз келсин!

Урмонов билан Офтоб кириб келади. Назми қувонч билан улар томонга югуради. Шодиқул ижирғанади. Саидхўжа ўнғайсизлик сезади.

Назми. Келинлар, келинлар. Айвонга...

Урмонов. Қизим, асти овора бўлма. Э... жамоат жам экан-ку!

Офтоб (*Урмоновга, секин*). Булар худди ака-укаларга ўхшайдилар-а?

Урмонов. Одамни танир экансиз. Булар — тили куймаса оловни чайнашга тайёр маҳлуқлар.

Шодиқул. Марҳамат, ранс ака.

Сандхўжа. Э, бақувватмисиз, ота ўғли. Қолхоздаги анво ибратомуз ишларингизнинг таърифини эшитиб, дуоин жонингизни қилиб ётибман. Бир бино қурган эмишсизки, ичида бир минг киши бемалол устолларда ўтирар эмиш. Яна жар ёқасига бир асбоб ўрнаштириб илм-ҳикмат билан сувдан иликтир чиқармоқда эмишсизки, кечалари бутун қишлоқни кундуздек ёритармиш. Мошиналарингиз бўлса, бизнинг кўчадан гир-гир ўтгани-ўтган.

Урмонов. Бас-бас. Тилингнининг сермойлигини биламиз. Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

Сайдхўжа. Иним Шодиқулнинг ҳолидан хабар олай, деган эдим. Яна бир жойда ўтира берсанг шалхак бўлиб қоласан. Сизнинг таърифли ишларингизни кўриб, кўкаламзорда баҳри дилимин очай, дедим.

Назми. Менга насиҳат ҳам қилдилар.

Офтоб. Нима тўғрисида? Маъқул гапларми?

Назми (*елкасини қисиб*). Одоб ҳақида.

Урмонов. Бошқаларга одобни ўргатадиган акамларнинг ўзлари ҳалол билан ҳаромни чизи фарқ қилсалар экан, пешона тери билан тирикчилик ўтказсалар экан. Ҳар қадамда одамгарчиликни ерга урасизлар, кўзларингизга илашган ҳар нарсани товукдек бир чўқиб кўрасизлар-да, яна одоб ва фалон ҳақида сўзлайсизлар.

Шодиқул. Нуқул фойдали нарсалар тўғрисида насиҳат қилинди, раис.

Урмонов. Мен сизларнинг гапларингизни эшитмадим. Лекин аминманки, сизлардан Назми учун фойдали бир насиҳат чиқиши амри маҳол.

Сайдхўжа. Э... ота ўғли, бек! Наҳотки, мен ўз фарзандимдек кўрган мопарда, мастура қизни ёмон йўлга далолат қилсам.

Урмонов. Мен бек ёки бекзода эмасман. Биласиз, мен батракзода, батрак эдим-ку.

Офтоб. «Мопарда, мастура!» Бу сўзлардан били-

надикки, бу ахлоқ муаллимлари ўзларининг қандайдир мақсадларини қизнинг юрагига қўймоқчи бўлганлар.

С а и д х ў ж а. Епирай! Тушимга кирмаган нарсаларни гапирасан-а, ой қиз! (*Четга.*) Идрок-фаросатингга балли! Ичимга дурбин солгандек ниятларимни кўраётир!

Ў р м о н о в. Назми, сен колхозимнинг келини бўласан. Мадамин урушдан қайтгандан кейин ўзим тўйларингни қилиб бераман. (*Назми уялиб, Офтобнинг орқасига ўтади.*) Чинакам базми кўраман деганлар сенинг тўйингда кўрсин!

С а и д х ў ж а (*қалтираб*). Ота ўғли, раис нима қиламан деса, қила беради. Қўл узун, ҳамён катта.

Ў р м о н о в. Колхозда Мадаминнинг ўрнига ишлашга Мадаминга сўз берган экансан. Қалай, сўзингни бажарасанми?

Н а з м и. Жону дил билан, раис ака.

О ф т о б (*Назмининг қўлини сиқиб*). Совет қизи мамлакатнинг ичида ҳам, фронтда ҳам фидокорлик кўрсатади.

Ў р м о н о в. Ундай бўлса, ишни бошла, оппоғим. Биз Мадаминга ҳат ёзсак, эшитиб бениҳоя қувонади.

О ф т о б. Чин севги юракка чексиз куч ва мардлик беради. Сиз далада, ёри жонингиз фронтда иш кўрсатасизлар.

Н а з м и. Қишини унчалик уялтира берманглар.

О ф т о б. Уялманг, жоним. Мен ишқининг кучига ишонаман.

Ў р м о н о в. «Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдир, асло ёз ўтмас!» Шоир буни яхши айтган-а?

О ф т о б. Фузулийни яхши кўрасизми?

Ў р м о н о в. Қим тўқиганлиги билан қизиқсинмайман. Аммо тегли, салмоқли гаплар кимники бўлмасин, дилга жо қилиб олиш керак... Хўш, қизларим, энди сизларга бир юмуш буюраман.

О ф т о б. Қандай юмуш?

Ў р м о н о в. Кеч кириб қолди. Одамлар даладан қайтгандир. Уйма-уй юриб, газетдаги хабарлардан лўнда-лўнда қилиб ўқиб берсаларинг. Ҳозирги пайтнинг муҳимлиги, совет одамидан нималар талаб қилиниши тўғрисида қисқача-қисқача уқтирсаларинг.

О ф т о б. Жуда яхши, ўртоқ раис. Умуман тушунтириш ишларига катта эътибор берилиши керак. Чол-

ларга, кампирларга, ҳатто бемор-семорларга қадар ҳамма халқ Ватанимиз олдида турган вазифаларни билиб туриши керак. Аммо, ўртоқ раис, биласизми, бу жуда кўп кишиларни ҳам энг онгли ва билимли ўртоқларни тортишга тўғри келади. Қизларимиз орасида бу ишни эплайдиган анчагина бор экан.

У р м о н о в. Маъқул. Сизлар бугун бошланглар, ҳам чинакам большевикча ташвиқотни йўлга қўйинглар.

О ф т о б. Хўп. Юринг, Назми. *(Кета туриб.)* Шунақаси Ойша бувининг қошига чиқиб бораман. *(Раис боши билан маъқуллайди.)*

У р м о н о в. Шодиқул, Назми — қишлоқнинг олдинги қизларидан. Сен унинг олдини тўсишга уринма. Бундай аблаҳликдан ҳеч нарса чиқмайди.

Ш о д и қ у л. Менинг холис ниятим шуки, бировнинг омонати бўлган қизимни қозоғга ўралган қандек ғуборсиз, доғсиз, вақти келганда, ўз эгасига топширишдир.

У р м о н о в. Бу — вазифанг. Ишонсам бўладими?

Ш о д и қ у л. Онт ичайми?

У р м о н о в. Йўқ, менга сўз керак, одамнинг сўзи!

Ш о д и қ у л. Кўнглингиздаги шак-шубҳани барта раф қилинг. Лекин, раис, Назмининг ҳар кунги ҳақини ҳар кун ўз қўлингиз билан ёзиб қўйинг, ўз қўлингиз билан катта дафтарга ёзинг, то тийинига қадар ҳисоблаб...

С а и д х ў ж а. Худонинг берган феъли-да. Шодиқулдан гина қилиш беҳуда.

Эшикдан аланглаб, лапанглаб Бердивой жиради. Кишиларни кўриб, бирдан тўхтади. Аммо кўзи билан ҳаммаёқни қамрамоқчи.

Б е р д и в о й *(Саидхўжага)*. Амаки, оғизга талқон тикилганда, сувга сизни юборадиган экан! Бирон хуш-хабар келтирармикан, деб, сизни кута бериб кўзим тешилди-ку! Қани ўзи? Нима гап? Сўзамоллигингиз қарда қолди?

С а и д х ў ж а. Баччағар, маст туядек ҳаммаёқни бузиб йиқмоқчимисан? Жўна, жўна, сен бор жойда савдо асло юришмайди. Мен сенга демадимми, ўзим етаклаб бораман, деб?

Б е р д и в о й. Ий-е, етаклайман! Мен оламан-ку, сиз етаклайсиз? Яна ҳе йўқ, бе йўқ! Айтинг, толе деган хумса пешонамни силаган эканми? Жилла бўлмаса, соясини ташлаган эканми?



С а и д х ў ж а. Оладиганинг битта бузоқ-ку, ғалванг оламини бузади, аҳмоқ! Жўна! *(Итариб орқага суради.)*

Б е р д и в о й. Шошманг ахир, ишни ўзим очди қилиб олай, модомики сиз шунақа беуқув, лаванг экансиз.

С а и д х ў ж а. Эна сутинг оғзингдан бурқиб турибди, сен нима биласан?

Б е р д и в о й. Қўйворинг мени, ҳали шу одамни соқолини юлиб оламан. Қўйворинг, ман анов оғамдан жиндай илтимос қиламан, ўртага тушиб, бириктириб қўйсинлар. Савоб иш ахир! *(Ўрмоновни кўрсатади.)*

Ш о д и қ у л. Ҳай, яхши йигит, арзимаган ишга шундай обрўли одамнинг бошларини қотириб ўтирамизми?

С а и д х ў ж а билан Ш о д и қ у л биргалашиб, зўр билан Б е р д и в о й н и эшикка чиқарадилар.

Ў р м о н о в. Бу нима ғавғо? Бутун қишлоққа шовқин солдиларинг-ку! Бу ер бозор эмас, бу ерда чайқовчиликка йўл қўймайман!

С а и д х ў ж а. Бузоқ... Шодиқулнинг бир бузоғи бор экан, ана у ерда, оғилда ётибди. Ҳалиги шавақига олиб бермоқчи эдим. Ўзи бир меҳнаткаш. Парвариш қилиб боқса, бир кун оғиз оқариб қолар, деган эдим.

Ў р м о н о в. Ишониш қийин. Шодиқул, бундай маймунбозликни йиғиштир! *(Кескин юриб чиқиб кетади.)*

Ш о д и қ у л. Уф! Ишимизнинг миси чиқиб қоладиганга ўхшайди-ку! Куёв йигит жуда ғўр экан.

С а и д х ў ж а. У Саидхўжанинг тухумидан-да. Алдам-қалдамни билмайди. Башижоат. Ҳам кўрдингми, уйланишга иштаҳаси катта. Қизингга гўё ғойибона ошиқ бўлгандай. Совчининг кетидан куёв йигит эргашиб юргани қаерда кўринган? Уйлангандан кейин қизингни бошига кўтариб юради, асло ерга қўндирмайди.

Ш о д и қ у л. Ундай бўлса, берадиган пулни яна кўпайтирсин. Мен унинг иштаҳасини пул билан ўлчайман.

С а и д х ў ж а. Аҳ, очофат! Ўйлашиб кўрарман. Энди арқонни сал узунроқ ташлаймиз. Қизинг ҳозирча колхозда ишлайверсин. Мен шундай бир хийла ўйлаб чиқарайки, қизни бу қишлоқдан ҳамирдан қил суғургандай осон ва беозор олиб кетайлик.

Ш о д и қ у л. Дуруст, ўйланг. Аммо ҳалиги сураткаш қиз балойи азим-да! Рансни ҳам ўша бошлаб келди. Бу — аниқ.

С а и д х ў ж а. Унинг кўзи — дурбин... Ичинги кўради. Энди иш оғирлашди, бажарсам, битта тўн ёпасан, албатта. Яхши қол, кўргунча!

П а р д а тушади

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Саҳна биринчи кўринишдаги каби. Кундуз.

О ф т о б қўлида катта қайчи — қўй юнғини оладиган қайчи.

О ф т о б (*қайчини ташлаб*). Руҳан қўйчивон бўлдим, ундан кейин бу ишга кўнглимнинг ҳаваси ортиб боради. Аммо қўлларим, бармоқларим ҳали ўрганганича йўқ. Иккита қўйнинг юнғини олгунча оғир қайчи бармоқларимни шилиб юборди. Бўёқлар билан лавҳа устида майин ҳаракатларга ўрганиб қолган қўллар учун бу иш, табиий, қийин. Лекин биз, совет одамлари, учун бу кунларда ҳеч қандай қийинликнинг бўлиши мумкин эмас. Инқилоб қон дарёлари, олов бўронлари ичида туғилди. Унинг азамат нафаси миллионларнинг қалбига ҳаёт ва эрк ишқини қуяркан, унинг нурлари зулмат қатламларини ёриб, жаҳонни ёритар экан, уни бўғмоқ истадилар. Инқилобни темир ва олов ҳалқаси ичида сиқмоқ истадилар. Ажойиб қаҳрамон — халқ душманларнинг ўлим сиртмоқларини пора-пора қилиб узди. Оч-яланғоч ҳолда муз кечди, қор кечди, эскиб қолган ҳар нав қуроллари билан дунёнинг энг кучли қўшинларини, инқилобга ҳужум қилган темир ва олов тўлқинларини тор-мор қилди. Чунки халқларнинг юрагида озодлик ишқи куртак чиқарган эди. Энди бу ишқ гуллади, мева берди, бу ишқ конимизда, жонимизда. Бусиз бизга ҳаётнинг қиммати ва маъноси йўқ. Қайта бошдан кишаи таққандан кўра, ўлимни афзал биламиз! Елғиз фашистларнинг чирик миялари, қонли, қора ҳаёлларигина бизнинг қуёшимизни сўндирмак мумкин, деб ўйлайди. Йўқ, буни дунёда энг ашаддий жинни Гитлер ўйлаши мумкин! (*Пауза.*) Мен нима қилаяпман? Соқин, чиройли табиат оғушида чўпонлик, албатта, керакли иш. Ҳолбуки, шундай қизларимиз, хотинларимиз борки, улар фронтда ўт ёмғири остида ярадор аскарларимизни майдондан олиб чиқадилар, уларга ёрдам кўрсатадилар. Уларни опичиб, қиршиб, доvon ошиб, қалин ўрмонлардан ўтиб, узоқ ер-

ларга элтадилар... Улар бахтиёр одамлар. Улар муқаддас Ватан урушининг қизғин оловида руҳларини, юракларини пўлатдек тоблайдилар. Агар ўлишга тўғри келса, қаҳрамон қони билан сугорилган, жангдан қизғин она тупроқни қуча-қуча ўладилар. Бу сокин оромбахш тоғ бағрларидан мен у жангу-жадал майдонига, албатта, бораман. Назмининг ҳам орзу-армони шу. У ҳозир ҳам кетмон чопади, ҳам фронтда ҳамшира бўлиб ишлашга тайёрланади. Мен ҳам ўрганшим керак. Ким билади, балки тасодифан мен жанг майдонида Ўзарга дуч келарман. Бундай учрашув каби ажойиб бахтни тасаввур қилиш ҳам қийин... *(Чодирга қистирилиб қўйилган найни қўлига олади.)*

Тингла найдан не кифоятлар келур,  
Айрилиқлардан шикоятлар келур...

Оҳ! Қандай гўзал байт! Лекин менинг айрилиқлардан шикоятларим, фарёдларим ичимда қайнайди. Мен буларни найга қуёлмайман. *(Най чалмоқчи бўлиб пуфлаб кўради.)* Йўқ, бу ҳали менга сўзламайди, менинг юрагимни бошқаларга изҳор қилолмайди. Ўзар туғилиб ўсган, ҳар бир тоши унга таниш бўлган бу тоғларни майин, жонбахш, дилдор садолар билан тебратмайди. Тоғлар, водийлар Ўзарсиз ва унинг найисиз ўксиздай кўринади менга. Бўронларнинг ҳайқирғидан тортиб, юлдузларнинг сирли шивирлашларига қадар табиатнинг бутун сеҳрли садоларини ўзига жо қилган бир парча қамиш! Мен сен билан ахир ҳамроҳ бўламан. У чоқ сен менинг юрагимни ўз юрагинг билан қўшиб, жўр қилиб янграйсан! *(Найни ўз жойига қўяди.)* Аввал ишонмаган эдим. Кўнглинг аллақандай, тез кечар, майли, деб ўйлаган эдим. Йўқ, янглишган эканман. Юракка тушган бир учқунга кун сайин янги учқун қўшилди. Энди бўлса, унинг ёлқинини ҳис этмакдаман. Чўпонни севиш! Шоирона ишқ! Қизиғи шундаки, мен устод Беҳзоднинг ажойиб асарларига берилиб, завқ билан томоша қилар эканман, беш юз йил бурун ўтган доҳий санъаткорнинг сиймосини ўз ҳаёлимда жонлантириб, уни севган эдим. Беҳзод бугун фалон вақтда учрашувга ваъда бергандек, уни пойлардим. Лекин яна бирдан ширин ҳаёл ўрнини ҳақиқат олар, ўксинар эдим. Аммо ҳозирги ишқимда ҳаёл йўққа ўхшайди. Бу — ҳақиқатнинг ўзи. *(Ўтиради, хомуш ўйга толади. Сўнг чўнтагидан бир хат чиқаради.)* Бечора онам... Ёп-ёлғиз қолган. Икки

акам ҳам олдин-кетин урушга кетишди. Бу, албатта, яхши... Мамлакатимиз, ҳаётимиз, эркимиз қўрқинч ва таҳлика остида қолганда, заррача бепарволик, туйғусизлик кўрсатган йигитларнинг қиммати сариқ чақага арзимаydi. Мен акаларим билан фахрланаман. Мана, Ўзар! Тоғларнинг, далаларнинг бўз боласи — Ўзар. Уруш хабарини эшитиши билан тутоқиб ёнди. Унинг учун мингларча километрлик узоқликлар яқинлашди. Ўзар уруш алангасини гўё ўз қишлоғи атрофида сезгандек бўлди. (*Пауза. Қиз бирдан тўлқинланиб ўрнидан туради.*) Бир расм ишлайман. Катта расм. (*Хурсанд бўлиб.*) Бу гўзал, муаззам тоғлар, тиниқ, шўх сувлар манзарасида — пода ва Ўзар... Ажабо, бундай катта ишга кучим етармикан? Ғайрат ва орзу керак. Ғайрат ва орзу!

О й ш а б и б и к и р а д и.

О й ш а б и б и. Ҳай, қизим, ғайратинг кўп, орзуармонинг кўп, бошқаларга ғайрат тила!

О ф т о б. Бувижон, ҳозирги паллада ишларимиз шундай кўпки, шундай тигизки, бениҳоят ғайрат керак.

О й ш а б и б и. Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Эринмасдан, қунт қилиб ишлайверсанг, бир вақт қарабсангки, иш тамом. Қимирлаган қир ошар, дейдилар-ку! Ҳа, қўлинг роса қабаргандир қизим?!

О ф т о б. Қабарди, шилинди. Чиниқиб қоларман.

О й ш а б и б и. Онагинанг айлангур, ҳизр умрини кўргур Ўзаржон бу ишга жуда чаққон эди-да. Ширр... ширр... қирқарди. Кейин қўйларни, албатта, чўмилтирарди. Қўйлар худди булутдек топ-тоза бўлиб, диркиллаб, серкиллаб кетарди. Ҳа, қизим, мен сендан ҳар кун бир нарсани сўрайман, дейман — унутаман... Уруш бўлаётган жойга отда печа кунда етса бўлади?

О ф т о б. Отда? Билмайман...

О й ш а б и б и. От бир кунда ўн тош босади, деб эшитган эдим. Ўн тош!

О ф т о б (*Кулиб*). У ерлар жуда узоқ. Отда қатнашмайди. Поездда бир ҳафталик йўл.

О й ш а б и б и. А... Қудратингдан ўргилай, ер шунақа каттами? Отам раҳматли айтар эдилар-а, ернинг бир боши Хиротда, бир боши... деб. Қани энди шу сўроққа ҳам жавоб бер-чи: шу паллада ҳам уруш бўлаётганмикан?

О ф т о б. Бўлаяпти. Тўхтовсиз.

О й ш а б и б и. Шу палладаям-а? (*Атрофга қараб.*)

Кун шундай чақнаб турганда, кўзлар қувониб, кишининг баҳри-дили очиладиган бир палладаям? Онагинанг қоқиндиқ бўлгур Ўзар ҳам милтиқни тарс-тарс отаётгандир-а? Овчи эди, мерган эди. Не-не мерган овчилар келиб Ўзарни олиб кетишарди: ўқинг бекор кетмайди, деб.

О ф т о б. Мерганлиги фойда беради. Ҳар бир ўқи бир фашистни кулатади.

О й ш а б и б и. Илоҳим шундай бўлсин. Илоҳим боши тошдан бўлсин. Гайратли, башижоат, оёғидан ўт чақнаган бола эди, унча-мунча душманга ўзини олдирмайди, биламан. Худога шуқур, ишонаман, соғ-саломат қайтади ўғлим.

О ф т о б. Тўғри, бувижон, уруш — мардларнинг иши. Уққа, ўтга кириш ҳазил гап эмас. Йигитнинг ҳусни ҳам асли шунда-да. Лекин, бувижон, хавотирланманг, ташвиш тортманг. Ишонинг, мен ҳам ишонаман.

О й ш а б и б и. Ишонаман, қизим. Мен ахир Ўзарга ҳомиладор бўлганимда яхши туш кўрганман.

О ф т о б. Қандай?

О й ш а б и б и. Худди кечагина ўнгимда кўрганимдек, кўз олдимда у туш. Мен ўғир туяман, бобом раҳматли ҳассаларини дўқ-дўқ уриб, ёнимга келдилар-да, менга бир арава миҳ бердилар. «Эҳтиёт қил», — деб чиқиб кетдилар. Қанақа миҳ дейсан? Сўлоқмондай, яп-янги, бақувват... Мен дарров нарвон қўйиб, шипга чиқдим. Йўгон харига теша билан ҳалиги миҳни қоқавердим-қоқавердим. Ахири бут-бутун миҳ харига батамом қоқилди. Шу вақтда кўзим очилса, бўладими? Қарасам — тушим. Жуда суюндим. Ўша йнли Ўзаржонни туққанман.

(Офтоб хохолаб кулади.)

О ф т о б. Ўзар аканинг умри узоқ бўлиши шундан маълум денг?

О й ш а б и б и. Сен кулма, қизим, бу тўғри гап. Сен ҳам худо кўрсатса, бўйингда бўлганда, тушингда пишиқ-пишиқ нарсаларни ол, уларни эҳтиёт қилиб сақла. Агар парранда олсанг, қутига солиб қўй. Зинҳор кўлингдан учириб юбора кўрма!

О ф т о б (хохолаб). Хўп, хўп, бувижон.

О й ш а б и б и. Кейин ўзинг биласан. Ҳаммаси тўғри. (Кетади.)

О ф т о б. Оҳ, она юраги! Энг гўзал, асл, олижаноб ҳисларнинг манбаи. Она юраги бола учун куйиб, бир

парча чўғ бўлишдан завқланади. Она юраги ўзини юпатишни ҳам билади. Майли, юпатсин бечора кампир. (*Узарнинг амакиси — чол кириб келади.*) Келинг, ота. Қаердан?

Қурбон ота. Ишдан, қизим, ишдан келаман.

Офтоб. Чарчадингизми?

Қурбон ота. Бэ... Қўш ҳайдаб, ер сурибманми! Ниҳоят, беш-ўн чол бир бўлиб ўтоқ қилдик.

Офтоб. Ҳафароқ кўринасиз.

Қурбон ота. (*ўтириб, нафасини ростлаб*). Қайта туриб радиол эшитдим. Радиолнинг сўзини унча тушунолмайман-ку, ёшлар уқтириб беришди. Баданимга қўрғошин эритиб қуйгандек ўртаниб кетдим.

Офтоб. Хўш?

Қурбон ота. Дунёда ҳеч бир қирол бундақанги уруш қилган эмас. Урушнинг ҳам, эшитганмиз, ўзига яраша расм-русми бўлади. Бу Гитлер нима қиляпти? Тинч шаҳарларни ёқиб, йиқиб, аёлларни, болаларни — етти ёшдан етмишгача қиличдан, найзадан ўтказаётган эмиш!

Офтоб. Отаҳон, биз Гитлернинг бу ваҳшийликларини сира унутмаймиз. Гитлер кундан-кун бизнинг кўкраklarимизда газаб оловини баландроқ ёндирмоқда. Вақт келарки, биз фашистларнинг жазосини берамиз.

Қурбон ота. Жазо! Жазолаш керак. Таъзирини бериш керак у жиннини! Қизим, дунёда жинниларнинг хили — нави кўп бўлади. Беш қўл баробар бўлмагандек, жиннилар ҳам баробар эмас. Лекин дунёда энг катта, энг ашаддий, энг батдарий жинни шу Гитлер экан.

Офтоб. Катта йўлга чиққан жинни бузади, ёради, йиқади, ниҳоят, ақлли одамлар уни кишанга солиб, ҳаммани тинчитадилар.

Қурбон ота. У ифлоснинг ўттиз иккита тишини қоқиб олиб, оёқ-қўлига йўғоп кишан уриш керак. Қани Рустам паҳлавон бўлсам-да, ана шу тоғларни қўлла-римда ўйнатиб, Гитлернинг бошига ағдарсам!

Офтоб. Рустам паҳлавонларимиз бор, ота, ҳам жуда кўп. (*Ўз-ўзига.*) Юртимнинг мункайган чоллари Рустам паҳлавон бўлгиси келади. Йигитларимизнинг орзуси, табиий, ундан ҳам баланд бўлиши керак. Йўқ, бу юртни, бундай ажойиб одамларни ҳеч қандай куч тиз чўктира олмайди!

Бир тўда қизлар келишади. Ҳаммаси иш кийимида. Баъзилари кетмон кўтарган.

О ф т о б. Ҳорманглар, ўртоқлар! Ўзим ҳам минут сайин кутиб ўтирган эдим.

Н а з м и. Кўнглингиз тўқ бўлсин, опа. Биз сўзимизнинг устидан чиқдик. Кечадан бошлаб икки юз фоиздан бажараётирмиз.

О ф т о б. Ростданми? Жуда соз. Юзимиз қизармас экан. Энди шу суръатни сира қўлдан бермаслигимиз керак. Оширайлик, аммо қитдай камайтирмайлик.

Н а з м и. Лекин оқсаб қолувчилар ҳам йўқ эмас.

И қ и з. Дарров ҳамма ёққа ваҳима солманг!

О ф т о б. Нима?

Н а з м и (*учинчи қизни кўрсатиб*). Латофат кеча қитдай оқсаганди. Бугун у қитдайга яна қитдай қўшди.

И қ и з. Жуссаси келишган, ҳаммамиздан бақувват.

О ф т о б. Нималар дейишаяпти? Ишонмайман, чунки икки юзчилик фикрига ҳаммадан олдин сиз тарафдор бўлган эдингиз.

Л а т о ф а т. Офтоб опа, булар камситишга уста. Рост, кеча сал-пал безгагим хуруж қилди. Мана бугун унинг касри келди. Эртага-чи? Буларнинг кўзини мошдек очиб қўяман.

И V қ и з. Кўрармиз.

Л а т о ф а т. Утган йил пахта теримида ҳам «Ҳа, кўрармиз», деган эдинг. Нима бўлди? Бутун районга...

О ф т о б. Биринчи бўлгансиз-а!

Л а т о ф а т. Ўзлари айтишсин...

О ф т о б. Ишқилиб, ўртоқлар, бўшашмайлик. Сал кунда колхоздаги аёлларнинг кўпчилиги сизларга эргашади. Яхши қизлар, совғаларни тайёрладингларми? Бугун, албатта, юриб текширамиз. Ким нима тайёрлаган — биламиз, рўйхат қиламиз. Эртадан қолдирмасдан совғаларни қаҳрамонларимизга жўнатамиз.

Н а з м и. Совға-салом жуда кўп. Тайёрламаган ҳеч ким қолмади, деса бўлади.

О ф т о б. Мўл-мўлми?

И қ и з. Мўл ҳам гапми? Қучоқ-қучоқ...

Л а т о ф а т. Олдин бизга ўз совғангизни кўрсатинг.

Н а з м и. Кўришга муштоқмиз.

О ф т о б. Сизлар-чи?

И қ и з. Ҳаммамиз ҳам ўзимизга яраша совға тайёрлаганмиз. Сиз кўрсатинг.

О ф т о б. Тўғриси, мақтанарли эмас. Қўнглим тўлмай турибди. *(Чодир ичидан тугунча олиб чиқади. Ундан оқ шойи дастрўмолларни олади. Қизлар қўлларига олиб, диққат билан томоша қиладилар. Ёзувларини ўқийдилар: «Ватан учун!», «Биз енгамиз!», «Қаҳрамонларга салом!»)*

Н а з м и. Мана бунни қаранг-а. Қизил танк қора танкни босиб, мажақлаяпти.

IV қ и з. Мана бу-чи! Битта қизил аскар найзаси билан бешта фашистга ҳужум қилаяпти.

V қ и з. Мана, бизнинг лочинларимиз фашист калхатларини уриб тушираяпти!

III қ и з. Аҳ, қилични яланғочлаган мана бу отлиқ аскарни қаранг!

Л а т о ф а т. Шошма, қани, афти худди Ўзар акага ўхшайди-я!

II қ и з. Ҳа, рост, рост.

О ф т о б *(уялибгина)*. Балки ўхшар...

Н а з м и. Офтоб опа, ипак билан шундай донгли, ажойиб расмлар ишлаган қўлларингизни менга беринг, бир ўпай.

О ф т о б. Сизларникини қачон кўраман?

Л а т о ф а т. Ҳаммамизда ҳам бор. Шойи дастрўмоллардан бошқа яна буюмлар ҳам тайёрлаганмиз. Аммо сизники жуда чиройли чиққан.

Н а з м и. Жангчиларимиз буларни қўлларига олиб, томоша қиладилар-да.

О ф т о б. Сизлар ҳам жуда чеварсизлар. Тиккан ишларингизни кўрганман.

О й ш а б и б и. Офтобхон ҳам кечалари ухламасдан кўз нурини тўкиб ишлади. Ўзаржонлар юмшоққина шойиларга бет-қўлларини артиб, хурсанд бўлишсин, илоҳим. Бисотларингдаги шойиларни аяманглар, қизларим.

Н а з м и. Жонимизни ҳам аямаймиз, бувижон.

Л а т о ф а т. Сиз ўзингиз нима берасиз, билимдон буви.

О й ш а б и б и. Ҳали сеникини кўрганимиз йўқ, кеккаймай қўя қол, қоқиндик! Юрт, эл бор-йўғини аямай турган пайтда мен феълимни тор қиламанми? Жигарбағрим — йўлбарсдек ўғлимни юбордим-ку...

О ф т о б. Ойша бувим ҳаммамиздан олдин ҳаракат қилган.



Назми. Сиз қандай буюмлар тикдингиз?

Ойша биби. Болаларим, игна, ангишвонадан чиқиб қолганман. Ҳам биласизларми, тўқлик — шўхлик, дейдилар. Урушда йигитларнинг қорни тўқ, эгни-боши бут бўлса, уни-буни ўйлаб, дилгир бўлмайди. Мен бир тўрва сузма курт, яна бир тўрвада нукул сармойга қорилган талқон тайёрлаб қўйибманки, оғзингда эриб кетади. Булар — дастлабкиси. Худо хоҳласа, бундан кейин яна не-не нарсалар юбормоқчиман... Ишқилиб, Узар-жоннинг ҳам оғзига тегсин-да!

Назми. Қилаверинг, сизники бошқаларга тегса, бошқа оналарнинг совғаси Узар акага тегаети.

Ойша биби. Тўғри қизим, ақлим етади. Ҳаммаси ҳам юртнинг боласи. Ҳаммасига ҳам бир текис ғамхўрлик қилмоқ керак.

I колхозчи. Ҳа, Ойша хола, қизларни тўплаб олиб, отин бувидек нимадан сабоқ бераяпсиз тагин?

Офтоб. Ҳорманглар! Келинглар.

II колхозчи. Нима маслаҳат, опалар?

Офтоб. Аскарларимизга совға-салом тўғрисида... Бугун-эрта жўнатамиз. Сизлардан ҳам ҳозир ҳисоб сўраймиз.

I колхозчи. Кеннойингиз нор туянинг калласидек бир тугун ясаб, тикиб қўйибдиларки, ичида қантдек туршак, ғўла майиздан тортиб, атиру ироқи совунгача ҳар нарса топилади.

Офтоб. Жуда яхши. Хўш, ўзингизники-чи?

I колхозчи. А?

Назми. Кеннойимнинг совғаси билан сизнинг қанчалик ишингиз бор?

Ойша биби. Юрт ишига ҳамёнингни катта оч!

Шу вақтда ишдан қайтган бир неча колхозчилар киришади.

I колхозчи. Хўп, кашандалар учун эллик кути олифта папиросдан олиб берганим бўлсин.

III колхозчи. Баҳоли қудрат, ҳаммамиз ҳам бирон нима тайёрлаганмиз. Ватан деганда, жонни аямаймизку, молни аямизми?! Мана бугун ичимизда чопиқни уч юз фойиз бажарганлар ҳам бўлди. Қаердасен, Эргаш? Жамолингни кўрсатиб қўй.

Офтоб. Уч юз? Мақташга лойиқ иш!

Эргаш. Нимаси мақтанарли. Иштаҳа билан ишласангиз, кетмон ерни ғажийверади — киши бақувват...

II колхозчи. Кетмон унинг қўлида худди сизнинг қаламнигиздек ўйнаб кетди. Энди деворий газетга Эргашвойнинг суратини хушбичим қилиб чизасиз, ҳам тагига ўзига монанд сўз ёзасиз.

Офтоб. Албатта, албатта. Ёзиш-чизишдан биз ҳам эринмаймиз. Шуниси яхшики, аёлларимиз ҳам кундан-кун ишни — ҳам сифатини, ҳам миқдорини ошириб бажармоқдалар.

III колхозчи. Эшитдингизми, Аширматнинг хотини чопиқда алланима бало чиқди-да. (Бошқаларга.) Ростми? Кўрдиларинг-ку!

II колхозчи. Жуда девкор аёл.

Латофат. Биз ҳам ўша Хадича холадан ўргангиларимиз.

Офтоб. Хадича хола ўглини урушга жўнатгандан бери яхши ишлапти. Яна ўглининг кетмони билан... Ҳали бориб, суҳбат қиламиз у билан. Дурустми, қизлар?

Колхозчилар кетади. Обидов киради. У хафароқ кўришади.

Обидов (Офтобга). Биласизми, Урмонов қаерга кетган? Эртадан буён кўринмайди.

Офтоб. Эрталаб районга кетган эдилар. Хўш, нима гап, тинчликми? Серташвиш кўринасиз?

Обидов. Ҳм... Совуқ хабар. Раиснинг ўгли Арслон урушда ҳалок бўлибди.

Офтоб. А? Қаердан билдингиз? Аниқми?

Обидов. Расмий хабар. Раисга анча оғир туюлади-да. Ёлғиз ўгли-я.

Назми. Нима деяписизлар? Арслон? Улибдими?

Бошқа қизлар. Вой! Қандай йигит эди-я!

Обидов. Ваҳима қилмаларинг. Энди ҳар ҳолда Урмонов темирдай қаттиқ иродали одам бўлса ҳам ҳар ҳолда ота-да! Бу кутилмаган хабар жуда ёмон таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун раисга ётиғи билан билдирсак, дейман. Аччиқ дорини касалга юпатиб, далда бериб ичирадилар.

Офтоб. Фикрингизга қўшиламан. Шундай катта колхознинг иши — то ипидан-игнасигача — Урмоновнинг ёлкасида. Ажойиб кучи, ғайрати, жонкуярлиги орқасида чарчаганлигини сезмайди. Бу воқеага уни тайёрлаш керак. Урмонов учун бу хабар асло кутилмаган хабар дейиши мумкин. Чунки одамлар ҳар вақт умид билан яшайди. Хуш ва нохуш эҳтимолдан, албатта, хуш, ёқимли эҳтимолни орзу қилади. Урмонов яқингинада сўз

орасида менга шундай деган эди: «Қизим, Арслоннинг келишига ҳовлидаги уйларнинг бириши безатиб, ясатиб қўймоқчиман. Қандай бўёқлар керак, деворларга, шипга қандай гуллар солдириш керак — ана шу тўғрисида усталарга ўзингиз маслаҳат берасиз. Мен: «Хўп», дедим. Урмонов яна кулиб, «Ҳозир бош қашишга ҳам вақт йўқ. Бу ишларни бафуржа қиламиз», деди-да кетди-қолди. Ҳа, Насима холам-чи? Ҳаммадан кўра бечора онанинг дардини юмшатиш, кўнглини юпантириш учун чора кўриш керак.

**Назми.** Ҳаммадан онага қийин. Насима холамга бу тўғрида ҳали-бери ҳеч нима дейиш керак эмас.

**Офтоб.** Тўғри. Жуда куюнчак аёлга ўхшайди Насима хола.

**Обидов.** Эй, қизлар, Насима хола сезиб қолибди-да. Ана шунга доғман.

**Офтоб.** Ана холос. Энди яшириб бўлмас экан.

**Назми.** Қандай қилиб сезади?

**Обидов.** Арслондан хат келди деган гапни эшитди-ю, Насима хола идорага югуради. Қарасаки, идорада Мирқосим ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирибди. Иккови жуда қалин ўртоқ эди-да. Насима хола уни кўриб, бўзрайиб қолади. Мирқосим у, бу деб яширмоқчи бўлса ҳам эплай олмайди.

Ҳалиги колхозчилар, яна бошқаларни кириб келади. Ҳаммасининг кўнгли гап.

**I колхозчи.** Нафсиламрда раисга қийин.

**II колхозчи.** Тўппа-тўсишдан...

**III колхозчи.** Улим совуқ эмас, қўққисдан келган хабари совуқ...

**IV колхозчи.** Раҳматли Арслон жуда бўлимли йигит эди.

**V колхозчи.** Раҳматли дейишга кишининг оғзи ҳам бормайди. Шундай кўзим олдида.

**I колхозчи (Офтобга).** Гарчи аёл бўлсангиз ҳам, ақл-фаросатингиз комил. Раисга ниҳоятда усталик билан тушунтирасиз, хўпми?

**Офтоб.** Уртоқлар, уруш қурбонсиз бўлмайди. Тарихда кўрилмаган катта даҳшатли, қонли жанглар бўлаяпти. Душман бизга қараганда бир неча ҳисса ортиқ талофат кўрмоқда. Ватанимизнинг, ҳаётимизнинг, келажак наслларнинг, ҳатто, бутун дунёнинг тақдирини ҳал қилувчи бу жанглар, албатта, катта қурбонлар талаб

этади. Ё ҳаёт! Бизда ўлим қўрқинчи, андишаси бўлмаслиги керак. Биз ҳар қандай аччиқ, ҳар қандай даҳшатли хабарларни чидам ва матонат билан қаршилашимиз керак. Қурбонлар, фалокатлар бизни чўчитмасин, балки иродамизнинг пўлат қиличини яна тобласин, душманга бўлган ғазаб ва нафратимизни оловлапирсин!

II колхозчи. Баракалла!

III колхозчи. Биз ҳам шундай деймиз.

I колхозчи. Сиз айтган фикрлар айнан бизнинг дилимизда ҳам бор. Лекин биз шу фикрларни сиздай қолипга солиб, ялтиратиб айтиб бера олмаймиз. Хуллас, сўзга нўноқроқмиз.

Офтоб. Ораларингда шундай сўзамоллар борки...

Обидов. Офтобхон, биз секин-секин идора томонга тушиб борсак...

Офтоб. Хўп. Ҳозир. *(Чодирга кириб кетади. Шу вақтда от дукури эшитилади.)*

II колхозчи. Раис! Раис!

Чодирдан Офтоб чиқади. Ҳамма ҳаяжонда.

Обидов. Идорага бошлаб борайми?

II колхозчи. Айтманглар! Ёлғиз ўғил-а!

Офтоб *(ўз-ўзига)*. Ҳақиқатан, ўнғайсиз бир вазият!

Қамчинни этик қўнжига уриб-уриб, раис киради. Унинг кайфи чоғ.

Урмонов. Эҳе, жамоат жам-ку. Нима, мажлис-пажлис қилаяпсизларми?

Обидов. Йўқ... Тўпланишиб қолдик.

Урмонов *(бемалол ўтириб, терларини артиб)*. Офтобхон, қалай, зерикканингиз йўқми?

Офтоб. Нега зерикайин?!

Урмонов. Энди чўпонликни бошқа бирига топширсак.

Офтоб. Нега? Бу ишни мен учун оғир деб ўйлайсизми?

Обидов. Чорванинг наслини яхшилаш, маданий чорвачилик ҳақида китоблар ўқимоқда Офтобхон.

Урмонов. Биламан. Аммо бир муҳим вазифа бор. Жуда муҳим, масъул иш, ишонаманки, буни сиз яхши бажарасиз.

Офтоб. Айтинг, қўлимдан келадиган иш бўлса, қочмайман...

Урмонов. Қўлингиздан келади, аммо ҳозир бу

ерда айтмайман. (Назмига.) Тракторни ўрганиб олдингми? Ўзим синаб кўраман-а!

Назми. Яна икки ҳафтадан кейин ҳар қандай яхши тракторчи мени синаб кўриши мумкин.

Ўрмонов. Дуруст, отангга ўхшамайсан, қизим. (I колхозчига.) Хўш, Шерназар, сувдан қалайсан?

Шерназар. Сув жойида, оға. Истасам бир тегирмон, истасам ўн тегирмон сувни қувиб келамап.

Ўрмонов. Шунинг учун кечалари ашуланг оламан бузар экан... (Кулиб.) Сира кишини ухлатмайсан. Овозинг чакки эмас-ку, аммо ашулани жуда пойма-пой айтасан. Дам: «Кел-кел, ёрим, сен келмасанг, мен бо-рай!» дейсан. Зум ўтмасдан, «Во дариғ, ўтди умрим», деб хиргойи қиласан.

Шерназар. Оға, «Мулла билганин ўқир», дейдилар. Биз Тўйчи ҳофиз эмас, ҳатто, унинг шогирди ҳам эмасмиз...

Ўрмонов. Оғзингдан бир жуфтгина аския чиқармикан, деб пойлайман, ғиқ этмайсан. Ҳар вақт ҳўроздек кеккайиб, қийқириб юрасан. Ҳозир бўлса, курк товукдек ҳурпайиб олибсан. Қани, айт, чарчадингми?

Шерназар. Аскиянинг ҳам хонаси бўлади. Аммо чарчаганим йўқ, оға.

Ўрмонов. Чарчаманглар, дўстларим. Бу кунларда биз ҳаммамиз шери ғаррон бўлиб ишлашимиз керак. Мен ҳозир партия активлари мажлисидан келаяпман. Жуда муҳим вазифалар музокара қилинди. Ўзбек халқи бу урушда қоматини роса кериб, ўзини кўрсатиши керак. Ёлғиз урушда қон тўкиш билангина эмас, балки мана шу — аҳ, нима деймиз — ана шу далада ҳам, заводда ҳам иш билан ўзимизни кўрсатишимиз лозим. Душманга зарба беришда, емириб, ер билан яксон қилиб ташлашда колхозчи акамнинг вазифаси катта... Ҳар кун сайин планимизга янги бир модда қўшилаяпти. Иложи йўқ, турмушнинг ўзи олдимизга янги-янги талабларни қўйяпти. Енг шимариб, бажармасдан бошқа илож йўқ. Келар йил ғалла учун экин майдонини жуда кенгайтирамиз. Обидов, яхши қулоқ солинг. Бизга янги ер керак. Сугориш учун сув. Сархил уруғлик тайёрлаш. Яна сабзавот. Мана бу биз учун янги бир тажриба. Пахта-чи? Ўзларинг пахтакорсанлар, биласанлар унинг ўрни ва аҳамиятини. Пахта ҳосилини яна оширамиз. Мен сизларга суяниб, шу ишларнинг ҳаммасининг ус-

тидан чиқаман, деб дангал сўз бериб келдим. Бажарамизми?

Ї колхозчи (*бирдан*). Албатта!

Ўрмонов. Гитлерга кўрсатиб қўямиз — ким билан урушяпти у, кимни енгмоқчи у? Тушини сувга айтсини. Бизни енгадими? Бизни-я?! Қани энди икки оғиз ҳангомалашайлик. Сўйланглар. (*Ҳаммага бир-бир тикилиб, ҳайрон бўлади.*) Ҳа, «дим-дим» ўйпадиларингми? Ё ҳалиги планларни ўйлаб, ваҳимага тушдиларингми?

Ї колхозчи. Оға, қайси планни, ҳукуматнинг қайси фармойишини чала қолдирдик?!

Обидов. Ўртоқ Ўрмонов, идорага жўнаймизми? Баъзи ишлар тўғрисида кенгашиб олишим керак эди сиз билан.

Ўрмонов. Қўй идорани. Далани айланамиз.

Обидов. Маъқул.

Ўрмонов. Қодир ота бемор ётибди. Мен ҳали йўлақай ҳол-аҳволини сўраб чиқдим. Доктор юбориш керак. Уч ўғли фронтда. Чолнинг кўнглини кўтариш лозим. Бундан кейин қизил аскар оилаларига биз ўз оилаларимиздан кўра кўпроқ ғамхўрлик қилайлик.

Офтоб. Улар арз-қолларини билдирмак учун бизга келмасинлар. Балки биз ўзимиз ҳар вақт улардан хабардор бўлиб турайлик. Ўртоқ ранс, мен ҳозир докторни ўзим бирга олиб бораман.

Ўрмонов. Балли, шундай қилинг, қизим.

Шу вақтда биров: «Насима хола!» дейди. Одамлар ҳаяжонда. Ҳамма жим. Ранс билмайди — ҳайрон бўлиб, одамларга тикилади. Н а с и м а хола йиглаб киради.

Ўрмонов. Хўш, эркатой хотин, сўйла! Бу қанақа мотам?

Н а с и м а. Арслондан айрилибмиз... Оҳ, навқироним, кўзим нури ёлғизим!

Ўрмонов оқаради. Астагина бир тошга ўтиради. Боши қуйи салingan. Аммо бутун вазиятида дард билан бирга аллақандай маънодор сокинлик сезилиб туради.

Ўрмонов (*бошини кўтариб, яширин бир хўрсингандан кейин*). Мен ўғлимни томошага, сайру саёҳатга юборган эмасдим. Тарихда энг катта, энг қонли, энг омонсиз жангга юборган эдим. Мардларча иш кўр, деган эдим. (*Бир мақол бор\**.) (*Ўрнидан туради.*) Биз қон

\* *Езувчи эскартмаси.*

билан, бениҳоят қийинликлар билан, кучимиз, теримиз билан қурган янги дунёимизнинг саломатлиги учун дунёда энг азиз, юрагимизга энг яқин нарсаларни қурбон қилишга тайёрмиз. (*Хотинига.*) Куйма, йиғлама, хотин! Эссизки, дунёга ёлғиз бир ўғил фарзанд келтирдинг. Агар етти ўғлим бўлса, ҳаммасини урушга юбормасам, ўзимни ота, ота ҳисобламас эдим. Йиғлама, хотин! Ғазаблан! Ғазабингни ҳам елга совурма! Ишла! Ғазабинг қиличга, милтиққа, бомбага айлансин! (*Хўрсиниб.*) Мен ўғлимдан розиман... Сен уйга бор, хотин, бир оздан кейин мен ҳам бораман. Қани Обидов, юринг, экинларни кўздан кечирамиз.

Обидов билан Урмонов кетади. Одамларнинг юзида чуқур ўй-фикрчанлик.

О ф т о б. Мана ота.

Б и р к о л х о з ч и. Бу одам тоғ, тебранмас тоғ!

#### Иккинчи кўриниш

Ш о д и қ у л келади. Портфелни олади. Чойнакка захар солади. Бировнинг келаётганини пайқайди. Деразадан пастга тушиб кетади. Назми киради. Ёлғиз ётиб, уйда аллақандай товуш эшитиб, чўчиганлигини ўз-ўзича сўзлайди. О ф т о б ётган уйга қараб, уни уйғотишни истамайди. Чойнакка қўл узатади, озгина ичади. Ўзини ёмон сезади. О ф т о б ни чақиради. О ф т о б чиқиб, Назмининг аҳволидан қўрқиб кетади. Назми чойнакка ишора қилади. Тонг ёришади. О ф т о б далага чиқиб, одамларни чақиради. Ўзи докторга югуради. Колхозчилар Назминни докторга олиб жўнайдилар.

Турғун Мухторов, Урмонов, Обидов киради. Аҳволни музокара қиладилар. Шу вақтда О ф т о б киради. Мухторовни телефонга чақирадилар. Мухторов қайтиб кириб, райкомга доклад учун чақирилганлигини сўзлайди ва О ф т о б дан материалларни сўрайди. О ф т о б бирдан эслайди: Қани? Ҳаммаёқни қарайди. Йўқ. Ҳамма ҳаяжонда. Рус инженер Яшкин кириб, Мухторовга: «Машина тайёр, юринг», — дейди. Материал йўқолганини эшитиб, сочини юлгундай бўлади. О ф т о б гўё тоғ остида қолгандек, эзилган бир кайфиятда.

## ЙУЛНИНГ БОШИДА

Қатнашувчилар:

Тансиқой — 18 яшар қиз.

Ҳамро биби — 55 яшар, Тансиқнинг онаси.

Зиёвиддин маҳдум — 45 ёшларда, Тансиқнинг амакиси.

Лбдужамилов — 35 ёшларда, савдогар.

Муаллима — 25 ёшларда.

Маҳмудхон — 55 яшар, жадидлардан.

Сарвар Ўлжабоев — 23 яшар, студент.

Санъат ходими — 35 ёшларда, артист.

Ўрозбоев — 40 ёшларда, коммунист, оддий хизматчи.

Маҳалла одамлари, аёллари, ўқувчи қизлар.



## БИРИНЧИ ПАРДА

Бог. Саҳнанинг ўнг ёғида — қўрғонча. Ташқарида, ҳовуз атрофида мевали дарахтлар. Япроқлар орасида қуёш нури силжиб туради. Супа. Узоқда колхоз экинзорлари. Супанинг ёнида узун стол, бир печа стуллар қўйилган. Табиатда мўллик, ёшлик ва шодлик. Июнь охири.

Норхон (*эрига қараб*). Ҳай, Тансиқлар дараксиз кетди. Табаратками, ўрис усталми қидириб, қаёқда изгиб юришган экан? Хабар олсангиз-чи!

Эрмат. Келиб қолишар, сен тараддудингни қилавер.

Норхон. Нонни ёпиб, санаб-санаб, патнисларга бўлиб қўйибман, ошнинг масаллигиниям қозон бошига келтириб муҳайё қилганман. Қачон олов ёқ, деса, бошлай бераман. Сиз ҳам ҳосилот шўрони деб уй ишидан узоқлашиб кетгансиз. Бугунча шу одатни қўйинг. Ёлғиз қизингиз мақтовини битирганига шуқур қилиб, менга қарашинг.

Эрмат. (*куларак*). Мақтовинг нимаси! Мақтов анчайин бир нарса! Болалар ўқийди. Тансиқ, минг қатла шуқур, дорилфунунни битирди, дорилфунунни...

Норхон (*эрига таажжубланиб*). Чол бўлсангиз ҳам тилингиз бурро! Мажлиса-мажлис юриб, шунақанги сўзларни ўрганиб олибсиз. Ҳа, айтгандек, қўрғонча орқасидаги олма йилтираб қолипти. Шундан бир оз узинг, ёшлар еяберади. Кейин Саломатни айтиб келинг.

Эрмат. Саломатсиз ишинг битмайди шекилли, ҳар нима бўлмасин. Саломатни топ.

Норхон. Уҳ, (*қаттиқроқ*) ахир Саломат оёқ-қўли эпчил, кейин кўпчиликка дарров аралашиб кетадиган одати бор, шунинг учун дейман... (*Чол хоғинига қараб, бошини мағноли силкитади, сўнг кетади.*)

Икки колхозчи саҳнанинг сўл ёғидан кўринади. Бирин ёш, бирин ўрта яшар. Камширдан анчагина узоқда. Иккинчи ҳам ерга бир неча ҳандалак билан яна бир қоп қўяди.

Ўрта ёшлигини. Эна, дохтир опанинг знефатларига колхозимиз бериб юборди, арзимаса ҳам. (*Қайрилиб кета бошлайдилар.*)

Норхон (*икки-уч қадам босиб, колхозчилар орқасидан*). Айлана қолай ҳимматларингдан. Ўзларингиз ҳам, албатта, келинлар-хув!...

Шу пайтда саҳнанинг сўл ёғида Тансиқ икки рафикаси билан бирликда стуллар кўтариб, терлаб-пишиб киради.

Тансиқ (*терини артиб, онасига*). Мобилизовали весь запас стульев.

Норхон (*қизига ва Солиҳа, Туйғуноиларга қараб*). Шундоқ қувончли кунда қадимгидан қолган, бобойи бобокалонни тилида тушунтириб гапирсанлар бўлмайди-ми? (*Қизлар кулишади.*)

Солиҳа. Тез вақтда сизни ҳам ўргатамиз.

Норхон. Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда. Сизлар билсангизлар, бас, қизларим. Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Ўзларинг замонага яраша безай беринглар. (*Қўрғончага кириб кетади.*) Солиҳа гул узиб, дасталайди.

Тансиқ ва Туйғун колхозчилар келтирган совгани ташийдилар.

Тансиқ (*Солиҳага*). Мунни қара. Мунча чиройли!

Солиҳа. Менинг гулларим ундан ҳам чиройли!

Тансиқ. Бу ҳам ширин.

Солиҳа. Шоирлар ҳандалакни эмас, кўпроқ гулни севардилар.

Тансиқ. Ҳандалакни есанг, маза қиласан, ором оласан, ҳиди ҳам гулникдан ёқимлироқ. Мен деҳқон қизи бўлганимдан ҳандалакни гуллардан афзал кўраман.

Саломат кириб келади.

Саломат. Вой, опагинанг айлансин Тансиқ, ўқишларингни битириб олибсан! (*Қизлар билан қучоқлашиб кўришади.*) Мен ҳам Эркинйини дўхтирликка ўқи, деб турибман. Дўхтирларни яхши кўраман ўзим. Савлатликкина бўлади. Қиз тушкур, осмонда учиншга (*қўли билан кўкка ишора қилади*) орзуманд. Ҳа, ҳалитдан балеандан ташлашни ҳам машқ қилибди. Эгамга топширдим, қалтис иш-да!

Тансиқ. Билган одамга энг яхши, энг осойиш иш. Эркин, биламаи буни, жуда ботир ва... зийрак қиз, учувчи бўлса, нақ дунёни айланадиган бўлади.

Солиҳа. Ўзбек қизининг маҳоратига дунё тонг қолсин!

Саломат. Ишқилиб айтганларинг келсин.

Кўрғондан патисе кўтариб она чиқади. Саломат билан кўришади.

Туйғун. Ана, меҳмонлар ҳам келишаётир. Бўла қолинглар.

Гурунг билан Бурҳон, яна уч йигит, тўрт-беш хотин-қиз киради. Тансиқни табриклаб қўл беришади. Бурҳон Тансиқ ила самимий кўришиб, шўхлик билан қўл учини ўнади.

Бурҳон. Кечирасиз, кечроқ қолдик.

Порҳон (*рўмолининг учи билан юзини пана қилароқ бармоғи билан юзини тирнайди. Сўнг Саломатга қараб*). Аҳ, шумтакалар! Бизлар хўп гўл бандалар эканмиз-да. Келин бўлиб тушганимда, нақ бир ойгача Эрмат акангизнинг юзига қаролмагандим.

Саломат. Қўяверинг, опоғойижон! Ёш бўлсанг, шўх бўл, деган гап бор. Жигадек йигит экан. (*Кўрғонга кириб кетишади.*)

Тансиқ. Чирчиқдан кеча тушган экансиз-ку!

Бурҳон. Тўғри, аммо иш қизғин. Ҳа, Тансиқ, сиз яна бир зиёфат қиласиз.

Тансиқ. Сабаби?

Бошқа бир йигит. Профессор Амелиннинг клиникасида унга ассистент бўлиб қолганингиз учун.

Бурҳон. Топди!

Уша йигит. Бу йил зиёфат кўп: Ислом акам (*кўрсатади*) яқинда тарих доктори, Салима Ҳакимова — геолог, Туйғун — агроном бўлдилар.

Туйғун. Сиз — фалсафа кандидати. Муҳтарам бўлajak санъат декадасида, албатта, орден олади...

Узоқдан автомобиль сигнали эшитилади.

Тансиқ (*йўлга қараб шавқ билан*). Профессор!

Бир қанча йигит ва қизлар олдинга чопишади. Профессор ва хотини ҳамма билан самимий сўрашиб, кўрсатилган жойга ўгирадилар. Бошқалар ҳам ўтиришади. Меҳмонлар энгил гурунг билан овқат ея бошлайдилар. Бир оздан сўнг Тансиқнинг отаси икки колхозчи билан келиб, меҳмонлар ила кўришиб, қаторга кирадилар.

Бурҳон. Ўртоқлар, мен бу қадаҳни мамлакатимизда медицина илмининг улуғ сиймоларидан бири бўлган ва ўртоғимиз Тансиқнинг раҳбари — профессор Амеланнинг соғлиғи учун кўтараман. (*Олқишлар билан ичдилар.*)

Колхозчи йигит Эрмат акага ҳам қуйиб, ичишга таклиф қилади. Бошқалар ҳам бу таклифни қувватлайдилар.

Эрмат (*бир қадар ташвиш тортади, сўнг қадаҳни қўлига олиб, ўтирган жойида*). Оппоқ қизлар, қора кўз йигитчалар, илмининг кетидан қува беринг. Ҳукуматнинг чизган чизигидан чиқмасдан юртни обод қилиб, қувончли кунлар устига яна ҳам қувончли кунлар қўша беринг!

Унинг нутқи жуда самимий қарши олинади. Ўзаро гаплашув кучаяди, Солиҳа ўрнидан туриб, патефон қўйишга машғул бўла бошлайди.

Меҳмонлардан бири. Фокстрот!

Солиҳа. Шундай боғда, шундай кунда лоақал бир марта танца қилмаслик, менимча, гуноҳ...

Саломат. Чалавер, синглим! Уша олим, доно киши билан (*профессорга ишора қилади*) қўлтиқлашиб, бир танца қилайки...

Профессор гапнинг мазмунига тушуниб, завқланади, кулади. Хотинига бир нималар дейди.

Профессор (*ўрнидан туриб, қувончли, лекин жиддий бир тур ила*). Ўзбек халқининг бахтли ўғиллари ва қизлари! Ватанимизда қидирувчи бош, жасур қалб учун ҳамма йўллар очиқ. Ҳар бир соҳада улуғ ишлар яратиш мумкин. Лекин толмас ғайрат билан бирга юракда кучли умид ва севги бўлиши керак. Тансиқни мен ҳар вақт ҳурматлайман. Чунки мен унда шу сифатларни кўраман. Ҳар ишда яратиш ва қаҳрамонлик — бизнинг шиоримиз бўлсин! Бокални бахтиёр ёшлик учун ва меҳнат билан фаннинг бирлиги учун (*табассум билан колхозчиларга назар ташлайди*) кўтараман!

Нутқи меҳмонлар катта севиш билан қаршилайдилар. Колхозчилар чапак чалади. Солиҳа патефонни қўйиб юборади. Меҳмонлар туришиб, бирин-кетин танца қила бошлайдилар. Тансиқ отасидан бир қадар андиша қилиб, сўнг Бурҳон ила танцага тушиб кетади. Эрмат завқ ила бир оз томоша қилиб, сўнгра чиқиб кетади.

Бурҳон (*умумга*). Энди нима қиламиз? Атрофни бир оз кезсак...

Тансиқ. Анҳор лабига борилса, жуда яхши бўларди.

Бурҳон. Юриглар.

Меҳмонлардан бири (*Туйғунга*). Патефонни олиш керак.

Солиҳа (*Тансиққа*). Тансиқ, йиғиш-териш сенсиз ҳам бажарилар, тийтаноқлигинг ҳеч қолмайди-да. Юр!

Тансиқ. Кета бер, жоним, мен ҳозир... Сию минути! (*Тансиқ ёлғиз қолади, уни-бунини йиғиштиради ва ўз-ўзига.*) Қизиқ, шу бугун кўзимга ҳамма нарса янги, тоза ва маъноли бўлиб кўринади. Бу бахтли куннинг, умиднинг совғаси бўлса керак. Чиндан ҳам умидсиз киши учун ҳамма нарса маъносиз, рангсиз бўлиб кўринади. У ҳаттоки маънода ҳам маъносизлик қидиради... Бояқиш бобом бир вақтлар айтардики, қизларга тоғдек тахт эмас, бармоқдек бахт тилаш керак, деб. Нима учун қизларга? Деворлар орасига қамалганлар учун бахтни кўкдан тилашдан ўзга чора бормиди? Мен ва ўртоқларим эса орзуларимизга ўз кучимиз билан етиша олишга ишонамиз. Замон-замон! (*Бир қадар сукут.*) Лекин толеннинг кўлкасида ётиб, уйкуга кетиш янги куч қўшмайди. Бир вақт кўзингни очасан-да, пешонага бир урасан; фойдасиз! Бу кун мен учун чинакам ва катта ва оғир ишга киришнинг бошланғичи бўлиши керак. Менинг ишим, тагини суриштирганда, ўлим билан кураш ва уни енгишдир. Мингларча одамларни унинг чангалидан қутқариш ҳам ўлимга зарба. Ҳаёт ғалабаси, касалларга яшаш бахтини бағишлаш менинг учун ҳақиқий бахтдир... (*Узоқдан Султонқулга кўзи тушиб, турган жойида тўхтаб қолади.*)

Султонқул (*Тансиққа яқинлашиб, танигандан сўнг*). Тансиқ, бир қарич қизча эдинг, энди қара, мени танимадинг шекилли. Мен... (*Икки қўллаб Тансиқнинг қўлларини сиқийишга интилади.*)

Тансиқ. Сиз, сиз? (*Ҳайрат ила унга таниш чизгиларни аниқлаш учун тикилади.*)

Султонқул. Мен Султонқул акангизман. (*Кулади.*)

Тансиқ (*танийди. Ҳаяжон ила!*). Уҳ, сиз ўлган эдингиз-ку? Ишонгим келмайди. Тушми, ўнгми? Ая! (*Кўрғонча томонга қичқиради.*)

Султонқул. Рижо этаман. Ҳозирча ҳеч қандай ҳаяжон асари кўрсатилмаса эди. Биз ўзимиз кириб бо-

рамиз. Қалай, амаким саломатмилар? Бу шма? Меҳмонлар борми? *(Столга қарайди.)*

Тансиқ. Қандай қилиб сиз... Тўғриси, сиз — сирли одам. Ун йил илгари икки ўртоғингиз билан Сирларёга борганингизда, чўмилгансиз, дарёга шўнгиб, изсиз йўқолгансиз. Гирдоб ўраб кетган. Ўртоқларингиз амакимга кийимларингизни келтириб беришган эди. Уҳ, бояқиш амаким ёлғиз ўғлининг қайғусини кўз ёшлари билан сўндиришга ҳаракат этди. Таъзия очиб, ош берди. Биз сизни, Султонқул ака, ваҳший сувларнинг қаърига кўмган эдик... Энди билинадики, сиз гоят усталик билан ўз изингизни яширган экансиз...

Султонқул *(кулиб)*. Синглим, ҳеч қандай сир йўқ. Раҳматли отам бечора вафот этибди. Азиз одам эди. У вақтларда орамиз бузилди. Бир кўп дўст-ошнлардан ҳам кўнглим қолди. Яна сонсиз мусибатлар. Қисқаси, ҳаёт мени эди. Ҳаётдан бездим.

Тансиқ. «Ҳаётдан бездим!»

Султонқул. Уша вақтларда! Сўнгра шўхлик ва аҳмоқлик! Бир ҳийла тузиб, синглим, бу ерлардан бошимни олиб кетдим.

Тансиқ. Қаерга?

Султонқул. СССР — катта. *(Қулочини ёяди.)* Марказида ҳам бўлдим. Кўпроқ узоқ районларида яшадим. Ўқидим, ишладим. Яна қариндош-уруғ, туғилган диёр мени тортди. Мана, бутун сир.

Тансиқ. Қизиқ тарих...

Султонқул *(папиросини ташлаб)*. Бошланг. Энди кампирни, амакни қувонтирайик. Лекин ғовур-ғовурни ман этиш керак. *(Кириб кетишади.)*

Парда тушади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Айни бог. Колхоз манзараси.

Тансиқ *(ишдан қайтади, сунага портфелини ташлаб, юз-қўлларини ювади, дарахтларга қараб, ўз-ўзига)*. Куз. Даладан кўчиш вақти ҳам келди. Сув, ҳаво, бу кенглик менга қатнаш заҳматини унуттиради. Эрта ме-

нинг дам олиш кунимга колхоз тўйининг рост келиб қолгани ҳаммадан қувончли ҳол. Тўй-томоша, ашула, мусиқа, халқ ясанган. Ҳарҳолда бу йил ўтган йилларга қараганда яна ҳам тантанали бўлиши турган гап.

Норхон (*қўрғончадан чиқиб*). Она қизим, қаёқда қолдинг? Биласан-ку онагнинг ваҳималигини...

Тансиқ. Йўлда Қурбонали аканинг уйига кириб чиқдим. Укаси бетоб экап.

Норхон (*койиниб*). Худой кўтарсин қўни-қўшнини, пул йўқ, не йўқ, қарайверасанми? Ҳалиям бир бола эшикдан бурнини тортиб, «Дўхтир бормилар?» деб кириб келди. Эנסам қотганидан, «Дўхтир онанг шаҳардан чиқмайди бугун», дедим.

Тансиқ. Бекорга қайтаргансиз, ойн. Мен ахир нимага ўқидим? Халққа хизмат учун эмасми? Қасал олдидап бепарво ўта олмайман.

Норхон. Ўзинг нимжонсан. Яна бепул уни кўр-бун кўр.

Тансиқ. Пул беришади. Мен ўзим олмайман. Хизматимдан олганим ҳам етиб ортади...

Норхон. Илгаридан ўзинг ўжарсан, қизим. Сенга сўз уқдириб бўлмайди. Билганингни қил! Кириб овқатингни егни. Ё шу ерга олиб келиб берайми? Аччиққина қовоқ сомса ҳам қилиб қўйибман.

Тансиқ (*суна четига ўтириб, портфелидаги дафтар, китоб ва бошқа қоғозларни титкилашга бошлайди*). Йўқ, ҳозирча керак эмас. Кечроқ ерман.

Норхон (*бошини чайқаб, норозилик билдиради, сўне*). Султонқул аканг ҳам келган эди. Уйда ётибди.

Тансиқ. Қачон?

Норхон. Сендан анча аввал.

Тансиқ. Нима қилиб ўтирибди?

Норхон. Нима қилар эди? Китоб титиб ўтирибди.

Тансиқ. Китобларимнинг расвосини чиқаради...

Норхон. Эски одати. Кўнглини оғритма. Биздан бошқа кими бор? Ҳам бизларга у қандай меҳрибончилик қилади. Эскиларининг гапи рост экап: кафан кийган кетади, капалак кийган келади, дейишарди.

Тансиқ. У кафан кийган бўлса ҳам қайтиб келди Тегирмонга тушса, бутун чиқадиган одам.

Норхон. Йигитнинг шундай бўлгани яхши. Кўп юрган кўп биладди. Кўнглимга — болам, сенга айтмай, кимга айтаман — ҳар хил хаёл тушади. Уғлим йўқ...

Тансиқ. Мен ўғил ўрнига ўтмайманми?

Норхон. Сен ўнта ўғилдан афзалсан, қизим, мен шунчаки айтгандим.

Тансиқ. Гапиринг ичингиздагини. Бир нарса айтмоқчига ўхшайсиз.

Норхон (*дадилланади*). Ичимдаги нима бўлар эди. Султонқул ҳам ўғил бўлса, ҳам куёв... Ёт қурсин, ўзинг-шикидек бўладими?

Тансиқ. Ҳа, ҳа, ҳа. Топибсиз, ойижон. У менга ога каби. Вассалом.

Норхон. Худди ўжарлигинг отангга ўхшайди. (*Сўнг ўз-ўзига.*) Оҳ, шўрлик биз она райида қилча ҳам чиқмасак-а. Эндигилар ҳаммаси — она хотин! (*Кириб кетади.*)

Султонқул (*қўрғончадин чиқиб, Тансиқ ила сўрашиб*). Нега ичкарига кирмадинг?

Тансиқ. Тўрт девор орасини севмайман. Очиқлик, бу сайхон қандай яхши!

Султонқул. Сен ҳам тўрт девор орасида қамалдингми?

Тансиқ. Бу хусусда мен бир қадар бахтлиман. Атиги икки йил паранжи ёпиндим. Уҳ, қандай оғир кунлар эди!..

Султонқул. Мактабга бориш?

Тансиқ. Мактабга ҳам паранжида борар эдим. Кейин йўлда холамнинг уйига қўйиб, яна қайтишда ёпинадиган бўлдим. Ҳатто бизнинг ўрта мактабда баъзилар муаллимдан ҳам қочар эдилар. Доскага паранжида чиқиб, масала ечар эдилар.



## ОДАМХУРЛАР

### Биринчи кўриниш

Саҳна: Германияда бир шаҳар майдони. Узоқда баланд бинолар. Ўткинчилар ўтиб туради. Полиция ва штурмовиклар «тартиб» кузатиб изғишмоқда. Хуштаклар чуриллайди. Фашист байроқлари унда-мунда осиглиқ. Ҳар бир нарсада аллақандай эзувчи бир қоронғулик равшан сезилади.

### Биринчи жуфт

(Миллер ва Бауэр)

Бауэр. Бутун гап шундаки, ишғол қилинган ёғлиқ мамлакатлари бу панжага ёғиб бўғиб ушлашда. Бутун фикрим шу мулоҳаза билан банд. Худо хоҳласа, уруш битдими — дарров даллоллиқни ташлайман. Майда даллоллиқдан қутулиб, мустақил хўжайин бўлиш умримнинг ғояси эди. Толе ёр бўлсин. Сиз, жаноб Миллер, қандай умидлар билан яшайсиз?

Миллер. Умид эмиш! Ғалабанинг бутун эт-мойи ҳақиқатда меники бўлиши керак. (Бауэр тўхтаб, ўқрайди.) Сабр қилинг, жаноб Бауэр, икки навқирон ўғилни фронтга жўнатдим. Бири ифлос французнинг бошига осмондан ўлим ёғдирди, иккинчиси — ўзингиз ҳам танийсиз, қиморхона уришқоғи Ганс — ерда бўридай душмани қақшатиб қувди.

Бауэр. Жуда яхши, сиз фаҳрли, шонли отасиз.

Миллер. Урушнинг шон-шавкати ўз эгаларига насиб бўлсин. Менга қўлга илинадиган нарса керак. Шон-шухратга келганда, бунини Бовария пивоси учун орзу қиламан. Қовоқхонада кружкалаб пиво сотишдан тўйдим. Пивом билан бутун Оврупани суғорувчи хўжайин бўлмасам, урушдан рози эмасман.

Бауэр. Ортиқча хаёлпараст бўлиб кетибсиз.

Миллер. Асло! Гитлер жаноблари дастлаб менинг қовоқхонамда иш олиб борган, нутқ сўзлаганлар. Ҳар сафар нутқ сўзлаганларида ўз қўлим билан пиво тутганман. «Хайль Гитлер!» ҳам дастлаб менинг қовоқхо-

намда янграган. Товушимнинг бўғилишининг асли сабаби ҳам шундаки, мен астойдил қичқирардим «Хайль Гитлер!» деб. Билиб қўйинг, янги Германиянинг бешиги — менинг қовоқхонам бўлган.

(*Утадилар.*)

**Иккинчи жуфт**  
(Муаллим ва рассом).

**Рассом.** Ёдимда бор, бир вақтлар хийла дуруст кийиннар эдингиз. Юмалоққина қорнингиз ҳам бор эди. (*Атрофга аланглаб.*) Энди итдай чўзилибсиз. Турмадан чиқаркан, ёруғ кунни кўрарман деган умид билан суюнган эдим. Афсус! Мамлакат турмадан бадтар. Мен уч турманинг азобини уч кун ичида бу ерда тотдим. Бир вақтлар ҳар бири санъат дунёсида катта шовқинга, самимий таҳсинга сазовор бўлган асарларимни гитлерчилар кўз ўнгимда ўтда ёқар экан, мен бу қадар азоб чекмаган эдим. Геббельснинг хаёлхонаси тўқиган хабарларга шубҳа билан қарагани учун ёлғиз ўғлимни отибдилар.

**Муаллим.** Бас, бас, бас! (*қўрққанидан юрагини ушлайди, аланглайди. Секингина.*) Нима дейсиз? Мен бу жаҳаннамда бўлсам ҳам яхши кунларнинг умидида яшамоқ истайман. Сизни ҳам шунга даъват этаман. Сиз каби санъаткор асрларда бир етишади. Қўрғазмаларда расмларингизни кўриб, уларни инсон қўли билан яратилганига таажжубланган эдим.

**Рассом.** Мен санъатдан хорижда яшай олмайман. Уғирликни, ваҳшийликни, қонни идеаллаштириб кўрсатмакдан қўлимни кесиб ташлаганим яхши!

**Муаллим.** Ҳай-ҳай, бас. Хайль Гитлер! (*Секингина.*) Юринг, меним қоронғи подвал уйимга тушиб сўзлашамиз. (*Кетадилар.*)

**Учинчи жуфт**

(*Семизликдан пихиллаган капиталист ва ёш танноз хотини*)

**Капиталист.** Тўхта, машина келсин. Жоним, балга бориш хабарини эшитиб, мени табриклашни ҳам унутдингиз.

**Хоним.** Янглишасан. Мен ҳар қандай бални ёқтирмайман. Аммо бугунгиси бошқача. Гитлер жаноблари ҳам бўладилар, деб ўзинг айтдинг ахир! Ҳа айтмадинг-ку, нима билан табриклай? Урушдан бери ҳар

икки кунда янги бир табрик кутасан. Ҳали дейсан — фалон ширкатнинг акциясини сотиб олдим, ҳали дейсан — фалон банкани ўзимга бўйсундирдим, ҳали мунча уруш заказлари олдим, дейсан. Оғзингдан ёлғиз миллион-миллион учади. Энди миллиарддан гапирмасанг, табрикламайман. Швейцариянинг жаннат каби сафдор бир манзилдан мен учун бир гўзал сарой сотиб ол. Американинг миллиардер хонимларининг бир кўришдаёқ оғизлари очилиб қолсин. Нима учун уруш бошладик? — ҳаққим бор!

**Капиталист.** Босиб олинган ҳар мамлакатда сенинг учун биттадан сарой бино қиламан. Қийин гапми? (*Шу вақтда бир тўда ҳорғин аскарлар ўтади.*) Мана бу азаматлар ҳар кун менга тоғ-тоғ олтин ағдаради.

**Хоним.** Жуда кўп немис йигитлари қирилди. Дунёга ҳоким бўлгунимизгача мамлакатда ёлғиз чоллар ҳам сен каби машинасиз юролмайдиган нотавонлар қолади шекилли.

**Капиталист.** Кўнглинг жуда нозик, раҳмдил. Бу — немис хотинига сира ярашмайди. Ҳар кун Германиядаги қушхоналарда қанча ҳўкиз, қанча чўчка сўйилади. Буларни ёдингга оласанми? Йигитларнинг камайгани маъқул: тинчроқ яшаймиз.

**Хоним.** Ҳа, айтмадинг-ку, қайси галабанг учун табриклай?

**Капиталист.** Югославиянинг ер ости бойликларига чангал урдим.

**Хоним.** Югославияда ҳали уруш кетаётибди-ку!

**Капиталист.** Қиҳ-қиҳ. Сиёсатда нима англайсан? Уруш бошланмасдан илгари бизлар мамлакатни парча-парча бўлиб оламиз. Қимга оёғи, кимга қўли, кимга биқини ва ҳ. к. тегади. Мен, албатта, кўпроқ қалбига чанг соламан, тушундингми? Биз ўзаро тақсим қилгандан кейин, Гитлер жаноблари ўлим машинасини бурайдилар: у мамлакатга осмондан, ердан, денгиздан вабо бўрони ҳужум қилади.

**Хоним.** Қўй, вабо тўғрисида гапирма, ўша ёқларда қутурсин. Юр, ана машинамиз тўхтади. (*Кетадилар.*)

**Тўртинчи жуфт**

(Икки аёл)

**Биринчи аёл.** Аҳ, дўстгинам, шўрим қурсин, бошимга тушган қайғуни сўрама!

Иккинчи аёл. Нима бўлди? Узингизни тутинг.  
Биринчи аёл. Сўрама, сўрама! Людвиг, ўғилчам, кўзимнинг оқу қароси Людвиг ўлибди.

Иккинчи аёл. Ай, худо! Оналарнинг кўз ёшларига ўзинг раҳм эт. Опажон, қайғурманг. Менинг ўғлим яқинда қайтди. Аммо тирик бўлиб, тирик эмас, ўлик бўлиб, ўлик эмас: икки оёқдан айрилиб келди.

Биринчи аёл. Айтинг, кимга керак эди бу уруш? Ярим оч, ярим яланғоч эдик — тинч эдик.

Иккинчи аёл. Энди умримизнинг таянчлари бўлган болаларимиздан, эрларимиздан, оғаниларимиздан жудо бўлдик. Яна қип-яланғоч, чинакам оч қолдик. (Аччиқ билан.) Хайль Гитлер! Ёғоч кавшини судраб, бозордан-бозорга итдек югуриб, юз грамм маргарин топдим. Хайр.

Иккиси ҳам кўз ёши билан икки ёққа кетади.

**Бешинчи жуфт**  
(Мамур ва профессор)

Профессор. Илм ва фалсафа ёлғиз бир мақсадга хизмат қилиши керак: немис ирқининг тирноғидан сочинга қадар айрим характер, хусусият ва мумтозиятга эга эканини исбот қилишдир. Илмнинг ягона вазифаси шу. Фюрер бундан ўзга илмни танимаydi. Ҳам тўғри. Дунёда немис ҳокимиятини барпо қилмоқ учун бу ҳақиқатни ўртага қўймоқ зарур.

Мамур (*пучуқ, минғиллаб гапиради*). Албатта, албатта, шундай профессор. Немис қонида фазилат кўп.

Профессор. Янги асарини ўқидингизми?

Мамур. Ўқидим. Немис қонининг тозалиги, аслиги тўғрисида ғоят қизик ва чуқур фикрлар баён қилибсиз. Шу асарингиз билан профессорлик унвонини олдингиз голибо.

Профессор. Ҳозир итнинг қонини атрофлича таҳлил қилмоқдаман. Баъзи халқларнинг қони билан таққослаш учун зарур.

Мамур. Муваффақият тилайман. Бу ишингиз билан академик бўласиз, шубҳасиз.

**Биринчи жуфт**  
(Миллер ва Бауэр)

Миллер. Йўқ, янглишасиз. Мен қурмоқчи бўлган заводлар ҳар хил пиво чиқариши керак. Ахир фюрер

нима дейди? Биз эт еганда суягини чехлар кемириши керак. Биз қаймоқ еганда, сутини, хўш, француз ичиши керак. Биз картошка еганда, пўчоғини поляк чайнаши керак. Жуҳудга эса бу ҳам увол кетади. Демак, пиво-нинг асл гулини немис ичади.

Бауэр. Худо ҳақи, иштаҳамни очиб юбордингиз. Бир бочкани қулт-қулт симиргим келаяпти. Қани, юринг, мен сизни қарздор қилиб турай.

Миллер. Ҳар бир кружка қарзим учун келгусида бочкалаб уйингизга юбораман, албатта.

Қаршидан штурмовик чиқади.

Штурмовик. Салом, амак! Мен сизникига кетаётир эдим.

Миллер. Қачон қайтдинг? Инма учун мен керак бўлиб қолдим?

Штурмовик. Фронтидан кеча қайтдим. Ганс сизга совға юборди. Мана. *(Чамадонни тутқизади. Миллер чамадонни очиб, кўз ташлаши билан ҳовлиқиб кетади. Дарахт остидаги скамейкага ўтиради.)*

Миллер. Ғирт ўгри эдинг, ўғлим аҳмоқ бўлмаса сендан бериб юборадими?

Штурмовик. Мана, рўйхати. *(Ёнидан қоғоз олиб узатади.)* Амак, қулф бузишдан воз кечдим. Энди менинг қулфимни бузмасалар бўпти.

Бауэр. Кўп ўлжа олдингизми?

Штурмовик. Олтин билан юз минг марка чамасида.

Бауэр. Қаерларда?

Штурмовик. Чегарамиздан ташқарида — ҳар бир қадамда... Овқат текни, мол текни, қиз текни.

Бауэр. Аҳ-аҳ... Жуда шонрона, ажойиб уруш бўлди-да! Бел оғригим бўлмаса эди, мен бу ерда судралармидим! Укам полковник Шульцни тапмайсизми? Юзи ямоқ, қайноқ табиат, баджаҳл...

Штурмовик. У миллионер бўлди. Бутун-бутун магазинларни поездга юклади.

Бауэр. Озгина ҳийла ишлатмасам бўлмайди. Тиллингдан айланай. Ростми? Оҳ, бахт! Келишим олдига борай. Пўқ, мен станцияга борай. *(Чопади.)*

Миллер *(рўйхатни ўқийди, олтин, кумуш асбобларни, бриллиантларни кўздан кечиради)*. Оз! Бельгия, Голландия, Франция, Дания — ҳаммаси олтин-кумушнинг кони эди-ку, Ҳа, нодон ўғил, атиги эллик-олтмиш

минг маркали буюм юборасанми? Узининг аҳволи қалай?

Штурмовик. Қўлидан айрилди. Қасалхонада.

Миллер. Пул бўлса — қўлнинг кераги йўқ. Пулнинг ўзи жуда эпчил қўл. Аммо шуниси ёмонки, у энди урушларга қатнаша олмайди-да! Оврупада, Осиёда таланиши керак бўлган қанча шаҳарлар бор! Эссиз!

Профессор билан Маъмур киради.

Профессор. Славян халқлари, дўстим, қул бўлишдан ўзга ҳеч нимага лойиқ эмас. Фюрер улар тўғрисида сўзлаганда, «ҳайвон» деган иборани, албатта, қўшиб айтади. Мустақил яшашга ҳақлари йўқ. Биз уларнинг далаларига ерлашамиз. Марҳамат қил, ишла, бизни боқ, бизни кийинтир, деймиз. Илм, санъат, роҳат, завқ-сафо немисники, деймиз.

Маъмур. Ҳамма немисникими?

Профессор. Йўқ-э! Бизда ҳам қўшоёқли ҳайвонлар кўпчиликни ташкил қилади. Албатта, улар соф аслзодалар учун юмушчи вазифасини ўтайди. Аммо поляклар, чехлар, булғорлар, русларга нисбатан улар ҳам ўзларини бир нав хўжайин деб билишлари керак. Масалан, от билан эшак тенг эмас. От беда ейди, эшак — алаф.

Маъмур. Табний. Шундай бўлгани маъқул.

Профессор (*тўхтаб*). Салом, дўстим Миллер! Чемодан бу ерники эмас. Ичидагиси ҳам, ўйлайман, чет эл моллари бўлса керак!

Миллер. Ўғилчадан совгача келибди.

Штурмовик. Амак қариллиқни роҳатда кечирадиган бўлди.

Маъмур. Бахтли ота!

Профессор. Немиснинг ҳар томчи қони бадалига душман пудлаб олтин тўкиши керак.

Миллер. Менинг фикрим.

Штурмовик. Фюрернинг фикри.

Профессор. Ҳаммамизнинг фикримиз, истагимиз шу.

Маъмур. Иложи бўлса, душманларнинг қўлидан темиртакни ҳам тортиб олмоқ лозим.

Миллер. Игна ҳам қолмасин.

Профессор. Молларигагина эмас, жонларига ҳам биз хўжайин.

Миллер. Англиянинг дарвозаси сабил очила қолармиди-а?! Бир Лондоннинг ўзида жаҳонга сиғмас давлат бор. Лекин Ганснинг қўлидан айрилгани ёмон бўлибди-да!

Штурмовик. Хафа бўлманг, Шмидтдан умид қилинг!

Миллер. А! Осмон — азалдан бўш нарса. Қошқи эди душман устига бир тонна бомбани ташлаб, астагина қўниб, икки тонна молни юклаб қайтишга имкон бўлса!

Штурмовик. Пайти келганда, учувчилар ҳам талашга чаққон. Жуда кўп кўрдим ўзим.

Миллер. Шундай дегин!

Маъмур. Дўстим, энди зиёфатни қачон ваъда қиласиз?

Миллер. Юришлар ҳозир. Лекин ёлғиз сосиска билан пиво.

Профессор. Майли. Бир соатдан кейин лекциям бор... Жаноблар, ирқимизнинг ажойиб хусусиятларидан яна бири қоннинг... (Кетишади.)

Ишдан қайтаётган кўп ишчи. Учтаси эркак, бири аёл. Ҳаммаси ҳоргин, қовоғи солиқ, жиддий. Бири жуда қари. Иккиси ундан кўра тетикроқ. Бири ўсмир — ўн олти яшар. Аёл — унинг онаси — ўрта яшар.

Аёл ишчи. Қонга тўймаган жаллод! Ҳамма жанобларнинг фикр-ёди — қон. Оққан қонларга гарқ бўлиб ўлгурлар!

Чол ишчи. Германиянинг таърифи бундай қора, шум, лаънати кунларни асло кўрган эмас. Мендек бир оёғи гўрда бўлган чолни ўн беш соат машинага боғлаб, дарра остида ишлатиш қаерда кўрилган ва қайси мамлакатда бор? Яна соф қонли немис эмишман, дунёга хўжайин бўлмоқ учун туғилган эмишман: ай, сафсата. Сафсата!

Иккинчи ишчи. Ҳаммаси Гитлернинг кўз бойламачилиги.

Учинчи ишчи. Ўз сафсатасининг заҳарни немис қонига ҳар минут, ҳар секунд юбориб турмаса, чирик дарахтдек қулаб тушувини Гитлер жуда яхши билади.

Чол ишчи. Фашизмнинг асл илдизи — заҳар сувли. Биз учун унинг барги ҳам, гули ҳам, меваси ҳам заҳар... Эй, худо, немис халқининг пешонасидан бу лаънат доғини ўзинг ювиб ташла!

Иккинчи ишчи. Дунёда, инсонлар орасида алдамчилик, қабоҳат, зулм эскидан мавжуд эди. Бизнинг хўжайинларимиз хулқи ва табиатига бу нарсалар кўпроқ ўрнашган эди. Лекин жиноят ва қабоҳат ҳеч вақтда бу кунгидек авжига минмаган эди.

Учинчи ишчи. Урушлар-чи? Илгариги урушларда ҳам қон тўкилар, талонлар бўлар эди. Аммо бизнинг ҳозирги ҳокимларимизнинг бошлаган урушида бўлаётган жабр, қон, талов, даҳшат олдида улар дарёдан томчи. Бутун-бутун мамлакатлар ер билан яксон қилинди. Халқлар бўғизланди. Тарихи, маданияти ва иззат нафсига тупурилди. Қўшнилариимизни қул деб эълон этилди.

Чол ишчи. Даҳшат! Юрагида виждон учқунини бўлган ҳар немис уятдан, шармандалиқдан бошини кўтаролмайдиган бўлди. Бир француз дўстим бор эди. Ўзим тенги чол. Соф юракли, олижаноб француз. Тунов кунини учрашиб қолдик — ҳижолатдан ўша замон ўлимига рози бўлдим.

Аёл ишчи. Айтмадингизмики, ҳозир ҳокимият билан немис халқи орасида ўпқон ётади, деб. Биз бошқа, улар бошқа, деб.

Чол ишчи. Дедим. Лекин Ватан қораланди-да.

Бола ишчи. Бобо, бойлар Германияси қораланди. Аммо ишчи Германияси аввалгидек, соф ва ёрқиндир. Буни кўрсатармиз.

Чол ишчи. Кўрсатингиз. Ёруғ Германияни кўриб ўлсам, қабримда тинч ухлар эдим. Бироқ, куч қани?!  
Аёл ишчи. Куч қўрқмасликда!

Иккинчи ишчи. Курашда сабот, яқдиллик ва уюшқоқликда!

Бола ишчи. Биз бор, коммунистлар бор — мана куч!

Шу вақтда узоқ хуштак овозлари эшитилади. Яҳудий қиз югуриб келиб, ишчиларга ўзини ташлайди. Ишчилар уни дарров бир эшикка киргизиб юборадилар. Орқадан полислар етишади.

Биринчи полис. Қаёққа қочти ит? Нега ушламадинглар. *(Дарра билан бир-икки уради бир ишчини.)*

Аёл ишчи. Қуёндек қочди. Югуринглар. Уғлим, югур, сен ҳам ёрдамлаш.

Бола чопади. Орқадан полислар. Аёл ишчи яҳудий қиз кирган эшикка кириб кетади. Полислар ва штурмовиклар бир тўда яҳуд ва поляк қизларини қуршаб олиб ўтадилар. Масхаралайдилар. Ишчилар нафрат билан тарқалишади.

Миллер, штурмовик, маъмур, профессор.



Миллер. Аҳа. Бу яхши иш. Ҳай, нози карашмани солдатларимиздан аяманглар. Хайль Гитлер!

Профессор. Қопимизни бузмасалар яхши эди!

Миллер. Йўқ. Булар солдат истеъмоли учун. Мевасини куртакдаёқ узиб ташлайдилар.

Маъмур. Азбаройи худо, солдат бўлгим келаяпти. Полякларнинг зоти паст бўлса ҳам, қизларни ажаб дундиқ бўлади-я!

Радио янграйди. Радиодан товуш: «Белград омонсиз бомбардимон қилинди. Шаҳар ер билан текисланди. Бутун Югославия олов ичида. Немис иродасига қаршлик кўрсатган ҳайвонлар учун бу ҳам оз. Славянларни ер юзидан қириб юбориш жиноят эмас, балки маданият олдида катта тахирий вазифадир!»

Миллер. Қиргандан кўра қул қилиб минин керак эди. Ахир, менинг қуражак заводларимда ким текинга ишлайди? Йўқ, менга текин меҳнат керак.

Профессор. Қулларимиз ҳадсиз кўпаяди. Сўнгра, тишли ҳайвон-да, озиқ талаб қилади.

Маъмур. Тўғри гапингиз. Менга минг гектар билан мингта қул кифоя. Хайль Гитлер!

## ҚАЙНОҚ КУНЛАР

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### Биринчи кўриниш

Саҳна: Қишлоқда, тегирмон ёқасида, жиҳози камбағал бир хона. Қиш кечаси. Тегирмон шовқини эшитилади. Уртада гулхан. Чол — Турғун бобо пешмоқда. У ҳорғини ва хафа.

Турғун бобо. Водариф!! Бошимизга не кунлар келди! Ҳар хонадонда тоғ-тоғ ташвиш, ҳар кўнгилда китоб-китоб гам. Эй, кўҳна фалак! Тузуглиқ куннинг бир — бузуглиқ куннинг ўн, балки юз. Ҳм-м-м... (*Гулханга ўтин қалайди.*) Большавой ҳам дунёни ободон қиламан деб роса тер тўқди-я! Эртақда бўладиган анво ишларни юзага чиқариб, муродга етаман деганда, ана у ёқдан ёв босиб қолди. Мазмун — бу уруш тоифалар орасида кетди. Тоифа орасидаги уруш беҳад хунрез бўлиши турган гап. Йўли бошқа-бошқа ёв — ўт билан сувдек... Ана, бола кетди, орқасидан ота кетди. Қанот-қуйруқсиз қолдим. Ёлғиз биргина қизалоққа суялиб қолдим. Набиранинг дарди тоғ, ўғилники ундан ҳам улугроқ... Ўзинг кечир, тангрим, бу мусибатли кунларни ўзинг даф эт, мушкулларни ўзинг осон қил! Ўзим учун эмас — юрт учун, эл учун ёлвораман, эгам. Элга мадад бер, азал уйларни шоду ҳуррам қил. Вой белим-эй!.. Кун сайин пугурдан кетаяпман. Ё, ҳаллоқ, ўзинг имонини басаломат эт!

Мастон (*югуриб кириб*). Қалайсиз, бобожоним, совуқ қотдингизми? Изғирин шундай қаттиқки, тишингни-тишингга тегизмайди. Қатқалоқлик ерда йиқила-қўпа бир югурдим, қизиб кетдим, ҳатто терлабман ҳам... (*Пешонасини артади.*)

Турғун бобо. Ешсан, болам. Ешлик — ўтлик. (*Кейин кулиб.*) Ҳа, яна қизсан, қизнинг жони қирқта. Мен айниқса бугун оловдан ҳаргиз айрилмай қолдим...

Мастон. Ҳа, сиздан гина борми? Икки қари ки-



Ойбек қозоқ ёзувчиси С. Бегалин ва Н. Фозилов билан суҳбатлашмоқда.

шича ёшингиз бор. «Турғун ота қанчага кирди?» деб сўрашса, кўз тегмасин деб, «Етмиш билан саксон орасида», дейман. Тўғриси, тўқсон билан юз орасидасиз.

Турғун бобо. Эгам, ўлчаб берган умр бор. Дунёни тарк этаман на бир кун олдин, на бир кун кейин. Мени қўявер, умрнинг банди ҳар зумда узилишга тайёр. Ажал шамоли дунёнинг нариги бурчидан пуфласа ҳам банд узилади-кетеди. Ўзинг омон бўл, қароғим. Даданг, аканг соғ-саломат қайтсин. Эс-ҳушим уларда. Кунларим уҳ тортиш билан, тунларим алфи-чалфи туш билан ўтаяпти, қизим. *(Бир оз сукутдан сўнг.)* Хат-пат келмадимми?

Мастон *(ўз-ўзига)*. Яна хат сўрайди. Уф, қачонгача алдайман! Ўзим тўқиган хатларни ўқиб бераман. Бояқиш бобом хурсанд бўлади. Қоғозни кўзларига суртади. Лекин унинг қувончи мени йиғлатади. Мен тўқиган хатнинг ҳар сўзи чолнинг юрак ярасини даволаса, менинг юрагимга ўқдек қадалади. Тўқилган сўзни ҳақиқат деб тушунтиришдан оғирроқ нарса бўлмаса керак. Энди нима деб айтсам экан! *(Жиддий, чолга.)* Бобожон, кишиларнинг болаларидан йиллаб хат келмайди. Мен сизга яқинда ўқиб бермадимми?

Турғун бобо. Қачон?

Мастон. Қанча бўлди? Хўш, ўн беш кун, ана бонинг, йигирма кун...

Турғун бобо. Ҳисобдон экансан. Ақлингга балли! Бир ойу тўрт кун бўлди.

Мастон. А?

Турғун бобо. Роса.

Мастон *(ўйлаб)*. Мунча ҳам зийраксиз! Тўппатўғри-я!

Турғун бобо. Болам, хатнинг ҳар бир сўзи ёдимда. Ишқилиб омон бўлсин. Олло-таолло элга тинчлик ва фаровонлик ато қилсин. *(Чол аста қўзғалади.)*

Мастон. Қаёққа тағин? Ўтиринг, ҳали гапларим кўп. Мен чироғ ёқай. *(Чироғ қидиради.)*

Турғун бобо. Чироғ ёқиб, яна китобга тикилмакчимсан? Бас, ухла. Биламан, чарчадинг, шу кунларда ўн эркакнинг ишини қиляяпсанлар. Ишларинг кўп. Узундан-узун қиш кечаси. Майли, болам, рўзингни сот, рўшнолик ол, деган қадимгилар. Ёқай, дедим-ку, лекин ўриснинг чироғини тушунмайман. Шишаси балиқдек қўлимдан сирғаниб кетаверади, ичидаги лўкидонини ҳам чиқаролмайман.

М а с т о н (*чироғни ёқиб*). Шукур қилинг, бутун қишлоқ сизни ўз отасидек ҳурмат қилади. Ҳар бир сўзингиз улар учун олтин баҳосида. Зувалангиз пишиқ, ҳали менинг бахтимга узоқ яшайсиз, бобожон. Уруш бошлангандан буён ҳали бирон кун бўш ўтирганингиз йўқ. Иш билан, сўз ва келгаш билан ҳар мушкулни осон қилишга илож қидирасиз. Яна қўш тошли тегирмонни юргизиб турибсизки, бир минут бўлсин гувуллашдан тўхтамайди. Ҳамма сизни девкор дейди!

Т у р ғ у н б о б о. Девкор эмиш. Бари сув билан тошнинг иши! Гумбурлаган сувга, азамат тошга балли! Йигитлигимда ана шу тош, ана шу сувнинг кучи бор эди менда. Бари кучни умр оқизди, кемирди. Соядек тинч ва ожиз бўлиб қолди. Хайр, эл-юртга худо қувват берсин. Бу бепоён мушкулотни ёлғиз эл даф эта олади. Аммо шарт шуки, орада аҳиллик бўлсин! Билиб қўйки, колхозингда ноаҳиллар йўқ эмас. Сен ўйламагинки, чолнинг қулоғи кар, кўзи ўтмас, эси айниган, деб. Йўқ, ҳазор бор шукур, кўнгил кўзи билан кўраман. Зоҳирий кўздан кўра, ботиний кўз яхшироқ кўради...

### ГОМЕР

#### ИЛИАДА

Оҳ, тангрилар қалбга мудҳиш фалокатни бажардим,  
Бу тўғрида онам олдин хабар берган; у деганди:  
Трояда мендан аввал ботир жангда мирмидонли  
Троянинг майдонида айрилажак кун нуридан.  
Ўлмас худо! Менетининг олижаноб ўгли ўлди.

*(XVIII қўшиқ, 8—12-бетлар).*

Энди сенга ниҳоясиз бир қайғуни билдирай,  
Ҳалок бўлган ўғил дарди, ки сен ортиқ кўролмайсан  
Яшашни ҳам, жамиятда юришликни, агар Гектор  
Найзам билан парчаланиб, жон бермасми, энди сўйла,  
Патроклга қилган жабри учун менга ҳақ бермаса!

*(ўша қўшиқ, 88—83-бетлар).*

Хабарингга қараганда, сен ҳам, ўғлим, тез ўласен!  
Приамнинг ўғлидан сўнг ссига кафан муҳайёдир!

*(ўша қўшиқ, 95—96-бетлар).*

Оҳ, ўламен шу тобда мен! Гўзал юртдан кўп узоқда  
У йиқилди; албат мени чақиргандир, қутқарамен  
ўлимдан!

Мен ҳаётда на қиламен! На кўрамен азиз юртни,  
На қутқардим Патроклни, на у кучли Гектор урган  
Бошқа асл дўстларимни мудофаа қилмадим мен.  
Яна мен эр! Кенгашларда бошқалар ҳам гарчи яхши,

.....

Лекин Ахей ботирлари ичида мен жангда олдин!

. . . . .

Мен чиқамен, менга азиз бошни янчган у Гекторни  
Учратамен! Мен ўлимга тайёрдирмен! Уни менга  
Буюраркан энг қудратли Кронион ҳам худолар!  
Энг азамат Зевс Кронидга қанча суюк бўлолмасин  
Энг улуғ мард Геракл ҳам бу ўлимдан қочолмади;  
Қайтмас тақдир ва адоват энгди ботир Герани ҳам.  
Менга тақдир шундай ёзмиш эса мен ҳам қайда бўлса,  
Унда ўлган; лекин олдин порлоқ шараф қозонамен!  
Троянинг у кўкракдор хотинлари орасидан  
Бир кўпининг фиғон-нола билан кўксин ёндирамен!  
Мен кўп кунлар маъракадан тин олганим тез билишар!  
Мен чиқамен жангга яна, қўй қарорим бузолмайсен!

*(Ўша қўшиқ, 98—126-бетлар).*

Жон берарқан, дабдабали Гектор унга хабар сўйлар:  
Билар эдим сени; сенга ёлборишим таъсир қилмас,  
Буни мен илк сезган эдим: кўкрагингда қалбинг —  
темир.  
Мен сен учун тангри қаҳри бўлмам, лекин кўзингни оч,  
Александр, тири андоз Феб қудратсиз каби сени  
Скей дарвозаларида ағдаражаклардир улар.

*(XXII қўшиқ, 355—360-бетлар).*

Зевс олтин тарозуни ёйди; унга ташлар узоқ  
Уйқу сари ботирувчи икки ўлим насибасин:  
Бир насиба Ахиллеснинг, бири Приам ўғлиники.  
Ўртасидан тутиб тортди: босди Гектор насибаси,  
Айдага йиқилди у; кетди ундан Аполлон ҳам.

*(Ўша қўшиқ, 913-бет).*

Турди, дала қўтасининг шохларини ушлаб олди,  
Тезакларни у туфуриб, аргиванларга деди:  
«Яшинчининг қизи, дўстлар, оёғимга зарар берди,  
Афина! У Одиссейга она каби ёрдам тилар ҳамиша!»

*(XXIII қўшиқ, 780—784-бетлар).*

**А. С. ПУШКИН**

**ПОЛТАВА**

**М а р и я**

Эй, менинг севгилим,  
Юртимизга сен шоҳ бўласен балким!  
Сенинг оқ сочингга қандай ярашар  
Подшоҳлик тожи!

**М а з е п а**

Ҳали тўхта,  
Иш битган йўқ. Бўрон қўзғолар;  
Қим билади, мени нималар кутар?

**М а р и я**

Мен сенинг ёнингда қўрқув билмаймен —  
Сен шундай қудратли! Бидамсн, албат.  
Сени кутар тахт.

**М а з е п а**

Агар жанг бўлса-чи?..

**М а р и я**

У ҳолда сен билан мен ҳам жанг сари.  
Оҳ, сендан айрилиб туришим мумкин?  
Йўқ, бекор: сенда бор шоҳлик нишони.



М а з е п а

Суясенми мени?

М а р и я

Мен! Суяменми-а?

М а з е п а

Айт, отами ёки эр  
Сенга азиз?

М а р и я

Суюкли дўст,  
Бундай савол нечун? Бу бекор  
Ташвишга солади. Оиламни мен  
Унутишлик учун тиришадирмен.  
Мен у оиламни қилдим шармисор;  
Эҳтимол (у қандай мудҳиш бир хаёл)  
Отам мени қарғаб, оқ қилган дарҳол,  
Барчаси ким учун?

М а з е п а

Сенга, демакким,  
Отадан мен азиз? Сукут қиласен...

М а р и я

Ё раббим.

М а з е п а

Не дейсан? Жавоб бер.

М а р и я

Сен ўзинг ҳал қил.

## М а з е п а

Тингла, агар бизга — Унга ё менга  
Ўлмак лозим эса, сен қилсанг ҳукм:  
Айт, у чоқ сен кимни қилардинг қурбон,  
Қимга сен мурувват қилардинг у он?

## М а р и я

Оҳ, етар! Қалбимни паришон қилма!  
Сен кўп жодугар.

## М а з е п а

Жавоб бер.

## М а р и я

Рангинг ўчиб кетди; сўзинг қаҳрли...  
Аччиқланма асло! Мен ҳар нимани  
Сенга қурбон қилиш учун мен тайёр,  
Инон, аммо бундай сўзлар қўрқитар.  
Бас энди.

## М а з е п а

Мария, эса тут,  
Нималарни айтдинг менга сен ҳозир.

# МАТЕРИАЛЛАР



«ҚУЕШ ҚОРАЙМАС» РОМАНИ УЧУН  
ТУПЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР

СТАЛИНГРАД

Бектемир тунда тош, гишт уюмлари орасида ётибди. Шаҳарда ёнғин. Қўшни батальон душман билан қизгин жанг олиб бораётир. Уй — хотира: Сталинградга қайдан келиб қолди?

Тонг. Муаллим — кичик лейтенант келади. Жангга ҳозирлик.

Рота командири — Краснов. Лейтенант. Собиқ студент. Батальон командири Копецкий. Ҳунари.

Штаб бошлиғи — тарихчи — зиёлилардан. Взвод командири — ёш бола, кўнгилли, «харьковский» (Нагибин).

Немислар ҳужуми. Муҳим нуқтадан бизникиларни сура олди. (Қайта-қайта атакадан кейин.)

Муаллим-лейтенант билан Бектемирнинг суҳбати. (Жанглар ва оқибат ҳақида.)

Подполковник Астахов вазиятдан порози. Батальон командирига вазиятни тузатишни буюради. (Батальон командири тушги ҳужумга жиддий тайёрланади.)

Ҳаводан ҳужумлар.

Муаллим-лейтенант билан штаб бошлиғи тунда подвалда тарих ҳақида суҳбатлашадилар, баҳслашадилар.

Ярадорлар. («Қиргоқнинг нариги бетига ўтмайман!»)

Бектемир ва ҳамшира.

\* \*  
\*

Қиш. Қишлоқ. Кеча. Катта сарой — омборхона. Аскарлар. Улар кимнидир кутадилар. Дубов ва Бектемир

киради. Ҳар иккиси — орденли. Дубов энди лейтенант. Дубов сўзлайди. Бўлажак катта ҳужум ҳақидаги приказни ўқиб эшиттиради. Аскарларда руҳланиш. Аскарлар тарқала бошлайди. Надя Бектемирга укасининг суратларини ва хотира дафтарларини топширади. Бектемир учун булар жуда азиз.

Бектемирининг Надяга муҳаббати кучайгани сезилади. Фақат у айтмакка ботинмайди. Надя буни сезади. Лекин уни бадтарроқ доғда қолдириш учун жўрттага бепарво чиқиб кетади. Бектемир унинг орқасидан қайғули термулиб қолади. Нариди табассум билан кузатиб турган Дубов ногаҳон келиб туртади. Бектемир ўнғайсизланади. Дубов Надя ҳақида сўзлайди. Иккиси ҳам кулишади.

Танкларимиз, пиёдаларимиз, отлиқларимиз ҳужумидан айрим картиналар. Бутун йўллар душман ўликлари, пачоқ техникаси билан тўла. Озод қилинган шаҳарлар ва қишлоқлар манзараси ўтади.

Кеча. Совуқ қаттиқ. Урмон ёқасида чайла. Гулхан. Дубов харитага қараб ўтиради. Бектемир келади. У совуқ қотган, ҳорғин. Ўтга ўзини уради. Дубов уни бу кунги хизмати учун қучоқлаб ўпади. Бектемир исингач, қўлтиғидан Тоҳирнинг дафтарларини чиқаради, аста варақлаб, ўқимоққа бошлайди. Тоҳиржоннинг Надя ҳақидаги ёзувларига кўзи тушади. Укасининг муҳаббатини англайди. Надя келади. Бектемир унга: «Энди синглимсан», дейди. Надя ҳайрон. Бектемир дафтарни кўрсатади. Надя ҳам фаҳмлайди. Дубов аралашади: «Уруш вақтида ака-сингил, урушдан кейин Надя Ўзбекистонга боради. Ё онанга қиз бўлади ёки келинчак», — дейди у. Бу гап ҳаммага маъқул.

Штабда аввалги генерал қабул қилади. Бектемирни офицерлик унвони билан табриклайди.

\* \* \*

Москвада бир уй... Она ва ёш ўғил — Аҳмад қилинажак саёҳатлар ҳақида сўзлашиб ўтирадилар. Уруш хабари эшитилади. Отаси келади. Эр — ҳарбий одам. У фронтга жўнаши керак. Хотин — доктор. У ҳам фронтга бормоққа қарор қилади. Болани таниш рус оиласига (Коля деган ўғли бор) қолдириб кетмоқчи бўладилар. Аҳмад кўнмас, охири рози бўлар... Булар хайрлашадилар.

Урмон... Аҳмад билан Коля пайдо бўлади. Булар Тошкентга жўнар экан, йўлда бомбардимон... Урмонга яширинганлар... Аҳмад билан Коля энди бутунлай жангчи бўлмоққа қарор қиладилар. Узоқда, ёғочлар орасида фашист офицерининг шарпасини пайқайдилар. Дарров маслаҳатлашиб, дарахтларга чиқиб оладилар. Фашист офицери бир солдат билан келади. Утириб ичади. Солдатни асир қиз ва овқат олиб келишга буюради. Бир оздан сўнг бошқа бир солдат келиб, совет граждандаридан ўн киши тутилганини билдиради. Офицер уларни олиб келишга буюради. Ўзи ичиб, ухлаб қолади. Болалар дарахтдан тушиб, уни тош билан уриб ўлдирадилар. Енларини титиб, ҳужжатларини, қуроallarини олиб, ўзини базўр судраб, узоққа, чуқурга элтиб ташлайдилар. Ўзлари яширинадилар.

Солдат совет граждандарини боғлаб келтиради. Офицер йўқ. Ҳайрон бўлади. Бир офицер қизни олиб келади. Асирларни отмоқчи бўлади. Бирининг қўлини ечиб, унга чуқур қазилмага буюради. Шу вақтда Аҳмад билан Коля югуриб келадилар-да, ечилган асирга тўппонча тутқазадилар. У отиб ўлдиради. Болалар дарров бошқа асирларнинг қўлларини ечадилар. Ҳамма ҳурсанд. Озодлик. Аҳмад уларни партизан бўлмакка даъват қилади. Улар партизан бўлишга қасам ичадилар...

## ҚАЙДЛАР

Самолётлар «круг» ясайди ва жангга киришадди. Бомбаларнинг визиллаши, гумбурлаши. Ер уюмлари минорадай кўтариладди. Фугас ва парчаланувчи (осколочные) бомбалар.

Моторларнинг «рёв»и.

Жангчилар яхши яширинсалар, талофат кам бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Моторларнинг шовқинига бардош қилиш қийин.

Ярадорларнинг овози — заглушенный. Танклар пайдо бўлганда, бронебойщиклар олдинроқ ўтадилар. Маскировка қилиб ётадилар. Масалан, ўт орасида ёки экинзорда. Жангчилар ўзларига окоп қазийдилар (агар бўлмаса).

Танкларни яқинроқ келтириб уриш дуруст. Тўплар 500—600 метрдан отсалар мумкин.

Танклар шикаст ейди — бир ёнга қийшаяди, чўкади, ловуллаб кетади.

Самолётлар олов бўрони каби учиб ўтади. Бир неча бор қайтарилади. Самолётларнинг шовқини ҳавода тинмаган; танклар яна пайдо бўлади. Улар секинроқ юришлари мумкин. Ора-сира тўхтаб, ўт очишлари мумкин. Тўпларнинг гумбуридан ҳаво янграйди. Туташ олов девори.

Танклар яқинлашаверадилар. Улар тигиз келишлари мумкин. Бронебойшчиклар тиззада туриб отадилар. Танклар кескин бурилиб қочадилар. Бир танк батальони команда пунктига яқинлашади. Лейтенант окопдан югуриб чиқиб, граната билан уради. Қолган машиналар бурилиб кетаркан, орқадан гранаталар билан уриб куйдирадилар. Атака қайтарилади. Лекин яна самолётлар (40—50 та). Яна 40—50 танк атакага ўтади. Ҳаво гулдираб қалдирайди. Тўпчилар шошиб қоладилар. Танклар ёнмоқда. Лекин тутун орасидан янги-янги машиналар тикка югурмакда, қисмни темир қучоғига олмакка интилади. Танклар ўпирадилар, мудофаа ичкарасига кирадилар. Окоплардан оғир лапанглаб ўтиб, олдинга силкийдилар. Лекин биронта жангчи ўз жойини тарк этмайди. Гранаталар, бутилкалар отадилар. Тўпчилар 15 метрдан урадилар. Танклар ёнади. Тумшуғини ерга тикади.

Бир нечтаси энди у ёндан — бу ёнга ожиз лапанглайди, олов ҳалқадан қутулишга йўл қидиради. Лекин ҳарёқдан гранаталар, тўпларнинг оғзи, танкка қарши қуролларнинг узун стволлари қаршилайди.

Жангчи танкка сакраб минади. Пулемёт стволига найзани тикади. Пулемёт жим; танк оғир қақшайди. У ҳарёққа айланади. Душман қани? Жангчи бутилкани машинанинг мотор қисмига ташлайди. Танк ёнади. Жангчи ўзини ерга отиб, чуқур жойга яширинади. Танк экипажи чиқади: ер бағирлаб жўнамоқчи. Лекин ўтлар орасидан учган ўқлар билан ҳалок бўлади.

Яна самолётлар, яна танк атакаси бошланади. Энди танкларда автоматчилар ўтирибди. Яна олов бўрони қаршилайди. Граната, бутилкалар. Танклар чекинади. Автоматчилар паришон. Танклардан ўликлар қулайди. Яна самолётлар, яна танклар. Жангчилар чуқурда — гўё пўлатдан қуйма: бир қадам ҳам силжимайдилар. Қисқа тинчлик вақтида яна чуқурроқ қазийдилар. Дала устида кескин, гаранглатувчи ҳид ва қалин тутун.



Жангчи маълум вазифани бажариб, шом қоронғисида ўз қисмига қайтаркан, ўққа тутилади. Қоронғи. Қичқириб, ўзини билдиради. 150 метр оралиқ.

Агар душманни шоширилса ҳам совуққонлик билан яхши нишонга олиб урилса, бир неча минут ичнда ўнлаб танкни яксон қилиш мумкин.

Узоқда, душман тарафидаги бирорта дарахтнинг аҳамияти.

Душман томонида, далада иччан уюми.

Немис танкчиларининг кийими қора.

Автоматчи немкаларни асир тушириш.

Жангчилар суюнган — куладилар. Немкаларнинг аксари узун бўйли, ориқ, сариқ соч. Сочлари мода билан таралган. Бошларида пилотка, юбкалари ҳар хил. Гимнастёркалари бир хил, кўкракларида автомат.

Самолётлар жуда паст учиб, пулемётдан отадилар. Баъзи пулемётчиларнинг башарасини кўриш мумкин.

1941 йил октябрь кунлари фронтда аҳвол гоят жиддий.

Немисларнинг танк дивизиясининг ҳужумини қайтариш.

Танкларни «ерга кўмиб», махсус дзотлар яшаш ва мудофаа учун фойдаланиш.

Кечаси рубежни ишғол қилинади ва танкларни «кўмишиг»га бошланади. (Танк қандай кўмилади?) Совуқ яхшигина. Ерда қор қалин эмас. Ой хира. Юпқа туман.

45 та немис танки эшелон-эшелон бўлиб ҳаракат қилди. Ҳар бир эшелонда 15 тадан танк. «Кўмилган» танкларимизга 200 метргача яқинлашади. Жуда яқин. Лекин 70 м оралиқдан танкимиз ўт очади. Биринчи снаряддан немис танки хашақдай ёниб кетади. Немислар шундай яқин нуқтани кўра олмас эдилар. Маскировка соз. Иккинчи немис эшелони нуқтани пайқади ва унга интилади. Бир «кўмилган» танк 15 танкка қарши жанг қилади. Танкчи ярадор. Танк анча шикаст еган. Танкчи ёнмоққа бошлади — этиги, шими, курткаси ўтда. Лекин танкчи яна отиб, икки душман танкнини ишдан чиқаради.

Танклар ёнади. Кечаси тепада ёнган танкда гўё вулқон каби аланга кўтарилади.

Танкчи курткасини ечиб отади, этигини ечади. Қорда думалаб-думалаб, ёнган шимини ўчиради. Уликдек

чўзилади. Душман танклари ўтиб кетади. Кейин танкчи ўз қисмига етиб боради.

1942 йил, февраль. Огра дарёси немисларда. Дарёнинг ғарб қирғоғига ўтиш керак. Бу — танк батальонига топширилган вазифа. 9 танк ҳужумга ўтади. Иккитаси оғир, қолгани ўрта танклар. Танклар қишлоққа киради. Немислар турган уйлارни ўтга тутаяди. Немислар буюмларини ташлаб қочадилар. Танк пулемётдан ўққа тутиб қувади. Танк сувдан чиқади. Лекин шикаст. Икки ёқдан немислар келмакда. Комиссар танкни тузатишга буюради. Уни қўриқлаш учун пулемётни ташқарига чиқариб, бир ярадор танкчини ўтқизади. Орқадан ёрдам етишади.

Бир совет танки шикаст топади. Уни дзотга айлантирадилар. Яхши иш беради. Ниҳоят, патронлар тамом бўлгач, бутун экипаж — 5 киши — ўз-ўзларини ўлдирадилар — 5 ўқ билан.

Танк душманнинг мудофаа майдонига ўтиб, противотанк тўпларини босиб, янчиши мумкин.

Қуршовда қолган қисмдан бошқа бир қисмнинг тасодифан хабардор бўлиши ва ёрдам кўрсатиши.

Йўлда, ўрмон ёқасида аёл жасади. Ёнида 2—3 яшар қизчаси. Қизча онанинг ўлганини яхши фарқ қилмайди. Булар лейтенантнинг оиласи. Фаже учрашув.

Ёр ва дарахтлар гўё портлашлар ичида кўмилиб кетади. Боруд тутуни ва чанг кўтарилиб, аста-аста чўкади. Ёр юзини ўраб олади. Қуёшни яширади, окоп тундек қоронғилашади. Душман снарядлари ва миналари учишини (рефлексивно) мушоҳада этмак мумкин.

Тўплар товушидан ҳеч нарса эшитиб бўлмайди.

Душман батареясининг ҳар бир снарядига қарши бизнинг батарея 3—4 снаряд юборади. Аста-аста душман арттўпи кучсизланади.

Тутун, чанг ланасида қисмларни янги жойларга кўчириш мумкин.

Танклар паноҳида келаётган пиёдалар. Танклар чекинганда, тезгина қочиб қоладилар.

Атакада энг муҳим момент — жангчининг ердан бош кўтариб, олдинга жўнаш моменти.

ФАРҒОНАЛИҚ АРТИЛЛЕРИСТ  
ТУХТАСИНОВ МАҲМУДАЛИНИНГ  
ВАТАН УРУШИ ФРОНТЛАРИДА ҚУРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИ

Мен Фарғонада налог инспектори бўлиб ишлардим. 1939 йил ҳарбийга чақирилдим. 12 кун пассажир поездидида юриб, Витебск шаҳрига келиб тушдим. 357-артполкда ўрнашдим. Бу ерда 28 февралгача артиллерия ишини ўргандим. (7 йиллик маълумотим бор эди.) Мен билан бирга уч ўзбек йигити ҳам бор эди. Уч ой ичида артиллерия ишини ўрганишга муваффақ бўлдим. Ўзбек шерикларим ҳам ўрганиб олишди. Строевой машғулот ҳам ҳар кун бўлди. Қийим-бош, овқат жойида. Биз яшаган уй яхши, озода. Бўш вақтларда шаҳарда кездим, кино-театрларга бордим. Шаҳар менга маъқул бўлди. Атрофи ўрмон эди, томоша қилиб келардим баъзан. Гоҳ-гоҳо битта-яримта белорус қизлари билан танишиб, хушчақчақлик қилардим. Русча билмасдим. Армияда дурустгина тил ўргандим. Келган вақтимда русчадан қийналган эдим. Икки ой бизга рус тилидан дарс бердилар. 28 февралда Белоруссиянинг Полоцк деган шаҳарчасига юбордилар. Фақат Урта Оснедан келган рус, ўзбек, қозоқ ва бошқаларни. Биз энди 58-полкка ўтдик. Бу шаҳарда совуқ қаттиқ эди — 48° га чиққан вақтлари ҳам бўлди. Постларда ўзбек йигитлари яхши турди. Полк командири ташаккур билдирди. (Командир — Белоусов.) 1940 йил 17 июнгача шу ерда турдик. Ҳар кун далада, ўрмонда 12 соатдан артиллерия машғулотини ўтказдик. Маскировка, отиш (расчётларга), окоп кавлаш, снарядлардан қандай фойдаланиш ва ҳ. к. ларни ўтдик. Бу ерда шаҳардан 6 км узоқда яшадик.

8 июлда кечаси соат 6 да тревога бўлди. Бизни 22-километрда бўлган лагерга олиб чиқдилар. Лагерь турмуши бошланди. Эрталаб соат 6 да турамиз. 25 минут физкультура, кейин ювинамиз. Нонушта. Кейин тактика машғулотини бошланади. 30 км йўл юриб, ўрмонларда, далаларда отиш тактикасини ўрганамиз. Учебний снарядларда отамиз. Фанердан ясалган танклар нишон бўлиб хизмат қилади. Машқдан қайтиб, уйларни тозалаймиз. Етоғимиз — чодир. Ёз чоғи унча иссиқ эмас. Ёмғир сероб. Кечқурун ўрмонда духовой музика чаладилар. Аскарлар «Интернационал»ни куйлайдилар.

17 июнда яна Полоцк ёнидаги бир қишлоққа қайтдик. Кечаси соат 12 да бутун артиллерияни поездга юклаб, Латвияга жўнадик. Бир ярим сутка йўл юрдик.

19 июнда кеч соат 8 да Латвия чегарасига етдик. Поезддан тушдик. Совет чегарачилари билан учрашдик. Дивизия командири (полковник) шундай деди: «Латвия билан уруш чиқиши хавфи бор. Агар шартимизга кўнса, иш тинчлик билан ҳал бўлади. Акс ҳолда уруш билан киришга тўғри келади».

Жанг учун тайёрланиб турдик. Соат ўн бир ярим. Ярим соат отдих. Ўн иккини кутмоқдамиз. Соат 12 да командир келиб, тинчлик хабарини берди.

Эртаси бутун дивизия бир парад бўлди. Отлиқлар, тўпчилар, пиёдалар, танкчилар — ҳаммаси границага ўтдик. У ёқдан Латвия армияси парад билан қарши олди. Офицерлари командирларимиз билан, солдатлари қизил аскарларимиз билан қучоқлашиб кўришдилар. Икки колонна бўлиб Друя шаҳрига кирдик. Шаҳардан ўтдик. Шаҳар яхши. Кўчалари асфальт. Бутун шаҳар халқи кўчага чиққан. Байроқлар осилган. Халқ хурсанд. Бир соат отдих. Магазинларга кирдик. Мол кўп. Олувчи кам. Дукштас деган иккинчи шаҳарга бордик. Бунда ҳам яхши қарши олдилар. Шаҳар ташқарисиди, ўрмонда чодир тикиб ётдик. Кундалик машғулоти бошладик. 12 кун турдик.

29 июнда Двинск шаҳри ёнида далага чиқдик. Отиш машқлари ўтказдик. Бунда 24 кун турдик. Ҳар куни кечаси — тревога. Узоқ масофаларга маршировка қиламиз. Бу ердан поездда Друя шаҳрига, қишки казармага жўнадик. Мен ҳамма машғулотларда ўз ишимни яхши бажардим, яхши баҳо олдим. Бу ерда ёмғир, лой кўп.

2 октябрдан 501-артполкка ўтказдилар. Бу ерда кундалик машғулоти. (Ҳар куни—12 соат) Қишни ўтказдик.

1941 йил 5 майда тревога билан поездга юклаб, Литвага юбордилар. 40 км пиёда маршировка қилдик. Болтиқ денгизи қирғоғига бордик. Денгизни биринчи марта кўрдим. Жуда катта. Қирғоқлари текис. Денгизда бизнинг ва немисларнинг савдо пароходлари юрибди. Ўрмонда, чодир ичида яшадик. Бу ерда бир ярим ой турдик. Бу ер немис чегарасига яқин. Бу ерда қирғоқни мудофаа қилиш ишларини машқ қилдик.

17 июнда Каунасга жўнатдилар (бутун составни). (Каунасда бизнинг аскарлар жуда кўп эди. Мен билан

уч ўзбек йигити бор эди. Фарғоналиклар. (яхши жангчилар эди.) Яхши шаҳар. Халқ кўп.

Бир куни чиқиб, 2 км юриб, ўрмонда тўхтадик.

2 июнь куни соат 12 да граница томон 17 км юрдик. Бир қишлоқда тўхтадик. Қишлоқ уйларида 3—4 дан бўлиб ётдик. Бир кечаси соат 5 да тревога бўлди. Ҳаммамиз бир қишлоққа йиғилдик. Командир уруш бошланганини билдирди. Бу кутилмаган эди.

...Кун ёришди. Биз қишлоқдамиз. Немис разведка самолёти учиб ўтди. 15 минутдан кейин 8 та бомбардировщик, 20 та истребитель пайдо бўлди. Биз дарров ўрмонга қочиб яшириндик. Тўплар очиқ қолди. Самолётлар келиб, бомбардировка қилди. Ваҳимали товуш эшитилиб турди. Ўрмон устидан истребителлар қайтиб ўтди. Зарар етмади. Шу қишлоқда икки кун тўхтадик. Оқоплар кавладик. Тўпларни жойлаштирдик.

24 июнда — кундузи — душман 60 самолёти билан бизга яна ҳужум қилди. Қишлоқ ёниб кетди. Тўполон бўлди. Ҳамма халқ югуриб кўчага чиққан, бола-чақани етаклаган... Улаётганлар ҳам кўп. Аскарлардан ҳам нобуд бўлди. Бомбардировка икки соатча давом этди. Қаунасан ўтаётган кичкина дарё йўлни тўсди. Йўлимиз бекилди. Дарё эни 5—8 метрча, чуқур. Кечиб ўтдик. Тўплар ҳам сувга ботди. Полкимиз 12 км юриб, ўрмон ёқасида тўхтади.

Тонг пайтида душман пиёда аскарлари кўринди. Яқин. Немисларни қочирдик. 2 км юрдик. Немис кавалерияси кўринди. Артиллерия билан отдик. Яна самолётлар қувлади бизни. Вилькияга чекиндик. Душман Вилькияни бутун кеча бомбардимон қилди. Кўп аскар, тўп, аҳоли нобуд бўлди. Шаҳарда ёнғин бўлди. Йўл бола-чақа, пиёда, отлиқ-арава билан лиқ тўла. Халқнинг юкларини тўпларга ордик. Одамлар орқамизда пиёда бордилар. Болаларни отларга миндирганмиз. Ўзимизнинг давлатимиз чегарасидан ўтдик. Очиқ йўлда юриб бўлмайди. Ўрмонда юрамиз. Халқнинг кўпи қишлоқларда қолди. Западная Двинага келдик. Кучли бомбардировка бўлди...

«НУР ҚИДИРИБ» ПОВЕСТИ УЧУН  
ТУПЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР

УРДУЧА-РУСЧА ЛУФАТ

- مان (ман) — мать  
باپ (бап) — отец  
مان — باپ (ман — бап) — родители  
بيطا (бета) — сын  
بيطي (бети) — дочь  
پوتا (пўта) — внук  
بهتيجا (бҳатижа) — племянник  
بهتيجي (бхатижи) — племянница  
چچا (чача) — дядя  
چچى (чачи) — тетка  
دادا (дада) — дедушка (с отцовской стороны)  
دادى (доди) — бабушка (с отцовской стороны)  
جوان (жувон) — молодой  
بورھا (бурҳа) — старик  
مرد (мард) — мужчина  
عورت (аурат) — женщина  
خاوند (хаванд) — муж, супруг  
زن (зан) — жена  
لر کما (ларка) — мальчик, сын  
لر کى (ларки) — девочка, девушка

گھر (гхар) — дом  
کمرہ (камра) — комната  
پلنگ (планг) — постель, кровать  
کپڑا (капра) — одежда  
کرتا (курта) — рубаха  
سر (сар) — голова  
ہاتھ (хатх) — рука  
پاون (павн) — ступня  
آنقعہ (анкх) — глаз  
ناک (нак) — нос  
کان (кан) — ухо  
انگلی (унгли) — палец  
ایک (эк) — один  
یکا (якка) — одинокий  
کالا (кала) — черный  
لال (лал) — красный  
سفید (сафид) — белый  
بد (бад) — плохо  
اچھا (ачха) — хорошо  
بہت (бахут) — много, очень  
مزدور (маздур) — рабочий  
کسان (кисан) — крестьянин  
کھیت (кхит) — поле  
گاؤن (гаон) — деревня  
گیھون (гихун) — пшеница  
اناج (анаж) — хлеб в зерне  
آلو (алу) — картофель

چاول (чавал) — рис  
روی (руи) — хлопок, вата  
کپاس (капас) — хлопок, хлопчатник  
جنگل (жангл) — лес  
بیل (бсл) — бык, вол  
پانی (пани) — вода  
هل (хал) — плуг  
روتی (рўти) — хлеб  
بونہ (буна) — сеять  
چائی (чай) — чай  
زمیندار (заминдор) — помещик  
سببا (саб) — весь, все  
سرک (сарк) — улица, дорога  
روپیہ (рупия) — рупия, деньги  
لاکھ (лакх) — сто тысяч  
سو (со) — сто  
آج (аж) — сегодня  
کل (кал) — вчера, завтра  
لاتھی (латҳи) — дубинка  
نیا (ная) — новый  
پراز (пурана) — старый  
باغ (бағ) — сад  
بیکار (бекар) — бездельник, зря

#### ПОКИСТОН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

<sup>(1)</sup> سب کو ایک لاطھی سی ہانکنا

(Саб ко ек латҳи се ҳанкна)

Всех погонять одной палкой.

Всех мерить на один аршин.



(2) سودن چوركى ايک دن سارهکا

(Со дин чорке ек дин садҳқа)

Сто дней вора — один день праведника.

Сколько вор не ворует, все равно попадает.

(3) سورج کو ائينم دکھانا

(Сураж ко анна дикҳона)

Солнце показывает зеркало.

Ученого учить — только портить.

(4) صحرا مين ارند پردهاز

(Сахро мен аринд пардҳон)

В сахаре и арынд министр.

На безрыбьи и рак рыба.

(5) ضرورت ايجادكى مان پى

(Зарурат ижодки ман ҳе)

Нужда — мать изобретения.

(6) كمهادى اپنى هى بهاندى كو سرمهائى

(Кумхади апни ҳи бҳанди ко сарҳати ҳе)

Каждый горшечник хвалит свой горшок.

Каждый хвалит свою работу.

(7) نيا نو دن پرانا سودن

(Ная нау дин — пурана сау дин)

Новый на девять дней, а старый на сто дней.

Старый друг — лучше новых двух.

## «АМИР ОЛИМХОН» РОМАНИ УЧУН ТУПЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР

Бухоро дарвозалари: шимоллий томонда — Имом ва Самарқанд; жанубда — Шайх Жалол (ҳозир ҳам сақланмоқда), Номозгоҳ ва Саллоҳхона; шарқда — Мозор ва Қарши; ғарбда эса — Уғлон, Талипош, Ширгирон ва Қоракўл.

Бухоронинг тарихий ёдгорликлари ва зиёратгоҳлари: Тоқи Заргарон, мадрасаи Абдулазизхон, мадрасаи Улуғбек, тими Абдуллахон, тоқи Телпак, Магоки Аторон, тоқи Сарфарон, ҳовузи Девонбеги... Унинг ғарбида — масжиди Девонбеги, шарқида — мадрасаси, шимоллий тарафида эса Кўкалдош мадрасаси.

Девонбеги масжиди саҳнида баъзан номоз ўқилган, баъзан шоҳномахонлик ҳам бўлган.

Девонбеги ҳажга кетганда, хазинасининг калидини хотинига топшириб, асло сарф қилмасликни буюрган. Хотини эса эрининг сафарда эканидан фойдаланиб, Лаби ҳовузни ишлатган ва хазинани бўшатган. Девонбеги қайтиб, «Бу не гап? Нега хазина бўш?» деб раижиганда, хотини «Хазина бўшаган бўлса ҳам исмингиз тарихда қолди», деб жавоб берган.

Олимхоннинг отаси ақллироқ бўлган. Ожиз тахаллуסי билан шеърлар ҳам ёзган.

Олимхоннинг ҳарамида ҳаминша қирқ қиз бўлган. Харамага янги қиз келтирилганда, аввалгилардан бири амирбекларига тортиқ қилиб турилган. Олимхон харамидаги қиз бек учун табаррук хотин ҳисобланган.

Бухоро хонлигининг байроғи гунафша рангда бўлиб, унда ой, икки юлдуз ва беш панжаниннг расми тасвирланган.

Амир ихтиёрида афгон аскарлари бўлган. (Амир ўз одамларига ишонмасдан афгонларни ҳам сақлаган). Аммо 20-йилларда уларнинг кўпи амирга хиёнат қилган. Қолган-қутганлари эса амир билан бирга қочган.

Амирнинг етмиш беш хил зулми бўлган.

Арк дарвозасида катта дарра — символ бўлган.

1868 йилгача қул бозори ҳам бўлган.

Саройнинг пой остонасидаги ерлар чигириқ билан сугорилган.

1810 йилда Туладан катта самовар буюртириб олинган.

Катта, икки гилдиракли тўп. Тош тўплар ҳам бор.

Саломхона ёнида амирнинг яқинлари ўтирадиган жой — девон бўлган. Амир яшаган жой Арк деб аталган. Амир 1917 йилга қадар шу ерда, кейин Ситораи Моҳи Хоссада яшаган.

Ногорахона — учинчи қаватда.

Ҳовли ёнида — отхона, пастда — қоровулхона. Отхонанинг бурчагида — хазина.

Амир 1918 йилда меҳмон қиламиз деб 22 комиссарни бир хонага таклиф қилган. Хона полсиз бўлганидан комиссарларни пастга тушириб юборган, сўнг улар устидан тезоб (кислота) қўйиб ўлдирган. Тирик қолган учта комиссарнинг бирини отиб, қолган иккисини милтиқ қўндоғи билан ўлдирганлар.

Арк ёнида рус элчисининг кичкина бир хонаси бўлган. XIX асрда масжиди жами қурилган.

Арк дарвозасидан кирганда, чап қўлда — обхона (зиндон), канахона (ертўла) бўлган.

Амир Саид Олимхон—мангитлар сулоласидан. Ҳукмронлик даври — 1910—1920 йиллар. У 1920 йилда Бухородан Душанбага, 1921 йилда эса Душанбадан Афғонистонга қочган.

Душанбада қизлар билан базм қилиб, кун ўтказган. У Бухородан қочаётганда, туяларда олтин олиб кетган. Афғонистон, Англия ва Швейцария банкларида олтин сақлаган.

Амир умрининг сўнгги йилларини Афғонистонда ўтказган. 1942 йилда кўр бўлиб ўлган.

Амирликдаги асосий давлат ишини қушбеги олиб борган. Бундан ташқари, қози-калон ва раис ҳам бўлган. Мамлакатни сўрадиганлар — амирнинг маслаҳатдошлари ва суянгичлари асосан шулар бўлган.

Қушбеги ўн йилда уч марта ўзгарган. Уларнинг энг золимларидан бири Жонмирза қушбеги бўлган. Вафоти тахминан 1905 йил. Бунинг ҳақида Фитрат демиш: «Айиққа ўхшаш ифлос одам. Дўзахга томон тез интилди».

Кейин Бурҳониддин қушбеги бўлган. У ҳам диндор, жоҳил, золим эди.

Қози Шарифжон ёки Шариф маҳдум икки-уч йил қози-калонлик қилган. Хийла маърифатли киши (Айний унинг эшигида хизмат қилган.) Адабий таҳаллуси — Садрий Зиё. Бир қўлёзма тазкираси бор. (Тошкентда, Шарқшунослик институтида.) Тазкира 1923 йилларда ёзилган. 1932—1933 йилларда вафот қилган.

Ўғли Муҳаммаджон Шукуров — филология фанлари кандидати. Душанбада яшайди.

1917 йилларда жаллодлар етишмай қолган. Шунда: «Зиндондан келтиринг, маҳбуслардан!» — деб буюрган амир. Уларга беклик ваъда қилганлар. Рад этсалар, ўлим билан қўрқитганлар. Маҳбуслар аввал кўнмаганлар, ўлимни эшитгандан сўнг баъзи бирлари мажбуран жаллодликка рози бўлганлар. Зиндонлар гуноҳсиз маҳбуслар билан тўлиб кетган. Амир уларни қатл этишга шошилган.

Амирнинг тўртга хотини шаръий никоҳда бўлган. Янги хотинни олганда, бошқасини талоқ қила берган.

Арkning орқасида Чил духторон бўлган. Бу бир қудуқ, усти гумбаз билан ёпилган. Амирни рад этган қизлар қудуққа ташланганлар.

Арkning орқасида — зиндон. Унда айрим қудуқлар ҳам бўлган. Қудуқдаги маҳбусларга арқон билан овқат, сув берганлар. Уларнинг соқол ва тирноқлари ўсиб ёта берган. Зиндондагиларга қариндош-ақраболари келтирган овқат ва пулларнинг тахминан учдан бир қисмигина етган, учдан икки қисмини эса зиндон хизматчилари ўғирлаган.

Зиндонда узоқ йиллар қамалиб ётганлар турли ҳунарлар билан машғул бўлиб, зиндон олдига ўзлари яса-

ган буюмларни олиб чиқиб сотганлар. Уларнинг қўл ва оёқлари эса занжирбанд бўлган.

Зиндон — ўрта асрча қолоқ, зах, ифлос.

Сарбоз — боши билан ўйнайдиган одам. Мажбуран олиingan. Муддати — абадий. Ҳафтада икки кун дарбозадан ташқарида машқ қилган.

Тўпи жаҳонгир.

Тоши бир юз йигирма метрга етади. Тошлар тўп оғзига жойланади, орқадан пилта ёқиб отилади. «Амири-мизнинг тўпи жаҳонгири бор, бир отса — Петербургга етади», дер эканлар. Лекин қурол ва армия ниҳоятда қолоқ бўлган. 1917 йил февраль иккилобидан сўнг амир кўрққанидан қуролларни четдан сотиб ола бошлаган. Аммо пулемётлардан отадиган аскарлари бўлмаган.

Муллалар, руҳонийлар ниҳоят реакционер бўлиб, шифохона, темирўйул, мактабларга қарши чиққанлар.

Раиснинг қўлида қамчи. Бозорда тош-тарозини текшириб юрган. Рамазон ойларида одамларга калиман шариатни айтганиб текширган.

Бухоро амирлигида Ҳисор, Қарши, Чоржўй, Қармана беклари бўлган. Ҳар бекликка қараган туманларда оқсоқоллар ва аминлар бўлган. Туманларнинг кўп жанжалларини туман қозилари ҳал қилганлар. Қозилар авлоди амирга яқин турган. Мадраса муллабаччалардан тайинланган. Каттароқ гуноҳкорлар Бухорога келтирилган. Кичкиналари эса жойларда жазоланган.

Амир тўрт хотинининг иккисини 1922 йили Афғонистонга сўратиб олган. Иккитаси қолган. Бирини қоровул бўлиб ишлаган, иккинчиси колхозчига тегиб кетган.

**Ҳусайн Ёқуб:**

— Амирнинг отаси Аҳадхон Қарманда турарди, Олимхоннинг ўзи эса Қаршида ҳоким бўлиб турарди. Олимхонни истеъдодсиз деб отаси севмасди. 1910 йилда, отасининг вафотидан сўнг Олимхон Бухоро тахтига ўтириб, сўнг отасининг вафотини эълон қилган.

Олимхоннинг Имомқул деган саркардаси бўлган. Олимхон ундан «Нима есам семираман?» деб сўрар экан. Саркарда: «Нон ва сув!» деб жавоб берган.

Бутун ёрлиқлар ўзбекча ёзилган, салом ҳам ўзбекча

бўлган. Салом оғаси биров келганда, унинг исмини олиб, «Фалончи жаноб олий ҳазратга салом айтадилар», дер экан. Амир номидан биров бу саломга жавоб берар экан. Амирнинг олдига фақат энг катталаргина кирганлар ва амирнинг имоси билан чиқиб кетганлар.

Амир бир йилда икки дафъа катта тантана билан ид намозига чиқар эди. Бу Мир дўстум ҳовузидан бошланиб, ховзи Навда тамом бўларди. Хиёбон кўчасига Шайхи Жалол дарвозасига қадар зийнат бериларди.

Намозгоҳ деган жой бор. Намоз шунда бўларди. Амир чиқишига қадар отлиқлар чопиб, бир-бирига хабар қиларди. Амирдан илгари олтин-кумушлар билан безатилган отлар чиқарди. Ҳар бир отнинг икки томонида чиройли, узун бўйли, махсус либос кийган икки йиғит отни олиб юрар эди. Улар шотирлар деб аталарди. Оёқларида енгил, учлари осмонга эгилган оёқ кийими, бошларида телпак, белларида қўнғироқ бўларди. Кейин юзи зар билан тикилган ва жинга қадалган саллалли амир чиқарди. Унинг олдида оқ таёқли мулозимлар юриб, халққа: «Қўлингизни чиқариб, дуо қилинг!» — деб борардилар. Одамларнинг қўлида қурол бўлмаслиги учун амирнинг икки томонида қўлларида ойболта кўтарган икки отлиқ юрарди. Кейин қушбеги, қози-калон, раис, миршаб борардилар. Амир қайтиб кетгандан сўнг ҳаммага шўлон (ош) бериларди. Ҳаммага бир товоқдан. Баъзан одамлар товоғи билан ҳам олиб кетардилар. Биров еб ўтирса, иккинчи биров келса ҳам ол, демасди, агар еса «қўй», демасди.

Ошпаз амирга ош келтирганда, тиз чўкиб, икки қўли билан ошнинг юзини сидириб, ўзининг оғзига солар, сўнг чиқиб кетарди. Чойни ҳам қайтариб, бир хўплаб, таъзим билан чиқиб кетарди.

Амир инқилоб арафасида кўп одамларни айблаб, ҳатто уларнинг хотинларини ҳам жазолаб, уларнинг бошларини кестирган.

Амирнинг илтимоси билан Афғонистондан ўн уч филда аскарлар келтирилган. Улар кўп тартибсизлик қилган. Ўзларини устун тутиб, ёш ўғил болаларни ота-оналаридан тортиб олган. Инқилобдан аввал уларнинг ўзлари ҳам қочган.

Амир бир хотини ва онасини Афғонистонга юборган эди. Унинг яна бир хотини яхши музикачи бўлган.

Амирга қизларни топиб берувчи махсус хотинлар бўлган. Амалдорлар ўз қизларини амирнинг ижозатисиз эрга беролмаган; аввал уларни амирга тортиқ қилганлар...

Бир кампир Аҳадхонга: «Гўзал қиз бор», деб хабар беради. Қизни ота-онаси яширади. Хон кампирни минорадан ташлайди. Кампирнинг кўйлаклари пораланади, аммо ўзи тирик қолади. Уни авлиё деб хон ўз саройида тутеди. (Бу афсона.)

Файзи авлиё Ғиждувонда яшаган. Беш марта намоз ўқиган. Кечаси катта бойларнинг дўконларини ўғирлаган. Уни узоқ вақт тутолмаганлар. Ахир тутганлар ва қопга боғлаб минорадан ташлаганлар. (Бу ҳам афсона.)

Саройга кирган ва чиққанларни доимо тафтиш қилиб турганлар. (Хотинларни — хотинлар, эрларни — эрлар.)

От бозори шаҳарнинг шимолида. Ситораи Моҳи Хосса йўлида.

Хусанов Муҳаммад Юсуфзода (олти ўгли, уч қизи бор; тил ва адабиёт муаллими; 1920 йилда 20 яшар бўлган):

— Хиёбонларнинг ҳаммасида косиблар ишларди. Уларнинг бир бобоси бўларди. У ҳунарманд билан устакорлар ўртасида шартнома қиларди. Шоҳи, адрас, бахмал ҳунармандлари бўлган. Ҳунармандлар халфа дейиларди.

Симукор — тўқиш ҳақи. Ҳунар яхши бўлса, симукор кўп бўлади.

Устакорлар ўртасида қарама-қаршилик бор эди. Улар халфаларни ўзларига ағдаришга тиришардилар.

Бир вақт, кам ҳақ берганларида, халфалар пайшанба кунини бобонинг ўртага қўйиб, иш ташлаганлар (1904—1905 йилларда). Хиёбон гузаридаги катта мадрасага икки-уч минг киши йиғилиб келган. Пайшанба ва жума кунларини зўр ғалва бўлди. Ниҳоят, уларнинг ҳақларини бир оз кўтарганлар ва шаанба кунини улар иш бошлаганлар. Бу — биринчи иш ташлаш эди.

Ситораи Моҳи Хосса Олимхон даврида қурилган. Аввал Аҳадхоннинг бориб келадиган жойи эди. Олимхоннинг базми жамшиди шунда бўларди.

Пайшанба куни ёнларига пул солиб, тўнни кифтга ташлаб, Ситораи Моҳи Хоссага яқин қаландархонага бориб палов қилардилар.

Сайли гули сурх қирқ кун бўларди. Чилтаноб деган яланг жойда чодирлар қуриб, турли қоғозлардан фонуслар ясаларди. Амир ўтирадиган жойга тош ўғир, устига тоғора ва унга мой пилталар солиб чироқ ёқардилар.

Човки — базм. Човки — кўп музиканинг жўри. Йигитларга кокил солиб ўйнатардилар. Кураш бўларди. Қўчқор уриши ҳам (буни бойваччалар қиларди). Қосиблар эса хўроз ва бедана уриштирардилар.

Сайил бўлмаган вақтларда қосиблар шаҳардан ташқарига чиқиб, қимор ўйнардилар. Ранс кўрса, дарра урарди. Каклик ва туялар уриши ҳам бўларди. Туяларнинг уриши бойлар ва савдогарларнинг катта сайилларида бўлар эди.

Чорсу ва регистонликлар (яъни шаҳарнинг икки қисмида яшовчи кишилар) шарт қўйиб, товуқ ва бедана уриштирар эдилар. Қосиблар орасида баъзан бойваччалар ҳам бўларди. Улар кўпроқ пул тикардилар. Қизиб кетган ўйинчиларнинг пули қолмаса, бойваччалардан катта процент билан қарз олардилар. Шунинг учун ҳам бойваччалар аралашарди. Ошиқ ўйини билан ҳам қимор ўйнардилар (икки ғиштнинг устига ташлаб).

Бухорода ҳуфтондан сўнг кўчаларга миршаблар чиқарди. (Қўлларида товирреза — кичкина ноғора билан.) Ҳар бир катта кўчада бир миршаб ва бир ноғорачи турарди. Уларнинг қўлига тушмаслик учун қиморбозлар қалъа орқасидан югуриб, дарвозалар ортида ўйнардилар. Баъзан бойваччалар отларини, ҳовлиларини тикарди.

Қосим деган тобутчи бор эди. У раҳмдил эди.

Миршаблар бераҳим эди.

Қишлоқ болалари тезак терардилар. Агар улар тутилиб қолса, улардан номози ракатни ва калимани сўрардилар. Билмасалар — урардилар.

Олимхон отаси ўлганда, Қарманадан Бухорога келаркан, удайчилар «Олимхон у ерга келди, бу ерга келди», деб хабар бериб турганлар. Олимхон регистонга келганда, бирдан унинг бошига Аҳадхоннинг салласини қўйиб,



унинг ҳақиғига дуо қилиб, «Давру даврон Олимхонники», дея удайчилар қичқирганлар. Удайчилар таёгининг ярмиси тилла, камари тилла, кийимлари зар — амир билан бир қаторда отда ё пиёда юрганлар. Булар икки ёки тўрт нафар бўлиб, «Амир ҳазрати саломат бўлсинлар!» деб бирин-кетин навбат билан қичқирганлар: Бир ясовул олдинда борган. Одамларга: «Отдан туш!» «Эшакдан туш!», «Тепадан туш!» деб буюрганлар. Одамлар амирдан юқори турмасликлари керак эди.

«Худо ҳазрати амиримизнинг тилини бурро қилсин!», «Худо ҳазрати амиримизни жаҳонгир қилсин!», «Худо ҳазрати амиримизга тавфиқу адолат берсин!» — Ҳамма: «Омин!» деб қичқирган.

Тўла масхара деган масхарабоз бор эди. Амир ўтиб кетганда, орқасида юриб, «Худо ҳазрати амиримизнинг эшакларига занжирий нўхта берсин!» дерди — ҳамма куларди. Буни амир билмасди.

Бир куни Тўла масхара Айнийнинг олдига келиб, ҳурмат ва муҳаббат билан кўришди: «Худо ҳазрати амиримизга тавфиқу адолат берсин! Унинг бетавфиқ ва беадолат эканлигини ўзлари ҳам билдилар», деди.

Амирнинг оти атрофида қози-калон, аълам, судур юрарди. Судур (муфтилардан катгаси) турли жазоларга рухсат берарди.

Бир куни Ҳожи Шариф ва унинг ўғли Исмоил жадидлар қўл-оёқлари кишанда, бўйинлари боғланган ҳолда келтирилди. Аълам, қози-калон, қушбеги арк олдидаги супада ўтирар эдилар. Жаллод ҳам шу ерда турарди. Ҳожи Шариф чўпфуруш соқоли кўксига юқоридан пастга тушар экан, амирни, қози-калонни — ҳаммасини баланд овоз билан ҳақорат қилиб, сўкиб тушди. «Мен мусулмон, аввал мени, кейин ўғлимни ўлдир!» деди у жаллодга. Аввал — ўғлини, кейин эса унинг ўзини ўлдирдилар. Ҳамма йиғлади. Исмоилнинг ҳозир ўғли бор. Исмоил 23 ёшида ўлдирилган эди. Ҳожи Шариф чўпфуруш биринчи жадид мактабини тузган киши эди.

Ҳожи Сирожиддин (Садриддин Айнийнинг укаси). Хиёбон гузаридаги мадрасада муллабачча бўлган. У янги мактабни ташвиқот қилган ва 1919 йилда бўғизлаб ўлдирилган.

Соқоли озгина қирилган, ёқаси тугмали бўлган киши, албатта, жадид ҳисобланган.

Мулла Вафо домла озгина русча биларди, янги мактаб очган эди. Уни ҳам амир сўйган.

Инқилоб йилларида халқ қизил байроқ кўтариб чиқадди ва хиёбонда митинг бўлиб ўтади. Муллалар митинг қатнашчиларига қарши шовқин кўтарардилар. Ур-йиқит бошланади. Шу орада Қори Мустақинни уриб ўлдирадилар.

Карим банги филбон Мустақинни биринчи бор уриб йиқитади. Шундан кейин арк эшигини ёпадилар; «Во шариат!» деб қичқирадилар. Юқоридан «Бутун бекорлар иш-ишларига кетсин!» деб ҳайқирадилар. Аммо галаён бир нафас давом этади, кейин тарқалади.

Бу 1917 йил баҳори эди. Амир Насрулло қушбегидан хавф қилиб, уни ишдан бекор қиладди ва Абдусалим бекни қушбегни қилиб тайинлайди.

**Тоҳир Зокиров** (82 ёшда). Халқ орасидаги лақаби Тоҳир начальник. 1913—1920 йилларда (у 16 ёшида ўғай отаси қўлидан қочиб бориб) сарбоз бўлган:

— Жадидлар домлалардан қўрқиб, паранжига ўралиб, мактабга қатнаганлар. Усули жадид мактабларига уламолар қаттиқ қаршилик кўрсатганлар.

Жадидларнинг ишлари ошкор бўлгандан сўнг, улар қочдилар. Баъзи сарбозлар ёрдам берган ва уларни яширин қочирган.

Тошкентдан Бухорога элчи келади. Қозилар, уламолар, сарбозлар йиғилади. Элчиларни ўнта-ўнта қилиб хонага киргизиб, уларни тезоб билан ўлдирадилар.

Ленинграддаги масжидни амир Аҳадхон қурдирган.

Сарбозлар ҳафтада уч кун тўрт соатдан машқ қилганлар. Бошқа вақтларда ҳар қайсиен ўз касблари билан машғул бўлган.

Тўполонларнинг бирини «Амир жадид экан», деб муллалар шовқин кўтарардилар. «Мен сизга жон куйдирамен, кучимиз бекор кетмайди», дейди амир. Қушбегни этагини қоқиб, ўрнидан туради. Шу пайт Файзулла Хўжаевни чет эшикдан қочирадилар. Тўп устида қўй бўғизланади, сарбозлар шу қўйдан бир парча олмоқ учун шошадилар. Шунда амир Ситораи Моҳи Хоссага қочади.

Олимхоннинг отаси ҳам ўта қизбоз эди. Қирқ қиз сақлаган.

Қиз топувчилар чиройли қизларни саккиз-тўққиз ёшларидаёқ рўйхатга олардилар. Жуссаси каттароқ бўлса, ўн икки ёшдан, кичикроқ бўлса ўн олти ёшдан тортиқ этилар эди. Махсус хотинлар (Муҳаррам, Анбарий каби) ҳаммомда қизларни текширардилар — танасида доғи йўқми, деб. Сўнг қизларни ясаиб кийинтиргач, амирнинг онасини зиёрат қилдириб, кейин қизни амир олдига олиб кирардилар. Ҳўрданинг ғазабкорлари — Ражаб хола, Тўла опа иккови амирнинг эшигида пойлоқчилик қиларди (қиз амирга ҳужум қилмасин, деб).

Бундай қизлар гулдастасини халқ бахтсизлар, деб юртган.

Муҳаррам чиройли қизларни ҳаммомда излар экан. Гўзал хотинлар келса, уларнинг қизи борми, деб суриштирар экан.

Амирнинг катта хотини — Ойим шоҳ, иккинчиси Маҳбубахон, яна Ойимкундол ва булардан бошқа 37 хотини бўлган. Улар хосса деб аталган. Уларнинг бир қисми Ситоран Моҳи Хоссада, бир қисми аркда турарди. Дастурхончининг ёрдамчиси Момодурсанинг исми Чинни, аммо юриши учун Момодурса дейилган. Амир йўталганда, Ражаб хола билан Тўла опа қизни боғлаб қўяр эканлар. Эрта билан эса жазо берилар экан. Бунинг учун Ҳўрда хотинлари йиғилган...

Амир афғонларга 20 та чўрибачча, 30 та қулбачча берган. Афғонлар амирга филлар берган. Жўра афғон: «Афғонистоннинг энг ёмонларини, турмада ётганларини амирга аскарликка бердилар», деган .

Амирнинг бир оғзи олов, бир оғзи палов. Унинг одамлари: «Жаноби Саид Олимхон» дердилар, халқ эса «Олим хатар», деб атарди. Унинг воқеанавислари кўп эди. Буларнинг бошлиғи — Абдулмажид Абдулазиз ўғли.

Усмоний Харосмон тегирмонда ишлаган. Кўпроқ ҳақ олар экан. Тегирмон тошларининг бирига Олимбой, иккинчисига Сотимбой деб исм кўйган. Одамларни алдаган. Бунинг Абдулмажид қушбегига хабар қилишган. Қушбеги пора олиб, ишни ёпган.

Арка Ситораи Моҳи Хоссадан ҳам қизлар келтириллар, беадаблик қилган қизларга жазо берар эканлар. Ўғил деган қизни Муҳаррам Чоржўйдан олиб келган. У — туркман қизи. У амирнинг кўкрагидан тепиб юборган. Уни боғлаб амир олдига қўйганлар. Амир «Итга ҳамроҳ қилиб ўлдирилсин!» деб буюрган. Уни катта шол қанорга ит билан солиб, уриб ўлдирганлар.

Марги ширин жазоси: қизни тахта устига боғлаб, оғзига новвот тиқиб, қайноқ сув қуяр эканлар. Оғзини очмаса, уриб тишларини синдирганлар. Оғзини очишга мажбур бўлган қиз новвот ва сув билан ўлдирилган.

Яна бир жазо: қопдаги қизнинг атрофига парда тутиб, парда орқасидан найза тиққанлар.

Аввалги амирлар даврида қизларни қопга солиб кечаси минорадан ташлаганлар, кундуз Ўрда қизларини элтиб кўрсатганлар.

Аҳадхоннинг бир қилиғи: Бир кеча тушида уни зиндондан бир илон қувлаган эмиш. У уйғонгач ҳам билмайди: илон тушида уни чаққанми-йўқми! У эрта билан тахтада ўтирганда, ўз тушини одамларга сўзлаб беради. Одамлар жавоб қиладилар: «Душманингиз зиндонда экан», деб. Амир зиндондан сўратади: «Ким унга душман?» Ҳеч ким бўйнига олмаган. Шунда амир маҳбусларнинг ҳаммасини ўлдирган. Зиндонда ҳеч ким қолмаган. Ундаги битлар ўлиб қолмасин, деб гўшт ташлаб турганлар.

Амир Олимхоннинг кўп ёмонликларини яширин тутсалар-да, халқ уларни билган. Амирнинг айрим жазо усулларини ҳам яширин туттишга мажбур бўлганлар. Баъзан одамлар билиб қолиб, шов-шув кўтарган. Амир кўп одамларни жадид деб ўлдира берган.

Назирова деган киши милтиқларга дори жойловчи Қарим охун билан тил бириктириб, патронларга кепак жойлаган.

Одамлар амирга қарши варақалар тарқатганлар. «Болаларни аскарликка берманглар», деб ташвиқот қилганлар.

Айнийни 60 таёқ уриб, бўйрага юмалатганлар. У юмаламаган. Кейин ўзлари бўйрани унинг орқасига ишқалаганлар. Яна ўн беш дарра урганда, этлари учиб кетган. Халқ гувуллаб, шовқин кўтарган. Шу вақт

Нурхон (шоир, у вақтда ёш бола бўлган) дод деб йиғлаб юборган. Ёнидаги тоғаси: «Жим, сени ҳам тутиб уради», деб унинг оғзини ёпган. Нурхон салласининг чети билан оғзини ёпиб, йиғлаган. Кейин улар Когонга, хастахонага бориб, Айнийни кўрганлар.

Очил тўпчибоши амир билан қочган. Йўлда уни олиб қочган. Очил дарахтга урилиб, бошига чўп кирган, кейин яраси қуртлаган. Шафтоли баргини эзиб, сувига нос қўшиб, унинг ярасига қуйганлар. У додлаб ётган.

Нурхоннинг «Амир қочди» деган ажойиб бир шеъри бор. Халқ уни севар ва ҳар вақт ўқиттириб, эшитар экан.

Очил тўпчибоши Нурхонга айтар экан: «Сени отанг ётган зиндонга ташлайман. Бутун умр чиритаман. Фил жангида филлар оёғининг тагига ташлаб, поймол қилдираман. Шоҳлик тўпга боғлаб ўлдираман».

У Нурхонни уриб, оёғини синдирган.

Очил тўпчибошига шоҳли тўп қараган. Жаҳонгир тўп эса Ҳожиқулбек тўпчибошига қараган. Кейин Нурхон «Шўро келди» деган шеърини ўқиб берган. Шунда тўпчи одамларга айтибди: «Амир Афғонистондан лашкар олиб келади. Шунда Нурхонни биринчи галда тўпга боғлаб ўзим отаман».

Нурхон 1901 йилда туғилган. Ўзи боғбон. Булар 11 бола бўлган. Отасининг дўсти Рўзи иноқ бир сигир берган. «Сутини ичинглар, бузоғи меники», деган. Булар сутига ўтти янчиб, ичганлар. Бир кун сигирни ўғирлатиб қўйганлар. Шунда Нурхон «Сигирим» деб бир шеър ёзган.

## ЛЕНИН ҲАҚИДАГИ АСАРНИНГ ПЛАНИ

1. Мавзунинг азамати ҳақида.
2. Қаламга хитоб.
3. Тарихга бир назар.
4. Илк хабар.
5. Жаҳон ларзада.
7. Доҳий ўқишда.
8. Доҳий ҳаётда.
9. Доҳий ишда.
10. Ҳлим.
11. Абдий сас.

## «ҚАЙНОҚ КҮНЛАР» ПЬЕСАСИНИНГ УМУМИИ ПЛАНИ

### I

Тегирмон ёқасида кичкина, жиҳози гоят камбағал хона. Қиш кечаси. Тегирмон шовқини эшитилади. Чол ўртада, гулхан олдида исинмоқда. У ҳорғин ва хафа. Фронтдаги ўғилларини эслайди. Қизи М а с т о н киради. У ҳам ҳорғин, лекин гайрати орқасида ўзини жуда жонли тутди. Қолхоз мажлисида қилинган қарорлар ҳақида сўзлайди. Кейин чироғ ёқиб, иш тика бошлайди (жангчиларга дастрўмолчалар). Раъно киради. Мас-тоннинг тикишини танқид қилади. Ўзи бутун умр ишна ушламагани билан фахрланади. У шаҳрини, театр, киноларни соғинганини сўзлайди, ваъдалашган ёридан кўпдан буён хат келмаганини айтади. Унинг руҳида пушаймон, тараддуд оҳанги сезилади. Ишдан қайтган бутун колхозчи қизлар шовқин билан киришади. Улар кетгач, инжаснер М а ҳ м у д М у х т о р о в, қурилишда участканинг бошлиғи Қ о с и м Б а р а т о в, расом Ҳ а м и д и й, хўжаликчи М а н с у р о в киришади. Йўлда машина бузилган; исинишга кирганлар. Қурилиш ҳақида гап боради. Инжаснер Масстонни сўзга солишга тиришади. Мансуров эса ҳар икки қизга хушомад қилади, лекин Раънога эси оғади. Раъно ҳам унга мойилдек. Машина тузалганини эшитадилар. Қўнувчилар хўшлашиб жўнайдилар.

### II

Қолхоз идораси. Иш пайти. Раъно ёзув-чизув билан овора. Мастон киради. Шод. Буюрилган ишни ҳамма звенолардан олдин бажарган у. Раъно уни ўзбошимчаликда айблайди. Орада бир оз талашув кетади. Бунинг устига Мансуров келиб қолади. Хушомадона сўзларни сочиб, қизларни ўзига мойил қилишга тиришади. Раис-

нинг ўғли фронтда ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқалади. Ҳаммининг оғзида шу. Раис қишлоқда эмас. Бу кун эрта қайтишини кутар эдилар. Ногахон раис қайтади. У тўғри идорага келади. Одамлар сирни билдирмасликка тиришадилар. Раис гумонсирайди. Чолдан сўрайди: «Нима гап, тинчликми? Чол уни юпатишга тиришади. Раис дарҳол колхоз активини тўплайди. Янги планлар ва вазифалар ҳақида сўзлайди. У ҳаяжон билан сўзлайди. Ўз планларининг амалга ошганини кўз олдида кўргандек шодланади, кулади, ҳазиллашади. Фронтчиларнинг ўғилчалари тўйига тайёрланишни буюради. Шу топда узоқдан йнги овози. Раис хотинининг овозини пайқаб, жим қотади: «нима гап»? дегандек ҳаммага бир-бир тикилади. Чол туриб, машъум хабарни билдиради. Раис бошини бир зум қуйи солади-да, бир дам янги ғайрат ва прода билан қайнаб кстади: ҳаммани ишга, курашга чақиради. Хотини киргач, бир ишора билан уни йнғламаслика ундайди. Фронтчилар гўдақларининг тўйини ўтказиш тўғрисида ота каби кенгаш беради.

### III

Баҳор. Ёрқин кундуз. Қурилишнинг бир чеккаси. Узоқда тепалар, адирлар кўм-кўк. Инженер Мухторов билан Ҳамидий узоқдан қурилишни мушоҳида қилаётирлар. Инженер серташвиш. Рассом жонли ва ҳаяжонли. У меҳнат гармонияси ва табнат гўзаллиги ҳақида сўзлайди. Мухторов иш қайноғи ичида баҳорнинг қандай келиб қолганини сезмаганини сўзлайди. Рассом унинг уйдан келган хатни ўқиб-ўқимаганини сўрайди. Мухторов ташаккур билдиради; уч кун илгари олган хатни унутган экан. Хатни олиб ўқийди. Бошини чайқайди: болалари касал. Укаси фронтга кетган.

Баратов келади. У Мухторовнинг ишидан норози каби. Орада шаклан юмшоқ, лекин маъноси ҳийла кескин сўз боради. Иккиси ҳам кетади. Мансуров билан Раъно киради. Мансуров шод ва мағрур. Раъно ўйчан. Мансуров унга севги ҳақида сўзлайди. Қизни холис жойга ундайди: «Баратов келиб қолади. Биласизми? У мени қаерда кўрса, бир узиб олади. Билмайсиз, орамизда принципал масалаларда келишмовчилик бор», дейди. Раъно юраги тўлиққандек дардини очишга ботинади. Фронтдан ёри қайтганлиги тўғрисида хат олганини айтади. «Оёқдан ярадор бўлибди, бир умр оқсоқ бўлиб қолармиш», дейди.



Мансуров ундан воз кечишга, қизни кўндиришга тиришадди. Эркин ишқ ва ҳ. к. ҳақида фалсафа сотади. Баратов келади. Мансуров дарров унга лаганбардорлик қилади. Ишларини мақтайди. Баратов уни бир участкада озик-овқатни яхши уюштирмагани учун айблайди. Мансуров баланд келишга тиришади. «Фронтга жўнатмайдилар мени. Бу ерда эшакдек ишлайман, қадримга етмайдилар», деб дўқ қилади-да, ишни дарров тўғриламоқчидек гердайиб чиқиб кетади. Рассом келади. У ўз таассуротини сўзлайди. Бугун қурилишда фавқулодда воқеалар бўлганини айтади. Урин полвон билан Иван полвоннинг мардона ишларини баён қилади. Мастоннинг ишлари оғизларда дoston бўлганидан қувонади. Мухторов билан Мастон келади. Баратов акалардек қизнинг бошини сийлайди. Раънода ғашлик сезгиси уйғонади. Бошқалар жўнайди.

Раъно ҳам Мастон қолади. Раъно Мастонни колхозга жўнашга таклиф этади. Мансуров ҳовлиқиб келади. Кечаси тўпланиб танца қилишни таклиф қилади. Шу вақтда Раънонинг ёри фронтчи Сидиқ Камолов қидириб келади. Раъно саросимада қолади. Мансуров эски таниш каби ҳол-аҳвол сўрашади. Камолов қиздан муҳаббат ва ҳис кутган эди. Раънода тараддуд, ҳатто бепарволик сезади. Унда кучли ўксиниш ҳисси. Раъно ўнғайсиз вазиятни ёпиш учун уни ўз кўшхонасига таклиф этади. Камолов мутаваззана рад қилади.

#### IV

Дала. Бир чекада брезент чодир. Олдида, скамейкада Мастон ва Камолов ўтиради. Мастоннинг сўл қўли бинт билан боғланган. (Иш вақтида қўлига тош тушиб кетган.) Мастон бекорчиликдан безганлигини сўзлайди. Камолов қурилишдаги ўз ишлари ҳақида гапиради. Лекин унинг юрагида алам бор. Бу алам баъзан ногаҳон юзага отилади. Мастон юпатади. Камолов ундан миннатдор. «Мени ул оқшом ўлимдан сиз сақлаб қолдингиз, ҳаётдан кечишга қасд этган эдим. Ачинганданми ё бошқа сабабдан — нима учун мени ўз ҳолимга қўймадингиз?».

Мастон: «Мен фронтдан қайтганларни бошимга кўтаришни истайман. Бунинг исботи учун бир воқеани айтиб берай». Камолов қиздан ўзи учун алоҳида ҳис истайди. Мастон фаҳмлайди. Йигитга ачинади. Унга иссиқ ҳислар

билан тўла сўзлар айтади. Қамолов хурсанд. Уни бирдан ҳаёт, яратиб, кураш туйғуси қоплайди. Иккиси бир оз кезиш учун кетади.

Мансуров билан Раъно киради. Улар Қамолов билан Мастоннинг ўртоқлигини хуш кўрмайдилар. Раъно узоққа қараб кўрсатади: «Тоҳир ва Зухра бўлиб қолишибди». Раъно қурилиш шовқинидан зерикканини айтади. Мансуров эса Баратовдан хафа: унинг мансабини пасайтирган. Раъно бу ишда Мастоннинг қўли борлигини гумон қилади. Уч олишни истайди. Мансуров сабр қилишга маслаҳат беради. Урушдан кейин тинч ва серунум иш ҳақидаги ўз орзу-хаёлини баён қилади. Раъно олий таҳсил ҳақида гапирди. Мансуров олий таҳсилга ҳам совуқ қарайди.

Мухторов, Баратов, қари геолог киради. Улар турли техник масалалар, қийинчиликлар ҳақида сўзлашади, баҳслашади. Мастон дадаси билан киради. Кўришадилар. Мастон, дадаси унинг ўрнига ишлашни истаганини сўзлайди. Кулишади, бобойни гапга солишади. Бирдан Баратов сўрайди: «Қаерда, қандай конлар бор?» Чол бу ердан етти тош нарида темир кони борлигини уқтиради. Ҳаммада қизиқиш ва ҳаяжон. Мастон чиндан ишонади. Бобосини қучоқлайди. *(Бир драматик момент керак. Чол бирдан хасталаниб, тили тутулиб қолса қалай бўлар экан?)*

## V

Кеча. Баратовнинг кабинети... ғоят содда. Баратовни тез-тез телефонга чақирадилар. Телефон сигналлари орасида Баратов қурилишдаги қийинчиликлар ҳақида узоқ-юлуқ сўзлаб қўяди. Мухторов киради. У хийла асабий. Фалон номерли участкани муддатидан илгари бажариш тўғрисидаги буйруқдан норози. Объектив қийинчиликларни кўндаланг қилади. Ундан ташқари асосий техник проблема ҳали ҳал этилмаганини баён этади. Ҳамма иш шунга боғлиқ. Темир, ёғоч бер! Баратов ўйга ботади. Бир дам ҳаяжонланиб, ўрnidан туради: «Темирсиз, ёғочсиз иш кўраимиз!» Мухторов кулади. Орада тортишув кетади. Шу вақтда Мансуров киради. У ҳам гоҳ-гоҳ сўзга аралашингга интилади. Баратовнинг исботларига, ниҳоят Мухторов аста таслим бўлгандек. Мансуров уларни паловга таклиф қилади. Улар таклифга эътиборсиз чиқиб кетадилар. Мансуров уларни ҳаёт завқини англа-

масликда айблайди. Раъно киради. Палов ҳақида, Мас-тон ва Камолов ҳақида гап. Улар чиқадилар. Мухторов, Баратов, Мастон киради. Яна гап темирсиз, ёғочсиз қурилиш ҳақида. Мухторов энди анча ишонади. Қари геолог келиб қолади. У бениҳоя қувонган. Мастон бобосининг берган маълумоти тўғри экан. Геолог Мастонни оталарча кучоқлайди. Мухторов ва геолог чиқиб кетади. *(Темирсиз, ёғочсиз қурилиш ҳақидаги фикрни Баратов айтса, Мухторов масъулиятдан чўчиб, қурилишдан бўшатиши тўғрисида қатъий талаб қўйса?)* Мастон Камоловни мақтайди. Фронтда техника билан яхши ошно бўлган, оғир, хавфий шароитда сапёрларнинг ажойиб тез ишлашини мушоҳида этган. Бизга у билими, тажрибаси билан катта ёрдам бераётир, дейди. Қолхоз раиси телефонда сўзлаб, қурилиш учун озиқ беражagini ваъда этади. Мастон ва Баратов хурсанд. Мастон кўшхонасига кетади. Баратов ёлғиз ўйлайди. Унинг кўзлари юмила бошлайди. Шу вақтда ногоҳ хотини кириб келади. Хотини рашк ҳисси билан тўла. Қисқа оилавий саҳна рўй беради.

## VI

Аввалги саҳна. Қолхоз раиси ҳам Баратов. Раис озиқ билан кўмаклашишга ваъда беради. Мухторов киради. У яна темир ва ёғоч масаласи билан банд. Баратов кулимсираб, ўз таклифини айтади — темирсиз, ёғочсиз гўзал, пишиқ бинолар қуриш мумкинлигини сўзлайди. Мухторов лабини буриштиради, ҳатто «майнабозлик қилманг», дегандек қаттиқ ранжийди. Баратов эски архитекторлар ва халқ усталарининг ажойиб санъати ҳақида сўзлаб, ишонтиришга киришади: «Туринг, мен бу усталарни тўплаганман», деб инженерни қўлтиқлаб чиқиб кетади.

Раъно киради, ёзув ёзишга киришади. Унинг орқасидан Мансуров киради. Мансуров қандайдир сир билгандек: «Биласизми, жоним, унинг хотини келган. У эрта билан Мастоннинг орқасидан шундай қараб қолдики, юзида рашк булутлари чақмоқ чақар эди.» Раъно унинг «шоирлиги» ҳақида гапирди. Мансуровнинг жавоби. Мастон киради. Раъно қўлидаги қоғозни кимгадир топширмақ учун чиқиб кетади. Мансуров Мастонга хушомад қилади. Мастон ақлли жавоб беради. Мухторов билан

Баратов киради. Мухторов гоят шод: огир масалани шундай оддий ҳал қилинишини кутмаган эди. Баратов янги вазифаларни бажариш учун кетади. Мансуров ва Раъно: Мансуров унга «орден»га ҳаққи борлигини сўзлайди. Мастоннинг жавоби. Раънода рашк. Баратовнинг хотини: унда ҳам рашк туйғуси сал сезилади. Рассом. У таклиф қилади: Мен сенга бир куйни чалиб бераман. Бутун эҳтирослар шунда эрийди, дейди. Рассом пианино чалади. Жуда гўзал. Шунда бир авария ҳақида хабар. Ҳаммада паришонлик. Баратов ва Мухторов қаттиқ ҳаяжонда.

Мастон аварияни бартараф қилган. Мансуров киради. У ўз «хизматларини» айтади. Мастон кинояли сўз қайтаради. Шу вақтда Баратов ва Мухторов кирадилар. Иккови ҳам шод; ёғоч ва темир масаласи ҳал этилган. Махсус одам киради. Мансуров — фронтга боришдан қочиб юрган одам. Мансуров ўзини мингёққа уради. Фойдасиз. Раъно ундан нафрат қилади.

## VII

Раъно ва Мастон. Раъно ўз қилмишидан ўкинади. Камолов билан қандай ярашиш ҳақида Мастондан кенгаш сўрайди. Мастонда ички тараддуд, у Раънога ачинади. Лекин Камоловни бу қиз бахтли қила олмаслигига ҳам ишонади. Ниҳоят, Раъно билан Камоловни келиштиришга жазм этади. Аммо бу вақт Раъно бирдан эътироз қилади: «Сиз уни севмайсизми?» Мастон жавоб беради: «Бир марта севмак мумкин!» Мастон чиқади. Камолов киради. Раъно Камоловнинг юрагини билмакка тиришади. Унинг юрагида севги учқуни эмас, нафрат ёнади. Раънода қаттиқ пушаймон, ўкиниш — алданганини сезади. Мастон билан ўзини таққослайди. Ўзидан ўч олиш йўллари ахтаради. Ҳаётдан воз кечишга қасд этади. Ўзини ханжар уриб ўлдириш фикрига тушади. Мастон сезиб қолади: «Қонинг шундай қадрсизми? Қонингни бер, жангчиларнинг томирига қуйсинлар. Қонинг ўлим олдида турган жонларга ҳаёт бағишласин!» дейди. Раънонинг кўзи очилгандек бўлади. Мастонни қучоқлайди. Улар чиққач, инженер ва Баратов киради. Улар темир ва ёғочсиз қурилиш муваффақиятидан хурсанд. Инженер муддатдан аввал бажара олишга чуқур ишонади. Инженер бирдан ўзини нохуш сезади. Стулга ўтириб, ўзидан кетади. Уни ҳаммалари кўтариб олиб чиқадилар. Бара-

тов қайтади. Одамларни қабул этишда давом этади. Рассом киради. Раънонинг енг шимариб ишга тушганидан хабар беради. Бироздан сўнг доктор келади. Инженернинг ўлганини билдиради. «Ишни қалб кўтаролмади», дейди. Баратов кучли қайғуради. (*Инженернинг ўлими ҳали муаммо.*) Қолхоз раиси келади. Мастоннинг отаси ҳам, акаси ҳам фронтда ҳалок бўлгани тўғрисида сўзлайди. Мастонга айтмасликка қарор берадилар. Кеч бўлади. Мастон, Раъно, Қамолов киришади. Улар қувончли, лекин Раъно билан Қамолов ҳали бир-бирига бегона. Жуда узоқдан портлаш овози. Рассом, қурилишнинг эрта-индин ғалабасига доир сўзлайди.

## VIII

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ТУҒИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ПЬЕСАНИНГ ПЛАНИ

#### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

1. У с а р — мой заводи ишчиси.
2. То ш б и б и — унинг хотини.
3. У р и н б о й — катта ер эгаси, Эргашнинг хўжайини.
4. Ҳ а қ қ у л } Уринбойнинг қароллари.
5. Э р г а ш } Уринбойнинг қароллари.
6. Ж а м ш и д б о й — йирик мануфактурачи савдогар.
7. Н о д и р б о й в а ч ч а — Жамшид бойнинг катта ўғли. (Жадид.)
8. Т о ҳ и р б о й в а ч ч а — Жамшид бойнинг кичик ўғли. (Собиқ гимназист.)
9. Т у р г у н б о й — Уринбойнинг ўғли, шалақ, чавандоз бойвачча.
10. М у ҳ а м м а д Ш а р и ф — косиб.
11. И л ё с — косиб, бўзчи.
12. И з з а т б е к — жадид.
13. С а и д А м и р х о н М а ҳ м у д — уламодан.
14. Т о ж и д д и н А ъ л а м — мударрис.
15. А н д р е е в — оқ офицер.
16. У д а л о в — ишчи.
17. Собиржон — «закончи».
18. Мирсоли ғуррак — ҳасис бой.
19. Тўфа нисо — Жамшид бойниқидаги чўри қиз.
20. Саодатхон } Жамшидбойнинг келинлари.
21. Асалатхон } Жамшидбойнинг келинлари.
22. I в а II қарол.
23. Оломон.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Жамшид бойнинг ички уйларидан бири. Бой ёлғиз ўзи бир уюм йирик Николай қоғоз оқчаларини санаб ўтирибди. Октябрь инқилоби, Совет ҳукуматини сўқади. Қутуради. Тўфа нисо қудаси Мирсоли ғуррак келганини хабар беради. Энди Мирсоли билан бирга аччиқ шикоят давом этади. Мирсолинни алдаб, унинг олтинларидан бир қисмини сотиб олишга тиришади. Ғуррак фирибгарликда ундан-да чексиз баланд. Нодирбойвачча киради. Бўшашган, умидсиз... Унга ғазабланади.

### Иккинчи кўриниш

Жамшид меҳмонхонасида ўтириш. Уламолар, жадидлар, бойлар намояндалари тўпланади. Нодирбойвачча Совет ҳукуматини йиқитиш учун «янги план» тақдим қилади. Уринбой, Турғунбой, инқилобчи...

**«ҚАҲ-ҚАҲАИ ҲУСН» ТАРИХИИ ДРАМАСИНИНГ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ РЎИХАТИ**

**ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР:**

*Иштирок этувчи шахслар:*

- Умархон — Қўқон ҳукмдори, 35 ёшларда.  
Подира — Умархоннинг хотини, 30 ёшларда.  
Ҳозиқ — шоир, 25 ёшларда.  
Султонхон тўра — бош вазир ҳам шоир, 75 ёшларда.  
Фазлий — сарой шоири, 80 ёшларда.  
Кенагаси бегим — гўзал каниз. Шаҳрисабз савдогарларидан  
Абубарлос томонидан Умархонга пешкаш қилинган канизак.  
Муҳаммадалихон — Умархоннинг ўғли, 20 ёшларда.  
...наи ҳақгўй. Уратепалик; Сўфи Оллоёр наслдан; наққош,  
Муҳаммадалининг пири, мўйсафид.  
Гулханий — шоир, тоғ тожиклари кўтарган исённинг бошлиқ-  
ларидан.  
Амир Насрулло — Бухоро хони, 50 ёшларда.  
Вазир — шайхул ислом.  
Иброҳим хаёл — Қўқонда ярим кунлик ҳоким.  
Шопрлар, канизаклар, навкарлар, жаллодлар,  
халқ оммаси.  
Муҳаммад Амин — Муҳаммад Алининг ўғли.  
Ҳожи қандолат Бухорий — Кенагаси бегимнинг хуштори,  
амир Насруллонинг жосуси.



## ХОРАЗМ ИНҚИЛОБИГА БАҒИШЛАНГАН ПЬЕСАНИНГ ПЛАНИ

1. . . . .
2. Уч оғайни — қашшоқ.
3. Буғдой ўроғи.
4. Нони қоқ.
5. Чиғир ёнида (чиғириқ ҳақида).
6. Шира ҳовуз.
7. Зиндон.
8. Хоразмда революция.
9. 1924 йил. Тарих воқеаларини кўрсатиш керак.
10. Хоразм.
11. Амударёдаги фожеа.
12. Хон образи.

## НОМАЪЛУМ БИР ПЬЕСА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЎЯХАТИ

1. Ш о м у р о д — домла.
  2. Т ў х т а ҳ о ж и — бой.
  3. Т о л и б ж о н б а з з о з — шожининг ўғли.
  4. А л и ж о н о қ с о қ о л.
  5. С о л и ж о н — оқсоқолнинг ўғли.
  6. Т у р с у н қ у л — батрак.
  7. Т о ш б и б и — унинг хотини.
  8. М у р о д қ о р а — ишчи.
  9. С а о д а т — унинг қизи.
- Халқ, дружиначилар, милиционерлар.

БАДИИИ ИЖОДДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ХАЛҚ ОҒЗИДАН  
ЕЗИБ ОЛИНГАН АСАРЛАР

ЛАПАРЛАР

I

Жийда кесдим, сувга солдим, сув бўлиб оқармикан,  
Чин кўнглимни ёрга бердим, оғрисам — боқармикан.  
Оғридим — боқолмади, қўйлар олиб қоқолмади,  
Жон онам, жоним онам, юртларда табиб қолмади.

Табиблар келар-кетар томир ушлаб,  
Тирик қўлга мол битар, ўлган кетар...

II

Дарёга тош отманглар, ботар-кетар,  
Узоққа қиз берманглар, олар-кетар.  
Узоққа қиз берганнинг ранги сариқ,  
Кўзидан ёш оқади мисли ариқ.

III

Эй булбул, мунча сайрайсан,  
Тоғу тошни лол этиб;  
Иссиқ-совуқ сув ичиб,  
Мой юракни куйдириб.

Мой юрагинг куйсин-у  
Олган ошиғинг ўлсин.  
Сени менга қўшмаган  
Орада душман ўлсин.

IV

Кип-кичкина сандиғинг сойдан ўтолмай қолдими,  
Маккани бозор қилиб, олтин жиғалар олдими?

Маккани йўлида борми шода-шода марварид,  
Рўпарамда ўтирибди қоши қаро, ҳур йигит.

Кўзам олиб сувга тушсам, оҳ урадир бир йигит.  
Кўза қўйиб қулоқ солсам, ёрдан айрилган йигит,  
Ёрдан айрилган йигитнинг ёри мен бўлсаммикан  
Қўлига қирғий бериб, кўксида жон берсаммикан?

## V

Дарёнинг нарёғига қўл бераман,  
Тўтиқуш боласига тўй бераман.  
Тўтиқуш боласига ипак керак,  
Ёр билан ўйнамоққа юрак керак.  
Ёр билан ўйнай-ўйнай синди билак,  
Дунёни уч айлансам, битмас тилак.

## VI

Эшигингга суча бойлай  
Қайрағоч шохин эгиб.  
Ҳур бегим ундан чиқадир  
Ҳайдари ерга тегиб.  
Ўстирган отангга раҳмат,  
Ўлмагайсан кўз тегиб.

## VII

Андижонда бир чинор, ўргилай,  
Ёрим отни қамчилар, ўргилай,  
«Ёр» деган тилларингдан ўргилай,  
Қанду новвот томчилар, ўргилай.

МАҶОЛЛАР, ОТАЛАР  
ВА ОНАЛАР СЎЗИ ҶАМ ИБОРАЛАР

Мақтанганнинг тўйига бор,  
Керилганнинг уйига бор:

— Кимнинг хотини?  
— Ола қопнинг хотини,

Ола қопи бўлмаса,  
Аллакимнинг хотини.

Келин бўйин яширар,  
Товушин тоғдан оширар.

Мойли патир — оғизга қопқоқ.

Берганга битта ҳам кўп,  
Олганга ўнта ҳам оз.

Пўлат пичоқ қинсиз қолмас.

Тўй ўпкасиз бўлмас.

Жаҳл келганда, ақл қочар.

Хомсан — пишарсан,  
Бу дамнингдан тушарсан.

Давр келганда сур, бегим!

Семиз қўйнинг умри калта.

Сабр туби — сариқ олтин.

Суқ тўймас, ўғри бой бўлмас.  
Қаноат қорин тўйғазар .  
Қассобга ёғ қайғу, эчкига жон қайғу.  
Қиз — чийриқдан ташқари.  
Гўшт ширинлигини ташласа, ўғри ўғрилигини ташлар.  
Менинг нафсим балодур,  
Енар ўтга солодур.  
Югганим ўзимники, чайнаганим гумондир.  
Ақлли отин мақтар,  
Аҳмоқ хотинин мақтар.  
Яхши хотин ишлик бўлур,  
Ёмон хотин тиллик бўлур.  
Ҳақни айтсанг урарлар,  
Хушомадни суярлар.  
Олурда — ором жоним,  
Берарда чиқар жоним.  
Отга тақа тақсанг, қурбақа бутини кўтаради.  
Ўғрига мол қаҳатми?  
Олурда саноғи — тўққиз,  
Берурда саноғи — ўттиз.  
Қўлинг қимирласа — оғзинг қимирлар.  
Кемага тушганнинг жони бир.  
Эр вазири — хотин.  
Уста кўрган шогирд бир мақомга йўрғалар,  
Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.

Яхши келин — бир бешик орқаси.

Чигирткадан қўрққан экин экмас.

Текин сирка болдан ширин.

Забони сурх сарви сабз барбод модихад.\*

Ба роҳат нарасад он ки заҳмат накашид.\*\*

Корн некӯ кардан аст пур кардан аст.\*\*\*

Кабутар бо кабутар, боз бо боз аст.\*\*\*\*

Сиркаи муфт аз асал ширинтар аст.\*\*\*\*\*

Бирга туғмоқ бор, бирга турмоқ йўқ.

Тентак тўрини бермас.

Кўзнинг каттасини сузса бўлур,  
Оғизнинг каттасини бурса бўлур,  
Ҳай-ҳай, буриннинг каттаси...

Туянинг тулоғини бермоқчи.

Юлдузни бенарвон урадиган бўлибди.

Тошбақа минг тухум туғса, ҳеч ким билмайди,  
Товуқ битта тухум туғса, жар солади (*Индонезия ма-  
қоли*).

Овчи овга чиқди,  
Кетидан ғовға чиқди.

Қал отланса, дўл ёғади.

---

\* Қизил тил яшил сарвни ҳам барбод қилади.

\*\* Заҳмат чекмаган киши роҳатга етиша олмайди.

\*\*\* Яхши иш қилиш тугал иш қилишдир.

\*\*\*\* Қаптар қаптар билан, лочин лочин билан.

\*\*\*\*\* Текин сирка асалдан ширинроқ.

Ҷизимнинг эркаси —  
Итимнинг серкаси.

Ема, ичма, бўл бахил,  
Кўпаймаса — мен кафил.

Отам мени сотдилар,  
Қопқон билан отдилар.

Фитна ўтини ёндирган ўзи ичидан ўлар.

Кўп золим борки, ўзини мазлум кўрсатар.

Сиҳат, хотиржамлик — катта неъматдир.

Толиби илм, толиби мол — тўймас ҳарсангдир.

Бахил ила бадхулқлик мўминда жам бўлмас.

Ёмоннинг ёнидан.

Миллионнинг фикри очилса, олам гулистон бўлур.

Ҳаракатда — баракат.

Кўкраги кўр.

Кўнгилнинг кўзи ўткир.

Мақтанма ғоз,  
Қилиғинг оз.

Оч баччағардан қоч баччағар,

Онасини кўринг, қизини олинг,  
Милкини кўринг, бўзини олинг.

Етим қиз тўйга борса, қор ёғар.

Ботмон қуйруқ, ботмон қуйруқ,  
Шудгорда ётган қуйруқ,  
Бир балоси бўлмаса,  
Нега ётган қуйруқ?!



Чўлоқ ётиб семиради.

Эр куюги — этак куюги.

Вақти кетди — бахти кетди.

Асад — экинингни ясат!

Ерни ҳайдасанг, куз ҳайда,  
Куз ҳайдамасанг минг ҳайда.

Чакагинг тушдими?

Қибла қизарса, қизингни узат,  
Тоғ қизарса, томингни тузат.

Қибла қизарса, кун очилиб кетади,  
Тоғ қизарса, ёмғир ёғади.

Қизингни кузги офтобга қўй,  
Келинингни — баҳорги офтобга.

Ёғ еб, яланғоч ёт.

Бўрининг қулоғи овда.

Уйимда арра асрамайман, тиши бор, деб.

Мен ишондим Али тозга,  
Али тоз қўйди ёзга.

Элнинг бирини тўққиз қилсанг,  
Сеники ўттиз бўлади.

Чиқ бермас чиғол бой,  
Тук бермас тугал бой.

Мен ўғриликка чиққанымда ой ҳам ойдин бўлади.

Дўстингни торликка тушганингда сина.

Омборлар тўлиб ётибди,  
Мусофирлар ўлиб ётибди.

Ўтники ўтга, сувники сувга; қолди қатиқнинг пули.

Аямажузда бошингни ювма.

Сони кўп, саноғи йўқ.

Боғни боқсанг — боғ.

Ўғил ўрда ёпиб берадимми?

Зар кийдим, зарбоб кийдим, ҳеч нарса йўқ;  
Қазн едим, қарта едим, ичимда ҳеч нарса йўқ.

Ёмони ёвга.

Кўзи қаттиқ, тақимингга ол!

Қиздан тинган, ўғилдан тинган, орқа этагида оғирли-  
ги йўқ.

Юракда зарра учқун бўлса, тоғни талқон қилиш мумкин.

Агар уч киши бир тан бўлса, сариқ тупроқ ҳам олтинга  
айланади.

Агар уччовининг фикри-зикри уч хил бўлса, олтин ҳам  
чангга айланади.

Одамларнинг чеҳралари ҳар хил бўлгандай, кўнгиллари  
ҳам ҳар хил.

Одамларни сувдан ўтказсанг, қиргоққа қадар олиб ўт!

Кучингни аямасанг, темир деворни ҳам йиқитасан.

Яхши уруғдан яхши гуруч битади, яхши онадан яхши  
бола туғилади.

Ошнинг таъми туз билан,  
Одамнинг таъми сўз билан.

Эшагига яраша тушови,

Ошиққан қиз эрга ёлчимас,  
Тешик мунчоқ ерда қолмас.

Бор мақтанса — топилур,  
Йўқ мақтанса — чопилур.

Эман оғочининг эгилгани сингани  
Эр йигитнинг уялгани — ўлгани

Хотин олмоққа кет керак,  
Кунда дахсар эт керак.

Карнай мисдан...

Кўр тутганини, кар эшитганини қўймас.

Битар ишнинг бошига  
Яхши келур қошига.

Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи билан келур.

Оёқ югуруги ишга,  
Оғиз югуруги бошга.

Отолмаган соққон ҳам бошга тегар, ҳам кетга.

Тенг тенги билан, тезак қопи билан.

Ойни этак билан яширса бўлурми?!  
Чумчуқ семирса ботмон бўлурми?!

Олатўғаноқ олғир бўлса ҳам аҳволи маълум.

Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар.

Чўпни хор тутсанг, кўзингга тушар.

Кўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур,  
Оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур.

Отаси урмас қўнғизнинг  
Боласи урар тўнғизни.

Уйда чакса — уни йўқ, том бошида қўш тандир.

Зўри беҳуда миён мешканад.\*

Қалб қозони қайнамас,  
Қайнаса ҳам қуюлмас.

Яхшилик қил — сувга сол,  
Сув билмаса, балиқ билур,  
Балиқ билмаса, халқ билур.

Юмруқ букилиб санг бўлмас,  
Эчки югуриб ланг бўлмас.

Қизни ким суймас,  
Қимизни ким ичмас.

Кулни ўз кўмачингга тортма.

Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар.

Кичкина деманг бизни, сакраб урармиз сизни.

Орқангга боқ,  
Ноғора қоқ.

Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялар.

Танимасни сийламас.

Эрга берсанг ошингни,  
Эрлар силар бошингни;  
Итга берсанг ошингни,  
Итлар чайнар бошингни.

Қум йиғилиб тош бўлмас,  
Қул йиғилиб бош бўлмас.

Қул қутурса, қудуққа туфлар.

Ур деганда, қул қочар.

Қул бўлсин, қулоғи ёғлиқ бўлсин.

Биз қўй кўрмасак ҳам қий кўрган эдик.

---

\* Беҳуда кучаниш бел синдиради.

Қулнинг суйган камари арқон, ори емиши талқон.

Оз хизмати,  
Кўп миннати.

Оз ошим, ғавғосиз бошим.

Ош эгаси билан тотли.

Тадбирнинг енги билан тақдирни яшириб бўлмас.

От олсанг, овулинг билан кенгаш.

Кўр халқнинг кўзи бахилнинг кўзидек торшира бўлур.

Кўпга кенгаш, ўз билганнингни қил.

Эл ёмони — мангит, қуш ёмони — калхат.

Тўйга борсанг тўйиб бор,  
Турқа тўнинг кийиб бор.

Уйдаги сўз бозорга рост келмас.

Икки суюклик бир кўнгилга сиғмас.  
Икки кема тутганлар қолди ғирқоп ичида,

Чиқмаслар ул денгиздан бир кема тутмагунча.

Етим ўғил сақласанг, оғзи-бурнинг қоп этар,  
Етим кўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар.

Эма билган кўзилар икки онани эмар,  
Эма билмас кўзилар ўз онасини эзар.

Оғиз ошга етганда, бурни қонаган ман бўлдим.

Арғумоқ от бўлмас озган сўнг,  
Эгаси кўлига боқмас ёзган сўнг.

Асилнинг хатоси бўлмас, ножинсининг ошнаси.

Шайхнинг ҳунари бўлмаса, хонақо танг.

Қаловини топмаса, қоқшоқ ўтин ҳам ёнмас.

Сўзни айтгил уққанга, жонни жонга суққанга,  
Айтиб сўзни нетарсан онадан ёмон туққанга.

Қиз сақлагунча туз сақла.

Қизнинг қариси този бўлур,  
Сариқ итга рози бўлур.

Эгасини сийлаган итига сўнгак ташлар.

Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит.

Ит калласини силасанг, оёқда турмас.

Қариндошинг ўлса ҳам қадрдонинг ўлмасин.

Етим қизга елпиғич чикора.

Мевадор дарахтнинг боши яммон.

Эшак қатқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур.

Синаган урушга яхши.

Ёв кетган сўнг қиличинг йўққа чоп.

Ёмон отга ёл битса, ёнига тўрсуқ боғлатмас,  
Ёмон эрга мол битса, ёнига қўшни қўндирмас.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас.

Эшак феъли эгасига маълум.

Ота сўраб нетарсен эрни ўзи бўлган сўнг,  
Йўл сўраган номарддир от устига минган сўнг.

Эр бошига иш тушса, этик ечмай сув кечар.  
От бошига иш тушса, сўлиқ бирла сув кечар.

Бўзчи белбоққа ёлчимас.

Минг қаргага — бир кесак.

Мушук илмоқдаги ёғни ололмай, «пупф, сассиқ», деган.

Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ.

От тепкисини от кўтарар.  
Ёмғирдан қутулиб, қорга йўлиқдим.  
Алам тортмай, жафо чекмай, қора кўздан тўкилмас ёш.  
Ҳар кимнинг ўзига ўт (ой) кўршиар кўзига.  
Қўнғиз оппоғим дер, кирпитикон юмшоғим дер.  
Дала йўли тор, тойчоғи ҳам бор.  
Қайнаса — қони қўшилмайди, тўғраса гўшти.  
Соғинмаган қариндош деб санғиллаб юрманг.  
Туркни туртмагунча билмайди.  
Еган бўрини ҳам кўр, едирган қўйни ҳам кўр.  
Осмонга тупурсанг, бетингга тушади.  
Ёмонга хоҳ ялин, хоҳ ёрил.  
Аёз унутган кунингни унутма,  
Хон чоринингни қуритма.  
Нася емасанг гўштни,  
Суяги тешар тўшни.  
Чайнамасдан ютарлар  
Қавшамасдан ўларлар  
Ёмоннинг ўти ёмон,  
Эски чопоннинг бети ёмон.  
Ўлди — азиз бўлди,  
Шишди семиз бўлди.  
Ҳавас қилсанг етарсан,  
Ҳасад қилсанг кетарсан.  
Эринг хўрлади — элинг хўрлади.

Эрга ёққан элга ёқар.  
Кул том бўлмас, куёв ўғил бўлмас, бегона даданг  
бўлмас.  
Даладагилар мой ичар,  
Уйдагилар қон ичар.  
Ўлик моли ўра қўйса турмайди.  
Қўйчи бойнинг қизи бўлмасам ҳам эчкили бойнинг қи-  
зиман.  
Бўлинганини бўри ер.  
Ит итга буюради, ит думига буюради.

Ёрлилик яхши экан, ётиб ичарга ош бўлса.  
 Отим эгаримни менсимайди,  
 Эгарим кетимни менсимайди.  
 Қўлинг қимирласа — оғзинг қимирлайди.  
 Кўпни ўйлаган оздан қуруқ қолур.  
 Тўқ бола оч болани ўйламайди,  
 Оч бола ҳеч нарсани кўзламайди.  
 Оч сусоқ.  
 Бу маҳал қандай маҳал — ичгил қатиқни нонсиз,  
 Арпа, буғдой пишганда кел, тўғраб берай армонсиз.  
 Камбағалнинг овни юрса ҳам дови юрмайди.  
 Эшакнинг юки енгил бўлса, ётоғон бўлади.  
 Қайноналик келин — бошбоғлик келин.  
 Тўғри сўзим туққанимга ёқмайди.  
 Қирпитикон сирти тикон бўлса ҳам ичи бетикон (*Ибн Сино*).  
 Баъзи кишиларнинг афти-башараси дуруст кўринса-да,  
 ичи фитна.  
 Арпа емаган отим ажриққа зор бўлди.  
 Оқсоқ ётиб семиради.  
 Усти очиқ чордеворни ёпдилар,  
 Хотини ўлган кишини топдилар.  
 Хотини ўлган кишига  
 Эри ўлган йўқмиди?  
 Бу менинг толдек бўйимга  
 Бир муносиб йўқмиди?  
 Оёқликка йўл бермайди,  
 Оғизликка сўз бермайди.  
 Сўзлари бодроқдай — худонинг балоси.  
 Киши боласи кишмиш берсанг турмайди.  
 — Қанча фоиз?  
 — Уттиз фоиз, ердаги билан юз фоиз.  
 Отларимнинг бири йўрға чиқди, дегандай,  
 Қариганда эрим ҳунар чиқарди.  
 Қизнинг қирқ чироғи бор,  
 Бири ёнмаса, бири ёнади.  
 Агар хотин ололмай бева ўлсам, ялlochи қизлар, мози-  
 римга бориб чилдирма билан ёр-ёр айтинглар.



Гилам сотсанг — қўшнингга сот,  
Бир чеккасида ўзинг ўтирасан.  
Ботирнинг мушти ҳам таёқ.  
Олтовлон ола бўлса,  
Оғиздагини олдирад,  
Тўрттовлон тугал булса,  
Тевадагини индирад.  
Айрилганни айиқ ер.  
Ошнанг — белбоғинг.  
Аргамчига қил — қувват.  
Ош эгаси билан, гул барги билан.  
Чиллаки чиллакини кўриб чумак урар.  
Олма олмадан ранг олади.  
Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол.  
Ёв йўқ дема жар остида,  
Бўри йўқ дема бўрк остида.  
Томчи тошни кесади.  
Бўрининг қулоғи овда.  
Илоннинг тиши юмшоқ бўлса ҳам ичи заҳар.  
Ножинсининг меҳмонхонасидан дўстингининг сомонхонаси  
яхши.  
Тоғнинг кўрки тош билан,  
Одам кўрки бош билан.  
Одам оласи нчида.  
Дон дурдан аъло.  
Элак сўрашга оғиз керак.  
Тилагандан тилинган осон.  
Гапнинг қисқаси яхши,  
Қисқасидан ҳиссаси яхши.  
Бир ёмон анжир кесар,  
Икки ёмон занжир кесар  
Ёмон яхши бўлмайди,  
Эшак бахши бўлмайди.  
Қум-қум одам.  
Арслоннинг ўлиги сичқоннинг тиригидан яхши.  
Тиқ-тиқ этар бўзчи,

Пулини сузар кўнчи.  
Онасига қараб қизини ол,  
Қирғоғига қараб бўзини ол.  
Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи  
билан.  
Яғир эшак дарёга тушди.  
Давр келса, сур, бегим,  
Ажал келса ўл, бегим!  
Уликка йиғлаган эссиз кўзим,  
Нодонга сўзлаган эссиз сўзим.  
Як кафтинг суюқ қилади,  
Ду кафтинг қуюқ қилади.  
Бўйи баланд олимларнинг хассаси --  
Урта бўйли қизил гулнинг дастаси.  
Яхшида думоғ йўқ,  
Парчада ямоқ йўқ.  
Акиллайди қопмайди,  
Мендан яхшини топмайди.  
Қулнинг қудаси кўп, бекнинг ошнасн кўп.  
Бек ўзини овулар, қўлтиғини совулар.  
Тўғри гапни қилч кесмайди.  
Ҳаммани қилган карнайчи,  
Балога қолган сурнайчи.  
Ошиққа таёқ ўтмас,  
Урса ёнидан кетмас.  
Кўйлагинини эл кўради,  
Ичини очиб ким кўради?  
Улик бўлиб гўрда йўқман,  
Тирик бўлиб сонда йўқман.  
Ўнқир-чўнқир, ҳай-ҳай ўзим уйим,  
Қинғир эди, қийшиқ эди, жоним эрим.  
Йўлнинг отаси — туёқ,  
Сўзнинг ошаси — қулоқ. (*Қозоқ мақоли.*)  
Бермаснинг оши пишмас,  
Пишса ҳам ошхонадан бери келмас.  
Ола тоғни қора тоғга улаб юради.  
Ахир бир кун ўнг қўл сўл қўлини топиб олади.

Ёмондан қутулиш қийин,  
Қозоннинг қуясини яшириш қийин.  
Боғларда пишган гилосим,  
Отамдан — онамдан қолган меросим.  
Ҳолимни билган — ҳабибим,  
Дардимни сўрган — табибим,  
Жонимнинг чегаси — оғагинам.  
Мевали дарахтга тош тегади,  
Мевасизга не тегади?  
Жанда бўлса бўлсин, канда бўлмасин  
Қўшимнинг оши — кўнгилнинг ҳуши.  
Қўшимнинг оши — гавгоннинг боши.  
Йўқча елча ош бўлур, меҳмоннинг кўнгли хуш бўлур.  
Ун қопқонинг ўғриси бўлсин, ўғлинг бўлсин.  
Бошимни баркаш қилдим, елкамни абкаш қилдим.  
Тилаб олган иззат туздан қаттиқ.  
Қиз боласи — тўй нони, ўғил боласи — уй нони.  
Улар бузоқ болтадан тоймас.  
Ёмон отга ёғ бита, ёнига турсуқ\* йўлатмас.  
Яхши ўғил тўрга сурар,  
Ёмон ўғил гўрга сурар.  
Беғамнинг олдида бошим оғрийди, дема.  
Ўғайнинг ўти ёмон, саксавулнинг чўғи.  
Туянинг қилиғи бир тахта ғўзани қуритади.  
Овулга айтсанг ошади,  
Қўшнингга айтсанг қўшади.  
Дардим бор, дардкашим йўқ,  
Ғамим бор, ғамхонам йўқ.  
Қариндошим келса келсин,  
Шум тўрваси келмасин.  
Эрни хотин адо қилур, урни патир адо қилур.  
Товуқ семирса кўзи тораяр.  
Нодонга — калтак, оқилга — ишорат.  
Озуқлик от ҳоримас.  
Оти йўқ охур тузар.  
Оғриманган бошимга — олтин исирға.

---

\* қуш

Эрмана — жонимга дармана.  
Янги келиннинг оҳи тиниқ,  
Янги кўзанинг суви тиниқ.  
Тириклигимда қилмадинг шод,  
Ўлганимда хоҳ қил, хоҳ қилма ёд.  
Иўқ зўрға-зўрға,  
Бор йўрға-йўрға.  
Оч уйда қатиқ увимас.  
Танингнинг соғлиги — танангнинг бойлиги.  
Ҳаким боғда, ҳалқуми ёғда.  
Чопар от оёғидан ҳорийди.  
Оқ танга, қора танга,  
Пул берсанг йўрғалайди бизниг янга.  
Худойим, бойитмаслигингни билдим, энди ёрли қил-  
магил.  
Билгил жойингни,  
Қўйгил пойингни.  
Ёз ёпинғичингни қўйма,  
Қишда хоҳ ол, хоҳ олма.  
Оға-ни топишди,  
Ёвга бало ёпишди.  
Қиш ҳам келди қиличини судраб.  
Яхшилигимиз бўлса ошир,  
Ёмонлигимизни яшир.  
Тоғдек тахт бергунча,  
Бармоқдек бахт берсин.  
Тенги чиқса, текин бер.  
Қулоғимдан тутиб сотсанг, қулингман.  
— Ининг келди, ининг келди!  
-- Иним инига кирсин!  
— Инингнинг отининг қопчиғида бир бўривой\* бор!  
— Инимнинг мендан бошқа кими бор!  
«Ўттизга пандим бор, лекин яхшиси — кўринмаслик»,  
дебди тулки.  
Чимчилаб олгандай бурни бор.  
Ошнангиз ола қарға экан, емиши сизникидан.  
Билим ва ҳунар — кишининг кўрки.

---

\* Қўйнинг бир сони.

## ИСМ ВА ЛАҚБЛАР

Хушвақт биби	Боғдагул
Мавжи нисо	Ойман
Ойбосархон	Ойнур
Сулув	Гулнур
Кумуш	Гулноз
Хушқол	Дилноз
Дурбиби	Хушноз
Шаҳноз	Сарибек
Дадақўзи —	Оғабек
Отақўзи	Тельман
Муродбек	Чақин
Қўрқут	Қоражон
Нозимбек	Улуғбек
Элнур	Пўлат
Элжон	Беҳзод
Йўлчи	Зиё
Қутлуғ	—
Қундуз	Тўрва соқол
Бектемир	Янгибой
Қуттибек	Жўра пистон
Эҳсон	Аъзам шамол
Иззатбек	Ҳардам хаёл
Омонбек	Мой кўз
Саид	Такасалтанг
Кунбек	Кўп эмган
	Майда гап
	Шайтон тепа
	Қуш уйқуси
	Обизамзам

## АИРИМ СУЗЛАР

Ўйинчиқ  
 Урчиқ  
 Қилчиқ (қилтаноқ).  
 Бойчиқ (бойча).  
 Ёнчиқ (ҳамён). *Татарча*  
 Қопчиқ (қопча). *Қозоқча*

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ ҲАҚИДА

(Турли маъхазлардан)

### ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИГА ДОИР

Милоддан бир неча аср бурун Ўрта Осийёда сўғдлар ва Эрон қавмлари яшаганлар. Искандар юришлари замонида бу ерларда кўчманчилик билан ўтроқ ҳаётни ҳам кўриш мумкин эди. Шаҳарлар, работлар бор эди. Ҳозирги Самарқанд ўрнида Мароканда деган шаҳар бор эди. VII асрда араблар келганда, ҳаёт умумий кўринишида шундан нарига кетмаган эди. Ҳар шаҳарда — ҳоким. Ҳокимлар туркларга бўйсунардилар. Шаҳар аҳолиси эроний қавмлар бўлган, туркий халқлар эса кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Майда-чуйда ҳукуматлар кўп эди. Уларнинг бошида деҳқонлар — катта ер эгалари бўлган. Улар ташқи душманлардан сақланиш учун турк хонларига сизинардилар. Ягона дин йўқ эди. Араблар, деҳқонлар — оқсуяклар билан баҳамжиҳат иш кўришга тиришар эдилар.

Аббосийлар даврида мустамлакалар аста-аста мустакилликка эришиб, халифа номидан идора килиндилар. 875 йилда Сомонийлар ҳукумати тикланди. Марказ — Бухорода. Бу бир аср қадар яшадн. Савдо-саноат ўсди. Лекин Сомонийлар ҳукумати Қашғардаги қорахонийлар давлати томонидан забт этилди. XII аср яримларида қорахитойлар қорахонийларнинг ерларини истило қилдилар. Хоразмда Хоразмшоҳ давлати қурилди.

### ИСЛОМ

Янги дин арабларни тез бирлаштирди: Муҳаммад лнни дунёвий давлат түзди. Муҳаммад ўлгандан кейин (632 милодий) халифалар истилогарчилик сиёсатини кизитдилар; Миср ва Фаластин Арабистонга тобе этилди; Эрон бутунлай истило этилиб, сосоний давлати йўқолди. VII

асрининг охирида араблар Мовароуннаҳрга кириб келдилар.

Кенг араб мамлакатада жанжалларнинг кучайиши. Али ўлдирилгач, Сурия ҳокими Маовия халифаликни эгаллайди. Марказ энди Шомда. Бу — Умовия давлати. Бу давлат мустамлакаларда «арабчилик»ни кучайтирди; миллий одат-анъаналарни йўқотишга тиришди. Бу замонда улар мустамлака халқларига «маволи» (озод қуллар) деб ном қўйдилар.

Эронда ва Туркистонда норозилик ҳаракатлари бошланди. Хуросонлик Абу Муслим катта қўзғолон кўтарди. Умовийлар мағлуб... Натижада давлатни аббосийлар эгаллаб олади. Марказ энди Ироқда... Бу давлатда эронийларнинг таъсири кучли эди. Аббосийлар даври давлатнинг энг қудратли ва порлоқ даври бўлди. Бу даврда араб савдоси гоят кенгайди. Хазина бениҳоят бойинди. Ҳашамат авж олди...

#### ТАСАВВУФ

Мусулмон оламида биринчи сўфий — Али Ҳошим деган киши. Суриялик. Ҳижрий II асрнинг ярмиларида яшаган. Илк сўфийларнинг аксари хунармандлар, деҳқонлар, озод қуллардан иборат бўлган.

*Тасаввуфда маърифат назарияси:* сўфийлар фикрича, маърифат факат «кўнгиш»да «кашф» орқали ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг учун риёзат, мурукаб — «ўзлик»дан кечиши, моддийни назар-писанд қилмаслик, зикр ва ҳ. к. керак. Маърифат шу: ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсга «вужуди мутлақ»дир. Бу — ҳамма борлиқларнинг чиқиши ва қайтиш нуқтаси. Ҳамма мавжудот унинг ўзида жо бўлган, эриган ҳолда. Вужуди мутлақ — ҳусни мутлаққа эгадир. Бу гўзаллик тажалли этмак тилайди. Бунинг учун «ишқ» керак. Чунки гўзаллик учун «ишқ» фарздир. Бу «ишқ» ҳам унинг мазмунида мавжуддир. У ўз-ўзига ошиқ. Олам унинг кўзига ишқнинг натижасида пайдо бўлган. Демак, олам асосида ишқ ётади.

Вужуд ўзини томоша этмакни истаркан, ўз зидлига, адами мутлаққа қарши келарди. Ойнада ўз аксини томоша қилган каби, адами мутлақда аксини кўради, кинот адами мутлақ оинасида акс этган соясидир. Ташқи олам — кўлка ва хаёл. Инсоннинг ҳам моддий, ҳам жисмоний томони — хаёл йўқоладиган нарсга. Лекин унинг

руҳи «вужуди мутлақ»дан. Шунинг учун руҳ ўз аслига қовушмоқ истайди. Унга ошиқ, аммо унинг интилишига жисмоний томон монелик қилади. Бу жисмоний «девор»-ни бартараф қилмоқ керак. Ўлимдан аввал ўлмак керак. Жисмоний жиҳат йўқолса, киши фанога эришади. Бу — оллоҳга қовушмоқдир.



Аббосийлар даврида иқтисодий ва сиёсий талаблар урфон ва маданиятни ривожлантиришни ҳаётий масала қилиб қўяди. Халифа Умар Искандариядаги бой кутубхонани динга зарарли, деб ёқтирган эди. Бирон аср ўтар-ўтмас аббосийлар саройида юнон, ҳинд, эрон илми ва маданиятини ўргана бошлайдилар. Турли илмий соҳаларга оид нарсаларни араб тилига таржима қила бошлайдилар. Ислолда рационализм оқими пайдо бўлади. Бу — муттазилдир. Бу оқим қарашича, нарсаларнинг ҳақиқатини тушунмак учун, худо ва пайғамбарга эмас, ақлга суянмак керак. Инсонда ихтиёр бор. Кейинча, бу маслак дин жиҳатидан қалтисроқ туюлди. Ақл ва ироданинг ролини чегараладилар, ақл билан қуръон ҳақиқати мослаштирилди. Инсонларнинг ҳаракатида тақдир ҳоким. Аммо инсонда ёлғиз «иродаи жузъния»гина бор, деган эътиқодни ташвиқ қилдилар. Тасаввуф мутаассибларга ҳам, мутазичиларга ҳам, ўрта йўлни олға сурган «иродаи жузъничилар»га ҳам қарши чиқади. Тасаввуф тарафдорлари дастлаб, асосан, эзилган, тубан халқ номояндалари бўлдилар. Мусулмон тасаввуфида буддизм, неоплатонизм ва зардаштлик унсурлари бор.



Ҳукуматлар мутасаввуфларни кўпинча таъқиб этганлар. Аббосийлар даврида бир қанча машҳур сўфилар ўлдирилган. 901 йилда Мансур — халлож ўтга ёқилган. Тарихда сўфиларнинг исёнга қатнашувларини кўрсатувчи фактлар подир эмас. Шайхлар муридни гоят қатъий ва оғир шартлар билан қабул қилганлар. Мурид учун шайх чегарасиз обрў ва иродага эга бўлган. Сўфизм



аслзодаларнинг ортиқча имтиёзларига исломнинг тор, қуруқ аҳкомларига қарши бир реакция сифатида давом этади; лекин замон ва шароитга кўра турли шакллар олади ҳамда турли оқим ва оқимларга бўлинади.

\* \*  
\*

XI аср ўрталарида катта мутасаввуф — Хўжа Юсуф Хамадоний дунёга келади. Бу — Боғдодда таҳсил кўрган киши эди. У Марв, Бухоро, Самарқандда хонақоҳлар очади. Абдулҳолиқ Фиждувоний ҳам Аҳмад Яссавий — унинг шогирдларидан. Абдулҳолиқ тузган оқимни тариқани нақшбандия, Яссавий тузган тариқатни эса Яссавия ёки жаҳрия деб атайдилар.

Ҳар икки таълимотнинг асослари оддий чўл халқига қаратилган зоҳидликдан иборат.

Нақшбандия шаҳар аслзодалари ва давлатмандлари учун мосланган оқим. Бунда тарки дунё йўқ. Унинг тарафдорлари мол-мулк қайғуси билан оллоҳ ишқини мослаш мумкин, дейдилар.

Яссавийлар зикрни ашула куйларига мувофиқ айтганлар.

Нақшбандийларнинг зикри нафасни ичда тутиб, юракдан садо чиқармоқдир.

\* \*  
\*

Арабларда исломдан бир-икки аср аввал «қасидачилик» бор эди. Ҳар қабиланing шоирлари бўлар, шоирлар қабилада катта обрўга эга эдилар. Зўр образларда шоирлар ўзишувга киришардилар. Ислом пайдо бўлгач, шоирлар қасидаларда янги динни мақтайдилар. Кейин ҳижозда, кайф-сафо мажлисларида айтиладиган ишқни куйловчи ғазал шакли яратилган. Услуб саҳрои руҳдан узоқлашиб, нозиклашмакка бошлайди. Сўнгра, арабларда мувашшах ва мусаммад ҳам эронийлардан олган маснавий ва рубоий шакллари кўринади.

Арабларда наср ҳам яхши тараққий қилади. Узга тиллардан ҳикоялар, афсоналар таржима этилади. «1001 кеча» асарлари учун замин ҳозирланади.

Исломдан бурун Эронда шеърят, санъат ва илм анча ўсган эди: Сосонийларнинг саройларида ҳинд олимлари нодир эмасди. Шеър у вақтда ҳижо вазнида эди. Лекин тилнинг хусусиятига кўра арузга яқин қолган эди. Араб истилосидан кейин арузни тамом қабул қилдилар.

Уммавийлар даврида форс тили ва адабиёти сиқилган, араб тили ҳоким эди. Кейин, аббосийлар даврида форс тили эркин ўсади, ҳатто араблар бу тилнинг таъсирига берилдилар. Эрон аста-аста сиёсий мустақилликка эришади. Адабиётда йирик шахслар пайдо бўла бошлайди. Лекин шоирларнинг аксари Хуросон ва Ўрта Осиёда етишади. Бу даврнинг адабий тили эски форсча-пахлавийчадан фарқ қилади...

#### ТУРКИЙ (ЎЗБЕК) АДАБИЕТ АСАРЛАРИ

Илк адабий асар — «Қутадғу билиг» — *Юсуф Хос Ҳожиб* асари. Сарой низоми, ҳукмдор, вазирлар, беклар, халққа муносабат ва ҳ. к. тўғрисида.

«Ҳиббатул ҳақойиқ» XII асрда ёзилган. Дидактик асар. Фарғона—Самарқанд теварагида ёзилган бўлиши мумкин. Тил ва услуб жиҳатидан «Қутадғу билиг»га яқин. Мазмуни: тил ўрганиш, илм фойдаси, сахийлик ва ҳ. к. ҳақида. Тилида араб-форс сўзлари кўп.

*Аҳмад Яссавий*. Милодий XI аср яримларида Туркистонда туғилди. Отаси — шайх Иброҳим эшон бўлган. Аҳмад отадан ёш қолган. Аҳмад илк тарбияни Арслонбоб деган сўфийдан ўрганди; Бухорода ўқиди. У Юсуф Хамадонийнинг муриди. Бир муддат Бухорода шайхлик қилади. Кейин Туркистонга қайтади. 1166 йилларда вафот этади.

*Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота)* — Яссавийнинг шогирдларидан. Яссавий амри билан Хоразмга кўчган ва у ерда шайхлик қилган. Яссавийга тақлидан «ҳикматлар» ёзган. 1192 йилда Хоразмда ўлган.

Хоразмшоҳлар давридан бизгача адабий асарлар сақланиб етмаган.

«Абу Муслим жангномаси» 1105 йилда Хоразмда ёзилган. Хурофий, манқабавий бир жангнома. Абу Мус-

лим ўз ҳаракатига бир нав диний тус ҳам берган эди. У ўлдирилгандан сўнг ҳам Ўрта Осиёда унинг тарафдорлари кўп эди. «Сафиди жомагонлар» унинг изчилари эди.

Мўғул истилоси натижасида кўп олимлар Кичик Осиёга, Мисрга қочганлар.

Қутб Хоразмий, Камол Хўжандий Олтин Ўрда адабиётига хизмат қилганлар. Қутб Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини таржима қилган. Хоразмий «Муҳаббатнома»ни ёзган. Хўжандий унга тақлидан «Латофатнома»ни ёзган.

\* \*  
\*

Мўғул истилосидан Темурнийларгача бўлган бир ярим асрлик замон адабий ижодиётда Тўхтамиш даври каби кўринади.

«Юсуф ва Зулайҳо» — аслида яҳудий афсонаси. Тавротга кирган. Ундан қуръонга кўчирилган. Бу афсона форс-тожик ва турк шоирларига мавзу бўлган. Фирдавсий ҳам дoston ёзган.

Ўрта Осиёда бу мавзуда ёзилган қадимий асар Али деган шоирнинг «Қиссаи Юсуф» достонидир. Шоирнинг кимлиги, қаерликлиги маълум эмас. Бармоқ вазнида (чала ҳижолик) тўртликлардан тузилган. Қадимий халқ қўшиқлари таъсири бор. 1233 йилда ёзилган.

«Қиссасул анбиё» — диний, ахлоқий асар. Работ — ўғуз деган бир мавзу кишини ёзганидан асар авторни Рабғузний деб аталган. Муаллифнинг исми — Пасриддин бини Бурҳониддин. У Тўқ бўға деган бекнинг илтимоси билан 1313 йилда ўз китобини ёзган. Тили оддий, жонли. Китобда чиройли ҳикоялар ва шеърний парчалар келтирилади.

«Мифтоҳул адл» — «Қиссасул анбиё»дан бир оз кейин ёзилган бўлиши мумкин. Муаллифи ҳам маълум эмас. Асар Темурбек деганга бағишланган. Бу Темурбек ким? — бу ҳам мажҳул.

\* \*  
\* . \*

Ўрта Осиё IX асрдан бошлаб, араблардан айрилиб, Сомонийлар давлатида яшади. Марказ Бухоро эди.

Аммо ҳукумат қўлдан-қўлга кўчди, XIII асргача Бухорода сомониёлар, Қашқарда қорахонийлар, Марвда салжуқийлар, Хоразмда Хоразм шоҳлари ҳукм сурди. Утроқ халқининг аксариёти эронийлар эди. Сомониёлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар саройида форс-тожик адабиёти ҳукмрон эди.

## ТЕМУРНИНГ СИЕСИЙ ҚУРАШИ ВА ДАВЛАТИ

**Бу даврда илм ва санъат.** Араб тили ва адабиётига доир асарлар ёзган Тафтазоний Темурнинг сарой олимларидан эди. Фалсафа, маантиқ соҳасида чуқур маълумотли олим — Саид Шариф Журжоний. Тарих соҳасида Шарафиддин Яздий, Абдулраззоқ Самарқандий, Мирхонд ва бошқалар. Улуғбек — астрономия соҳасида. Унинг «Зижи Кўрагоний» деган жадвали бор.

Бу даврда машҳур чолғувчилар ҳам етишади.

Тасаввуфда бу даврда нақшбандийлик кучаяди. Хўжа Убайдулла Аҳрор ва Абдурахмон Жомийлар катта нуфузга эга бўладилар. Хўжа Аҳрор катта сарватга эга эди.

*Камол Хўжандий* Тўхтаминш саройида, Олтин Урдада тўрт йил яшаб, шунда туркча «Латофатнома» асарини ёзади. 1389 йилда Табризда ўлади.

Камол Хўжандий билан Ҳофиз Шерозий бир-бирларини яхши танир, бир-бирларига ўхшатмалар ёзар эдилар. Ҳар иккисини мутасаввуф эди. Камол Табризда шайхлик қиларди. Лекин булар ўз шеърларида тасаввуфнинг фалсафий томонини кўйлаганлар.

*Дурбек* — Темурга асрдош шоир. Исми маълум эмас. Шоир тўғрисида маъхазлар ҳеч нима демайди. Бухорода унинг «Юсуф ва Зулайҳо»сининг икки нусхаси топилган. Асарнинг тарихи 1409 йилни кўрсатади. «Дурбек» унинг тахаллуси бўлса керак. Арузи бузуқ. Тили анча содда, лекин форсий иборалар учрайди.

«Таашшуқнома» — Саид Аҳмад асари; Шоҳруҳ мирзога бағишланган; 1436—37 йилларда ёзилган. Бу — Темурнинг ўғли Умаршайх мирзонинг ўғилларидан экани эҳтимолдан узоқ эмас. Олтин Урдада ёзилган «Латофатнома» ва «Муҳаббатнома»ларнинг тақлиди. Вазни ҳам, мазмуни ҳам бир. Асарда ўнта ишқий нома бор.

*Лутфий* Шоҳруҳ саройида яшаган. 90 ёшга кириб, саёҳатлар қилиб, ўлган. Дарवेशона ҳаёт ҳам кечирган. Лутфий газалда устод. У Камол Хўжандийнинг оҳанг-

дор газалларига тақлид қилади. Қамол ҳақида унинг машҳур байти бор:

Лутфий камолни етса Самарқанд аҳлига,  
Амудин ўтмас эрди Хўжандий сафияси.

*Атоий.* Шоҳруҳ замонида, унинг набираларидан Муҳаммад Жўғий мирзо хизматида бўлган. Балҳда яшаб, Балҳда ўлган. У яссавийлардан Исмоил отанинг қариндоши эди. Атоий газалларидан кўпи Лутфий газалларига назирадир. Атоий Қамол Хўжандийдан устунликини даъво қилади:

Атоий шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий.

Навоний даврида халқ адабиёти, дostonчилик саройлар ҳорижида давом этган. Жангномалар кенг тарқалган. Бундан ташқари, Яссавий мактаби шоирлари ҳам халқ орасида ўқилганлар.

\* \* \*

*Шайбонийхон*нинг икки-уч газалигина сақланган. Шайбоний ўз саройига форс-тожик ва чигатой шоирларини тўплашга тиришган. Биноий унинг саройида ҳатто ўзбекча шеърлар ёзган. Биноий форсча «Шайбонийнома», Муҳаммад Солиҳ эса ўзбек тилида «Шайбонийнома» тузган.

*Муҳаммад Солиҳ*нинг «Шайбонийнома»си бошдан-оёқ темурийзодаларни масхаралаш, ҳажв этишдан иборат.

Шайбонийлар билан Темурийлар орасида адабий кураш кетган. Муҳаммад Солиҳнинг таҳқирига Темурийларнинг шоирлари ҳам жавоб қайтариб турганлар.

*Убайдуллахон (Убайдий)* — Шайбонийнинг укаси, Маҳмуд Султоннинг ўғли. Шайбоний Эрон чегарасида енгилиб ҳалок бўлгач, тарқалган ўзбекларни йиғди; Бобирни ва Эрон қўшинларини ҳайдади. Сулоланинг ёш жиҳатдан улуғи Кўчкунчихонни тахтга ўтказди. У ўлгач, 1533 йилда ўзи хон бўлди. Маркази — Бухоро.

Убайдуллахон яссавий тариқатининг ихлосли тарафдори эди. У шайх бўлиб муридлар қабул қилади. Зикрларга қатнашади. Қизини яссавий шайхларидан бўлган Нўғой отага беради. Яссавиёна ҳикматлар ёзган.

У Убайдий тахаллусини қўллайди. Ҳикматлари гоят дарвешонадир. Лекин Убайдий араб-форс тилларида ҳам ғазаллар ёзган. Навоийга тақлидан ёзган ишқий ғазаллари ҳам бор. Унинг девони Бухоро кутубхоналаридан бирида топилиб, тезда йўқолиб қолган.

Кўчкунчихон ва Убайдуллахон замонларида тарих ва тилга онд асарлар ёзилди. Тарих ўзбек хонларини Чингиз авлоди қилиб кўрсатиши керак эди. Кўчкунчихон фармони билан Рашид Хамадонийнинг «Жомулуд таворих»и, Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома»си форсчадан ўзбекчага таржима қилинди. Убайдулло Балхий ўзбек тилида «Зубдатул-асрор» деган тарих китобини ёзди. «Баҳрул асрор» номли тарих асари эса форсча ёзилди. Бундан ташқари, Восифийнинг «Бадое-ул вақое»си ҳамда Маҳмуд Кўҳистоний тарафидан «Тарихоний» асари яратилди.

*Абдулазизхон I* — Убайдулланинг ўғли. Отаси каби адабиётга қизиқади, шеърлар ёзди. 10—11 йил ҳуқум сурди. Замони серғалва бўлди. Чунки беклар, оқсуяклар орасида низо кучайди. Бир қисм мансабдорлар Абдулазизга тарафдор бўлдилар. Бошқалар эса Самарқандда Кўчкунчихон ўғилларидан бирини хон кўтардилар. Мажлисий ҳам шу замонда яшади. У «Сайфулмулук» қиссасини тожикчадан ўзбекчага назм билан таржима қилди. Бу замонда Сафойий, Ҳилолий, Мирзоҳинду, Муҳаммад Солиҳ ўғли Улунбек, Кавкабий ва ҳ. к. шоирлар яшаганлар.

*Пошшоҳўжа ибни Абдул Ваҳоб*. Тахаллуси — Хожа. Асли Хуросондан. Ўзбек хонларига хизмат этган. Навоийнинг «Ҳайратул аброр»ига тақлидан «Мақсадул аввор» номли маснавий бир асар ёзган. Ғазаллари эскиларга қуруқ тақлиддан иборат. «Гулзор» исмли ҳикоялар тўплами ҳам бор. Бу Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ига ўхшатмадир.

Абдуллахон даврида тожик тили ва адабиётининг таъсири кучайди.

XVII асрнинг бошида ўзбек хонлиги аштархонийлар сулоласи қўлига ўтади. Буларнинг даври хонликдаги тушкунлик давридир. Хон қўлида фақат Балх, Бухоро, Самарқандгина қолди. Кейинроқ Балх ҳам ажралиб, маҳаллий хўжалар қўлига ўтди. Хоразм ҳам ажралди. У ўзича хонлик қуриб, аштархонийларга қарши курашди. Ўлканинг бошқа қисмларини эса турли беклар ва қабила бошлиқлари эгалладилар. Бошбошдоқлик ку-

чайди. Халқда бадбинлик авж олди. У дин ва тасаввуфга берилади. Шоирларнинг аҳволи оғирлашди. Саройларда уларга илтифот йўқ. Саройлар камбағал. Шоирларнинг бир қисми Ҳиндистонга, бир қисми Эронга кўчди. Баъзилари халқ учун мазмуни диний-мистик, бадбин шеърлар ёздилар.

\* \*  
\*

*Гулханий*нинг оти — Муҳаммад Шариф. Наманганда ҳаммомчилик қилган. Кейин Умархонга навкар ёлланган ва сарой шоирлари қаторига кирган. Ўзбек мақолларини бир асарда тўплашга илк интилган одам шу.

*Турди*. Исми маълум эмас. Бошқа бир тахаллуси Фароғийдир. Ўзбекларнинг «юз» қабиласидан. Бу қабила Субҳонқулихон даврида ҳарбий хизматда бўларди. Шунинг учун бу қабила бекларининг нуфузи катта эди.

Баҳодир «юз» аскар бошлиғи эди. Муҳаммаджонбий юз хон номидан Балхни идора қиларди. Буларнинг вафотидан кейин бошқа қабила бошлиқлари ва амалдор қулар устун чиқадилар.

Юз қабиласи Фозилбий юз қўли остида исён қилади. Исён узоқ давом этади. Хоразм хони исёнчиларга кўмакка келади. Давомли урушлардан сўнг исёнчилар енгилади. Ўратепа ҳокими — Раҳимбий юзга боради.

Турди Бухорода, Субҳониқулихон саройида. Юзлар орасида унинг эътибори бор эди. У исёнчиларга қўшилиб, Раҳимбий даргоҳига суқулди. Бу киши ўлгандан сўнг, унинг ўғли Оқбўтабий эшигида хор-зор бўлиб яшади.

Турди шеърларидан ози сақланиб қолган. Ўзбекча 403 мисра, 12 мисра форсча.

Шеърлари исён ва унинг шоирга кўрсатган таъсири ҳақида. Турдининг хусусияти ҳам шунда. Унда чайналган, зериктиргич ишқ-савдо мотивлари йўқ.

Юз қабиласи исёнининг сарой интригаларидан ташқари яна чуқурроқ сабаблари бўлиши керак. 1690 йилда Турди узун — 165 мисрали мухаммас ёзиб, уни Раҳимбий юзга тақдим этади.

*Сўфи Оллоёр*. Шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумот ғоят оз ва чатоқ. Унинг яқинларидан Намангоний ўз асарида баъзи хабарларни беради. Баъзи ривоятларга кўра, у Абдулазизхоннинг катта амалдорла-

ридан бўлган; Каттақўрғон ва Самарқандни идора қилган. Кейин ҳукумат ишларидан кечиб, дарвешона ҳаёт кечирган. Тожикистонда ўлган (1723). Ривоятларга кўра, Оллоёр Машраб билан учрашган. Машраб эса Абдулазизнинг хон бўлиб кўтарилишидан беш йил илгари ўлган. Демак, Оллоёрнинг Самарқанд ва Каттақўрғонда мансабдор бўлгани ҳам жуда гумонли.

Оллоёрнинг оти — Оллоёрбек. Отаси Аҳмадқулбек. Қипчоқ қабиласининг бошлиғи. Укаси Фарҳод оталиқ Убайдулла II нинг катта бекларидан. У Абдулазиз замонида исён кўтариб қўлга тушгач, ўлдирилган. Қипчоқлар бир неча марта исён кўтарганлар. Оллоёр аралашмаган. Лекин унинг мансабдан кечиши билан шу исёнлар орасида бир боғланиш бўлиши керак.

Оллоёр тасаввуфга берилиб, Бухоро эшонларидан шайх Ҳабибуллога мурид бўлади. Оллоёр Тожикистоннинг Деҳнав ёқларида умрининг сўнгги йилларини кечиради. У зоҳид шариатчи, мутаассиб диндор сифатида исломнинг эътиқод ва ибодат ҳақидаги йўл-йўриқларини ташвиқ қилади. Шеърларидан бошқа яна бундай асарлари бор: «Маслакул мутақин», «Рийозул ошиқини», «Муродул орифин», «Саботул ожизин».

Оллоёр мусулмонларни минг фоиз мусулмон бўлмоққа чақирди.

Аёллар тўғрисидаги фикрлари чексиз мутаассибонадир...

Сўфи Оллоёр халқ тилини жуда яхши билади. Ифодаси равон. Назми силлиқ.

*Бобораҳим Машраб*: XVII асрнинг энг танилган шоирларидан. Ҳаёти афсонавий тус олган. Шунинг учун баъзи текширувчилар унинг тарихий шахс эканига ҳатто шубҳа билдирганлар. Лекин XVI—XVIII асрларга оид маъхазлар диққат билан текширилса, Машрабнинг тарихий шахс экани очиқ намоён бўлади.

Машраб Андижонда қашшоқ оилада туғилди. Опаси ип йигириб, рўзғор тебратарди. Машраб 15 ёшида Наманганга келади. Муллабозор деган янги бир эшон хизматида юради, бу муҳитда у бағилик, телбалик, тиланчиликни ўргана оларди.

Машраб қаландар бўлган. Қаландарлик — бир нав тариқат. Қаландарлар хусусан XVII асрдан бошлаб кўпайди. Қаландарлар тариқати — тиланчилик жамияти каби бир нарсаси.



Бухоро қаландарларидан Ҳожи Абдурахим 1672 йилда бир рисола ёзган. Бунда бу тариқат ҳақида маълумот бор.

Урта Осиё қаландарларининг шаҳарларда такьялари — қаландархоналари бўларди. Қаландарлар динни фақат тиланчилик учун ишлатардилар. Ўзларида ҳеч қандай касб-ҳунар бўлмасди. Ҳафтада икки-уч кун тиланчилик қилиб, қолган вақтларини наша чекиш билан ўтказардилар.

Машраб қаландар кийимида саёҳат қилиб, Қашғар, Еркент, Хўтан шаҳарларига борди. Қашғарда Оппоқхўжага мурид бўлди. Оппоқхўжа кейин уни қувган. (Оппоқхўжа катта эшон эди. 1695 йилда вафот этган.)

Машраб Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Бадахшон, Ҳиндистонда ҳам бўлган. Жалолиддин Румий ва Бедил асарларидаги пантеистик қарашларга эргшиб, ўз газалларига шундай бир руҳ берди. Шариатга хилоф пантеистик сўзлари учун 1711 йилда Балхда дорга осилди. Машрабнинг мухлислари унинг тўғрисида афсоналар тўқиб, шонри авлиё деб кўрсатишга тиришдилар.

*Ҳувайдодий Чимёний*. Исми Хўжапазар. Отаси Ғойибназар эшон. Машрабнинг асрдоши — Ҳидоятулло эшонга мурид эди. Машраблар гуруҳида бўлиши мумкин. Чимёнда туғилди. Мадрасада ўқиди. Кейин эшонлик ва мактабдорлик қилди. 1780 йилларда Чимёнда ўлди. Девони машҳур; Тошкентда, Истамбулда босилган. Ғазалларида Сўфи Оллоёр руҳи сезилади. Машрабга ҳам эргашган.

\* \* \*

\*

XVIII аср ярмида Урта Осиёда тартибсизлик жуда кучайди. Вилоятлар қабила бошлиқлари, бек ва хўжалар идорасида бўлди.

1746 йилда Абдулфайзини ўлдириб, Раҳимхон тахтга чиқди. Бу билан ҳокимият аштархонийлардан мангитларга ўтди. Ана шу жанжалли вақтларда Фарғонада учинчи хонлик тузилди; кучли ўзбек қабиласи — «минг»нинг бошлиғи Шоҳруҳ ўгли Муҳаммад Раҳим ҳокимият ташкил қилди. Фарғонанинг иқтисодий ҳаёти тез тиклана бошлади. Бухоро энди Фарғонага қарши ҳаракатни кучайтирди.

Тошкент, Хўжанд, Туркистон вилоятлари Фарғонага тобе бўлди. Фарғона хонлигининг сиёсий таъсири ҳатто қўшни юртлар чегараларида ҳам мушоҳада қилинди. Фарғона айниқса Олимжон ва Умархон замошларида қувват касб этди (1799—1823). Умархондан сўнг Мадалихон (Муҳаммад Алихон) тахтга чиқди. 1828 йилда Бухоро хони Насрулло (халқ уни «Ботир қассоб» дер эди) Фарғонага ҳужум қилди. Бундан кейин хонлик секин-секин кучсизлашди.

Фарғона хонлигида илгаридан бир тўда — эшон, сайид, мавлавий каби руҳонийлардан иборат йирик ердорлар ҳукм суради. Кўплари мустақил эдилар. Хонлик ташкил этилгач, улар ҳамма имтиёзларини сақладилар, саройга йиғилдилар. Давлат хон билан бирга шуларники эди. Халқ мол-мулкини талаб, саройда дабдабали ҳаёт сурадилар. Умархон давридаги 70 нафар шоирнинг ярмидан кўпи шу аслзода руҳонийлардан эди. Шоирлар орасида Нодира (Умархоннинг хотини), Маҳзуна, Увайсий ҳам бор эди.

*Умархон (Амирий)* — Норбўтабийнинг ўғли. 1798 йилда Олимхон тахтга ўтирди. 1808 йилда Умархон уни — ўз акасини ўлдириб, тахтни эгаллади. Мағрур, дабдабачи эди у. Ўзини қадим жаҳонгирларга ўхшатиб, [...] «олтин бешик» дostonи билан ўзини Темур авлоди қилиб кўрсатишни истарди. Катта овлар ташкил қиларди. Бир неча юзлаб итлар, овчи қушлар билан овга чиқарди. Итларнинг бўйинларида олтин занжирлар...

Бир вақт аҳолидан 40 минг кишини овга чиқишга буюрганди. Кўп ичарди. Чиройли хотин ва қизларни зўрлаб, саройга олдиарди. Ҳашаматли хоналарда базм тузиб, кейин бутун жиҳозларни талашни сарой хизматчиларига буюрарди. Ўзи маст, қаҳ-қаҳалар билан томоша қиларди.

Умархон ғазалда кучли. Ўз теварагидаги шоирларга ва кейинги замон шоирларига таъсир кўрсатган.

Умархон шоирлари орасида Ҳозиқ, Хислат, Фазлий каби баланд истеъдодли шоирлар ҳам бор, лекин назирчилик орқасида булар ҳам бўғилганлар.

Умархон даври адабиётида Фузулий таъсири кучли. Айниқса Маъдалихон Фузулий тилини ва услубини яхши эгаллаган. Бунинг сабаби ёлғиз Фузулий шеърининг сеҳридагина эмас. Бунда усмонли саройининг таъсири бор. У вақтда турк ва инглиз сиёсати рус имперализ-

мига қарши чоралар кўрганди. Султондан Фарғонага элчилар келганди. Элчилар орасида шоирлар, адиблар ҳам бўлган. Улар албатта, таъсир кўрсатганлар.

*Маъдалихон.* 1808 йилда туғилди. Май, мусиқа, ишқ, безак, базм-зиёфатларда ўсди. 14 ёшида унинг ўғай оналаридан бирига муҳаббат изҳор қилганини ёзадилар. Муҳит уни ишқ тентаги, мажнуунамо қилиб етиштирди.

У 1822 йилда тахтга чиқди ва 21 йил ҳукм суради. Бир-икки марта Қошгарга сафар қилади. Қоратегин вилоятини олади. Бухоро билан тинч яшашга интилади. Истамбулга элчилар юборади ва элчилар қабул қилади.

У идора ишларида унча тентак эмас. Лекин унинг саройида бузуқлик, фисқу фужур авж олди. Ўзи хўроз уриштирар, кабутар боқарди. Маъдали отаси даврида тўла ҳукмрон бўлган катта ердорларни сиқа бошлади. Улар Бухорода тўпландилар ва Маъдалига қарши курашдилар. Ўғай онасини хотинликка олган бу «кофир» хонни тушириш учун Насруллога ялиндилар. Насрулло ҳужум қилди. Маъдали асир тушди. Укаси, ўғли ва онаси билан бирга ўлдирилди. Шаҳар таланди. Кўп одам қирилди. Бундан кейин Фарғона хонлиги тиклана олмади.

Насруллонинг ваҳшати Фарғона аҳолисига қаттиқ таъсир кўрсатди. Халқ 77 кундан сўнг Бухорога қарши исён бошлади. Ўзини Қўқон хонлари авлодидан деб таниган Шералини хон кўтардилар. Яна ишларга мудохана қилаверди. Рус империализми ҳам фитна тарқата бошлади. Фарғона путурдан кетди. Шоирлар энди Насрулло зулми ва ички бузуқлик тўғрисида шикоятлар ва надоматлар билан тўла шеърлар ёздилар.

*Мирза Олим Мушайиф.* Тошкентлик. Мирзараҳим домланинг ўғли. Худоёрнинг бош котиби (мушайиф) бўлган. Фарғона фожиаларини ўз кўзи билан кўрган. 30—35 йил саройда хизмат қилган.

Хонлик йиқилгач, у бир қишлоққа имом бўлиб, хонликнинг тарихини ёзди («Ансоюс салотин»). Бундан ташқари, унинг бир неча шеърлари ҳам бор. Шеърлари содда, қайғули. У Фарғонада ўзбек, қирғиз, қипчоқ бошлиқлари орасида катта инзолар бўлганини, ўзаро келишмовчиликларни жуда тўғри баён қилади.

Мирза Олим 1887 йилларда вафот этди.

*Ҳожи Собир.* Самарқандлик. Мирза Олим каби шо-

ирлардан, таржимаи ҳоли маълум эмас. Қаландарми, сайёҳми бўлган.

У янги муносабатларни танқид қилади. Хонлик тузумининг мотамини куйлайди.

\* \* \*

\*

*Муқимий*. Бухорода мадрасада ўқиди. Қўқон ва Тошкент мадрасаларида яшади. Қўп вақтини бойларнинг меҳмонхоналарида, чойхоналарда ўтказди. Шеърлари лирик. Тили гўзал...

*Зокиржон Фурқат* — «Баёз шоирлари» орасида энг кучлиси. Классикларга жуда моҳирона тақлид қилади.

Фурқат ўз ғазалларида тўла, ёрқин картина яратишга тиришади.

*Ҳозик (Жунайдулло)* Умархон саройига қабул қилинишидан аввал Бухорода яшайди. Лекин у Насруллодан ҳеч илтифот кўрмайди. Умархон вафотидан сўнг Бухорога қайтгач, сарой адабиётидан ташқарида яшайди.

Шоир *Хиромий* «Тўтинома», «Маҳфилоро» ва «Чор дарвеш» каби асарларни ўзбекчага таржима этади.

Амир Ҳайдар (1805—1822) замонида Бухорода яна бир ўзбек шоири яшайди. *Мужрий*. Талантли эди. Амир Ҳайдарга қасида ёзиб, тақдим этади. Лекин амир ҳеч нима инъом қилмайди. Шоир хор-зор бўлиб ўлади.

*Абулғозий* 1645 йилда Хоразм тахтига ўтиради. У машҳур тарихий асар — «Шажараи турк»ни ёзади.

У Хоразм саройига илмий, адабий кучларни йиғишга тиришди.

Абулғозийнинг набираси Арангхон (1695 йилда ўлган) замонида Хоразмда *Вафой* деган шоир яшади.

Шерғозий замонида (1711—1724) мавлоно *Сайид Муҳаммад Охун* ҳамда мавлоно *Яҳё* деган шоирлар ўтди. Яна шу хон замонида *Андалиб* деган саводли бир бахши ҳам яшади. У халқ достони — «Юсуф ва Зулайхо»ни ёзди.

Темирғозий саройида эса *Паҳлавон Равнақ* деган истеъдодли шоир яшади. Унинг девони бор.

Элтузар (1806 ўлган) ва Муҳаммад Раҳим I (1825) саройларида *Киромий*, *Мунис* каби шоирлар яшаган.

Мунис ҳар вақт Навоий тақлидчиси бўлишга тиришди. Муниснинг устози Музаффар хўжа Киромий ҳам На-

воййга тақлид қиларди. Мушис ҳам шоир, ҳам адабиётчи, ҳам тарих олими эди.

*Муҳаммад Раҳим II* шеър ва мусиқийга катта аҳамият берди. Узи ҳам мусиқийда куйлар яратди. Узининг сарой шоири ва мусиқийчиси Полвон Ниёз Комилга нота ихтиро қилишни буюрди.

Муҳаммад Раҳим II гўё Умархонга тақлид қиларди. Узи шоир эди. Тахаллуси — Феруз.

Бошқа шоирлар унга ўхшатмалар ёзарди. Бу ўхшатмачилик Фарғонадагидан кўпроқ эди. Бу ўхшатма газаллар «Мажмуан шуаро» исми билан китоб шаклида тўпланган.

Хоразмда бир неча тарихий асарлар ҳам ўзбекчага таржима қилинди.

\* \* \*

\*

**Ўзбекларда кўшиқларнинг навлари:** лапар, ашула, алла, ёр-ёр.

*Лапар* қадимдан бор. Маҳмуд Кошғарий асарида ҳам учрайди. Лапарни икки шахс ёки гуруҳ бир-бирига қарши айтади. Гўё бир шеърин мусоҳабадир.

Эски вақтларда тўй арафасида йигитлар ва қизлар тараф-тараф бўлиб лапар айтишардилар.

*Ашула* аксар вақт бармоқ вазнида; баъзан вазндан ҳам чиқиб кетади. Арузга яқинлари ва аруз вазнидагилари ҳам учрайди. Кўпинча бу ҳижоли мисралардан тузилади.

## БИРИНЧИ ДАРАЖАДА АҲАМИЯТЛИ ШАКЛЛАР

*Маснавий* (иккилик). Эрон шеърлятида исломдан олгари бу шакл мавжуд эди.

*Қасида*. Узун шеърлар; бир қофия остида ёзилади. 12—15 байтдан ортиқ бўлиши керак. Ҳукмдор ёки бирор улуғ зотни шоир мадҳ этади. Бунда фалсафий, ахлоқий фикрлар, ишқ-муҳаббат туйғуларини тараннум қилиш кўпинча муқаддимада. Араблардан Эронга тахминан IX асрда ўтган.

*Рубоий* (тўртлик). Ҳамма мисралари бир қофияда бўлиши мумкин. Аксар учинчи мисра қофиясиз бўлади, тўртинчи мисра одатда энг гўзал бўлиши керак. Бу —

эроний шакл. Бу шакл қадим туркий қўшиқлар, шеърлар таъсири шаклида пайдо бўлганлиги ҳақида эҳтимоллар бор.

*Ғазал.* Хотинларга ишқ-муҳаббат ганириш маъносида. Кичик ишқий лирик шакл. Араблар қасиданинг бошида ишқ ҳақида куйлаб, буни тааззул деганлар. Кейин қасида иккига айрилиб, унинг муқаддима қисми мустақил шаклга айланган. Эронга араблардан ўтган ғазал давлатмандлар, аслзодаларнинг кайф-сафо мажлисларининг руҳини тараннум этмакка бошлаган. Ғазал мусиқа билан жўр юрган. Бу шакл арабларда, форсларда сиёсий тушқунлик даврларида ўсган. Эронда мўгул истилосидан аввал бошланган.

### ИККИНЧИ ДАРАЖДА АҲАМИЯТЛИ ШАКЛЛАР

*Қитъа.* Қофияси ҳар байтнинг охирида бўлиб, биринчи мисраси қофиясиз шеърлар.

*Мустаҳзод.* Ҳар мисраси ё ҳар байтига ўз вазнидан бир бўлак қўшилса, мустаҳзод ҳосил бўлади.

*Мусаммаот.* Шеърни тўртлик, бешлик, олтиликка ажратилар. Ҳар бир парча қофиядош бўлади. Қолган парчаларнинг кейинги мисраларигина умумий қофияга жўр қилинади. Араблардан ўтган.

*Таркиббанд, таржиббанд.* Узун манзумали қисмларга бўлинади. Ҳар қисм «банд» деб аталади. Ҳар банднинг ўз қофияси бўлади. Ҳар банднинг охирида айрим қофияли бир байт келади. Мана шу байт ҳар «банд»нинг охирида айнан такрор қилинса, «таржиббанд», бошқа бўлса, «таркиббанд» деб номланади.

# ВАРИАНТЛАР





## ОДАМХУРЛАР

Капиталист хоним  
Гейббельс  
Геринг  
Гиммлер  
Барон  
Помешчик  
Гитлер  
Штурмовиклар

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### Биринчи кўриниш

Саҳна: Гитлернинг саройида катта бир хона. Бу хонанинг деразалари орқали катта саҳн — даралтлар кўринади. Хонанинг бир ёқ деворида катта харита осилди.

Шулъц (ёлғиз ўзи. Стуллари артиб юради. Узоқдан оломон товуши: «Хайль Гитлер!» ва ҳарбий музика садолари эшитилиб туради). Баракалла, шоввозлар! Томоқларнинг қирилмаса бўпти! Хайрон қоламан, ёлғиз хайрон қоламан, бошқа илож йўқ. Қандай замонга қолдик? Бу «Хайль»лар кошки юракдан чиқса экан! Ҳаммаси зўраки. Яқин қолдики, Гитлер жаноблари ҳамма немисни — ёш-қари баробар—лўлнинг баданида ёлғиз нўстаги қолган айнигидек ура-ура минг мақомга йўрғалатадиганга ўхшайди. Не қилай, бу ҳам ўтар. Вильгельмни кўрганмиз. Бир вақтлар суратга салом бериб, соясини ўпар эдилар. Нима каромат кўрсатди у? Навқирон ўғилларининг суяклари билан Бельгия, Франция, Русия далалари тўлди. Сувдан шўрва ясаб, хаёлимизга, тушимизга кирган нон билан ичдик. Картошканинг нўчоғига зор бўлдик. Ана галаба — ана галаба деган гапларнинг бозори қизиб кетди-да, бир вақт қарабсанки, императоримиз Вильгельм тожини отиб, аранг бошини олиб қочибди. Улганнинг устига тепган дегандек, маршал Фушнинг муштуми билан бутун Франция ва Англия бошимизга дўқ этиб уриб, Версалда оёғимизга кишан солди. (Атрофга қўрқа-писа аланглаб). Энди... Энди Гитлер жаноблари янги дўзах очдилар. Урушдан илгарги ичча қорни солган эдим, юмалоққина эди (Қаддини ростлаб қорнини силаб кўради). — йўқ. Бели чиққан пуфакдек гижмалоқ — қапишиб ётибди. Аммо ҳар ҳафта янги давлатни чангаллаб турибмиз. Бельгия бизники, Голландия бизники, Дания бизники. Париждан бўшаган қўл билан Белградни бўғдик. Энди бу ердан ёқалаб Гитлер жаноблари Грецияга ўтмоқчи ва ана шуни (свастикани кўрсатади) Акрополь устига қўндирмоқчи бўладилар. Аммо шу аломатга кўзим тушса, ҳар вақт ичим сесканиб кетади-да, нима учундир... унинг немис халқига бахт келтиришига сира кўнглим чопмайди. Нима ўзи у? Аллақандай ёмон нарсанинг ўлимга ўхшаш...



# ИЗОҲЛАР



Ойбек «Мукаммал асарлар тўплами»нинг ушбу томи адибнинг ўзбек тилида ёзган асарларини ўзига жамлаган сўнгги жилддир.

Ушбу томга Ойбекнинг публицистика ва адабиётшуносликка оид нутқлари, тақризлари ва ҳамкорликда ёзган мақолалари, шунингдек, тугалланмай қолган асарлари — дoston, пьеса ва таржималари киритилди. Бундан ташқари, адибнинг ижодий лабораториясини очишга ёрдам берувчи баъзи бир материаллар ҳам ушбу томдан жой олди.

Ҳамиша ижодий иш иқлимида яшаган Ойбек адабиётнинг барча соҳалари ва жанрларида самарали ижод этибгина қолмай, ҳаммиша қандайдир асарни яратиб таратдида бўлди. Унинг ижодий режалари шу қадар кўп эдики, у ҳатто бу режаларнинг барчасини амалга ошириш имкониятига эга бўлмади. Натижада у мўлжалланган айрим асарлар план ҳолида ёки айрим эскизлар шаклида қолди. Бу асарларнинг ёзилган қисмлари ёки планлари билан танишиш Ойбекнинг бадний оламини кенгроқ ва теранроқ ҳис этиш, унинг ижодхонасига кириш, ижодий «сир»лари билан ўртоқлашиш имконини беради.

Ойбекнинг ёшлик йилларидаги дўстлари — адабиётшунос олим Ҳомид Ёқубов ва ёзувчи Миркарим Осимнинг, шунингдек рафиқаси Зарифа Саидносированинг хотирлашича, адиб 20-йилларнинг охирида «Студентлар» номли романи ёза бошлаган. Аммо бу даврда унинг ҳаётий тажрибаси ва ижодий малакаси етарли бўлмагани сабабли роман тугалланмай қолган. Афсуски, бу чала қолган асарни топшишга қаратилган изланишлар ҳозирча натижа бермади.

Ойбек 30-йилларнинг охирида ва айниқса 40-йилларда драматургия билан қизиқиб, бир қанча пьесалар ёза бошлади, лекин номаълум сабабларга кўра, уларнинг аксарини тугата олмади. Адибнинг шу даврда ёзган драматик асарларидан бири «Тўлқинлар» пьесаси эса гарчанд тугалланган бўлса-да, сайқал олмасдан қолган. Шу ваздан бўлса керак, Ойбек оиласи бу асарни ҳозирча эълон қилмасликни лозим деб топди.

Бундан ташқари, адибнинг чала қолган асарлари орасида Амир Темурга бағишланган дoston ҳам мавжуд бўлиб, бу дostonни ҳам эълон қилиш ҳозирча мақсадга мувофиқ деб топилмади.

Шунингдек, адибнинг эпистоляр мероси ҳали яхши тўпланилмагани ва ўрганилмагани сабабли турли кишилар ва ташкилотларга ёзилган хатлар ҳам ушбу том доирасига киритилмади.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти бу асарларни жиддий ўрганишдан кейин тегишли изоҳ ва шарҳлар билан нашр этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

## ПУБЛИЦИСТИКА ВА АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАР

### НУТҚЛАР

**Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг «Евгений Онегин» шеърӣй романи таржимасининг муҳокамасига бағишланган йиғилишида сўзланган нутқ**

(7-бет)

А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан 1937 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида турли йиғилишлар бўлиб ўтган. «Евгений Онегин» шеърӣй романи таржимасининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш ҳам, афтидан, шу даврда бўлган. Аммо бу давр матбуотида ушбу йиғилиш ҳақида бирор маълумот учрамайди. Ўзбекистон Давлат архивида сақланаётган республика Ёзувчилар союзининг фондларида ҳам бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ.

Фақатгина Ойбек архивида адибнинг мазкур йиғилишида сўзланган нутқининг стенографик ёзуви сақланган холос. Бу стенографик ёзувда йиғилишнинг қачон бўлиб ўтганлиги ва унда кимлар қатнашганлиги тўғрисида маълумот учрамайди.

Ушбу нутқ зикр этилган стенографик ёзув асосида баъзи бир услубий характердаги таҳрирлар билан биринчи марта нашр этилмоқда.

**Ўзбекистон ёзувчиларининг йиғилишида сўзланган нутқ**

(22-бет)

1946 йил 26 августда Тошкент ёзувчиларининг ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган қарорлари муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишида қилинган маъруза тексти.

Маъруза тексти адиб архивида сақланаётган қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

**Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи юзасидан ўтказилган дискуссияда сўзланган нутқ**

(34-бет)

1948 йил 28 июнь ва 2 июль кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар союзида Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи бўйича ўтказилган дискуссияда сўзланган нутқ. Дискуссия Ойбек ранслигида ўтган.

Ушбу нутқ Ўзбекистон Давлат архивида (2356-фонд, 1-рўйхат, сақланиш рақами 158) сақланаётган стенограмма ҳисоботи материаллари асосида баъзи бир услубий характердаги таҳрирлар билан эълон қилинмоқда.

Нутқ тексти Ойбекнинг мазкур дискуссиядаги кириш ва сўнги сўзлари асосида тайёрланди.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**«Шарқ юлдузи» 1948 йил сонларининг муҳокамасида  
сўзланган нутқ**

(40-бет)

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг «Шарқ юлдузи» журналининг 1948 йилда чиқарилган олти сони ҳақида ўтказилган муҳокамада сўзланган нутқ.

Муҳокамага Ойбек раислик қилган.

Ушбу нутқ тексти Ойбекнинг шу муҳокамадаги кириш ва сўнгги сўзларини ўз ичига олади.

Нутқ тексти Ўзбекистон Давлат архивида (2356-фонд, 1-рўйхат, сақланиш рақами 161) сақланаётган мазкур муҳокама стенограмма-си асосида баъзи бир жузъий таҳрирлар билан тайёрланди.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**1948 йил ўзбек совет поэзиясининг муҳокамасида сўзланган нутқ**

(44-бет)

1949 йил 12 майда Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган муҳокамада сўзланган нутқ. Муҳокамага Мирмуҳсин раислик қилган. Асқад Мухтор доклади бўйича ўтказилган муҳокамада Ойбек ҳам қатнашган.

Нутқ тексти Ўзбекистон Давлат архивида (2356-фонд, 1-рўйхат, сақланиш рақами 195) сақланаётган стенограмма материаллари асосида баъзи бир услубий характердаги таҳрирлар билан тайёрланди.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**1957 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ**

(46-бет)

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг раиси Ойбек узоқ йиллар давомида СССР Олий Советининг депутати сифатида фаол жамоатчилик фаолияти билан шуғулланди.

1958 йилда бўлиб ўтган СССР Олий Советига сайлов арафасида Ойбек Қорақалпоғистон меҳнаткашлари билан учрашиб, ўз номзодини депутатликка тавсия этганлари учун миннатдорчилик билдирди. Ана шундай учрашувларининг бирида сўзланган нутқнинг машинкаланган нусхаси ёзувчи архивида сақланади.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**1957 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ**

(48-бет)

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари билан ўтказилган иккинчи учрашувда сўзланган бу нутқ текстининг машинкаланган нусхаси ҳам адаб архивида сақланади.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1960 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ

(51-бет)

СССР Олий Советининг 1960 йилда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясидан кейин Ойбекнинг Тўрткўл колхозчилари билан бўлиб ўтган учрашувида сўзланган нутқ.

Нутқ текстининг машинкаланган нусхаси адиб архивида сақланади.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1961 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ

(55-бет)

Тўрткўл райони меҳнаткашлари билан КПССнинг XXII съезди ва пахтакор республикаларнинг Тошкентда бўлиб ўтган қурултойндан кейин ўтказилган учрашувда сўзланган нутқ.

Нутқ текстининг машинкаланган нусхаси адиб архивида сақланади.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

1962 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ

(59-бет)

СССР Олий Советига депутатликка номзоди кўрсатилиши муносабати билан Қорақалпоғистон меҳнаткашлари орасида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқ.

Нутқ текстининг машинкаланган нусхаси адиб архивида сақланади.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Китобхонлар билан учрашувда сўзланган нутқ

(62-бет)

1965 йилда, Ойбек таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносидан шаҳар китобхонлари билан учрашувда сўзланган нутқ.

Нутқ текстининг машинкаланган нусхаси асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий сессиясида сўзланган нутқ

(64-бет)

1965 йил 21 сентябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими ҳамда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ўтказилган илмий сессияда сўзланган нутқ.

Нутқ текстининг машинкаланган нусхаси асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.



## ТАҚРИЗЛАР

Хусайн Шамснинг «Хуқуқ» романи ҳақида

(65-бет)

Хусайн Шамснинг «Хуқуқ» романи қўлёзмасига 1941 йил 22 ноябрда ёзилган бу тақриз биринчи марта эълон қилинмоқда.

Яна шу асар ҳақида

(66-бет)

Хусайн Шамснинг «Хуқуқ» романининг қайта ишланган вариантыга 1942 йилда ёзилган бу кичик тақриз ҳам биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ўткир Рашидовнинг «Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўзбек совет болалар адабиёти» мавзuidaги кандидатлик диссертацияси тўғрисида

(67-бет)

Академик Ойбек илмий раҳбар бўлган ушбу диссертация 1957 йилда ҳимоя қилинган. Ушбу тақриз шу йили диссертациянинг ҳимояга тавсия этилиши муносабати билан ёзилган.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ж. Шариповнинг «Бадий таржиманинг баъзи проблемалари» номли диссертациясига тақриз

(68-бет)

«Евгений Онегин» шеърӣ романи таржимасига бағишланган ушбу диссертация 1956 йилда ҳимоя қилинган. Тақриз диссертациянинг ҳимояга қўйилиши муносабати билан ёзилган.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Абдулла Қодирийнинг ижоди тўғрисида

(69-бет)

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи учун Иззат Султон томонидан ёзилган кириш сўзи ҳақидаги бу мулоҳазалар 1958 йил 4 февралда қайд этилган.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асари ҳақида

(70-бет)

Ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига бағишланган ушбу очерклар тўплами 1960 йилда «61 баҳодир» номи билан нашр этилган.

Нашриёт учун ёзилган мазкур тақриз биринчи марта эълон қилинмоқда.

**С. Мирвалиевнинг «Ўзбек совет адабиётида хорражий Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг ифодаланиши» мавзuidaги диссертацияси ҳақида**

(71-бет)

С. Мирвалиевнинг 1960 йил 12 октябрда ҳимоя этилган кандидатлик диссертациясига ёзилган тақриз.  
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**А. Алиевнинг кандидатлик диссертацияси ҳақида**

(72-бет)

Аҳмад Алиевнинг 1960 йил декабрида ҳимоя этилган кандидатлик диссертациясига ёзилган тақриз.  
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**Наврўз Жапақовнинг кандидатлик диссертациясига тақриз**

(74-бет)

Н. Жапақовнинг Аяиберген Мусаев ижодига бағишланган кандидатлик диссертациясига 1963 йилда ёзилган тақриз.  
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

**У. Тўйчиевнинг «Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси» мавзuidaги диссертацияси ҳақида**

(75-бет)

У. Тўйчиевнинг 1963 йилда ҳимоя қилинган кандидатлик диссертациясига ёзилган тақриз.  
Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## **ҲАМҚОРЛИҚДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР**

**Устоз санъаткор**

(76-бет)

Л. Н. Толстой таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан ёзилган ушбу мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1953 йил 7 сентябрь сонida эълон қилинган. Мақолага Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Парда Турсун, Зулфия, Ҳаким Назир, Асқад Мухтор ва Раҳмат Файзий ҳам имзо чекишган.

Ойбек архивida ушбу мақоланинг қўлёзма нусхалари ёхуд эскизлари учрамайди.

## Қаламқашлар ўртасида амалий дўстлик бўлсин

(80-бет)

КПССнинг XX съезди муносабати билан ёзилган ушбу мақола «Литературная газета»нинг 1956 йил 20 октябрь сониди эълон қилинган ҳамда «Қизил Ўзбекистон газетасининг ўша йилги 21 октябрь сониди кўчириб босилган.

Мақолага Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Зулфия, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Собир Абдулла ва Мамарасул Бобоевлар имзо чекканлар.

Ойбек архивида мақоланинг қўлёзма нусхалари учрамайди.

## Қорақалпоқлик азиз дўстларга сўзимиз

(83-бет)

Тошкентда қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси очилиши муносабати билан ёзилган ушбу мактуб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1957 йил 24 январь сониди эълон қилинган.

Мактубга Ойбек, С. Азимов, М. Ашрафий, А. Абдуллаев каби ўзбек адабиёти ва санъатининг 35 арбоби имзо чеккан.

Мақола қўлёзмаси Ойбек архивида учрамайди.

## Ўрнимиз — жанговар сафда

(86-бет)

Пахта усталарининг республика қишлоқ хўжалиги меҳнатқашларига қарата ёзган мурожаатномаси муносабати билан ёзилган ушбу мақола «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 1 июль сониди эълон қилинган. Мақолага Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, К. Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Шайхзода ва бошқалар имзо чекканлар.

Мақола қўлёзмаси Ойбек архивида учрамайди.

## Адабиётимизнинг дўсти

(89-бет)

Константин Фединнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган ушбу мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1967 йил 22 февраль сониди эълон қилинган. Мақолага Ойбек, Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Зулфия, С. Бородин имзо чекканлар.

Мақола қўлёзмаси Ойбек архивида учрамайди.

## Ассалом, азизлар!

(92-бет)

Тошкентда очилган тожик адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан ёзилган ушбу мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1968 йил 21 май сониди эълон қилинган. Мақолага Ойбек, Яшин ва Зулфия имзо чекканлар.

Мақола қўлёзмаси Ойбек архивида учрамайди.

## ТУГАЛЛАНМАГАН АСАРЛАР ДОСТОНЛАР

Лашкарбоши

(97-бет)

Улуғ Ватан уруши мавзуга бағишланган бу достоннинг ёзила бошланган санаси номаълум. Достоннинг дастлабки бандлари 18,5×10 см форматдаги муқовасиз блокнот саҳифаларига гунафша снѐҳ билан ёзилган.

Қўлёзма адиб архивида сақланади.

Бобир

1965 йилда ёзила бошланган бу достон 30,5×21,5 см форматдаги учта катта ва 21×13 см форматдаги битта кичик қоғозга араб алифбосида ёзилган. Қоғозлар ҳошиясига 1965 йил деб сана қўйилган.

Ойбек бу асарни Темура ҳақидаги достон билан бир пайтда ёза бошлаган. Шунинг учун ҳам уларнинг вази ва услуб хусусиятлари бир-бирига ўхшашдир. Ҳар иккала достонга барабар киришган Ойбек ўз хаёлида шаклланган байтларни ён дафтар саҳифаларига ҳам ёзиб борган. Баъзан унинг илтимоси билан бундай байтларни оила аъзолари ҳам ёзиб юрганлар. Бироқ ён дафтарга битилган бундай байтлар ҳар иккала достоннинг ғоявий мундарижасини изчил равишда акс эттирмайдн.

Кейинчалик ҳар иккала достон Зарифа Саидносирова қўли билан оққа кўчирилган.

Достон «Шарқ юлдузи» журналининг 1977 йил 9-сонида биринчи марта эълон қилинган. Достоннинг сўнгги йигирма уч байти ушбу томда биринчи марта чоп этилмоқда.

Достон қўлёзмаси шоир архивида.

## ПЪЕСАЛАР

Ғалвирчи

(138-бет)

Ойбек 1941 йилда «Маҳмуд Торобий» опера либреттосини ёзгач, шу асар мотивлари асосида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри учун ҳам пьеса ёзишга қарор қилади. Бироқ, номаълум сабабларга кўра, пьеса устидаги иш тугалланмай қолган. Ойбек архивида сақланаётган пьесанинг умумий планига кўра, асар беш пардадан иборат бўлиши керак эди.

Қуйида пьесанинг ана шу умумий плани илова этилади:

«Ғалвирчи

*Жуда умумий чизиқлар*

I. Торобий ўз ҳунари билан машғул. Хотини. Қўни-қўшнилари. Ҳокимлардан, зўрлардан шикоят. Мўғулларнинг халққа жабри. Ерли бойлар, амалдорлар улар билан бирга. Торобийда исён фикрлари алангалана бошлайди.

II. Деҳқонлар қишлоқда катта солиқни қандай тўлашни музокара қиладилар. Ҳаммаси асабий, ҳаммаси жондан безган бир ҳолатда. Қуллар. Торобий ўзига эргашган исёнчи халқ билан келиб қўшилади.

III. Мўғул бекарининг қароргоҳи. Ерди аслзодалар улардан ёрдам сўрайдилар. Мўғулларнинг зулмини тасвирловчи характерли воқеалардан бир нечаси гавдалантирилади. Мўғул хонни исёнчиларга қарши қўшни юборади.

IV. Торобий бошлиқ исёнчилар шаҳарда — Бухорода. Бойлар, мулкдорлар, амалдорларнинг молларини тарож қилиниб, камбағалларга улашиш. Мўғул қўшинининг етиб келгани хабари. Курашга ҳозирлик.

V. Исёнчилар билан мўғул қўшинининг тўқнашуви. Торобий мардлик, олижаноблик, халқ ишига чуқур садоқат ва севги кўрсатади. Жангда вафоти. Хотима».

Пьесанинг мавжуд матни Ойбек томонидан «биринчи ва хомаки вариант» деб аталган. У 38×26 см форматдаги сарғиш қоғозга бинафша сисёх билан (айрим саҳифалари эса қалам билан) ёзилган. Асар қўлёзмаси 74 бетдан иборат бўлиб, унинг ёзилган санаси қайд этилмаган.

Биринчи марта эълон қилинмоқда.

## Ватан қизи

(138-бет)

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида ёзилган. Ёзувчининг ниятига кўра, асар тўрт пардадан иборат бўлиши ва шешрий йўлда яратилиши керак эди. Бироқ асарнинг учинчи пардаси ҳам тугамай қолган.

Пьеса 37×26 см форматдаги оддий ёзув қоғозига араб графикасида қора сисёх билан ёзилган. Қўлёзма 84 бетдан иборат. Қўлёзмада асарнинг ёзилган санасига тааллуқли ҳеч қандай ёзув йўқ.

Ойбек архивида сақланиб қолган уч-тўрт сатрлик ёзувга кўра, асарда қуйидаги персонажлар ҳам иштирок этиши кўзда тутилган:

«1. Турғун Мухторов. Инженер-геолог. Тоғларда янги конларни қидириб юради. Ҳарбий аҳамияти муҳим бўлган бир маъдан топади. Уни олиш учун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш идеяси билан овора.

2. Абдулла Иброҳимов — район партия раҳбари.

3. Асадбек — чет эл жосуси».

Ёзувчи асарни ёзиш жараёнида, афтидан, ўзининг дастлабки режаларидан бир оз чекинган ва бу персонажларнинг ҳаммасини ҳам пьесага киритмаган.

Асар қўлёзмаси ёзувчи архивида.

## Йўлнинг бошида

(200-бет)

Бу, пьесанинг «биринчи, хомаки режаси» бўлиб, ёзилган санаси қайд этилмаган. Асар, мазмунига кўра, 30-йилларнинг ўрталарида ёзилган кўринади. Стандарг форматдаги қоғозга қора сисёх билан ёзилган. Қўлёзма 17 бетдан иборат.

Асарнинг иккинчи пардасидан бошлаб қўлёзмада Норжон Гулнор бўлиб кетган.

Ёзувчининг эътиборсизлиги туфайли асар персонажларининг ҳаммаси ҳам «Қатнашувчилар» силсиласида қайд этилмаган. Асар қўлёзмаси адиб архивида.

### Одамхўрлар

(209-бет)

Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган пьесанинг «биринчи варианты» 37×25,5 см форматдаги қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. 15 бетдан иборат бу асарнинг икки бетли варианты ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ мустақил характерга эгадир.

Пьеса қўлёзмаси адиб архивида сақланмоқда.

### Қайнар кунлар

(218-бет)

Тўрт парда саккиз кўринишли бу драма уруш йилларида ёзилган. Сарғиш ёзув қоғозига (формати 27,5×21,5 см) қора сиёҳ билан ёзилган бу асар қўлёзмаси беш саҳифадан иборат.

Қўлёзма адиб архивида сақланади.

## ТАРЖИМАЛАР

### Гомер

(Эрамизгача бўлган XII—VIII-асрлар ўртасида яшаган)

### Илиада

(222-бет)

30-йилларнинг охирида В. Г. Беллинскийнинг «Поэзиянинг жинсларга ва турларга бўлиниши» мақоласини таржима этиш жараёнида ўзбекчалаштирилган. Ойбек кейинчалик бу асарни тўла таржима этиш ниятида бўлган, ammo бошқа ижодий ишлар унинг бу ниятини рўёбга чиқариш учун имкон бермади. Бу асардан олинган парчалар таржимаси А. С. Пушкиннинг «Тун нури соҳир...» «Булут» шеърлари ва «Полтава» достонидан олинган парчалар ҳамда И. П. Қозловнинг «Дездемона романи» шеъри билан биргаликда 30,5×20,5 см форматдаги эскирган, сарғиш рангли қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Бу таржималарнинг қўлёзмаси 9 бетдан иборат.

В. Г. Беллинский мақоласининг ўзбекча нашрларида эълон қилинган.

Таржима қўлёзмаси Ойбек архивида сақланади.

**А. С. Пушкин**

(1799—1837)

**ПОЛТАВА**

(222-бет)

А. С. Пушкиннинг шеърӣ йўл билан ёзилган бу биринчи тарихий асари 1828 йилда яратилган ва 1829 йилда алоҳида китоб шаклида нашр этилган.

Поэманинг иккинчи қўшиғидан олинган ушбу парча В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг жинсларга ва турларга бўлиниши» мақоласида шекспирона санъат билан ёзилган саҳна сифатида келтирилган.

Ушбу парча В. Г. Белинскийнинг мазкур мақоласи муносабати билан таржима этилган ва улур рус мунаққидининг ўзбек тилидаги асарларида берилган.

Таржима қўлёзмаси адиб архивида сақланади.

## **МАТЕРИАЛЛАР**

### **«Қуёш қораймас» романи учун тўпланган материаллар**

Ойбек 1942 йилнинг декабрь — 1943 йилнинг март ойларида фронтда бўлиб, «Қуёш қораймас» романи учун материал тўплайди. Ушбу томда эълон этилаётган материалларнинг бир қисми, масалан, «Қайдлар», адибнинг фронт сафари кунларида ёзилган. Фронтдан келибоқ — 1943 йилнинг 22—23 мартида — роман ёзишга киришган Ойбекнинг асар планга онд қайдлари эса ўша йилнинг март-апрель ойларига онддир, деб тахмин қилиш мумкин.

Ушбу томда эълон этилаётган материаллар турли вақтда, турли қозғаларга ёзилган ва уларнинг ёзилиш санаси қайд этилмаган.

Адибнинг мазкур роман учун тўплаган материалларининг аксар қисми «Мукамал асарлар тўплами»нинг VIII ва X томларида эълон этилган.

Роман материаллари адиб архивидан олинди.

### **«Нур қидириб» повести учун тўпланган материаллар**

(238-бет)

Покистон халқининг ҳаётига бағишланган повесть учун тўпланган материаллар орасида урдуча-русча луғат ва Покистон халқининг мақоллари ҳам бор. Бу луғат ва мақоллари Ойбек Покистон сафаридан сўнг тўплаган. Қўшни мамлакат ҳаётига бағишланган асарга киришишдан олдин ёзувчи Покистон халқининг тили ва оғзаки ижоди намуналари билан қизиққан. Шунингдек, Ойбек Файз Аҳмад Файз ижодини ҳам қуш билан ўрганган. Бироқ Файз Аҳмад Файзнинг поэтик ижоди повестнинг бадий тўқилмасига узвий киритиб юборилмагани сабабли унинг Ойбек архивида сақланаётган шеърӣ асарлари ушбу томда материал сифатида тақдим этилмади.

«Нур қидириб» повести учун тўпланган ушбу материал адиб архивида сақланади.

### «Амир Олимхон» романи учун тўпланган материаллар

(242-бет)

Ойбек ўз умрининг сўнгги йилларида Бухоро инқилоби тарихига бағишланган роман устида ишлаш ниятида бўлган. Унинг 1968 йилда баён этилган ижодий режаларида бундай сўзлар бор; «Навойнинг болалиги» қиссасини ва «Бобир» дostonини тугатиб, эҳтимол Бухоронинг 1910—1920 йиллар даври ҳақида бир роман ёзсам, дейман. Шу орзу ила керакли материаллар тўплашга киришдим».

Адиб мазкур романга материал тўплаш ниятида 1968 йилнинг 23 апрелида Бухорога бориб, Бухоро амирининг қароргоҳи, турли тарихий жойлар ҳамда ўша йилларнинг гувоҳи бўлган кишилар билан танишади.

Ойбекнинг Бухорога қилган сафари Зулфиянинг «Қуёшли қалам», Жамол Камолнинг «Тош туёғи» дostonларида тасвир этилган.

Адибнинг шартли равишда «Амир Олимхон» деб аталган романи учун тўпланган материаллар бухоролик кексалар оғзидан (Зарифа Саидносирова томонидан) ёзиб олинган.

Мазкур материаллар Ойбек архивида сақланади.

### Ленин ҳақидаги асарнинг плани

(254-бет)

Ойбекнинг Ленин ҳақида катта лиро-эпик ёхуд эпик асар ёзмоқчи бўлганлиги тўғрисида бирор ерда маълумот учрамайди.

Ушбу планга кўра, Ойбек, афтидан, Ленинга бағишланган дoston ёзмоқчи бўлган. Аммо адибнинг бу адабий нияти амалга ошмай қолган.

Асар плани адиб архивида сақланади.

### «Қайноқ кунлар» пьесасининг умумий плани

(255-бет)

Уруш даври ҳаётидан олинган бу пьесанинг тугалланмаган умумий планигина мавжуд бўлиб, унинг аннқ ёзилмоқчи бўлган санаси маълум эмас. Афтидан, Ойбек пьесанинг умумий плани устида ишлаш жараёнидаёқ асар ёзишга бўлган қизиқишини йўқотган.

Асарнинг умумий плани адиб архивида сақланади.

### Ўзбекистонда ишчилар синфининг туғилишига бағишланган пьесанинг плани

(262-бет)

Ойбек Ўзбекистонда ишчилар синфининг туғилишига бағишланган бу пьесада инқилоб арафасидаги синфий кураш манзара-



ларини тасвирламоқчи бўлган. Афтидан, пьеса «Қутлуғ қон» романи билан Ҳамоҳанг бўлган ҳаёт воқеаларини ўзида гавдалантиришни керак эди.

Пьеса планининг ёзилган санаси маълум эмас.

План Ойбек архивида сақланади.

### **«Қаҳқаҳаи ҳусн» тарихий драмасининг қатнашчилари рўйхати**

(264-бет)

Машҳур ўзбек шоираси Нодиранинг фожиали ҳаётига бағишланган бу пьеса бўйича Ойбек томонидан материал тўплангани маълум эмас. Адиб архивида пьеса қатнашчиларининг мазкур рўйхатигина бор холос.

### **Хоразм инқилобига бағишланган пьесанинг плани**

(265-бет)

Ойбекнинг Хоразм инқилобига бағишланган пьеса устида ишламоқчи бўлганлиги тўғрисида бирор ерда маълумот учрамайди. Пьесанинг умумий йўналишига алоқадор ушбу пландан бўлак адиб архивида ҳеч нарса йўқ.

### **Номаълум бир пьеса қатнашчиларининг рўйхати**

(266-бет)

Октябрь инқилоби арафасидаги синфий кураш мавзусига бағишланган ушбу асар Ўзбекистонда ишчилар синфининг туғилишига бағишланган пьесага тематик жиҳатдан яқин кўринади. Ҳар иккала пьеса қатнашчиларининг рўйхатида Тошбиби образи мавжуддир. Бироқ бу пьесада у, аввалгисидан фарқли ўлароқ, мой заводи ишчисининг эмас, балки батрақнинг хотинидир.

Персонажлар рўйхатида дружиначилар ва милиционерларнинг бўлиши бу пьесадаги воқеаларнинг инқилобдан кейинги йилларда ҳам кечишидан дарак беради.

Адиб архивида бу пьесага тегшли бошқа материаллар учрамайди.

### **Бадиий ижодда фойдаланиш учун халқ оғзидан ёзиб олинган асарлар**

(267-бет)

Ойбек узоқ йиллар мобайнида, ўз асарларида фойдаланиш ниятида, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, лапар ва қўшиқларни йиғиб борган. Шунингдек, киши номлари ва лақаблари билан ҳам қизиққан. Бу мақоллар, ҳикматли сўзлар ва киши номларидан ўз асарларида қисман фойдаланган.

Адиб томонидан турли вақтларда тўплаб ва ёзиб борилган бу материаллар Зарифа Сандносирова томонидан системалаштирилган.

Халқ ижоди намуналарини ушбу том учун тайёрлашда З. Сандносирова кўчириб чиққан блокнотлардан фойдаланилди.

## Ўзбек адабиёти тарихи ҳақида

(286-бет)

Турли тарихий ва адабий манбалардан олинган бу мате. лаллар Ойбекнинг илмий-танқидий асарлари учун олиб борилган тайёргарлик ишларини ўзида гавдалантиради.

Ушбу қайдлар аднбнинг адабиётшуносликка онд ишларига пой-девор бўлиб хизмат этган.

Тарихий манбаларнинг конспекти бўлган бу материаллар дафтар шаклида Ойбек архивида сақланади.

## РАСМЛАР РЎЙХАТИ

Ойбек. 1945 йил	21
Ойбек ўз ҳовлисида. 1957 йил	77
Ойбек. 1958 йил	139
Ойбек қозоқ ёзувчиси С. Бегалин ва Н. Фозилов билан суҳбатлашмоқда	219

## МУНДАРИЖА

### Публицистика ва адабиётшуносликка оид асарлар

#### Н у т қ л а р

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг «Евгений Онегин» шеърый романи таржимасининг муҳокамасига бағишланган йиғилишида сўзланган нутқ	7
Тошкент ёзувчиларининг йиғилишида сўзланган нутқ	22
Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи юзасидан ўтказилган дискуссияда сўзланган нутқ	34
«Шарқ юлдузи» журнали 1948 йил сонларининг муҳокамасида сўзланган нутқ	40
1948 йил ўзбек совет поэзиясининг муҳокамасида сўзланган нутқ	44
1957 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ	46
1957 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ	48
1960 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ	51
1961 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ	55
1962 йилда сайловчилар билан учрашувда сўзланган нутқ	59
Китобхонлар билан учрашувда сўзланган нутқ	62
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий сессиясида сўзланган нутқ	64

#### Т а қ р и з л а р

Ҳусайн Шамснинг «Ҳуқуқ» романи ҳақида	65
Ина шу асар ҳақида	66
Уткир Рашидовнинг «Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўзбек совет болалар адабиёти» мавзуидаги кандидатлик диссертацияси тўғрисида	67
Ж. Шариповнинг «Бадий таржиманинг баъзи проблемалари» номли диссертациясига тақриз	68
Абдулла Қодирийнинг ижоди тўғрисида	69
Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асари ҳақида	70
С. Мирвалиевнинг «Ўзбек совет адабиётида хорижий Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг ифодаланishi» мавзуидаги диссертацияси ҳақида	71
А. Алиевнинг кандидатлик диссертацияси ҳақида	72
Наврўз Жапақовнинг кандидатлик диссертациясига тақриз	74
У. Тўйчиевнинг «Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси» мавзуидаги диссертацияси ҳақида	75

## Ҳамкорликда ёзилган мақолалар

Устоз санъаткор	76
Қаламқашлар ўртасида амалий дўстлик бўлсин	80
Қорақалпоғистонлик азиз дўстларга сўзимиз	83
Ўрнимиз — жанговар сафда!	85
Адабиётимизнинг дўсти	89
Ассалом, азизлар!	92

## Тугалланмаган асарлар

### Достонлар

Лашкарбоши	97
Бобир	98

### Пьесалар

Галвирчи	105
Ватан қизи	138
Иўлнинг бошида	200
Одамхўрлар	209
Қайноқ кунлар	218

### Таржималар

Гомер. Илиада	222
А. С. Пушкин. Полтава	224

### Материаллар

«Қуёш қораймас» романи учун тўпланган материаллар	229
«Нур қидириб» повести учун тўпланган материаллар	238
«Амир Олимхон» романи учун тўпланган материаллар	242
Ленин ҳақидаги асарнинг плани	254
«Қайноқ кунлар» пьесасининг умумий плани	255
Ўзбекистонда ишчилар синфининг туғилишига бағишланган пьесанинг плани	262
«Қаҳқаҳаи ҳусн» тарихий драмасининг қатнашчилари рўйхати	264
Хоразм инқилобига бағишланган пьесанинг плани	265
Номаълум бир пьеса қатнашчиларининг рўйхати	266
Бадний ижодда фойдаланиш учун халқ оғзидан ёзиб олинган асарлар	267
Ўзбек адабиёти тарихи ҳақида	286
Вариантлар	303
Изоҳлар	307
Расмлар рўйхати	323

*На узбекском языке*

**М. Т. АЙБЕК**

**ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ**

**в 19 томах**

**том XIX**

**ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИЕ И ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИЕ СТАТЬИ.  
НЕЗАКОНЧЕННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ. МАТЕРИАЛЫ**

**Ташкент, «Фан»**

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил  
ва адабиёт институтининг Илмий совети,  
ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими  
томонидан нашрга тасдиқланган.*

**Муҳаррир А. Комилсва  
Рассом В. Тий  
Техмуҳаррир Ҳ. Бобомухамедова  
Корректор М. Содиқова  
ИБ № 1205**

Тарихга берилди 17.03.81. Босишга рухсат этилди 29.04.81. P08119. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 15,17. Ҳисоб-нашриёт л. 13,4. Тиражи 5000. Закази 54. Баҳоси 1 с. 70 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

**Ойбек Тошмуҳаммад ўғли.**

Мукаммал асарлар тўплами.  
19 томлик (Таҳрир ҳайъати: М. Шур-  
муҳамедов ва бошқ.), Т., «Фан», 1981.

Сарл, олдида ЎзССР ФА А. С. Пуш-  
кин номидаги Тил ва адабиёт ин-  
ститутини.

18-т. Публицистика ва адабиёт-  
шуносликка оид асарлар. Тугаллан-  
маган асарлар. Материаллар (Изоҳ-  
лар билан нашрга тайёрловчилар:  
З. Саидносирова, Н. Қаримов, Р. Ибро-  
ҳимова; Масъул муҳаррир: Н. Қаримов),  
328 б.

Айбек М. Т. Полное собрание со-  
чинений. В 19-ти т, т. 18. Публици-  
стические и литературоведческие  
статьи. Незаконченные произведе-  
ния. Материалы.

Ўз2

**ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН»  
НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ  
«МУҚАММАЛ АСАРЛАР  
ТЎПЛАМИ»НИ НАШРДАН  
ЧИҚАРАДИ:**

Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 19 томлик, 19-том (рус тилида).

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мукаммал асарлар тўплами, 4 томлик, 4-том.

Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами, 10 томлик, 3—4 томлар.